

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ФАЛСАФА

Маърузалар матни

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиши ва янгиларини яратиши
бўйича Республика
мувофиқлаштириши комиссияси тавсия этган*

Тошкент – 2000

Масъул муҳаррир: ф.ф.д. Қ. Назаров

*Тақризчилар: ф.ф.д., проф. Б. Тўйчиев,
ф.ф.д., проф. Б. Каримов, ф.ф.д. А. Мўминов.*

Мазкур китобдан фалсафа курси бўйича янги дастур асосида ёзилган маърузаларнинг қисқа матнлари ўрин олган. Ушбу тўпламда фалсафанинг асосий масалалари, баҳс мавзулари, фалсафий мактаблар, атоқли файласуфларнинг таълимотлари, ҳозирги замон фалсафасининг оқимлари тўғрисидаги маълумотлар миллий ғоя ва истиқлол мафқураси талаблари асосида баён қилинган.

Маъруза матнлари Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг куйидаги аъзолари томонидан тайёрланган: Қ. Назаров (Кириш, I бўлим 1,4; V бўлим 5,8-мавзулар), С. Мамашокиров (I бўлим 2,3; III бўлим 5-мавзу), Ё. Тоиров (V бўлим 1,2-мавзу), С. Йўлдошев (II бўлим 1,2-мавзу), Ҳ. Алиқулов (II бўлим 4,6-мавзу), Р. Носиров (II бўлим 3-мавзу), М. Усмонов (II бўлим 5-мавзу), А. Ўтамуродов ва Д. Пўлатова (II бўлим 7-мавзу), Б. Тўраев (III бўлим 1,2,3-мавзу), Ж. Раматов (III бўлим 4-мавзу), А. Очилдиев (IV бўлим 1,2,3-мавзу), Қ. Рўзमतзода (IV бўлим 4; V бўлим 6-мавзу), А. Бегматов (V бўлим 3-мавзу), А. Ортиқов ва С. Чориев (V бўлим 4-мавзу), И. Соифназаров ва Т. Каримов (V бўлим 7-мавзу). Курсив билан берилган жойлар масъул муҳаррир томонидан ёзилган.

Маъруза матнлари фалсафани ўрганишга киришадиган талабалар учун мўлжалланган.

Босишга рухсат этилди _____ Бичими 60X84^{1/16}. «TimesUZ» ҳарфида
териблиб, офсет усулида босилди. Босма табағи 19,5. Нашр ҳисоб табағи 18,5. Адади 5000. Буюртма № ___ Баҳоси шартнома асосида.

Кўлёзма макет олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
кошидаги ЎАЖБНТ марказида тайёрланди

«ДИТАФ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор кўчаси, 171 уй.

КИРИШ

Хурматли талабалар!

Мана, сиз фалсафа фанини ўрганишга киришдингиз. «Бу қандай фан?», «Уни нима учун ўрганиш лозим?» деган саволлар билан китобни очдингиз. Ҳақиқатан ҳам, фалсафа қандай фан? Келинг, биргаликда бу саволга жавоб топишга ҳаракат қилайлик.

Инсон бор экан, олам ва одам нима, улар қандай пайдо бўлган, воқелик қандай қонуниятлар асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, умрнинг мазмуни нимадан иборат, авлодлар ортидан авлодлар келиб-кетаверишида қандай маъно бор каби масалалар барчани ўйлантиради. Эҳтимол, ўзингиз ҳам шу сингари бир-биридан мураккаб саволларга жавоб топа олмай қийналгандирсиз?

Бу масалалар ҳақида ким биландир фикр алмашиб, баҳслашгингиз ҳам келар? Фалсафа ана шундай масалалар билан шуғулланади. У ниҳоятда қадимий фан. Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, инсон кадри ва умрнинг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик ҳамда тараққиётнинг умумий қонуниятлари фалсафанинг асосий мавзулари ҳисобланади.

Биз яшаётган дунё сўнгги йилларда ниҳоятда ўзгариб кетди. Хусусан, Ватанимиз тарихида XX асрнинг 90-йилларида оламшумул воқеалар юз берди: мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг ўзбек моделини амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, истиқлол мафқурасини шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтиришни тақозо этмоқда. Бунда ижтимоий фанлар ривожини улкан аҳамият касб этади. Президентимиз Ислам Каримов тўғри таъкидлаганлари каби: «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашини шаклланишида **маърифат**нинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими — уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»¹.

Фалсафа эса — барча фанлар ривожланишига асос бўладиган ва улардан озикланадиган, айни пайтда уларнинг ривожланиш йўллари белгилаб берадиган умуминсоний ва универсал фан. У қадим замонлардаёқ «барча илмларнинг отаси» деб таърифланган. Унинг ҳаётийлиги халқ табиатида, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғлиқ мос экани, жамият манфаатлари ва эзгу интилишларини қай даражада акс эттира олишига боғлиқ.

Дунёда ўз миллий фалсафа мактабини яратган халқлар бор. Чунончи, хинд ва хитой фалсафаси, немис фалсафаси, инглиз фалсафаси қабилар шулар жумласидандир. Миллий адабиёт, миллий маданият, санъат ва ҳоказолар бўлгани каби, миллий фалсафанинг ҳам бўлиши табиий. Аммо бу — фалсафа миллий қобикқа ўралиб қолади, дегани эмас. У умуминсоний фан сифатида, бир томондан, умумбашарий муаммоларни қамраб олса, иккинчи томондан, шу масалалар билан шуғулланаётган аниқ шахс – файласуф мансуб миллатнинг муайян манфаатларини ҳам ифодалайди. Миллат озод бўлса, ўз турмуш тарзига мос фикрласа, оламни, унинг муаммоларини дунёқарашига хос ҳолда идрок эта олса, унинг ўз фалсафаси шаклланади. Бундай фалсафа халқ манфаатларини ақл-идрок, мафкура йўли билан ҳимоя қилишга, унинг онги, дунёқарашини ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Шу боис Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг фалсафани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамият касб этди. Бусиз миллатнинг ҳақиқий фарзанди бўлган, унинг камолини ўйлайдиган чинакам озод, ҳур фикрли, баркамол инсонни тарбиялаб бўлмайди. Шу сабабли биз ўрганадиган фалсафа умумбашарий муаммолар билан бирга, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш жараёнидаги маънавиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий тамойилларини акс эттирмоғи лозим.

Собик Иттифоқ даврида сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўғиб келингани, бирёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилгани туфайли фалсафа қуруқ сафсата ва зерикарли ақидага айланиб қолгани – аччиқ ҳақиқатдир. Чунки у коммунистик ғоялардан ташқарига чиқолмас, ҳаётга тараққиёт нуқтаи назаридан баҳо беролмас эди. Шунинг учун у ёшлар ва талабалар учун камолот воситаси, интилиш омили эмас, тескари тарбия қуроли, зарарли дунёқараш манбаи бўлиб қолган эди. Шу боис у ўз даври мафқураси билан бирга ўтмишга айланди. Бу борада оддий тилда ёзилган қўлланмалар, халқчил китоблар, афсуски, хали ҳам етарли эмас.

Одатда, мутахассис бўлмаган баъзи кишилар фалсафани энг қийин ва энг мавҳум фан деб ҳисоблайдилар. Бунинг сабаби нимада? Бунинг боиси шуки, фалсафа кўп йиллар мобайнида оддий ва рагон тилда тушунтирилмас, аксинча, турли қонун ва қоидалар, хилма-хил таълимот ва ғоялар мажмуидан иборат мураккаб бир фан сифатида талқин этилар эди. У ёки бу фалсафий қоида нега керак, уларни ўрганишнинг қандай аҳамияти бор, муайян файласуф айнан бирор бир ғоя ёки таълимотга кўпроқ аҳамият берганининг сабаби нимада, нима учун унинг қарашларида айнан ана шу муаммо устувор бўлди, деган масалалар кўп ҳолларда

¹ Ислам Каримов. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. 33-бет.

назардан четда қолар эди. Фалсафа тарихий воқелик билан боғлаб тушунтирилмас, фалсафий таълимотлар ўз асосчилари ҳаётининг узвий қисми экани ёддан чиқарилар эди.

Оқибатда нима бўлар эди? Фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз қисмигина бу фаннинг асл моҳиятини тушуниб оларди, холос. Аксарият ёшлар эса, фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гўёки катта шаҳар бошланадиган жойда қолиб кетарди. Кун сайин чуқурлашиб, фан сирларини бор мураккаблигича тушунтиришда давом этаётган ўқитувчи санокли талабалар билан бирга ўша шаҳарга кирарди, кўчалар, маҳаллаларни – фалсафа дунёсини кезишда давом этарди. Лекин қолган талабалар эса бу хазинадан бебаҳра бўлиб, шаҳарга кирмасдан ўтадиган айланма йўлдан боришга мажбур бўлар ва шу тариқа фалсафанинг моҳиятини дурустроқ тушунмай, диплом оларди ҳамда амалиётга кетарди.

Бундайлар назарида фалсафа тушунарсиз, мавҳум ва ортикча фан бўлиб қолади, фақат баҳо олиш учун ёдланган қонун ва қоидалар тез орада унутилади. Уларда фалсафа қонунларини ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди, бу — фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтди, деган аламли қараш шаклланиб қолади. Агар фалсафадан билим берувчи ўқитувчининг ўзи ҳам бу соҳани бир маҳаллар четлаб ўтган собиқ талабалардан бири бўлса, масала янада чигаллашади.

Ҳурматли талабалар, ушбу сўзларни фалсафа бўйича таҳсил тугаб, имтиҳонлар яқинлашган онларда диққат билан яна бир марта ўқиб чиқинг. Фалсафани ўқиган даврингизга, демакки, сиз мансуб бўлган фалсафий воқеликка шу нуқтаи назардан баҳо беришга ҳаракат қилинг. Ана шунда масала ниҳоятда ойдинлашган ва барчанинг, у ўқитувчимиз ёки талабами, бундан қатъи назар, қандай баҳо олгани аниқ бўлиб қолади.

Аслида, фалсафанинг асосий вазифаси инсон онгида соғлом ақлга мос дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бундай дунёқараш бирон-бир ғояни зўрлаб сингдириш ёки қуруқ ёд олдириш орқали эмас, балки ишонтириш, хилма-хил фикрларни ўртага ташлаш, муҳокама қилиш, зарур тушунча, тамойилларни аниқлаш жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур маъруза матнларида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

— фалсафани жаҳон маданияти ва цивилизациянинг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш;

- фалсафий ғоялар, муаммолар, оқим ва йўналишларни тавсифлашда умуминсоний ва миллий кадрларнинг уйғунлиги тамойилига амал қилиш;

- хилма-хил фалсафий таълимот ва турли қарашларни бир бутун жараённинг ифодаси бўлган илмий билимлар тизими сифатида талқин этиш;

- мавзуларни аниқ шароит ва жараёнлар билан боғлаб тавсифлаш, уларни изоҳлашда умумбашарий ва миллий миқёсдаги далил ва мисолларга таяниш;

- ҳар бир мавзунини истиклол ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда тушунтириш.

Биз бу жараёнда бирор бир ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириб, бошқаларининг аҳамиятини камситиш фикридан йироқмиз. Аксинча, бизнинг мақсадимиз уларнинг барчасини холис талқин этиш, талабаларда фалсафа фани, хилма-хил фалсафий оқимлар, уларга мансуб файласуфлар ва уларнинг таълимотлари ҳақида тўғри ва холисона тасаввурни шакллантиришдан иборат.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига биноан, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг бир гуруҳ аъзолари томонидан нашрга тайёрланган ушбу маъруза матнлари фалсафани янги тамойиллар асосида тавсифлаш борасидаги илк тажрибалардан биридир. Шу сабабли унда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Матнлар, асосан, ижтимоий фан соҳалари учун мутахассис тайёрламайдиган олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган. Мазкур тўпламни қўллаш жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ана шу талабалар учун янги дарсликни тайёрлаш кўзда тутилган.

Ушбу маъруза матнлари турлича фикр уйғотиши шубҳасиз. Бу борадаги таклиф ва мулоҳазалар учун олдиндан миннатдорлик билдирган ҳолда, уларни республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятига юборилишини сўраймиз.

БИРИНЧИ БЎЛИМ.
ФАЛСАФАНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ,
БАҲС МАВЗУЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1-мавзу. Фалсафанинг асосий мавзулари ва муаммолари

Режа:

1. «Фалсафа» атамасининг моҳияти ва мазмуни.
2. Фалсафанинг баҳс мавзулари ва асосий муаммолари.
3. Фалсафий муаммолар билан боғлиқ оқим ва таълимотлар.
4. Фалсафанинг миллий ва умуминсоний тамойиллари.
5. Ўзбек фалсафаси, унинг замонавий ривожланиш муаммолари.

Башарият милодий XX аср билан хайрлашиб, учинчи минг йилликка қадам қўймоқда. Инсоният бугунги кунга келиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Фан ва техника, маданият ва маориф бекиёс ривожланди. Одамзод ўзининг ақл-заковати ва меҳнати билан жуда кўп янгиликлар яратди. Дунёнинг кўплаб сир-асрори кашф этилди, буюк ихтиролар қилинди.

Маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган ҳикматлар хазинаси энг муҳим ўрин тутди. Ҳар бир даврнинг буюк донишмандлари бўлади. Улар ўз юрти ва халқининг тафаккури, руҳияти ҳамда орзу-интилишларини фалсафий таълимотларида, муайян даражада, ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган юксак ғояларни ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи байроқ сифатида намоён бўладиган бу ғояларнинг муайян давр мафқурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади.

Аввало, **фалсафа ўзи нима**, деган масалага тўхталиб ўтайлик. У инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардандир. Фалсафий мулоҳаза юритиш, фикрлаш инсон табиатида хос, демак, унинг ўзи каби қадимийдир. У олам ва унинг яшаши, ривожланиши ва тараққиёти, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти, борлик ва йўқлик каби кўплаб муаммолар ҳақида баҳс юритадиган фандир.

Фалсафа асослари баён қилинган аксарият дарсликларда ушбу атама қадимги юнон тилидаги «философия» сўзидан олингани ва у «донишмандликни севиш» («фило» — севаман, «софия» — донолик) деган маънони англатиши таъкидланади. Бу — ушбу сўзнинг, атаманинг луғавий маъноси бўлиб ҳисобланади. Асрлар давомида философия сўзининг маъно-мазмунига хилма-хил қарашлар, унинг жамият, инсон ва фанлар тизимидаги ўрнига нисбатан турлича муносабат ва ёндашувлар бўлган, бу атаманинг моҳият-мазмуни ҳам ўзгариб борган.

«Философия» атамаси ва у ифода этадиган билимлар мажмуи Қадимги Юнонистон ва Римда эрамиздан аввалги VII-III асрларда юз берган буюк юксалиш натижаси сифатида юзага келган эди. Ўша даврда эндигина шаклланиб келаётган назарий фикрнинг ифодаси фалсафий тафаккур оламни яхлит ва бир бутун ҳолда тушуниш мужассамига айланган эди.

Қадимги Юнонистонда «Философия» атамасини дастлаб, математика фани орқали барчамизга яхши маълум бўлган, буюк аллома Пифагор ишлатган. Европа маданиятига эса, у буюк юнон файласуфи Афлотун асарлари орқали кириб келган. Шу тариқа, у аввало, қадимги Юнонистонда алоҳида билим соҳасига, тўғрироғи, «фанларнинг отаси», яъни асосий фанга айланган.

Қадимги дунёда фанларнинг барчасини, улар қандай илмий масалалар билан шуғулланишидан қатъи назар, философия деб атаганлар. У ҳам ижтимоий борлик, ҳам табиат тўғрисидаги илм ҳисобланар эди. Шу маънода, дастлабки философия олам ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлар тизими бўлиб, дунёни илмий билиш заруратидан вужудга келган эди. Бундан ташқари, қадимги Юнонистонда юз берган буюк уйғониш даври ўзига хос фалсафий мафқурани ҳам яратганлиги шубҳасиз. Унинг энг асосий қадрияти эркинлик тушунчаси эканини, ана шу эркин ҳаёт тўғрисидаги қарашлар буюк маданий юксалишга асос бўлганини аксарият олимлар алоҳида таъкидлайди.

Шарқда «Иккинчи Арасту», «Иккинчи муаллим» дея эътироф этилган буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий философия сўзини «Ҳикматни кадрлаш» деб талқин этган. Фалсафа Шарқ халқлари ижтимоий тафаккурида «донишмандликни севиш» деган мазмун билан бирга, олам сирларини билиш, ҳаёт ва инсонни кадрлаш, умр мазмуни ҳақидаги қараш ва ҳикматларни эъзозлаш маъносида ишлатилган.

Ҳаёт қонуниятларини яхши биладиган, умрнинг ўткинчи экани, абадият инсонга эмас, оламга хослигини яхши англаб етган, ўзи ва ўзгалар қадрини тўғри тушунадиган киши ҳеч қачон «Мен — донишмандман» дея

очиқ эътироф этмайди. Айниқса, Шарқ халқлари ҳаётида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Аммо, Фаробий таъкидлаганидек, ҳикматни қадрлаш, олам ва одам ҳамда ҳаётнинг қадрига етиш — бошқа гап. Шу маънода, бизда қадим замонларда файласуф деганда, кўпдан-кўп илм соҳаларини эгаллаган, устоз ва муаллим сифатида шуҳрат қозонган аллома ва мутафаккир кишилар тушунилган.

XIX аср немис қадриятшуноси И. Риккерт ҳам шунга ўхшаш фикрни қуйидагича баён қилган: «Одамзод олам ва одам ҳамда ҳаётнинг қадрини англаб, улар омонат бир нарса эканини тушуна бошлаган даврлардан фалсафий фикрлашга киришган. Бинобарин, биринчи файласуф, ким бўлганидан қатъи назар, ҳаётни қадрлайдиган киши бўлгани шубҳасиз».

Фалсафа, аввало, муайян илмий билимлар тизимидир. У, бир томондан, инсоннинг воқеликни ақл воситасида идрок этиши, иккинчи томондан, онгнинг афсона ва ривоятлар асосидаги шакллардан узил-кесил ажралиш жараёни натижасидир. Бу икки жиҳат бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки беҳуда ҳаёлпарастлик, ҳавойи ва афсонавий фикрлаш тарзидан ҳалос бўлиш илмий билимларни эгаллаш орқали рўй беради. Энг муҳими, фалсафа кундалик турмушда учраб турадиган эскилик асоратлари, бидъат ва чекланишларга муҳолиф бўлган ҳурфикрликдир. Фалсафа айнан ана шундай янги дунёқарашнинг шаклланиши учун асос бўлди.

«Фалсафа» атамаси «философия»нинг Шарқ ижтимоий тафаккуридаги шаклидир. Одатда у тушунча сифатида тор ва кенг маъноларда қўлланади. Хусусан, кенг маънода уни антик — қадимий фалсафада «донишмандликни севиш» деб тушунилганини айтиб ўтдик. Айрим файласуфлар ва фалсафий оқимлар, чунончи, инглиз файласуфи Т. Гоббс (1588—1679) уни «тўғри фикрлаш орқали билишга эришиш», немис файласуфи Ҳегел «умуман предметларга фикрий ёндашиш», Людвиг Фейербах «бор нарсани билиш», прагматизм таълимоти намояндалари эса, «фойдали нарсаларни билиш жараёни» дея талқин этган.

«Фалсафа» тушунчаси тор маънода маданият, санъат, ақлий ёки ҳиссий билиш усули, воситаси тарзида таърифланади. Фалсафага бўлган муносабатнинг хилма-хиллигига асосланган ҳолда, унга яхлит, умумлашган таърифлар ҳам берилган. Фалсафага ижтимоий онг шакли бўлган маданият, санъат, қадрият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унинг миллийлигини ақс эттириш имконияти туғилади. Аммо онтология, гносеология, натурфилософия, антропология каби фан соҳалари нуқтаи назаридан қаралса, ушбу таърифда умуминсонийлик ва универсаллик фалсафанинг асосий хусусияти эканини таъкидлаш лозим бўлади.

Ҳақиқий фалсафа тафаккур маҳсули бўлган нарсаларни олий даражадаги ҳақиқат сифатида мутлақлаштирмайди. Бу борада Сукротнинг «Мен ҳеч нарсани билмаслигимни биламан» деган эътирофи ҳақиқат мезонидир. Ҳолбуки, Сукрот қадимги Юнонистоннинг энг билимли файласуфи бўлган. У билимдон, баҳс-мунозара чоғида ҳар қандай суҳбатдошни ҳам мот қилиб қўя олгани ҳақида тарихда мисоллар кўп. Фалсафий билимлар ривожини узлуксиз жараён бўлиб, у инсониятнинг тафаккур бобида илгари эришган ютуқларни танқидий баҳолашни такозо этади. Бироқ бу — уларни тамоман рад этиш, кўр-кўрона танқид қилиш лозим дегани эмас, балки уларга хос барча хато ва камчиликларни англаб, яхши ва ижобий жиҳатларидан фойдаланиш демакдир. Ана шундай танқидий ёндашув ва ворислик фалсафанинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Бу фаннинг олдига қўйилган вазифаларга ва унинг ҳаётдаги ўрнига қараб, ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида унга бўлган муносабат ҳам ўзгариб борган. Бу муносабатлар дастлабки фанлар пайдо бўлиб ва уларнинг баъзилари фалсафадан ажралиб, алоҳида мустақил фан соҳасига айлана бошлаган даврлардаёқ шакллана бошлаган.

Фалсафанинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масала ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврларида фалсафанинг асл моҳиятини билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган.

Фалсафа, сирасини айтганда, ижтимоий тафаккур ривожини ютуғи ва инсоният маънавий тараққиёти маҳсулидир. У кишиларнинг оламини билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечирish ва ўз инсоний салоҳиятларини намоеън этиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир. Фалсафий таълимотлар ҳамма даврларда ҳам инсониятнинг илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган ва инсоният маданиятини янада юксакроқ босқичга кўтаришга хизмат қилган.

Ҳар бир фалсафий ғоя, мафкура, билимлар тизими асосан ўз даври хусусиятларини ақс эттирган. Улар замон руҳи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирган, давр муаммоларини ҳал этишда қўл келган. Шунинг учун Афлотун, Фаробий ва Беруний, Навоий ва Ҳегелнинг асар ва таълимотларида улар яшаб ўтган давр ғоялари ақс этган.

Кишилик жамияти ҳеч қачон бир текис ва силлиқ ривожланмаган. Тараққиёт ортидан инкирозлар, ютуқлар кетидан мағлубиятлар, фаровонликлар изидан заволга юз тутишлар таъкиб этган. Муайян жамият иқтисодий-сиёсий, ахлоқий-диний, бадий-эстетик тараққиёт борасида инкирозга дуч келар экан, ундан чиқиб кетиш учун илғор фалсафий таълимотларга эҳтиёж сезади.

Шунинг учун ҳам буюк фалсафий таълимотларни, бир томондан, маданий-интеллектуал ривожланиш самараси, иккинчи томондан, туб ижтимоий ўзгаришлар такозоси дейиш мумкин. Муайян тарихий бурилиш даврида «Фалсафа нима ўзи?» деган масала долзарб аҳамият касб этиши ҳам шундан. Ана шундай даврларда кишилар фалсафанинг моҳияти, унинг мақсад ва вазифаларини янгича идрок этганлар.

Қадимги Юнонистон ва Рим давридан буён ўтган икки минг йилдан зиёдроқ вақт мобайнида «Фалсафа энди йўқ бўлди, уни ўрганишнинг ҳеч бир зарурати қолмади» қабилидаги гаплар кўп бўлган. Лекин замонлар ўтиши билан одамзод барибир фалсафага эҳтиёж сезган ва у инсоннинг маънавий камолотида бекиёс аҳамият касб этишига қайта-қайта ишонч ҳосил қилган.

Бу жиҳатдан қуйидаги ривоят жуда ибратлидир. Милоддан олдинги биринчи асрда яшаб ўтган буюк файласуф Лукрецийнинг шогирдларидан бири унга қараб, «устоз, фаннинг бошқа соҳаларига оид илмлар жуда кўпайиб кетди. Энди фалсафани ўрганишнинг ҳожати бормикан?» дебди. Шунда улуғ файласуф бамайлихотир гап бошлаб, «Фалсафани Сукрот, Афлотун, Арасту каби буюк алломалар яратган. Лекин эндиликда инсониятнинг ана шундай буюк мутафаккирлари яратган бу фанни ўрганмаслик ҳар қайси нодоннинг ҳам кўлидан келадиган иш бўлиб қолди», деган экан.

Фалсафа кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса, унинг айрим жиҳатларини ўрганади. Масалан, биология ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, турларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва такомиллашиб бориши каби масалаларни ўрганади. Бу соҳага оид фанлар ушбу йўналишдаги жараёнларнинг баъзи хусусият ва жиҳатларини чуқурроқ тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Бинобарин, биолог ҳар қандай ривожланиш жараёни билан эмас, балки фақат жонли танадаги ривожланиш жараёни билан қизиқади. Умуман, ривожланиш жараёнининг ўзи нима, унинг моҳияти қандай? Масаланинг айнан шу тахлитда қўйилиши илмий муаммоларни фалсафий масалага айлантиради. Яъни, шу тарихқа муайян мавзу оддий илм соҳасидаги йўналишдан фалсафий муаммо тусини олади.

Энди **Файласуф ким**, деган саволга жавоб берайлик. Философ сўзини, юқорида айтганимиздек илк бор буюк математик ва мутафаккир Пифагор қўллаган. Бу тушунчанинг маъносини у Олимпия ўйинлари мисолида қуйидагича тушунтириб берган: анжуманга келадиган бир гуруҳ кишилар беллашиш, куч синашиш, яъни ўзи ва ўзлигини намоён этиш учун, иккинчи бир гуруҳ – савдо-сотик килиш, бойлигини кўпайтириш учун, учинчиси эса, ўйиндан маънавий озик олиш, ҳақиқатни билиш ва аниқлашни мақсад қилиб олади. Ана шу учинчи гуруҳга мансуб кишилар, Пифагор талқинига кўра, файласуфлар эди.

Бу, бир қарашда, оддий ва жўн мисолга ўхшайди. Аммо унинг маъноси ниҳоятда теран. Чунки, инсон умрининг ўзи ҳам шундай. «Дунё театрга ўхшайди, унга келган ҳар бир киши сахнага чиқади ва ўз ролини ўйнаб дунёни тарқ этади», деган фикр бежиз айтилмаган. Кимдир бу дунёга унинг сир-асрорлари тўғрисида бош ҳам қотирмасдан келиб кетади, умрини ейиш-ичиш, уй-рўзгор ташвишлари билан ўтказиши. Бошқаси – нафс балосига берилиб, мол-мулкка ружу кўяди. Учунчиси эса, олам хикматларини ўрганади, умрини хайрли ва савоб ишларга сарфлайди, бошқалар учун ибрат бўларли ҳаёт кечиради.

Қадимги Шарқ ва Юнонистонда ҳар томонлама чуқур билим ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, инсон маънавиятини бойитиш ва ҳақиқатни билишга интилувчи кишиларни файласуф деб атаганлар. Фозил ва комил инсонларгина фалсафа билан шуғулланганлар. Аслида, ўша даврларда фалсафани ўрганиш дейилганда, илмнинг асосларини эгаллаш кўзда тутилган. Грек мутафаккири Гераклит (эрамиздан аввалги 520-460 йилларда яшаган) шогирдларига мурожаат қилиб, «Дўстим, сен ҳали ёшсан, умрингни бекор ўтказмай десанг, фалсафани ўрган», деганда айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутган.

Бошқа бир буюк грек файласуфи Эпикур (эрамиздан аввалги 470-399 йилларда яшаган) бу ҳақиқатни қуйидагича ифода этган: «Ўз-ўзингни ерга уриш, тубанлашиш нодонликдан бошқа нарса эмас, ўзлигиндан юқори туриш эса – файласуфликдир».

Лев Толстой донишманд кишиларнинг уч хислатини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзган: «Улар, аввало, бошқаларга берган маслаҳатларига ўзлари амал қиладилар; иккинчидан, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайдилар; учинчидан, атрофидаги кишиларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайдилар».

Худди шунингдек, Шарқда ҳам Конфуций ва Моний, Хоразмий ва Форобий, имом Бухорий ва имом Термизий, Беруний ва ибн Сино, Нақшбанд ва Навоий каби донишманд боболаримиз ўз ҳаётий кузатишлари ва тажрибаларини умумлаштириш, инсонга хос хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариш, башарият томонидан тўпланган билим ва тажрибаларни ўзлаштириш орқали файласуф даражасига кўтарилганлар.

Умуман олганда, билимдон кишиларнинг барчасини ҳам донишманд ёки мутафаккир деб бўлмайди. Ҳақиқий файласуфлар ҳаётда ниҳоятда кам бўлади. Улар ўз даври ва миллатининг фарзанди сифатида инсоният тарихига катта таъсир кўрсатади. Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъдод, куч-қувват ато этган, ёрқин тафаккурга эга бўлган бундай буюк шахслар умумбашарий тараққиёт миқёсида танилган, теран инсоний гоғлар, маънавий бойликларнинг кадр-қимматини чуқур англайдиган донишманд одамлар бўлган².

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда бизда фалсафа ихтисослиги бўйича маълумот олган мутахассисни файласуф дейиш одат тусига кириб қолди. Аслида, файласуф сўзи ана шу тарзда ишлатилганида ушбу соҳанинг замонавий мутахассиси, унинг асосларини эгаллаган, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борадиган ёки илмий даражага эга бўлган кишилар тушунилади, холос.

² Ислоҳ Каримов. «Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»: «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. - Т.: «Ўзбекистон», 2000.

Фалсафа фанининг муаммолари, ўз хусусиятларига кўра, азалий ва ёки ўткинчи бўлиши мумкин. Азалий муаммолар инсоният пайдо бўлган даврдаёқ вужудга келган бўлиб, токи одамзод мавжуд экан, яшайверади. Чунки инсоният таракқиётининг ҳар бир босқичида ушбу муаммолар янгидан кун тартибига кўйилаверади. Уларни ўрганиш жараёнида илм-фан таракқий этиб боради.

Олам ва одам муносабатлари, дунёнинг мавжудлиги, борлиқнинг воқелиги, ундаги ўзаро алоқадорлик ва таракқий этиш, инсоният ҳаётидаги адолат ва ҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик, умрнинг мазмуни, табиат ва жамият таракқиётининг асосий тамойиллари билан боғлиқ кўпдан-кўп масалалар фалсафа ва фалсафий билим соҳаларининг азалий муаммолари сирасига киради.

Фалсафада оламнинг асосида нима ётади, уни воқе этиб турган нарсанинг моҳияти нимадан иборат, деган масалалар ниҳоятда узоқ тарихга эга. Қадимги Юнонистон ва Римда бу масала «**Субстанция**» тушунчаси ва унинг мазмунини қандай тушунилишига қараб ўзига хос ифодаланган. Субстанция деганда олам ва дунёдаги нарсаларнинг моҳияти тўғрисидаги фикр тушуниланган. Юнонистон файласуфи ва математики Пифагор ҳамма нарса сонлардан ташкил топган деган бўлса, Афлотун субстанция — ғоялардир деган, Демокрит эса, оламнинг асосида атомлар (атом тушунчаси ўша даврда бўлинмас заррача маъносида ишлатилган) ётади деб тушунтирган.

Бу масалаларни қай тарзда ҳал қилинишига қараб фаркланадиган фалсафий оқим ва йўналишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, оламнинг асосида нима ётади, унинг моҳияти нимадан иборат деган масалада монизм, дуализм, плюрализм, материализм ва идеализм каби қатор фалсафий қарашлар шаклланган.

Монизм (юнонча — монос, яъни якка маъносини англатади) — оламнинг асоси яқою-ягона сабабга, битта асосга эга деб таълим берадиган фалсафий таълимотдир.

Дуализм (лотин тилида дуа, яъни икки деган маънони ифодалайди) — оламнинг асосида иккита асос, яъни модда ва материя билан бирга руҳ ва ғоя, яъни идея ётади дейувчи қараш.

Плюрализм (лотин тилида плюрал, яъни кўплик деган маънони англатади) — оламнинг асосида кўп нарса ва идеялар ётади деб эътироф этадиган таълимотдир.

Материализм — оламнинг асосида материя, яъни моддий нарсалар ётишини эътироф этадиган, моддийликни устувор деб биладиган таълимот.

Идеализм — оламнинг асосида руҳ ёки ғоялар (идеялар) ётади, дунё воқелиги ва ривожиди идеяларни устувор деб таълим берадиган фалсафий таълимот.

Фалсафада дунёни англаш, унинг умумий қонуниятларини билиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу масалалар билан фалсафанинг гносеология (гносис — билиш, логос — таълимот) деган соҳаси шуғулланади. Дунёни билиш мумкин деб ҳисоблайдиган файласуфларни – **гностиклар**; олами билиш мумкин эмас, билимларимиз тўғри ва аниқ ҳақиқат даражасига кўтарила олмайди дейувчиларни эса – **агностиклар** (юнонча — билиб бўлмайдиган маънони англатади) деб юритилади.

Оламдаги ўзгариш, ривожланиш, умумий алоқадорлик ва таракқиётнинг қай тарзда амалга ошиши, қандай содир бўлиши каби масалалар ҳам фалсафанинг азалий муаммолари қаторига киради. Фалсафада ана шу мавзуларга муносабат ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қараб фаркланадиган бир неча таълимот, қараш, усул ва методлар бор. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика, догматика кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг тарихи ниҳоятда узоқ бўлиб, Қадимги Юнонистон ва Рим давридан (милоддан олдинги VII — I аср) бошланади. Кейинги йилларда синергетика ҳам фалсафий метод ва таълимот сифатида талқин этилмоқда. Фалсафий методлар олам қонуниятларини тушунишга ёрдам беради ва бу усуллардан файласуфлар ўз тадқиқотларини амалга ошириш ёки изланишларининг натижаларини изоҳлашда фойдаланадилар.

Диалектика – грек тилида бахс ва суҳбатлашиш санъати деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. Ҳозирги даврга келиб диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, таракқиёт ва ривожланишда деб тушунишдир. Унга кўра, оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат йўналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадор тарзда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён бўлади.

Масалан инсоният тарихига бу усулга асосан ёндошилганида, у узлуксиз тарзда рўй берадиган авлодлар ўрин алмашуви, бирининг ўрнига иккинчиси келиши, муайян қадриятларни мерос қолдириши ва янгиликнинг эскиликни инкор қилишидан иборат доимий ва такрорланиб турадиган жараёнлардир. Башариятнинг муайян даврида эса, шу замоннинг ижтимоий манзарасини белгилайдиган турли уруғ ёки қабиалар, давлат, миллат ва халқлар, оқим ва йўналишлар, ғоя ва мафқураларнинг хилма-хил шакллари кўриш, уларнинг бир-бири билан узвий алоқадорликда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Таракқиёт жараёнида авлодлар, даврлар, сиёсий тузумлар, умуман ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ўз-ўзидан автоматик тарзда содир бўлиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди. Балки уларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларнинг ҳосиласи, ижтимоий жараёнларнинг натижаси, бирор сабабнинг оқибати

сифатида намоён бўлади. Бир давр иккинчисининг ўрнига, бир авлод олдингисидан кейин, бир воқеа бошқасининг ортидан содир бўлиб туради. Ана шу абадий ва азалий узлуксизлик, доимий алоқадорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар, ривожланиш ва тараққиёт, оламнинг ранг-баранглиги ва уйғунлиги диалектиканинг асосий тамойилларини ташкил қилади.

Фалсафада мазкур тамойилларга асосланган тафаккурни – диалектик тафаккур, ана шундай дунёқарашни – диалектик дунёқараш, ёндашувни – диалектик ёндашув, методни – диалектик метод деб аташ анъанага айланган. Шу билан бирга у ёки бу олимнинг ушбу тамойилларга асосланган дунёқарашни, фалсафий таълимотлари ҳам бор. Масалан, Демокрит ва Гераклит диалектикаси, Кант ёки Ҳегел диалектикаси дейилганда ана шундай ҳол назарда тутилади.

Метафизика – грекча сўз бўлиб, луғавий маънода «физикадан кейин» деган мазмунни ифодалайди. Бу тушунча, фалсафа тарихида биринчи марта, Қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи Аристотелнинг «Илк фалсафа» деб аталган асарларига нисбатан ишлатилган. Кўп ҳолларда, диалектикага қарама-қарши деб талкин этиладиган метафизика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига диққатни кўпроқ қаратадиган усулдир. Бу усул қўлланганида оламнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг алоҳида қисми ёки ҳолатига асосий эътибор берилди. Воқеа, ҳодиса ва жараёнларни доимий ўзгариш ҳолатида ўрганиш ниҳоятда қийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Аслини олганда олам гарчанд диалектик ўзгариш ва ҳаракатда бўлсада, бу жараён доимо ҳам ниҳоятда тез содир бўлавермайди. Биз эса дунёдаги нарса, ҳодиса ва одамларга шунчалик метафизик тарзда ўрганиб қолганмизки, гўё кечадан бугуннинг фарқи йўқдек, кеча кўрган кишига бугун дуч келганимизда унда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмагандай туюлади. Шу маънода, ҳаётда кўп ҳолларда метафизик усулда фикр юритамиз, нималаргадир ана шундай муносабатда бўламиз. Аслида эса улар ҳам азалий ўзгаришлар жараёнига тушган нарса ва кишилар эканлигини жуда камдан-кам ҳолларда ўйлаб кўрамиз. Худди шундай, бизнинг умримиз ҳам кечадан эртага қараб оқиб турадиган диалектик жараёндир. Биз ҳам ана шундай ўзгариб борамиз, аммо кўп ҳолларда бунга унчалик кўп эътибор берилмавермайди. Шу тариқа мактабни тугатиб қўйганимизни, улғайганимизни, болаликнинг ортда қолганини гўёки билмай қоламиз...

Алоҳида таъкидлаш лозимки, метафизик усулнинг ҳам ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ўз ўрни бор. Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва илмий моҳияти изоҳланган ёхуд тадқиқ этилган асарлар ва тадқиқотлар йўқ. Қолаверса уни диалектика билан бутунлай қарши қилиб қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айнан ана шундай ёндашув собиқ иттифокда диалектикани мутлақлаштиришга, метафизикани эса қуруқ ва ўлик таълимот сифатида қарашга, унинг имкониятларидан фойдаланилмаслигига сабаб бўлди.

Софистика — қадимги Юнонистон фалсафасида вужудга келган тафаккур усулидир. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бу ибора юнон тилидаги «*soipism*» сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо ҳақиқатга тўғри келмайдиган, кўчма маъно-мазмунга эришиш усули, деб таъкидланади. Бу усул қўлланилганда фикрнинг мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади. У нафақат Қадимги Юнонистон, балки ўрта асрларда Европада ҳам кенг тарқалган. Агар бу усул ёлгон хулосаларга олиб келса, нега ўз даврининг кўпгина доно кишилари ундан фойдаланганлар, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, инсоният тарихида хурфикрлик ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни тўғри ифодалашнинг илоҳи қолмаган замонлар кўп бўлган. Бундай ҳолни инквизиция ҳукмрон бўлган ўрта асрлар Европасига ҳам тадбиқ этиш мумкин. Ўша даврда ҳам кўпгина зиёлиларнинг ана шу усулга суянмасдан илоҳи йўқ эди. Умуман олганда, «дўппи тор келиб қолган» ана шундай замонларда фикрни Гулханийнинг машҳур «Зарбулмасал» асари каби ифодалаш ҳоллари учраб туради. Буни ўрта асрлар Европасига нисбатан олсак, унда Сервантеснинг «Дон Кихот» асари нима сабабдан шундай ёзилганлиги, унинг бош қаҳрамони эса нима учун шамол тегирмонларига қарши жанг қилганлиги ва бу лавҳалар замирида қандай ботиний мазмун яширингани аниқ бўлади.

Синергетика — оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир. У асосан, XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган таълимот бўлиб, асосчиси Нобель мукофоти совриндори Н. Пригожиндир. Бу таълимотни диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси дейдиганлар ҳам бор. Уларга қарши ўлароқ, диалектика энди керак эмас, уни синергетика билан алмаштириш лозим деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас.

Бизнингча, синергетиканинг XX асрдаги шахдам одимлари ўрта асрларда Европада аниқ фанлар соҳасида индукция ва дедукция усулларининг муваффақиятли қўллангани, катта мавқега эга бўлгани ва пировард натижада, фалсафий методга айланганини эслатади. Синергетикани XX аср табиий фанларининг фалсафа соҳасига киритаётган энг катта ютуқларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Аммо, бу унинг диалектикани фалсафадан бутунлай суриб чиқаради дегани эмас. Зеро, фалсафада ҳар бир таълимот, услуб ва методнинг ўз ўрни ва фаолият доираси бор. Диалектиканинг фалсафадаги аҳамиятига келганда эса, унинг ижтимоий

билимлар соҳасидаги ўрни, кадр-қиммати ниҳоятда катта ва у фалсафанинг асосий қисмларидан бири бўлиб қолаверади.

Ана шундай турли-туман қарашларга асос бўлган масалалар ҳанузгача озми-кўпми ҳар бир файласуф ва фалсафий оқим ёки таълимотларда ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Биз уларга кейинги бўлимларда кенгрок тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Фалсафанинг умумбашарий фан экани, унинг баҳс мавзулари ва асосий муаммоларини белгилаб беради. Шу маънода одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интиҳоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон тафаккури, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фалсафа учун азалий муаммолардир. Шу билан бирга, муайян даврда туғиладиган ва ҳал этиладиган ўткинчи муаммолар ҳам бўлади. Улар абадий муаммолар даражасига кўтарилмаса-да, ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққани учун, муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафа янги ғояларнинг туғилишига имкон беради. Ҳаёт, ижтимоий тажриба билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. У тарихий давр билан мустаҳкам алоқадорликда тараққий этади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдига янги масала ва муаммоларни қўяди. Фалсафий муаммолар бевосита ҳаёт заруратидан туғилади. Айнан улар орқали фалсафада даврнинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари акс этади. Масалан, ҳозирги даврда истиклол мафқураси фалсафий асосларини изохлаш зарурати шу билан белгиланади.

Фалсафий таълимотларда жамият ҳаётининг барча соҳалари тарихий жараёнга хос тамойиллар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва кайфиятлари, тафаккур усуллари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий куч, синф, гуруҳ, партия ва оқимлар ўз мақсад-муддаолари ва ғояларини илмий асослашда фалсафадан фойдаланади. Фалсафадаги устувор қараш ва қоидалар давр маҳсули бўлгани учун, замоннинг тараққиёт тамойиллари ва муаммолари унда ўз ифодасини топади.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик тамойили. Албатта, фалсафа умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади. Маълумки, одам ва одам муносабатлари, жамият ва табиатни асраш, умрни мазмунли ўтказиш, яхшилик ва ёмонлик каби қадриятлар билан боғлиқ масалаларнинг барчаси инсоният учун умумий. Аммо фалсафада муайян миллий хусусият, мақсад ва интилишлар ҳам ўз ифодасини топади. Аслида, юқорида зикр этилган умуминсоний мавзу, масала ва муаммоларнинг барчаси аввал-бошда хусусий, миллий, минтақавий аҳамиятга молик масалалар тарзида намоён бўлади. Ўз юрти, миллати, ота-онаси ва ёр-биродарларини севган ватанпарвар инсон, аввало, ана шуларнинг қамоли учун қайғуради, уларни ўйлайди, уларга хизмат қилишни олий саодат деб билади. Бундай шахс дунёқарошида ана шу жиҳат ва хусусиятлар албатта акс этади. Бу эса, ўз навбатида, умуминсоний фан бўлган фалсафада миллийликнинг акс этишига асос бўлади. Умуминсонийлик — ватансизлик (космополитизм) бўлмагани сингари, миллийлик ҳам — миллий қобикка ўралиш, миллий маҳдудлик дегани эмас.

Лекин сизнинг ҳаёлингизда беихтиёр «**Миллий фалсафа бўлиши мумкинми?**» Ахир, юқорида фалсафага ўз моҳияти билан умуминсоний фандир, деган таъриф берилди-ку?» – деган саволлар чарх уриши мумкин. Бу — ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан кетаётган барча халқлар фалсафаси учун дахлдор бўлган саволлардир. Агар биз юқорида қайд этилган муаммоларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда бу йўналишни ривожлантириш зарурати етилганини англаймиз.

Фалсафий адабиётларда миллий фалсафа мавзуида турлича фикрлар мавжуд. Айрим файласуфлар, аслида миллий фалсафа бўлиши мумкин эмас, бундай ёндашувнинг ўзи этник маҳдудликка олиб келади, деб ҳисоблайди. Бошқалари эса, модомики, миллий фалсафа миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришни назарий асоси экан, ҳар қандай умумий қонуниятлар муайян ижтимоий макон ва тарихий замонда хусусий ҳолда намоён бўлади, дея миллий фалсафани ёқлаб чиқади.

Биз миллат бор экан, миллий маданият, тил ва адабиёт ҳам мавжуд деган фикрга ўрганиб қолганмиз. Аслида, уларнинг барчаси нафақат бир миллатга, балки бутун инсониятга хос-ку! Бизнинг назаримизда, миллий фалсафа миллат менталитетини белгилайдиган муҳим омилдир. Умумбашарий цивилизацияга узвий қўшилиш жараёни миллий фалсафани яратиш орқали содир бўлади. Энг муҳими — фалсафадаги миллийлик умуминсонийликни рад қилиш эвазига эмас, балки уни ижодий бойитиш орқали ривожланиб боради.

Фалсафа тарихига назар ташлайдиган бўлсак, айрим миллий фалсафаларнинг умуминсоний маънавият хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини кўрамиз. Масалан, Рим империяси заволга юз тутганидан кейин ўз миллий давлатчилигига эга бўлган Европа мамлакатларида, ўрта асрларга келиб, миллий фалсафа яратиш имкони туғилди. (Ўрта аср Европа маданиятига бағишланган мавзуда бу ҳақда атрофлича фикр юритамиз). Тўғри, улар умумевропа худудида, қадимги Юнонистон ва Рим маданияти негизида шаклланди. Уларда Европа халқларига хос умумий жиҳат ва хусусиятлар, умумэтник менталитет акс этган эди. Бу жараён аввало, Италия ва Англияда, сўнгра Францияда юз берди. Бу фалсафий мактабларнинг Ф. Бэкон ва Р. Декарт, Б. Спиноза ва Ж.Ж. Руссо каби атоқли намояндалари нафақат ўз мамлакатлари, балки Европа ва жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас ном қолдирди. Улар, авваламбор, ўз юрти, ўз миллати шаъну шарафини юксакликка кўтариш, тараққиётга олиб чиқиш учун илғор ғояларни ўртага ташлаган, давр такозо этган мафқуранинг шаклланишига ҳисса қўшган.

Худди шундай, XV111-X1X асрларда миллийлик ва жаҳон фалсафасининг тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган ҳудуд Пруссия бўлди. Узок вақт Австрия-Венгрия империяси таркибида бўлган бу ўлка мустақилликка эришиб, миллий давлатчилигини тиклаганидан кейин, миллий озодликнинг фалсафий инъикоси ўлароқ И. Кант, И. Ҳегел, Фихте, Шеллинг, Фейербах каби донишмандлар томонидан асосланган немис фалсафаси шаклланди. Кейинчалик бу фалсафа Ничше, Фрейд каби кўплаб файласуфлар томонидан ривожлантирилди. Ушбу фалсафа мактабининг атоқли намояндаси ҳисобланган Ҳегел таълимоти эса, Прусс монархиясининг давлат мафкураси мақомини олди. Ҳамма нарсанинг ўткинчи эканлигини ниҳоятда яхши биладиган, янги замоннинг Арастуси номини олган Ҳегел Прусс монархиясининг ўткинчи эканлигини билмасмиди? Нима сабабдан у диалектик таълимоти эмас, балки монархияга хизмат қилган фалсафий системасининг мукамалроқ бўлиши учун кўпроқ куч сарфлади? деган саволлар ҳалигача файласуфларни ўйлантириб келади.

Ҳўш, нима сабабдан Ҳегел бу йўлдан борди? Чунки, Ҳегел ўз даврининг, ўз халқининг фарзанди эди. У мустақил немис миллий давлати — Прусс монархияси даврининг маҳсули, ўша давр фалсафасининг намояндаси эди. У «Файласуфлар осмондан ёмғир каби ёғилмайдилар ёки ёмғирдан кейинги кўзикоринлардек ердан ўсиб чикмайдилар, балки уларни халқ яратади» деганида айнан ана шуни назарда тутган эди. Ҳегел ўз ижоди ва фаолияти билан Прусс монархияси, гарчанд монархия шаклида бўлсада, немис давлати эканлигини ўз миллатининг онги ва дунёқарашини таркибий қисмига айлантириб кета олган буюк файласуф эди. Унинг «Ақлга мувофиқ нарсаларнинг барчаси воқеодир, воқе бўлган нарсаларнинг барчаси эса ақлга мувофиқдир», деган сўзларини ҳам ана шу маънода тушуниш лозим. Ҳегелнинг бу масалада диалектик эмас, балки метафизик усулга кўпроқ эътибор берганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Ўша давргача, Рим империяси қулаганидан кейин кўпроқ тарқоқ ҳудудларга бўлиниб, Австрия-Венгрия империяси таркибида яшаб келган немис миллати учун Прусс монархияси — миллий давлат эди. Унинг шакли-шамойили келажакда ўзгариши бошқа масала бўлгани ҳолда, бу давлатнинг Европада немис миллий давлати тарзида сакланиб қолиши, унинг миллат фалсафасига айланиши билан боғлиқ эди. Миллат фалсафасига, унинг дунёқарашига айланган миллий давлатчилик ғояси ҳеч қачон сўнмайди, гарчанд юртни ёвлар асрлар давомида босиб турсаларда, қачондир барибир қад ростлайди ва миллатнинг давлати тарзида яна қайта намоён бўлади. Ҳегел ўз миллатининг фалсафаси ва дунёқарашига ўша давлатнинг шакли-шамойилини ва мазмун-моҳиятини сингдириб кета олган файласуф даражасига кўтарилгани учун ҳам бу миллат тарихида ва у орқали, жаҳон фалсафаси тарихида абадий қолади. Миллийлик ва умумевропа маданиятидан баҳра олган бу фалсафа ҳалигача ўз жозибасини йўқотмаганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Шунга ўхшаш вазифани, ўз даврида, миллатимизнинг асл фарзанди Алишер Навоий ҳам бажарган. У озодликка эришган миллат фалсафасини адабиёт фалсафасига, мустақил давлат тилини адабиёт тилига айлантира олган, ўз халқининг бу соҳадаги даҳоси буюк эканлигига, нафақат замондошлари, балки келажак авлодларни ҳам ишонтириб кета олган эди. Навоий ва унинг замонида, ўша даврга хос ўзгаришларнинг бошида турган Амир Темур фаолиятига қайта-қайта мурожаат этилишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Зеро, ҳар бир халқ, аввало, ўзининг тарихидан бугунги кун учун ташбехлар излайди ва ижтимоий тараққиёти учун асос бўладиган маънавий тамойил, анъана ва қадриятларга мурожаат қилади.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин миллий фалсафани шакллантириш учун имкониятлар очилди. Бугун улуғ аждодларимиз тамал тошини қўйган ўзбек миллий фалсафасини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжуд. Бу борада, аввало, Президент Ислоҳ Каримов асарларида ўзбек фалсафасининг тараққиёт қонуниятлари очиб берилётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз фалсафа олдидаги бугунги муаммоларнинг моҳияти, уларни ҳал қилиш йўлларига алоҳида эътибор бермоқда.

Шу билан бирга, бугунги ўзбек фалсафасининг ривожини таъминлашда қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрин тутади:

- халқимизнинг ўз миллий анъаналарига содиқлиги;
- мамлакатимизнинг буюк келажакка ишончи;
- муқаддас қадриятларимизга ишонч-эътиқоди;
- меҳнатсеварлиги, интеллектуал салоҳияти ва бошқалар.

Ўзбек фалсафасини янада тараққий эттириш вазифаларини амалга ошириш қуйидаги муаммоларнинг ечимини топишга боғлиқ:

- биринчидан, мустамлакачилик шароитида сохталаштирилган тарихимизни ҳаққоний ёритиш фалсафий ғоялар, қарашлар тарихини ҳам ҳолис кўрсатиб беришни тақозо қилади. Ўз даврида қимматли тарихий манбаларнинг йўқ қилингани ёки аёвсиз талон-тарож этилгани бу ишни қийинлаштирмоқда;

- иккинчидан, мавжуд манбалар араб ёки форс тилларида эканлиги, уларни биладиган файласуф олимларнинг, малакали таржимонларнинг камлиги умуминсоний маънавий меросдан баҳраманд бўлиш ва улардан ижодий фойдаланишга тўсик бўлмоқда;

- учинчидан, одамлар онгидан мустабид тузумнинг сохта ғояларини, улар қолдирган асоратларни сиқиб чиқариш, мафкуравий бўшлиқни янги ғоялар билан тўлдириш, истиқлол мафкурасини шакллантириш муайян вақтни тақозо қилади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш бугунги фалсафа масалалари билан шуғулланувчи олим ва тадқиқотчилар зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Бунда, энг аввало, мазкур соҳага алоқадор ҳар бир юртдошимиз дунёқарашининг миллий манфаатларимиз нуктаи назаридан ўзгариши ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган ҳозирги даврда бу жараённинг қандай бориши янги фалсафий онгнинг шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатади.

Таянч тушунчалар

Фалсафа, файласуф, фалсафий муаммолар, фалсафанинг миллийлиги, фалсафанинг умуминсонийлиги, ўзбек фалсафаси.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Фалсафа» тушунчасининг моҳиятини сиз қандай тушунасиз?
2. Фалсафанинг баҳс мавзуси нима?
3. Фалсафа миллий бўлиши мумкинми?
4. Фалсафанинг умуминсонийлиги деганда нимани тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. — Т.: Ўзбекистон, 2000
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Мўминов И. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. — Т.: «Фан», 1998.
6. А. Тойнби. Постижение истории. — М.: Наука, 1991.
7. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.

2-мавзу. Фалсафий дунёқараш, унинг хусусиятлари ва асосий тамойиллари

Режа:

1. «Дунёқараш» тушунчаси, унинг моҳияти ва тарихий шакллари.
2. Фалсафий дунёқарашнинг мазмуни ва йўналишлари.
3. Фалсафий дунёқарашнинг ривожланиш қонуниятлари ва асосий тамойиллари.
4. Ўзбекистонда янги дунёқарашни шакллантириш вазифалари.

Дунёқараш тушунчаси. *Ҳар бир кишининг дунёга нисбатан ўз қараши, ўзи ва ўзгалар, ҳаёт ва олам тўғрисидаги тасавурлари, хулосалари бўлади. Ана шу тасавурлар, тушунчалар, қараш ва хулосалар муайян кишининг бошқа одамларга муносабати ва кундалик фаолиятининг мазмунини белгилайди. Шу маънода, дунёқараш - инсоннинг теварак атрофини қўришга турган воқелик тўғрисидаги, оламнинг моҳияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар, тасавурлар, билимлар тизимидир. Дунёқараш - оламни энг умумий тарзда тасавур қилиш, идрок этиш ва билишдир.*

Дунёқарашнинг бир кишига ёки алоҳида шахсга хос шакли индивидуал дунёқараш дейилади. Гуруҳ, партия, миллат ёки бутун жамиятга хос дунёқарашлар мажмуаси эса, ижтимоий дунёқараш деб юритилади. Ижтимоий дунёқараш индивидуал дунёқарашлар йиғиндисидан дунёга келади, дейиш мумкин. Бунда ижтимоий дунёқарашнинг умумий ва хусусий шакллари ҳисобга олиш лозим.

Кундалик ҳаётий тажрибалар асосида жамиятда, одамларда оддий, ўз-ўзича ривожланувчи (стихияли) моҳиятга эга бўлган қарашлар, тушунчалар, ғоялар шаклланади. Бу – дунёқарашнинг ўз-ўзича ривожланувчи (стихияли) шакли ҳисобланади. Уни кўпинча ҳаётий фалсафа, деб ҳам атайдилар.

Ҳаётий фалсафанинг доираси жуда кенг бўлиб, онгнинг содда намоён бўлиш шакллари ҳам, оқилона ва соғлом фикрларни ҳам ўз ичига олади. Ҳаётий фалсафа ёки оддий амалий дунёқарашнинг ўзига хос турини инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги билим ва тажрибалар таъсирида шаклланаётган қарашлар ташкил этади. «Ҳар кимнинг ўз фалсафаси бор» дейилганида ана шу ҳол англашилади. Демак, дунёқараш ўзининг кундалик оммавий шаклларида чуқур ва етарли даражада асосланмаган стихияли характерга эга. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда кундалик тафаккур муҳим масалаларни тўғри тушунтириш ва баҳолашга ожизлик қилади. Бунинг учун оламни илмий таҳлил қилиш ва билиш зарур.

Дунёқарашнинг тарихийлик тамойили. *Дунёқараш муайян даврда шаклланади. Шу маънода, ҳар қандай дунёқараш ижтимоий-тарихий моҳиятга эга бўлиб, кишиларнинг умри, амалий фаолияти, ҳаёти, табиатга таъсири ва меҳнати жараёнида вужудга келади. Ҳар бир даврда ижтимоий гуруҳ, жамият ва авлоднинг ўз дунёқараш мавжудлиги ҳам бу тушунчанинг тарихий моҳиятга эга эканини кўрсатади.*

Дунёқарашнинг тарихийлиги яна шундаки, у маълум диалектик жараёнда такомиллашиб боради. Унинг шакллари ўзгаради, тарихий кўринишлари муттасил янгиланиб туради.

Маълумки, инсоният тараққиётининг илк босқичларида дунёқараш ниҳоятда оддий бўлган. Агар шундай бўлмаганида, ҳар қандай жисм ўз ҳажмига тенг суюқлик миқдорини сиқиб чиқариш хоссасига эга эканини кашф этган қадимги замоннинг буюк олими Архимед ҳаммомдан ялонғоч ҳолда чиқиб, «Эврика!», яъни «Топдим!», дея қичқирмаган бўлар эди.

Дунёқараш жамият ривожига мос равишда аста-секин такомиллашиб борган. Тараққиётнинг кейинги даврларида фан соҳасида қилинган кашфиётлар инсон дунёқарашини нақадар чуқурлашиб, унинг билимлар доираси кенгайиб кетганини кўрсатади. Бунда ворислик анъанаси яққол кўзга ташланади: ҳар бир даврнинг дунёқарашини, ғояси ўтмишда яратилган маънавий кадрларнинг энг яхшиларини, илғор ва ижобийларини ўзида сақлаб қолади. Шу асосда янги тамойилларга эга бўлган дунёқараш ҳам такомиллашиб боради. Оддий буғ машинасидан космик ракеталаргача бўлган фан-техника тараққиёти бунга яққол мисол бўла олади.

Фалсафий дунёқараш. Бу тушунчанинг мазмуни инсоннинг оламга, воқеа ва ҳодисаларга, ўзгаларга ва уларнинг фаолиятига, ўз умри ва унинг мазмуни каби кўпдан-кўп тушунчаларга муносабати, уларни англаши, тушуниши, кадрлашида намоён бўлади.

Фалсафий дунёқараш кундалик фаолият, дунёвий, диний, илмий билимлар, ҳаётий кузатишлар ва ижтимоий тарбия таъсирида шаклланади ҳамда ривожланади. Фанда ижтимоий борлиқнинг барча жиҳатлари акс этади. Дунёқарашнинг шаклланишида ҳис-ғуйғу, ақл-идрок ва тафаккур ҳам муҳим ўрин тутуши табиий. Унинг шаклланиши кишиларнинг ҳиссий кечинма ва кайфиятларига ҳам боғлиқ бўлиб, инсон кайфиятида унинг ҳаёт

шароитлари, ижтимоий аҳволи, миллий хусусияти, маданий савияси, шахсий тақдири, ёши ва ҳоказолар акс этади. Муайян давр дунёқарашида замон руҳи, ижтимоий кучларнинг кайфияти, интилиши ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, бугунги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурати истиқлол дунёқарашини шакллантиришга улкан таъсир кўрсатмоқда.

Фалсафий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У муайян билимлар, келажакка қаратилган гоя ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фан ютуқлари, диний тасаввурлар, кадриятлар, ишонч, эътиқод, фикр, ҳиссиёт каби таркибий қисмлардан иборат.

Буларнинг ичида эътиқод муҳим аҳамият касб этади. У дунёқарашнинг мазмунини ташкил этадиган асослардан биридир. Эътиқод инсоннинг ўз қарашлари ва гоялари тўғрилигига, орзу-умидларининг асосли эканига, фаолияти ва хатти-ҳаракатининг умумий мақсадларга ва талабларга мослигига бўлган чуқур ишончидан пайдо бўлади. У инсоннинг ҳиссиёти, иродаси ва фаолиятини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни омилкорликка, самарали фаолиятга ундайди.

Фалсафий дунёқараш таркибида ҳиссиёт ва ақл муҳим ўрин тутаети. Ҳиссиёт дунёқарашнинг эмоционал-руҳий жиҳати бўлиб, дунёни тушуниш эса, дунёқарашнинг ақлий шаклидир. Ҳиссиёт – қувонч, шодлик, завқланиш, ҳаёт ва касб-кордан мамнунлик ёки норозилик, ҳайратланиш, хавотирланиш, асабийлашиш, ёлғизлик, заифлик, руҳий тушкунлик, ғам-ғусса, надомат, ўз яқинлари ва ватани тақдирини ўйлаш каби хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Ана шулар барчасининг уйғунлиги дунёни ҳис этишга олиб келаети. Дунёни ҳис қилиш эса, уни ақлий тушунишга, муайян дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлати.

Инсон ақли унга хос ҳиссиёт ва тасаввурлар асосида илмий дунёқарашни шакллантиради ва такомиллаштиради. Ҳар бир кишига хос ҳиссиёт ва фикр, билим ва эътиқод, интилиш ва кайфият, орзу-умид ва кадриятлар дунёқараш таркибида яхлитлашади ва оламни бир бутун ҳолда акс эттиради. Бир бутун, яхлит дунёқарашнинг шаклланиши болалиқдан бошланиб, инсон ҳаётининг охиригача давом этади. Бу ҳолат индивидуал дунёқарашнинг асосий тамойилларидан бирини ифодалайди.

Фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида билим гоётда муҳим аҳамият касб этади. Билимда дунёқарашнинг барча белгилари мавжуд. Лекин, билим ва дунёқараш айнан бир нарса эмас. Оламни тушуниш билимлар пайдо бўлиши учун асосдир. Билим инсон онгида ҳиссий ва ақлий билиш жараёнида ҳосил бўлати, у дунёқарашнинг асоси, унинг узвий қисмидир.

Билим муайян шароитда бирон бир ҳодиса ёки нарсани баҳолашда қўл келаети ва айнан ана шу жараёнда дунёқарашга айланади. Бундай баҳо бериш жараёнида мудом муайян манфаатлар асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам ижтимоий дунёқараш турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади, гоҳида уларни амалга ошириш учун кураш майдони бўлиб қолати.

Бирор партия ёки гуруҳ ўз мақсадларига етишиш йўлида бутун жамият учун хос бўлган умумий ижтимоий дунёқараш таркибида кўпроқ ва салмоқлироқ жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари фойдасига ўзгартиришга ҳаракат қилаети. Умуман, ҳаётда мақсадга эришишнинг энг осон ва қулай йўли ўзгалар дунёқарашини жамият фойдасига ўзгартира олишдир.

Фалсафа азал-азалдан дунёқараш бўлган. Чунки, унинг ўзи ҳаёт нима учун берилган, дунёга келишдан мақсад нима, умрни мазмунли ўтказишнинг қандай йўллари бор, деган талай саволларга жавоб топиш зарурати туфайли вужудга келган. Фалсафий дунёқараш ўзининг назарий асослангани ва пухта ишлангани билан ажралиб туради. Шу маънода, у бошқа фан ёки фаолият соҳаси учун умумий услуб вазифасини ҳам бажаради.

Агар назария билиш жараёнининг натижаси бўлса, усул (метод) шу билимга эришиш ёки уни амалга ошириш йўлини англатади. Фалсафий назария эса, бир вақтнинг ўзида усул вазифасини ҳам бажара олати. Тарихнинг бурилиш даврларида ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари нечоғли тўғри экани фалсафий дунёқараш тамойилларига солиштириб аниқланади. Бунда муайян фалсафий назария умумий усул (метод) сифатида қабул қилинади. Шу сабабдан ҳам бундай даврларда фалсафий назарияларга эътибор кучаети, тараққиёт йўлларида бориш фалсафий моделларининг аҳамияти ортади.

Масалан, бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, демократик давлат қуриши борасида Ислон Каримов томонидан асослаб берилган тараққиёт йўли – «Ўзбек модели»ни амалга оширмоқда. Бу йўлнинг асосий моҳияти ислохотларни инқилобий тарзда эмас, тадрижий равишда олиб боришини назарда тутаети. Президентимиз, айнан шу йўлни таклиф этар экан, асосий эътиборни унинг моҳият-мазмунини, тарихда қандай натижалар бергани каби масалаларга қаратган. Бунда тараққиётнинг мазкур йўли аниқ тарзда тасаввур этилган. Яъни, унинг тарихий ва замонавий жиҳатлари, умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари, мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун нақадар аҳамияти ҳар томонлама ўрганилган. Ана шу асосда керакли хулосалар чиқарилган ва уларни ҳаётга тадбиқ этишининг асосий йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган.

Биз ана шу назарияни, бир томондан, тараққиётимизнинг ўзимизга хос ва мос модели деб атаймиз. Иккинчи томондан эса, уни мамлакатимиз ҳаётини тубдан ўзгартирадиган ва унинг келажagini белгилаб берадиган, миллий дунёқараш, онг ва тафаккур ривожига муҳим ўрин тутадиган умумфалсафий таянч – методология деб биламиз. Чунки, унинг тамойиллари тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилайди ва шу билан бирга, бу жараёнга кучли таъсир кўрсатадиган методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Инсон онгли ижтимоий мавжудот бўлгани боис, унинг дунёқарашини муайян эҳтиёж ва манфаатларга асосланади. Демак, ҳар қандай дунёқараш муайян инсон, ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг ўз эҳтиёж, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда борлиққа муносабатини ифодаловчи ғоялар, назариялар, билимлар мажмуаси, руҳий ҳолат ва эътиқод мужассами ҳамда уларнинг намоён бўлишидир.

Фалсафий дунёқараш, моҳият-мазмунига кўра, маънавий фаолият бўлгани боис, у борлиққа бўлган онгли, инсоний муносабатнинг муайян йўналишларини вужудга келтирган. Масалан, кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий муносабатлари – ахлоқий дунёқарашларида, ҳуқуқий муносабатлари – ҳуқуқий, сиёсий муносабатлари – сиёсий, диний муносабатлари – диний, экологик муносабатлари – экологик дунёқараш шаклларида ўз ифодасини топган. Буни тизим тарзида изоҳлайдиган бўлсак, куйидагича кўриниш касб этади:

1. Ахлоқий.
2. Диний.
3. Ҳуқуқий.
4. Сиёсий.
5. Экологик.
6. Эстетик.

Бу тизимни ташкил қилган нисбатан мураккаб дунёқараш шакллари ўзаро боғлиқликда, алоқадорликда ҳаракат қилади.

Дунёқараш тизимининг ривожланиш даражаси жамият тараққиётига мос келади ва уни ифодалаб туради. Бундан ташқари, ҳар бир тарихий даврда миллатнинг ривожланиши, унинг менталитети ва дунёқарашини намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш тизими ва уларнинг хусусиятлари муайян инсон, ижтимоий гуруҳ, табақа ва бутун миллатнинг маънавий қиёфасини белгилаб беради.

«Дунёқараш» тушунчаси ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, тарихий хотира, маънавий баркамоллик каби туйғу ва тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Чунки, дунёқараш айнан ана шу руҳий-ижтимоий ҳодисалар орқали ойдинлашади, умуминсоний қадриятларнинг тарихий бир бўлагига айланади.

Фалсафий дунёқарашнинг тарихий шакллари инсоният тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, жамият ривожланишининг маънавий мезони сифатида намоён бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида кишиларнинг табиатга, ўзларининг ижтимоий ҳаётига бўлган муносабати турли ривоят ва афсоналарда ўз ифодасини топган. Улар шу тариқа мифологик дунёқарашни шакллантирган. Ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги курашда яхшиликнинг мудом тантана қилиши мифологик дунёқарашнинг гуманистик мазмунидан далолат беради. Хусусан, ўзбек халқи цивилизацияси жараёнида яратилган ривоят, афсона ва бошқа жанрлардаги оғзаки ижод намуналари миллатимиз тарихда қандай маънавий қиёфага эга бўлганини ҳануз кўрсатиб туради. Улар бугунги кунда жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Масалан, қадимий меросимиз намунаси – «Авесто»да яхшилик рамзи – Ахурамазда ва ёмонлик тимсоли – Ахриман ўртасидаги кураш тарихи мисолида охир-оқибатда эзгулик барибир ғалаба қозонади, яъни ёруғлик зулмат устидан ғалаба қилади, деган ғоя асосий ўринни эгаллайди ва ҳаётбахш ғоялар илгари сурилади.

Мифологик дунёқараш қадимги замон кишиларининг ўзларига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Эзгулик ва ҳақиқат учун кураш ғояларининг ифодаси бўлган афсона ва ривоятларда миллатнинг муайян руҳий ҳолати, келажакка ишончи, ватанга муҳаббати, инсоний камолотга интилиши бадиий воситалар, афсонавий қаҳрамонлар тимсолида ифода этилган.

Дунёқарашнинг мифологик моҳияти бугунги фан-техника тараққиёти, инсоннинг ақлий салоҳияти бағоят юксалиб кетган даврда жуда жўн ва ибтидоий бўлиб кўринади. Аммо афсона ва ривоятлар ўзининг кучли жозибаси, инсонпарварлик ғоялари билан ҳозирги кунда ҳам кишиларни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашнинг таъсирчан ва самарали омили бўлиб қолмоқда.

Диний қарашлар. Муайян дунёқараш таркибида диний-илоҳий қарашлар ўзига хос аҳамият касб этади. Улар инсоннинг илоҳга бўлган эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, вужудга келишига кўра, бошқа дунёқараш шакллари каби, муайян асосларга эга.

Мифологик дунёқараш афсонавий кучларни эътироф этиш билан боғлиқ бўлса, диний дунёқараш илоҳий қудратларга эътиқод қўйиш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу дунёқараш шаклини инсон қалбидаги қуйидаги ҳолатлар белгилайди:

- эмоционал-руҳий ҳолатлар;
- иймон-эътиқод;
- иймон-эътиқоднинг хатти-ҳаракатларда ифода этилиши.

Булар айни пайтда диний дунёқарашнинг асосий тамойилларини ҳам ташкил қилади.

Диний дунёқараш ҳар бир даврда муайян ижтимоий вазифаларни бажариб келган. «Дин, шу жумладан ислом дини ҳам, минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган»³.

Жамият ҳаётида ҳар қандай, шу жумладан, диний дунёқарашнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам сунъий равишида мутлақлаштириш, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳол айниқса, диний фундаментализм ва экстремизм инсоният учун жиддий хавфга айланган ҳозирги даврда яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги даврда фан, техника, дунёвий илмларнинг кучайиб кетиши билан «Диний дунёқараш, тафаккурнинг, инсонни ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатнинг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган»⁴.

Диний дунёқарашни теология деб аталадиган фалсафий фан ўрғанади. **Теология** олам ва одам муносабати, умрнинг мазмуни, ҳаёт ва ўлим муаммоси каби масалаларни илоҳиёт, диний эътиқод тушунчалари билан боғлаб таҳлил қилиш ҳамда ўзига хос мукамал тизимини яратган. Бугунги кунда диний дунёқарашнинг бир талай асосий вазифалари орасида, унинг ҳаёт зиддиятларини бартараф қилиш билан боғлиқ регулятив фаолияти ниҳоятда муҳимдир. Умуман, диннинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти бениҳоят улкан ва у тобора ортиб бормоқда.

Фалсафий дунёқарашнинг асосий йўналишлари. Дунёқараш тизими ва унга хос нисбатан мустақил йўналишларнинг ҳар бирини фалсафий мулоҳазанинг ойдинлашган (конкретлашган) шакли сифатида қараш мумкин. Фалсафий дунёқараш, содда қилиб айтадиган бўлсак, инсоннинг олам, одам ва борлиққа муносабатини ифодаловчи билимлар тизимидир. Унга инсон борлигининг моҳияти нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, моддий ёки маънавий жиҳатлари нечоғлиқ мутлақлаштирилишига қараб, унинг таркибида материалистик ва идеалистик дунёқараш йўналишлари мавжудлигини кўрамиз.

Агар борлиқ ва унинг хоссаларига мавжудлик, боғлиқлик, ўзгариш ва тараққиёт нуқтаи назаридан билдирилган муносабатларни умумлаштирадиган бўлсак, унинг таркибида метафизик ва диалектик, софистик ва синергетик каби қатор дунёқарашлар мавжудлигини кўрамиз. Булар соф назарий-фалсафий масалалар бўлиб, улар тўғрисида «Олам ва одам», «Дунёни фалсафий тушуниш» бўлимларида махсус тўхталиб ўтамыз.

Фалсафий дунёқараш борлиқ ҳақидаги илмий қарашлар тизимининг ўз-ўзича шаклланган (механик) йиғиндиси эмас, балки уларнинг умумий қонуниятлар асосидаги тизимидир. Фалсафий дунёқараш таркибида қуйидаги тамойиллар номоён бўлади:

- турли дунёқараш шаклларининг ўзаро алоқадорлиги кучаймоқда;
- муайян дунёқараш шаклланиш ва ривожланиш жараёнида инсонга муносабатнинг аҳамияти ортиб бормоқда;
- миллий дунёқараш умуминсоний дунёқараш шакли ва унинг таркибий қисми сифатида юзага келган.

Фалсафий дунёқарашнинг бу умумий тамойиллари ҳар қандай конкрет дунёқараш шакллари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, унинг яна қуйидаги тамойиллари ҳам бор:

³ Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 441-бет.

⁴ Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 442-бет.

- илмийлик;
- тарихийлик;
- мантиқийлик;
- универсаллик;
- мақсадлилиқ;
- ғоявийлик;
- назария ва амалиётнинг бирлиги.

1. *Фалсафий дунёқараш илмийдир*, чунки у нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларни кундалиқ онг даражасидагина эмас, балки назарий онг даражасида ҳам ифодалайди. Ҳар қандай фалсафий дунёқараш шакли объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг конкрет муносабатларини акс эттиради.

2. *Фалсафий дунёқарашнинг тарихийлик тамойили* жамиятнинг ўтмиши дунёқарашлар тарихидан иборатлигини ва узлуксиз ривожланишини ифодалайди.

3. *Фалсафий дунёқарашнинг мантиқий изчиллиги тамойили* ҳар қандай дунёқараш шакли ва даражасининг мантиқий бирикмалар орқали ифодаланиши билан изоҳланади. Агар мантиқий изчиллик бузилса, дунёқарашнинг ташқи оламини холис, илмий, аниқ-равшан ва изчил акс эттиришига путур етади.

4. *Фалсафий дунёқарашнинг универсаллиги* бошқа дунёқараш шакллариининг мазмунини ташкил қилиши билан сифатланади, яъни ҳар қандай дунёқараш шакли ўзига хос фалсафий хусусиятга эга.

5. *Фалсафий дунёқараш мақсадга мавофиқ бўлиб*, инсон манфаатларига мос келади. Чунки, инсон муайян мақсад, орзу-умидлар билан яшайди, уларни ўз дунёқарашинида акс эттиради.

6. *Фалсафий дунёқарашнинг ғоявийлик тамойили*, унинг асосида муайян ғоя ётгани билан ифодаланади. Хусусан, бугунги ўзбек миллий фалсафий дунёқарашини миллий мустақиллик, ўзликни англаш, миллатимиз келажагини белгилайдиган истиқлол ғоясига таяниши билан характерлидир. Фалсафий дунёқараш шу ғояни эътиқодга айлантириш ва унинг амалга ошиши учун хизмат қилади.

7. Фалсафий дунёқарашнинг энг муҳим тамойилларидан бири *назария ва амалиёт бирлигидир*. Дунёқарашнинг назария сифатида мавжудлиги ижтимоий амалиёт тажрибаларини ижодий умумлаштириб, истиқбол режаларини белгилашда қўл келиши билан изоҳланади. Шунингдек, дунёқарашнинг амалиётга жорий этилиш жараёнида унинг усул ва воситалари муҳим аҳамиятга эга.

Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари (функциялари). Фалсафий дунёқарашнинг зикр этилган тамойиллари, унинг вазифаларини белгилаб беради. Яъни, бу вазифалар жамиятнинг умумбашарий руҳдаги мақсад-муддаоларидан, манфаатларидан келиб чиқади ҳамда бошқа дунёқараш шакллари учун услубий аҳамият касб этади.

Дунёқараш, аввало инсоний муносабатлар ифодасидир. Шу нуқтаи назардан, у инсоннинг борлиққа муносабатида, дастлаб унинг баҳоси тарзида кўзга ташланади.

Бу — фалсафий дунёқарашнинг *баҳолаш* вазифасини англатади. Яъни, инсон, ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса-ҳодисаларни: яхши-ёмон, фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ, орият-беномуслиқ каби қарама-қарши мезонларга ажратади.

Инсон нарса-ҳодисаларга баҳо берар экан, бунинг замирида унинг ижтимоий ҳаёти, яъни онгли муносабатлари ётади. Бунда инсон ёки жамият муносабатлари дунёқарашнинг ўзи таянадиган омилларга (идеалларига) мослаштирилади. Орзу-хавасларга эришишнинг усуллари, воситалари, амалий йўналишлари белгиланади.

Дунёқараш инсон фаолиятини ахлоқий меъёр, диний қадрият, ҳуқуқий ҳужжат ва сиёсий механизмлар каби усул-воситалар орқали *бошқариш* вазифасини ҳам адо этади. Бунда фалсафий дунёқарашнинг ўзича нисбатан мустақил бўлган ҳар бир йўналиши ўзига хос бошқариш усулига эга бўлади. Масалан, инсонни эзгуликка йўналтириш учун ахлоқ унинг ақл-заковати; дин — иймон-эътиқодига; ҳуқуқ — қонунларга, жазо идораларига; сиёсат-давлат функцияларига таянади ва ўзига хос таъсир йўналишларига эга бўлади.

Фалсафий дунёқарашнинг инсон фаолиятини *назорат қилиш* вазифаси ҳам бор. Бунда дунёқарашнинг жамоатчилик фикри тарзидаги кўриниши назарда тутилади. Масалан, ўзбек халқининг тарихий ривожланиши ва маънавий ҳаёт тарзида маҳалла ижтимоий назоратнинг муҳим институти тарзида фаолият кўрсатган.

Дарҳақиқат, ўзбек маҳаллаларида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамдардлик каби ноёб фазилатлар камол топади. Шунинг учун ҳам Ислоҳ Каримов уни «Ўзини ўзи бошқариш мактаби... демократия дарсхонаси», деб таърифлайди⁵.

Фалсафий дунёқарашнинг *бирлаштириши* (коммуникатив) вазифаси турли дунёқараш йўналишларини миллий ва умуминсоний ғоялар атрофида уйғунлаштириши билан характерланади. Турли манфаатлар билан боғлиқ бўлгани боис дунёқарашлар ўртасида муайян зиддиятлар рўй бериши табиий. Бундай шароитда фалсафий дунёқараш уларни муросага келтиришга хизмат қилади.

Фалсафий дунёқараш, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-тарихий тажрибани умумлаштириш, жамият истиқболини кўрсатиш имкониятига эга бўлганлиги учун ҳам халқни муайян ғоя атрофида бирлаштиради.

Масалан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, муайян даврларда фалсафий дунёқараш инсон туб манфаатлари билан боғлиқ бўлганлигини, миллат келажагини белгилайдиган озодлик ғояси атрофида кишиларни бирлаштирганини кўраимиз. Бу ҳол мўғул босқинчиларига қарши кураш даврида яққол намоён бўлган. Ушбу ғоя (озодлик фалсафаси) дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида миллатнинг турли табақаларини, эътиқоди, иқтисодий аҳволи ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, бирлаштирган ва умумий курашга сафарбар қилган.

Ҳар қандай дунёқараш инсон эҳтиёжларидан келиб чиқади, унинг манфаатларига мос келади. Шу билан бирга, бир томондан, дунёқараш ўз-ўзидан, яъни стихияли равишда шаклланиб қолмайди. Аксинча, у турли таълим-тарбия воситаларининг мақсадга мувофиқ ҳолдаги фаолияти натижасида вужудга келади. Иккинчи томондан эса, фалсафий дунёқараш, умуминсоний тамаддун (цивилизация) таъсири ўлароқ шаклланган бўлса, муайян инсон, ижтимоий гуруҳ ёки миллатни тарбиялашнинг турли имкониятлари ва воситаларининг муштараклашган шаклидир.

Бинобарин, фалсафий дунёқарашнинг *тарбиявий* вазифасини юқорида зикр этилган бошқа вазифаларнинг асоси сифатида қараш керак. Бу — кишиларда кенг ва теран фикрлаш қобилиятини вужудга келтириш асосида бағрикенглик, муроса, ҳар қандай зиддиятларни маданий йўл билан ҳал қилиш, келажакка умид ва ишонч руҳини шакллантиришдан иборат.

Таянч тушунчалар

Дунёқараш, мифологик ва диний дунёқараш, фалсафий дунёқараш, дунёқарашнинг вазифалари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Дунёқараш нима?
2. Фалсафий дунёқарашнинг ғоявий илдизлари нималарда намоён бўлади?
3. Диннинг дунёқараш тизимидаги ўрни ва аҳамияти қандай?
4. Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР

1. Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Шарқ», 1998.
2. Ислоҳ Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». – «Фидокор», 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
5. «Фалсафа» ўқув қўлланмаси. — Т.: «Шарқ», 1999.
6. «Основы философии». — Т.: «Ўзбекистон», 1998.

⁵ Ислоҳ Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» - «Фидокор», 2000 йил, 8 июн.

3-мавзу. Фалсафий билимлар тизими, унинг асосий йўналишлари ва вазифалари

Режа:

1. Фанлар тизими, унда фалсафанинг ўрни ва аҳамияти.
2. Фалсафий билимлар тизими ва унинг хусусиятлари.
3. Фалсафий ғоялар, назарияларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари.
4. Ўзбекистонда фалсафий фанларни ривожлантириш муаммолари.

Фалсафий билимлар тизими. Дунёда хилма-хил фанлар бор. Муайян соҳага оид илмий билимлар тизими фан деб аталади. Улар «Табиий фанлар», «Ижтимоий фанлар», «Аниқ фанлар», «Техника фанлари» каби соҳаларга бўлинади. Жамият ва инсонни ўрганувчи, улар тўғрисидаги турли билим соҳаларини қамраб оладиган тарих, фалсафа, адабиётшунослик, тилишунослик каби ижтимоий фанлар ягона фан соҳаси — ижтимоий фанлар соҳасига киради. Физика, химия, биология, математика каби фанлар эса табиий фанлар соҳасига мансуб. («Фан фалсафаси» бўлимида бу масалаларга атрофлича тўхталамиз).

Ушбу мавзуда эса, фалсафий фанлар тизими нима, бу тизим қандай шаклланган деган масалалар хусусида фикр юритамиз.

Маълумки, инсон ўз қизиқиши ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида қадим замонлардан бошлаб дунёни билишга ҳаракат қилган. Жамият тараққиёти юксалиб бориши билан кишиларнинг билим доираси кенгайиб, тафаккури ривожланиб борган. Бошқача айтганда, билимлар тизими инсоният тараққиётини ҳаракатлантирувчи муҳаррикка (механизмга) айланган.

Қадимги дунё тарихидан хабардор бўлган кишилар милоддан олдинги VII — II асрларда Юнонистон ва Римда фан ва маданият тараққий этганини яхши билади, албатта. Ўша давр бошларида қарийб барча билимлар фалсафа фани доирасида ривожланиб келган эди. Аммо ана шу даврнинг ўрталарига келиб «Риторика» (нотиқлик санъати) ва «Политика» (сиёсат) каби фанлар фалсафадан ажралиб чиқди. Инсоният тарихининг кейинги босқичларида фалсафа таркибидан математика, физика каби аниқ фанларнинг ажралиши жараёни бошланди. Қолаверса, кейинги асрларда ижтимоий ва аниқ фанлар тизими шаклланди, баъзи қадимий аниқ фанларнинг ўзи ҳам (математика, физика каби) муайян соҳаларга (арифметика, алгебра ва бошқалар) бўлиниб кетди.

Инсоннинг ташқи оламни билишга бўлган интилиши муайян даврга келиб, фалсафий-назарий билимни тарихий заруратга айлантирди. Бунинг натижасида ақлий ва жисмоний меҳнат тақсимотининг дастлабки шакли вужудга келди ва фаннинг назарий жиҳатларини ўрганувчи кишилар тоифаси пайдо бўлди.

Авалги мавзуда таъкидлаб ўтганимиздек, олам ва одамнинг яралиши, мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларини афсона ва ривоятлар асосида тушунтиришни мақсад қилиб олган дунёқараш соҳаси «**Мифология**» (миф — афсона, логос- таълимот дегани) деб аталадиган бўлади. Илоҳий ва рухий қарашларнинг ўрни ва аҳамиятини мутлақлаштирадиган тафаккурнинг бир йўналиши «**Теология**» (тео — худо, логос — таълимот дегани) деган ном олди.

Шундай қилиб, инсоннинг билиш жараёни такомиллашиб боргани сари мустақил фанлар тизими ҳам шаклланаверди. Жамият ривожининг муайян босқичларига келиб, мифологик, диний қарашлар оламни билиш талабларига жавоб бермай қолди. Фалсафадан фанларнинг ажралиб чиқиши, унинг кашшоқланишини эмас, балки ривожланиш хусусиятини кўрсатувчи аломатга айланди.

Тараққиёт жараёнида фалсафадан табиатшунослик фанлари билан бирга психология, этика, эстетика каби ижтимоий фанлар ҳам ажралиб чиқди. Кейинчалик маданият, кадриятлар ва ҳуқуқ каби соҳаларни ўрганадиган алоҳида йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Улар оламни ўз предмети доирасида яхлит билиш, унинг хусусий қонуниятларини ўрганишга ёрдам беради.

Фалсафий йўналишлар, тадқиқот олиб борадиган соҳасига кўра, ўзига хос бўлиб, асосийлари қуйидагилардир:

Онтология — олам, инсон ва жамиятнинг объектив-универсал моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотдир. Бошқача айтганда, у борлик тўғрисидаги, инсоннинг оламга бўлган муносабати ҳақидаги фалсафий билим соҳасидир.

Гносеология — билиш фалсафаси бўлиб, оламни англаш, билиш назарияси, билишнинг шакли, усуллари ва имкониятлари тўғрисидаги таълимотдир.

Аксиология — қадриятшунослик ёки қадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Праксиология — инсоннинг предметли-ўзгартирувчан, амалий фаолияти тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Методология — билиш ва ўзгарувчан фаолият усуллари тўғрисидаги таълимот.

Логика — тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса) ва тафаккур воситаларини (таъриф, қоида, муҳокама, тафаккур қонуниятлари), уларнинг мазмунидан қатъи назар, ҳолис ўрганувчи таълимот.

Этика — ахлоқ фалсафаси, инсониятнинг ахлоқий тамойиллари, талаб ва тартиб-қоидалари тўғрисидаги фан.

Эстетика — нафосат фалсафаси, жамият ва инсон ҳаётида гўзалликнинг ўрни, қонун-қоидалари тўғрисидаги қарашлар мажмуи.

Бундан ташқари, инсон фалсафаси (антропология), ижтимоий фалсафа, табиат фалсафаси, маданият фалсафаси (культурология), санъат фалсафаси, мафкура фалсафаси (идеология), дин фалсафаси (теология), сиёсат фалсафаси (политология), ҳуқуқ фалсафаси, техника фалсафаси каби соҳалар ҳам мавжудки, улар бир сўз билан ижтимоий-фалсафий фанлар тизими дейилади.

Иккинчи хил классификация фалсафий фанлар таснифида олам ва одам, борлиқнинг асоси билан боғлиқ масалалар қандай усулда ҳал қилинишига қараб белгиланади. Бундай таснифлаш натижасида монизм, дуализм, плюрализм, материализм, идеализм, теизм, атеизм каби кўплаб йўналишлар кўзга ташланади. Фалсафани ўрганиш жараёнида бу тушунчаларга ҳали кўп дуч келамиз ва ўрни келганда уларга зарур изох ва таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Бу тизимда **фалсафа тарихи** билимнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бунда тадрижий тараққиёт тамойили асосида фалсафий тизимлар ўртасидаги тарихий изчилликка таянилади. Мазкур қўлланмада фалсафа тарихи ана шундай тамойил асосида ўрганилган.

Фалсафий билимлар тизимининг ўзгариши ва мазмунан бойиб бориши объектив ижтимоий-тарихий жараён маҳсули бўлиб, у жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келади ва уни ўзида ифода этади. Фалсафий билимлар тизимидаги алоҳида йўналиш ҳар бир тарихий даврда ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланса ҳам, уларнинг умумий тамойиллари мавжуд. Яъни, биринчидан, ҳар бир фалсафий билим йўналиши жамият ривожланишида ўзига хос детерминант (сабаб) вазифасини бажаради. Иккинчидан, фалсафий билимлар жамият тараққиётига таъсир қилувчи субъектив омил бўлса ҳам, вужудга келиш асоси - генезиси нуқтаи назаридан объектив ҳодисадир. Учинчидан, фалсафий билим йўналишларининг ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик муносабати, уларнинг дунёни билишдаги яхлитлигини таъминлайди.

Фалсафий ғоялар ва уларнинг амалиёти. Инсониятнинг яшаши, ривожланиш истиқболлари, орзу-ҳаваслари, интилишлари, умидлари, турмуш тарзи ғоявий қарашларда ҳам ўз ифодасини топади. Фалсафий ғоялар, образли қилиб айтганда, инсон ҳаёт тарзининг кўзгусидир. Ҳар қандай фалсафий билим дастлаб ғоя тарзида шаклланади.

Фалсафий ғоя инсоният олдида турган муайян муаммони англаш ва уни ҳал қилиш мақсади, услуб ва воситаларининг ифодасидир. Кишиларнинг нарса ва ҳодисаларга ўз эҳтиёж ва манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиши натижасида муаммога муносабат ва уни ҳал қилишга қаратилган амалий, назарий ҳаракат пайдо бўлади. Масалан, инсон онгли мавжудот экани боис ўзини муқаррар ҳалокатга олиб бориши мумкин бўлган ғайриинсоний ғояларга асосланган хатти-ҳаракатларни чегаралашга, таъқиқлашга қодир. Умумийроқ қилиб айтсак, кишиларнинг яшаш, авлод қолдириш, ҳаётни давом эттириш майли (инстинкти) дунёда нисбатан барқарор ижтимоий вазиятни таъминлаб туради.

Бугунги кунда тинчлик ғояси умуминсоний мақсадларни бирлаштирувчи фалсафий ғояга айланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобларида айтилганидек: «... Одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзғатиш осонроқ»⁶.

Бунда икки хил жиҳатга эътибор бериш лозим. Биринчиси - тор доирадаги мутаассиб кучларнинг ғайриинсоний ғояларни ёшлар онгига, турмуш тарзига синдириш йўли билан

⁶ Ислоҳ Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» - «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

ўзларининг муайян мақсадларига эришиш учун ҳаракатига эҳтиёт ва ҳушёр бўлмоқ керак. Иккинчиси эса, соғлом кучларнинг уларга қарши инсонни инсон деган номга муносиб қилиб тарбиялаш ва цивилизацияни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш манфаатлари учун курашидир.

Фалсафий назарияларнинг «якши» ёки «ёмон», «фойдали» ёки «зарарли» эканини тарихий тажриба асосида фақат битта мезон — умуминсоний манфаатларга мос келадими ёки йўқми, деган хулоса асосида баҳолаш мумкин. Шунинг учун биз фалсафий ғоя ва назарияларни баҳолашда ўз субъектив фикрларимизни мутлақлаштиришдан йироқ бўлишимиз лозим.

Фалсафий назариялар тизимида «фақат мен ҳақман, бошқалар ноҳақ» деган тарзда мутлақ ҳақиқатга даъвогарлик қиладиган ғоя ва назариялар ўртасидаги кураш оғир оқибатларга олиб келишини тарихий тажриба қайта-қайта исботлаб берган.

Ҳар қандай манфаат шакллари ва даражалари муайян фалсафий ғоя ва назарияларда ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ғоя ва назариялар ўртасида доимий кураш бориши табиий ҳол. Президентимиз таъбири билан айтганда, «ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда... Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. Жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимаيدди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади»⁷.

Фалсафанинг муайян ижтимоий қатламлар сиёсий манфаатлари билан боғланиб кетиши, уларнинг мафкураси тарзида намоён бўлиши масаласи ҳам ниҳоятда муҳим. Шунинг учун миллий Фалсафамизни ривожлантириш асосида истиқлол мафкурасини яратиш кун тартибидagi энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тарих фалсафаси. Инсоннинг онгли фаолияти ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат.

Бу муносабатларнинг энг умумий қонуниятларини ўрганувчи фалсафий билимлар ўз тарихига эга. Ҳаққоний ёритилган тарих миллий фалсафани, мафқурани шакллантиришдаги асосий манба бўлиб хизмат қилади. «Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки мафқуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган... Тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир»⁸. Афсуски, кўпгина қўлланмаларда у ёки бу файласуфнинг таълимотига алоҳида эътибор берилади, у ҳақда чуқур фикр юритилади. Аммо ўша давр қандай эди, нима сабабдан муайян олим айнан шу ғояни илгари сурган, нега умрини бирор-бир таълимотни тарғиб этиш билан ўтказган, деган масалаларга кам эътибор берилади. Аслида, давр олим ва файласуф камолотида муҳим ўрин тутади. Унинг ғоялари туғилиши учун асос бўлади, бу ғоялар қўлланадиган ижтимоий амалиёт бўлиб ҳисобланади.

Агар масала бу тарзда қўйилмаса, фалсафий таълимотнинг ўз даврини акс эттирадиган моҳият-мазмунига путур етади, айниқса ўша давр муаммоларини ижтимоий макон ва тарихий замондан ажратиб таҳлил қилиш натижасида фалсафанинг миллийлик руҳи, хусусиятлари хиралашади.

Албатта, биз ҳар бир фалсафий билимларнинг ўзига хос муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг назарий-амалий усул ва воситалари борлигини инкор этмаймиз. Лекин, фалсафанинг ўрни, аҳамияти ва вазифасига миллий мафқурани шакллантириш нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унга таъсир қиладиган омилларни муштарак-муҳассам тарзда олиб қараш зарурати пайдо бўлади. Шунинг учун, бир томондан, ҳар бир фалсафий билим йўналишлари тарихини миллатнинг умумий тарихи билан биргаликда олиб таҳлил қилганда, яхлит фалсафий дунёқараш вужудга келади. Иккинчи томондан, бу жараённи миллат эҳтиёжларидан келиб чиқадиган, истиқбол манфаатларига мос бўлган миллий истиқлол ғоясидан ажратиш мумкин эмас.

Ўзбек миллий фалсафасининг генезисига назар ташлайдиган бўлсак, бир-бири билан боғлиқ икки омилни кўрамиз: биринчиси, қадимги зардуштийликнинг муқаддас китоби - Авесто ва ислом динининг бош асоси — Қуръони карим ва ҳадиси шарифдаги инсонпарварлик ғоялари бўлса, иккинчиси — дунёвий билимлардир. Ҳозирги кунда ҳар қандай ижтимоий фан соҳасининг, шу жумладан фалсафанинг энг муҳим вазифаси диний ва дунёвий билимлар ўртасида мўътадил муносабат бўлишини илмий изоҳлаш, унинг қонуният ва хусусиятларини очиқ беришдир. Бунинг учун дин ва дунёвий фанларнинг ўзаро муносабатларини умуминсоний мақсад ва манфаатлар доирасида уйғунлаштириш имкониятларини топиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳуқуқ, ахлоқ, сиёсат, маданият фалсафаларининг ғоявий-назарий йўналишларини шу масалани ҳал қилишга қаратишни умуминсоний цивилизациянинг ўзи тақозо қилмоқда.

⁷ Ислом Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман» - «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

⁸ Ислом Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман» - «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

XXI асрга келиб, инсоният ғоят мураккаб, оламшумул муаммолар қаршисида турганлигини англай бошлади. Хусусан, ядро уруши хавфи, кескинлашаётган экологик муаммолар, хом-ашё ва энергетика ресурслари, Ер шари аҳолисининг шиддат билан ўсиб бораётгани, уларни озик-овқат билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, маориф ва маданиятни, фан-техника ва технологияни ривожлантириш муаммолари янгича тафаккурни тақозо қилмоқда. Бу масалани миллий ва умуминсоний фалсафий ғояларни, назарияларни ишлаб чиқмасдан ҳал қилиш мумкин эмаслиги эса тобора аниқ бўлиб бормоқда.

Фалсафа ижтимоий ҳаётда инсоннинг моҳияти, яшайдан кўзлаган мақсади, олий қадрият экани, маънавий омиллари (идеаллари), борлиқдаги ўрни, муносабатлари сабаблари, руҳий ва моддий эҳтиёжларини қондириш усул ва воситалари — барча-барчасини кўрсатиб беради.

Жамият таракқиёти ва фалсафанинг ривожланиши диалектикаси ана шу хусусиятларга асосланиб, ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бир томондан, жамиятнинг ўзгариб бориш тамойили фалсафий ғоя, назария ва таълимотлар ўзгаришини тақозо қилади. Иккинчи томондан, ўзгараётган фалсафа жамият моддий-маънавий ҳаёт тарзини илғаб олиб, унинг истикболларини белгилаш, мафкурасини шакллантиришда назарий, услубий асос бўлиб хизмат қилади. Айниқса, мамлакатимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган бугунги кунда кишилар тафаккури ва онгида сақланиб қолаётган эскича фикрлаш қолипларини бартараф этиш, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни рағбатлантириш, миллий ўзликни англаш, истиклол мафкурасини шакллантиришда шошилмай, беҳуда ҳис-ҳаяжонларга берилмасдан, ақл-заковат билан иш тутишда фалсафанинг ўрни ва аҳамияти ғоятда улкандир.

Фалсафа ҳар қандай мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятда ҳам кишиларни юксак ғоявийлик, мустақкам эътиқод, келажакка ишонч руҳида тарбиялаш билан бирга, уларга муроса ва ҳамкорлик қилиш, чигал муаммоларни ҳам умуммиллий, умуминсоний манфаатларни назарда тутган ҳолда маданий ва маърифий ҳал этиш имкониятларини топишга ёрдам беради.

Фалсафанинг вазифалари (функциялари). Бу фаннинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти унинг дунёқарашни шакллантириш, услубий, гносеологик, эвристик, педагогик-дидактик, праксеологик вазифалари (функциялари) билан белгиланади.

Бундан аввалги маърузамизда фалсафий дунёқарашнинг генезиси, вазифаси ва аҳамияти ҳақида анча батафсил тўхталиб ўтган эдик. Ушбу маърузада эса, унга қўшимча қилиб, фалсафа фан сифатида дунёқарашни шакллантириш борасида қандай вазифани бажаради, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Фалсафа фанининг дунёқарашни шакллантириш борасидаги вазифаси:

- биринчидан, инсон қарашларининг шаклланиш имкониятлари, усул ва воситаларини, уларнинг кундалик онг даражасидан назарий ғоялар даражасига кўтарилиш жараёнини, мифологик дунёқарашдан фарқларини;

- иккинчидан, миллий дунёқарашни шакллантиришдаги турли фан йўналишларининг муайян вазифаларини, уларнинг бир-бири билан ғоявий ҳамкорлик қилиш ва уйғунлашув тамойилини;

- учинчидан, илмий дунёқарашнинг миллий ва умуминсоний манфаатларга мос келишини аниқлашда намоён бўлади.

Фалсафа фанининг услубий вазифасини изохлаш учун аввало услуб (методология) тушунчасини билиб олиш лозим. Методология — фалсафа фанининг тадқиқот объектини ўрганишга йўналтирилган энг умумий тамойиллар, усул ва воситалар тизимидир. Методология сўзининг мантиқий мазмуни ҳам борлиқни билишнинг усул ва воситалари ҳақидаги таълимот, деган маънони англатади. Шу маънода фалсафа бошқа фанлар учун методологиядир.

Фалсафанинг гносеологик вазифаси, унинг борлиқни билиш учун умумий методлар тизимини яратиши билан боғлиқ. Бунда билимларнинг ҳақиқийлиги масаласи асосий ўрин тутди. Фалсафанинг гносеологик функцияси, онг ва дунёни билиш масаласига бағишланган маърузаларимизда анча батафсил маълумотлар бериш кўзда тутилган.

Фалсафанинг эвристик функцияси («эврика» грекча сўз бўлиб, кашф этиш, деган маънони англатади) гносеологик вазифаси билан боғлиқ бўлиб, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг умумий янги қонуниятларини кашф этишни характерлайди. Шу билан биргаликда бу функцияга ўзини ўзи англашни, миллий ўзликни англашни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, инсон ва миллатнинг ўзлигини англаши ўз тарихининг ҳаққоний кирраларини ва келажак истикболларини кашф этиш билан белгиланади.

Фалсафа тарбиявий вазифани бажаради. Инсоннинг маънавий баркамолликка етишишида фалсафанинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Хусусан, «Ахлоқ фалсафаси» кишида юксак ахлоқий меъёрлар — ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ғоявийлик, эътиқод, ижтимоий-сиёсий фаоллик ва масъулиятни ҳис этиш туйғуларини тарбиялайди. «Ҳуқуқ фалсафаси» ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни, ижтимоий назоратнинг бошқа ҳуқуқий

усул ва воситаларини назарий-амалий жиҳатлардан ишлаб чиқади. «Табиатшунослик фалсафаси» таълим-тарбия соҳасида ўзига хос аҳамиятга эга. Инсоннинг табиатни билиш борасидаги интилишлари моҳиятини ёритади, табиатга нисбатан оқилона муносабатни шакллантириб, уни муҳофаза қилишнинг назарий асосларини белгилаб беради.

Фалсафанинг праксиологик функцияси фалсафий ғоя ва назариянинг ижтимоий ҳаётга амалий татбиқ этилиши билан изоҳланади.

Ҳар қандай амалий фаолият мустаҳкам илмий назарияга асосланмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, фалсафанинг бу функцияси назариянинг амалиётга жорий этиш услуб ва воситаларини аниқлашни ҳам ўз ичига олади.

Юқорида кўрсатилган функцияларнинг ўзаро ички боғлиқлиги фалсафанинг муштарак умумназарий ва услубий аҳамиятини белгилаб беради. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама ўрганиш инсон ва жамиятнинг маънавий камолотига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, фалсафий билимлар тизимини такомиллаштириш йўллари топиш имконини беради. Масаланинг бу тарзда ҳал этилиши умуминсоний цивилизация тамойилларига ҳам мос келади.

Таянч тушунчалар

Фалсафий билимлар, фалсафий билимлар тизими, фалсафий ғоялар, фалсафий назариялар, фалсафий фанлар, фалсафанинг асосий вазифалари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фанларнинг ажралиш ва ўзаро қўшилиш тамойилини қандай тушунасиз?
2. Фалсафий билимлар тизимига қайси фанлар киради?
3. Фалсафий ғоя ва назарияларнинг шаклланиши қандай рўй беради?
4. Фалсафий фанларнинг вазифаларига доир асосий хусусиятлар нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Маънавий тикланиш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». — «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
5. «Основы философии». Т. «Ўзбекистон», 1998.

4-мавзу. Истиқлол ва фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш муаммолари

Режа:

1. Ижтимоий тараққиёт ва фалсафий тафаккур.
2. Истиқлол ва фалсафий тафаккурни янгилаш зарурати.
3. Янги мафқуравий тамойиллар шаклланишида фалсафанинг ўрни ва аҳамияти.
4. Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш жараёни ва ёшлар тарбияси.

Тараққиёт ва тафаккур, истиқлол ва фалсафа. Фалсафий тафаккур ривожини инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онда акс этади. Тараққиёт жараёнида даврлар ўзгариши билан унга хос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Аммо бу ўз-ўзидан юз бермайди.

Айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узок давом этадиган мураккаб жараёндир. Бу ҳол бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда жамиятимизда истиқлол ғояларига асосланган янги дунёқарашни шакллантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Зеро, инсон дунёқарашини, унинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан, янги жамиятни куриш қийин. Бу жараённинг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари Президент Ислам Каримовнинг «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган «Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман» мавзудаги жавобларида асослаб берилган.

Истиқлол талаблари даражасида фалсафий тафаккурни янгилаш вазибаларини бажариш ғоят мураккаб бўлиб, қуйидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда:

- мустабид тузум мафқурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш;

- кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос ғайриинсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;

- Ўзбекистон фалсафасида жаҳон фалсафий тафаккури ютуқларидан янада кенгроқ фойдаланиш;

- бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келаётган лоқайдлик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш;

- маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;

- фалсафий адабиётларни миллий манфаатларимизга янада кўпроқ мослаш, қўлланма ва дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқлол мафқураси тамойилларини акс эттириш;

- истиқлол талабларига мос келувчи соғлом ғояли маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш.

- жаҳон ва Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя ва мафқураларнинг давлатлар ва халқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафқурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш.

Ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш фалсафий дунёқарашимизни янгилашга ёрдам беради.

Мустақиллик – фалсафий дунёқараш янгиланишининг асоси. Истиқлолга эришганимиздан буён тарихан қисқа давр ўтган бўлса-да, мустақил тараққиёт мамлакатдаги улкан имкониятларни рўёбга чиқаришнинг ягона ва муҳим омили экани ўзининг тўлиқ исботини топди. Зеро фақат мустақилликка ҳар бир халққа ўз фалсафасини эркин ривожлантириш, такомиллаштириш имконини беради.

Бугунги кунда мустақилликни мустақкамлаш жараёни моҳиятини ва фалсафий асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда асосий масала шундан иборатки, мустақиллик одамлар дунёқарашининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларига янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этади. Уларни янги мазмун билан бойитишни, истиқлол талаблари асосида ўрганишни заруратга айлантиради.

Бунда айниқса, Президентимизнинг қуйидаги фикри ниҳоятда муҳим: «Бизнинг тушунишимизча, қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш — ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу — бир ёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир». Айнан бир ёқламаликдан қутулган кенг қамровли дунёқараш асосида бугунги янгиланишни тўғри англаш мумкин. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса

бўлган фалсафий дунёқарашнинг миллий давлатчилик ҳамда кишиларнинг ғоявий етуқлигини таъминлаш эҳтиёжига хизмат қиладиган жиҳатларига эътибор кучаймоқда.

Шу билан бирга, мустабидлик замондаги тафаккур қуллиги, доимий тазйик, халқнинг ўз тарихий илдиэларидан ажратиб қўйилгани билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳозирги дунёқарашдаги ўзгаришлар жараёнларига таъсирга ҳам эътибор бериш лозим. Илм-фан соҳасидаги туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Айнан мустақиллик дунёқарашимизни мустабидлик сиртмоқларидан халос этди. Аслини олганда, ушбу мавзунни ўрганиш ҳам истиқлол шарофатидир.

Мустақил тараққиёт маънавий янгиланиш борасидаги асосий омил экани ҳар қандай мамлакат, жумладан Ўзбекистон учун ҳам тарихий қонуниятдир. Шу билан бирга, истиқлолнинг маъно-моҳиятини кишиларга тўғри аңглатиш, уларни мустақиллик берган имкониятларни амалга оширишга жалб этиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолият ҳам ниҳоятда муҳим.

Мустақиллик йилларида **фалсафанинг янгиланиши учун зарур асослар** шаклланди.

Моддий-иқтисодий асослар. Эски, собиқ иттифоқ давридаги иқтисодиёт янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгариш рўй берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иқтисодий плюрализм ва бозор муносабатлари бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий, жумладан фалсафий янгиланиш борасида ҳам туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

Ижтимоий-сиёсий асослар. Фалсафанинг сиёсий асослари мустақкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ижтимоий ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда давлат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ва тузулмалар вужудга келди. Ана шуларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафани шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратиш имкониятини очди.

Маънавий асослар фалсафанинг янгиланишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай фалсафанинг шаклланиши мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ фаолиятлар катта аҳамиятга эга. Бунда айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла-тўқис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фалсафий тафаккур янгиланишининг мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлиги қуйидаги масалаларни фалсафий таҳлил этишни заруратга айлантиради:

- бугунги кунда рўй бераётган дунёқарашни янгилаш жараёнининг тарихий илдиэларини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш;
- собиқ иттифоқдаги ижтимоий таназзул ва унинг халқимиз тафаккуридаги оқибатларини тугатиш;
- истиқлолнинг фалсафий тафаккурни ўзгартириш учун янги даврни бошлаб бергани;
- мамлакат мустақиллигини мустақкамлаш жараёнида дунёқарашнинг ўзгаришида қандай асосий тамойил ва йўналишлар кўзга ташлангани;
- бугунги кунда фалсафий дунёқарашнинг янгиланишига таъсир кўрсатаётган замонавий омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Фалсафий онгнинг янгиланиши — серқирра жараён. У жуда кенг ижтимоий мазмунга эга бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафқураси, маданияти ва таълими тизимидаги янгиланиш, одамларнинг руҳий покланиши, собиқ Иттифоқдан қолган қарамлик кайфиятидан холос бўлиш жараёнининг таркибий қисмидир.

Фалсафий дунёқараш ўзгаришининг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши ижтимоий жараёндир. Яъни у, аввало, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатдаги ижтимоий муносабатлардаги узлуксиз ўзгаришнинг таркибий қисмидир. Фалсафадаги янгиланиш жамиятдан, ўз давридан, рўй бераётган ижтимоий жараёнлардан ташқарида содир бўладиган ҳодисалар йиғиндиси эмас. Балки у ўзида ана шу ижтимоий жараёнларнинг барча асосий хусусиятларини акс эттиради.

Иккинчидан, мустақилликка эришган ва уни мустақкамлашга ҳаракат қиладиган мамлакатимиз учун бу тарихий заруратдир. Яъни у тасодифий намоён бўладиган ўткинчи ҳодиса эмас. Балки ўтиш даврининг зарурияти, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, одамларда янгича тафаккурни шакллантиришдаги асосий йўналишлардан биридир.

Учинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу маънода, у буюк аллома бобомиз Абу Наср Форобий орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган жараён⁹. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, у ғоят мураккаб руҳий ўзгаришлар, одамларнинг қуллик психологияси ва мустабид тузумга хос мафкуравий асоратлардан халос бўлиш жараёни ҳамдир.

Тўртинчидан, фалсафий онгнинг янгиланиши муайян бир даврда амалга ошади. Бу жараён бизнинг мамлакатда ўтиш даврига тўғри келмоқда. Ана шу даврда ижтимоий муҳитда янги жиҳатлар вужудга келади, одамларнинг руҳияти, қарашларида туб ўзгаришлар рўй беради.

Бешинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши инкор ва ворислик жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кўп жиҳатларнинг сақланиб қолиши кузатилади. Иккинчи томондан, яқингинада устувор бўлган кўпгина синфий-партиявий тамойиллар ўтмишга айланади, инкор этилади. Учинчи томондан эса, фалсафий тафаккурда янги йўналишлар ўз ўрнини топади.

Фалсафа янгиланишининг хусусиятлари ўзига хос намоён бўлади. Дунёқарашнинг янгиланиши кенг камровли тушунча сифатида хилма-хил хусусият ва йўналишларга эга. Аввало, унинг ҳар бир кишига хос индивидуал онг билан узвий алоқадорлиги ва унга таянишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жиҳатдан у инсоннинг инсонийлик билан боғлиқ хусусиятларини такомиллаштиришни англлатувчи куч ва имкониятни белгилайди.

Сирасини айтганда, дунёқараш ижтимоий куч даражасига кўтарилиши учун муайян фаолият орқали амалиётга айланиши лозим. Чунки дунёқараш ҳаёт тажрибалари туфайли эътиқодга айланади ва фаолият мезони бўлиши мумкин.

Бир томондан, одамзод учун туғма, наслий хусусият бўлган дунёқараш ирсият асосида авлоддан авлодга ўтади. Шу билан бирга, у ижтимоий муҳит таъсирида ривожланади. Ижтимоий муносабатларга киришган кишилар эса, бир-бирдан маънавий мезонларни ўрганади, уларнинг таъсирида ўсиб- улғаяди.

Аmmo, айнан ана шу жараёнда улар субъектив омил сифатида тараққиётга таъсир кўрсатадилар, муайян мақсадга қаратилган фаолиятлари орқали бу борада бирор натижага эришадилар. Фалсафий тафаккур янгиланишини ҳаракатлантирувчи кучи нима, деган саволга жавоб излар эканмиз, шахснинг жамиятдаги ўрни ва фаолиятига эътибор бермаслик мумкин эмас. Бу жараённинг умумий ва хусусий жиҳатларига эътибор қаратганда, унинг алоҳида шахс ва жамият аъзоси, яъни оддий фуқаро ҳаётидаги ана шундай хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талқин қилган маъқул.

Масалан, энг умумий маънода, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, асосан, жамиятдаги мана шу соҳада рўй берган ўзгаришларни ифодалайди ва ўз хусусияти ва аҳамияти кенглиги билан ажралиб туради. Бунда ҳам бир қанча жиҳатларга эътиборни қаратишга тўғри келади.

Мустақиллик одимлари ва фалсафанинг янгиланиши узвий боғлиқ жараён⁹дир. Мамлакатнинг ривожланиш суръати янгича мустақил фикрлайдиган, ижтимоий фаол, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук мутахассисларга бўлган талабни алоҳида босқичга олиб чиқди. Мулк шаклининг хилма-хиллиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эҳтиёж, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг кучайиши, ишлаб чиқаришга янгидан-янги технологияларнинг кириб келиши жараёни юқори даражада тарбияланган ва юксак малакага эга бўлган мутахассисни тақозо этапти. Зеро, юксак малака айни пайтда ақлий-руҳий ва жисмоний салоҳиятлар уйғунлашган тақдирдагина кўнгилдагидек самара беради.

Мустақил давлатнинг олий мақсадларини амалга ошира оладиган мутахассисларни шакллантириш учун уларнинг шахсияти ижтимоий талабларга жавоб бера оладиган тарзда камолга етган бўлиши лозим. Тўғри, инсон жамиятдаги ўз ўрни, Оллоҳ раво кўрган тақдири ҳақида ўйлаши, ўз Ватанини севиши, ўз миллати шаънини улуғлаш учун елиб-югуриши мумкин. Бироқ улар аниқ натижа берадиган фаолиятга айлансагина ижтимоий мазмун касб этади.

Муайян киши жамиятдаги ўз ўрни ҳақида ўйласа-ю, жамият олдидаги бурчини англаб етмаса, амалда бурчига содиқ эканини намоён этмаса ёки Ватанни севиш билан чекланиб, унинг равнақи учун курашмаса, миллатига муносиб бўлиш ҳақида ўйласа, елиб-югурса-ю, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг амалдаги исботини намоён эта олмаса, бундан на жамият, на Ватан, на миллат наф топади. Бундай кишининг шахсиятида ижтимоий бурч, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари заиф ва фаолиятсиз бўлиб қолаверади.

Бундай шахслар мустақиллик талабларига ҳозиржавоблик билан майдонга чиқа олмайди. Маънавий-ахлоқий, руҳий-жисмоний етук ва фаол шахсгина жамият тараққиёти мазмунини, давлатнинг истиқбол йўлини, шахс – жамият - давлат манфаатларининг уйғунлигини тўғри тушунади, шу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилади.

Албатта, маънавий-ахлоқий, руҳий-жисмоний соғлом ва етук кишиларни вояга етказиш осон эмас. Бунинг учун йиллар мобайнида тер тўкишга тўғри келади. Бунда, аввало, одамлар тафаккурини янгилаш, уларда

⁹ Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар фазилатлари» // «Ўғизхондан қолган мулк». - Т.: Ҷафур Ҷулом нашриёти, 1995 йил, 170-175-бетлар.

истиклол дунёқарашини шакллантириш зарур. Бинобарин, давр тақозо этаётган кенг қамровли билимга эга бўлиш миллий ва умуминсоний маданиятлардан, бой тарихдан, бугунги кундаги улугвор бунёдкорлик ишлардан баҳрамандлик уларнинг қалбида Ватанга садоқат ва ифтихор туйғулари камол топишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий фан соҳасидаги ислохотларнинг тезкор амалга оширилишини талаб этиши шубҳасиз.

Тафаккури истиклол талаблари даражасида янгиланган инсон ким? У қандай эзгу ва олижаноб хусусиятлар билан ажралиб туради? Истиклол талабларига жавоб бера оладиган баркамол авлод қачон шаклланади? Бу саволлар — оддий саволлар эмас. Уларнинг тўғри ечимини топиш учун бир неча йиллар давомида янги авлодни шакллантириш лозим бўлади. Лекин ҳозирги даврдаги туб ўзгаришлар жараёнининг таҳлили асосида ҳам бу жараённинг баъзи хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимиз бозор муносабатлари сари қадам қўйяётган бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзимизда юз бераётган салмоқли ўзгаришлар, шубҳасизки, малакали, етук маънавиятли, фидойи мутахассис кадрларни тайёрлашни талаб этмоқда. Тараққиётимиз тақдирини ана шундай кадрлар ҳал этади.

Фалсафанинг янгиланиши ва мафкуравий жараёнлар узвий боғлиқ. Фалсафий дунёқараш ижтимоий онг ва мафкурадан ажралмасдир. Мафкура жамиятдаги маънавий муҳит қандай эканини кўрсатиб турадиган энг асосий мезонлардан бири бўлса, фалсафа уни шакллантирадиган омиллар сирасига киради. Аммо эски қолипларга ўралган фалсафий дунёқараш асосида янги замоннинг мафкуравий талабларига жавоб бериб бўладими? Йўқ, албатта.

Мафкура жамиятсиз пайдо бўлмаганидек, ижтимоий-сиёсий тузум ва унинг маънавий ҳаётини ҳам мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мафкура ўз моҳияти, мақсади, ҳаракат йўналишлари билан жамиятнинг бош ғоясига хизмат қилади. У — жамият ҳаётининг таркибий қисми, бинобарин, унинг бағрида шаклланади, маданий мерос ва кадрлар заминида фаолият кўрсатади.

Аслида тарихда мафкурадан мутлақо холи даврлар кам бўлган. Шундай даврлар бўлган тақдирда ҳам, улардан сўнг албатта ҳар сафар мамлакатнинг ўзига хос ва ўзига мос мафкуравий муҳитини қайта тиклаш ва янгилаш жараёни бошланган. Ватанимизда кечаётган бугунги мафкуравий янгиланишни соҳибқирон Амир Темур даврида мўғуллар империяси истилосига барҳам бериб, мустақиллик учун, миллий давлатчилик асосларини қайта тиклаш учун кураш йилларига қиёслаш мумкин.

Мамлакатимизда миллий истиклол мафкурасини шакллантириш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Бугун собиқ мустабид тузум мафкураси бутунлай ўтмишга айланди. Диёримизда миллий давлатчилик анъаналаримиз қайта тикланмоқда, маънавият, маданият ва маърифат янги юксакликка кўтарилмоқда. «Ана шу жараённинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?», «У ҳаётимизни қайси томонга элтади?», «Биз бу жараёнда қандай иштирок этишимиз лозим?» деган саволларга жавоб топиш зарурати ижтимоий тафаккурни ўзгартиришни долзарб вазифага айлантирмоқда.

Мустақиллик, миллий манфаатларимизга мос мафкурани шакллантиришни кун тартибига қўйди. У халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дили ва руҳиятига асосланиб, онгимизга келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини сингдириши лозим.

Шу билан бирга, бу «Мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда умуминсоний кадрларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак»¹⁰. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрларида миллий истиклол мафкурасининг дастурий вазифалари ўз ифодасини топган. Мафкура дунёқарашнинг асосини ташкил этади, жамият ва халқнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради, жамият ва миллат ривожланишидаги етакчи ғояларни илгари суради. Шу ғоялар асосида инсонлар фаолияти, орзу-интилишлари, истикбол режаларини аниқлашга ёрдам беради.

Мафкура давлат, сиёсат ёки муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларига хизмат қилувчи қарашлар, ғоялар тизими сифатида намоён бўлади. У давлат, жамият ёки партияларнинг ижтимоий барқарорлигини, яшовчанлигини ғоявий жиҳатдан таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шу ўринда мафкура ўзи мансуб бўлган жамият, миллат ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳаракат дастурига ғоявий йўналиш беришга қаратилган тарғиботлар мажмуига ҳам ўхшаб кетади.

Бинобарин, жамият, миллат ёки бирон-бир гуруҳга тегишли асосий ижтимоий кадрлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам мафкура орқали ҳосил қилинади. Мафкура ҳар бир даврнинг етакчи ғояларини ўзида ифода этгани учун ҳам у ҳақда фикр билдириш, уни дунёқарашнинг шу соҳадаги намоёниши дея қабул қилиш мумкин. Мафкура — жамият ва халқнинг тараққиёт йўлини узвий тарзда белгилаб берувчи ғоялар ва муайян ижтимоий қатламлар манфаатларига қаратилган сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, диний ва эстетик қарашлар тизимидир. Айни пайтда уни шахсий даражадаги ҳиссий тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи билан уйғун маълум бир маслак, таълимот, дунёқарашдир, деб талқин қилса ҳам бўлади. Ғоя ва мафкура тўғрисидаги мавзуда бу ҳақда алоҳида фикр юритишимизни назарда тутиб, мафкура тўғрисидаги фикрни қисқа ва мухтасар этишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

¹⁰ Ислоҳ Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 82-бет.

Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши учун истибдод ва эски мустабид сиёсат туфайли онгимизга сингиб кетган мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, сусткашлик, масъулиятдан қочиш каби асоратлардан халос бўлиш даркор. Бу асоратлар ҳам осонликча бартараф этилмайди. Бунда, аввало жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ҳаётида юз берадиган ижобий ўзгаришлар уни ҳаракатлантирувчи, тараққий эттирувчи асосий омил — инсон тафаккури, руҳияти, ҳис-туйғуларига самарали таъсир этади. Шу билан боғлиқ равишда, Ватан ва халқ тарихи, маънавий-маданий мерос, она тили, дин, миллий турмуш тарзи, миллий урф-одатларни янги даврнинг моҳият-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тиклаш, бойитиш ва миллий ғурур-ифтихорнинг юксалишида жуда улкан ўрин тутади.

Фалсафий дунёқарашни янгилаш зарурати бир қатор йўналишларда намоён бўлади.

1. Аввало бу келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боғлиқ. Бунда ана шу яратилажак янги жамият ҳақида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бориши, ислохотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши, миллий уйғониш ижтимоий тараққиёт тақозоси, комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг ҳаётийлиги тўғрисидаги ғояларни одамлар дунёқарашда қарор топтириш зарур.

2. Фалсафий онгнинг янгиланиши моҳият эътибори билан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида иқтисодий мустақилликка эришиш орқали сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик, баҳамжиҳатликка хизмат қилувчи ғояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги халқ иродасига, руҳиятига, миллий туйғулари, орзу-интилишларига мослиги билан белгиланади.

3. Албатта, фалсафадаги янгиланиш миллат ва Ватан манфаатлари, истиқбол режалари, миллий кадриятларимиз руҳига мос ҳолда кечади. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

4. Фалсафий тафаккур янгиланиши тақозо этадиган энг муҳим вазифа покляниш жараёни одамлар руҳияти ва тафаккурида амалий тус олиши учун Ўзбекистон Конституциясида мужассам этилган мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида хизмат қилишдир. Бу мақсад ва ғоялар омма манфаатларини акс эттиргани боис уларни маънавий ҳаёт тарзининг таркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳужжатларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғоя ва ҳулосалар, таклифларни кенг халқ оммаси онгига етказиш бениҳоя муҳим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳуқуқий жамият ва маърифатли, баркамол инсон тушунчалари ўзаро боғлиқдир.

Маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишилар ярата олади. Уларни вояга етказмай туриб, жамиятдаги янгиланишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш тўғрисида фикр юритиш қийин.

5. Мамлакатимиз мустақиллиги, тинчлиги, унинг фуқаролари тотувлиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг кадрига етиш, жамиятимиз ҳаёт тарзига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши огоҳликни кучайтиришда фалсафа ва умуман, ижтимоий фанларнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ўз халқи тарихини, ўз миллий маданиятини, урф-одат ва анъаналарини яхши биладиган, миллий ғурури юксак авлодни тарбиялаш фалсафанинг муҳим вазифасидир. Бу эса жамият аъзоларида фикр эркинлигини тарбиялашни тақозо қилади.

6. Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, моҳият эътиборига кўра, инсондан, унинг ижтимоий хусусиятлари такомиллашуvidан четда кечадиган жараён эмас. У нафақат умумжамят миқёсидаги, балки ҳар бир инсон камолоти учун ҳам зарур шарт-шароит яратадиган жараёндир. Шу маънода, у ҳам, жамиятдаги бошқа ўзгаришлар каби, аввало, инсон учун, унинг камоли ва ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган ислохотдир.

Мамлакатимизда бу борада жуда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бугун ижтимоий фанлар ривожини замон талаблари даражасига етказиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари, олим ва зиёлилар олдида ғоятда масъулиятли вазифалар турибди. Биргина «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишнинг ўзи бир неча йилларга мўлжалланган кенг кўламли фаолият йўналишларини назарда тутади. Бугунги кунда сиёсий, мафкуравий ва маънавий соҳалардаги тараққиёт вазифалари ўзаро уйғунлашиб бормоқда, таъсир доираси анча кенгаймоқда. Айниқса, мафкура борасидаги назарий фаолият, тарғибот ва ташвиқотни ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида аҳамият бериш заруратга айланиб бормоқда.

Фалсафий дунёқараш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш учун муайян имкониятларга эга. Улар қуйидагиларда айниқса яққол намоён бўлади: биринчидан, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилган; иккинчидан, аҳолининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқлари қонуний асосда қафолатланган; учинчидан, жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда; тўртинчидан, мамлакат аҳолисининг маънавий-маърифий салоҳиятини ривожлантириш устувор аҳамият касб этган.

Буларнинг барчаси фалсафий дунёқарашни шакллантириш вазифаларини самарали ҳал қилишга асос бўлмоқда. Галдаги вазифалар эса, ана шу имкониятларни амалий ишга айлантиришда ҳар биримиз ўз масъуллимизни қай даражада сезишимиз ва қандай фаолият юритишимизга боғлиқ.

Таянч тушунчалар

Дунёқараш, фалсафий тафаккур, дунёқарашнинг янгиланиши, тафаккурнинг ўзгариши.

Такрорлаш учун саволлар

1. Дунёқарашнинг ўзгариши ижтимоий тараққиётга қай даражада боғлиқ?
2. Дунёқарашнинг ўзгаришида мамлакат мустақиллиги бош омил ва зарур шароит бўлиб хизмат қилиши айнан нималарда намоён бўлади?
3. Дунёқарашнинг ўзгариши комил инсонни вояга етказишда қандай ўрин тутади?
4. Мамлакатимизда фалсафий дунёқараш қандай асосий йўналишлар асосида амалга ошмоқда?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июн.
5. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
7. «Основы философии». – Т. «Ўзбекистон», 1998.

ИККИНЧИ БЎЛИМ.

ФАЛСАФА ТАРИХИ

1-мавзу. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги фалсафий қарашлар

Режа:

1. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги маданият ва фалсафий қарашлар.
2. Зардўштийлик ва «Авесто»да акс этган фалсафий ғоялар.
3. Кушон империяси даври ва буддавийлик.
4. Моний ва Маздак таълимоти.
5. Ўзбекистондаги қадимги фалсафий қарашларни ўрганишнинг аҳамияти.

Тарихни билиш, ундан тўғри ва ҳолис хулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун ниҳоятда муҳим. Тарих — буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячидир. Гап энг қадимги давр фалсафаси ҳақида борар экан, бу ҳақиқат янада катта аҳамият касб этади. Айримлар «Бизга минг йиллар қаърида ётган маданият ва фалсафадан нима фойда, яхшиси, бугуннинг гапидан гапиринг?», «Ўтмиш қаъридан ташбеҳ излагандан кўра, бугунги муаммолар устида бош қотирган маъқул эмасми?» деган хаёлларга бориши мумкин. Бир қарашда уларнинг гапида ҳам жон борга ўхшайди. Аммо бир нарса аниқ: ўтмишни билмасдан туриб, келажакни тўғри тасаввур этиши мумкин эмас. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ.

Шу маънода, биз фалсафа тарихини азбаройи ўтмишга қизиққанимиз учун ўрганмаяпмиз. Биз уни турли замонларда рўй берган хилма-хил воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий фикр ва онгида қандай акс этгани, уларни қандай ғояларнинг туғилишига сабаб бўлгани, қайси таълимотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни кўпроқ ривожланиши ёки таназзул томон етаклагани каби ҳақиқатларни билиб олиш учун ўрганаемиз. Тарихни ўрганмоқ ва ундан сабоқ олмоқ ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу — фалсафа билан шуғулланаётган мутахассис учун ҳам, уни ўрганаётган талаба учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга. Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафани ҳам тарих ҳақиқатисиз тўғри англаб бўлмайди.

Шуларни назарда тутиб, қуйида биз мамлакатимиз тарихида муайян из қолдирган айрим фалсафий қарашлар ва таълимотлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Зардўштийлик таълимоти. Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган давр махсули бўлган диний-фалсафий таълимотлардан бири зардўштийликдир.

Бу таълимотга Зардўшт асос солган бўлиб, Шарқ ва Ғарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машҳурдир. Манбаларга кўра, Зардўшт эрамиздан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Лекин унинг тарихий ёки афсонавий шахс эканли ҳақида аниқ бир тўхтама келингани йўқ. У ўзини пайғамбар деб эълон қилган. Лекин унинг пайғамбарлиги илоҳий асосга эга эмас. Яъни бу ҳақиқат илоҳий китобларда ўз тасдиғини топмаган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу таълимот Ватанимиз ҳудудида, хусусан, Хоразм заминида пайдо бўлган. У ўз даврида халқни эзгулик ва адолат ғояларига даъват этиш, ҳаётбахш анъаналарни шакллантириш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган, унинг ғоялари билан боғлиқ кадриятлар бугунги кунгача яшаб келмоқда ва халқимиз турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда улкан қиммат касб этмоқда.

Зардўштийликнинг бош китоби «Авесто»дир. унда қадимги халқларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос кадрият ва урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий қарама-қарши кучлари- яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим борасидаги қарашлар ўз ифодасини топган. «Авесто»да, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган.

Фалсафа тарихида македониялик Александр (эски ўзбек тилида Искандар дейилган) истилоси ва Грек-Бақтрия даври фалсафаси ҳам халқимизнинг тараққиёт тарихида муҳим ўрин тутган. Манбаларда Александр қўшини маҳаллий халқларнинг қаттиқ қаршилигига учрагани, у «Авесто»нинг кўпгина қисмини ёндириб юборгани ҳақида маълумотлар бор. Бугунги кунгача ҳам айрим тарихчилар Александр «Авесто»нинг тилини билмагани, уни ўқий олмагани сабабли бу китобнинг қадр-қимматини тушунмаган ва уни ёқиб тўғрисида кўрсатма берган, деган фикрларни баён этадилар. Аслида ундай эмас. Бу — тарихий ҳақиқатни, гарчанд у кимлар учундир аччиқ ва кимлар учундир ибратли бўлса-да, ҳаспўшлашга уринишдан бошқа нарса эмас. Негаки, Александр ўз замонида фанларнинг отаси деб ном олган фалсафани фан даражасига кўтарган, буюк донишманд сифатида етти иқлимда тан олинган Арастудан 20 йил мобайнида муттасил таълим олган эди.

Бинобарин, Шоҳ Филиппнинг ўғли Александрни саводсиз, китобнинг қадрини тушунмайдиган бир кимса деб таърифлаш тарих ҳақиқатига тўғри келмайди.

Тўғри, у «Авесто»ни ўтда куйдирган бўлиши мумкин. Лекин буни китобнинг қадрини тушунмагани учунмас, балки ерли халқларни бирлашишига даъват этиб турувчи, улар эътиқод қўйган миллий гоялар тимсоли бўлган ва ўз салтанатига қарши муттасил кураш олиб борувчи ватанпарварларни тарбиялайдиган манба эканини назарда тутиб, шу ишни амалга оширган. Қолаверса, ўзини дунёдаги энг ривожланган ҳудуд маданиятини жаҳонга ёйиш учун масъул деб билган, тўғрироғи, ўша маданиятдан бошқасини тан олмаган машҳур жаҳонгир учун забот этилган халқнинг «Авесто»дек буюк китоби бўлиши кутилмаган ҳол эди. У, юқорида таъкидланганидек, мазкур китоб омон турса, у ушбу замин фарзандлари учун ўзликни англаш, бинобарин, куч-қудрат манбаи бўлиб қолаверишини ниҳоятда яхши тушунган. Александрдан кейин яшаган Рим императорлари ҳам Миср ва Византияга қарши уруш қилиб, яҳудийларнинг ерини босиб олганида туб аҳолининг маданий бойликларини йўқ қилгани, «Забур» ва «Таврот»нинг қадимги нусхаларини куйдириб юборгани юқоридаги мисолнинг тасодифий эмаслигидан далолат беради.

Умуман, ҳар қандай шароитда ҳам истилочиларнинг биринчи иши халқ ва миллатларни зўрлик билан босиб олиш, бойликларини талаш бўлса, кейинги асосий фаолияти — миллатни ўз тарихи ва анъаналаридан узиб қўйиш, маданий меросини талон-тароғ қилиш, унинг маънавиятини йўқотишдан иборат бўлади. Тарихнинг бу аччиқ сабоғи мустамлакадан озод бўлган, ўз мустақиллигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга интиладиган ҳар қандай халқ тараққиёти учун энг муҳим хулоса бўлиб хизмат қилади.

Искандарга қарши курашда халқимизнинг миллий қаҳрамони Спетамен беқиёс мардлик ва жасорат кўрсатади. У Искандарга қарши аёвсиз қаршилик кўрсатган ватанпарвар лашкарбошилардан биридир. Аслида, унинг қаҳрамонлиги миллатимизнинг ўша даврдаги ўз давлатчилигини, ўзи яшайдиган ҳудуд дахлсизлигини сақлаб қолиш учун олиб борилган курашнинг яққол тимсолидир. Албатта, бу лашкарбоши ортидан халқ эргашса, элнинг озодлик ва мустақилликка интилиши туйғуси кучли бўлмаса, Спетаменнинг номи бу қадар машҳур бўлиб кетмас эди. Негаки, инсон нақадар кучли, тадбиркор ва омадли бўлмасин, агар халқ билан бирга бўлиб, унинг дардларига дармон изламаса, ҳуррият гояларини байроқ қилиб кўтармаса, ҳақиқий миллий қаҳрамон бўлолмайди. Спетамен эса ўша халқимизнинг руҳи, орзу-умидлари, мустамлакачиларга қарши матонати рамзи сифатида тарихимиз қатига мангу муҳрланиб қолган.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам ўз ўрнига эга. У диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Ҳиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва V аср бошларида вужудга келган. У жаҳонда кенг тарқалган динлардан биридир. Бу таълимотга асос солган донишманд Сидхарта уруғидан чиққан Гаутама ҳисобланади. Кейинчалик у «Будда», яъни нурланган деган лақабга эга бўлган. Буддавийлик исломга қадар Ўрта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқе жиҳатидан жуда катта ўрин тутди. Бу таълимот Ўрта Осиёга эрамиздан аввалги II-I асрларда кириб келган. Тарихий манбаларга кўра, уни Тохаристонга балхлик савдогарлар олиб келишган. Кушонлар даврида буддавийлик дини ҳукмрон динга айланган эди. «Халқчил бўлганлиги учун Ўрта Осиёга кенг ёйилган. Буддавийликнинг Ўрта Осиёга ёйилиши куйидаги тўрт босқичдан иборат.

Биринчи босқич. Кушонлардан олдинги давр. Бу эрамиздан аввалги I асрга тўғри келади. Бу даврга оид ёзма манбалар бизгача етиб келмаган.

Иккинчи босқич. Кушонлар даври (эрамизнинг II-IV асрлари) Бу даврда буддавийлик Ўрта Осиёга кенг тарқалган эди. Айниқса, унинг ахлоққа оид масалалар, халқ оммасини сабр-қаноат ва бардошга даъват этувчи гояларни илгари сурганлиги муҳим аҳамият касб этган.

Учинчи босқич. Бу даврда Ўрта Осиёда буддавийлик таълимотининг манбалари ёйилган.

Тўртинчи босқич. (IX-XIV асрлар) ислом Ўрта Осиёда ҳукмрон динга айланиши билан бу дин сиқиб чиқарилган ва жуда заифлашиб кетган.

Буддавийликнинг Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқи ўртасида ўз даврида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Халқларимиз орасидаги дўстлик ва биродарликнинг илдизлари ҳам ўша даврга бориб тақалади ва бугунги кунда аксарият кишилар, айниқса, ёшларимизнинг ҳинд халқи, унинг маданияти ва санъатига қизиқиши тасодифий эмас.

Моний таълимоти юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган эди. у зардўштийлик ва христианликнинг синтезлашуви натижасида вужудга келган. Моний форс ва араб тилларида бир неча рисоалар ёзган. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Моний ҳатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган. унинг таълимотича, ҳаётда даставвал нур дунёси – яхшилик ва зулмат дунёси- ёвузлик бўлган. Улар ўртасида абадий кураш боради, инсон икки унсурдан (руҳ — нур фарзанди, жисм — зулмат маҳсули) иборат. Монийлик халқ оммаси манфаатларини химоя қилувчи таълимот бўлгани сабабли ҳукмрон мафкура қаршиликка дуч келган.

Монийлик таълимоти асосида **Маздак таълимоти** юзага келган. У эрамизнинг V-VI асрларида кенг тарқалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) бўлган. Маздак ва унинг маслақдошлари ўз

қарашларида халқ оммасига суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик, хурлик йўлида олиб борган ҳаракатларига раҳнамолик қилгани учун тез фурсатда уларнинг маслақдошлари, издошлари кўпайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йўлида курашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат қилган. Унда асосий ёвузлик-бойликка ҳирс қўйиш ва ўта камбағаллик қораланади. Бу инсонпарвар ҳаракатдан чўчиган шох Маздакни турли ҳийлалар билан ўлимга маҳкум этади. Маздакийлар ҳаракати, эрамининг VI асрида бостирилганига қарамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этган. Ўрта Осиёда Муқанна, Озарбайжонда Бобак бошлиқ деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг зулмга қарши курашлари бунга мисол бўлади.

Марказий Осиёда вужудга келган қадимги фалсафий таълимотлар, улар илгари сурган гоялар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятига эга. Санаб ўтилган қадимги диний-фалсафий таълимотлар, яъни зардуштийлик, унинг бош китоби — «Авесто», Моний таълимоти, «Моний ёзуви», маздакийлик ҳаракати жамиятда адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқчилик тамойилларини қарор топтиришига даъват этган. Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган Муқанна бошчилигидаги ҳаракат нафақат Ўрта Осиёда, балки жаҳоннинг бошқа ўлкаларида ҳам акс-садо берган. Ватанимизнинг ўша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз тарихи ислом дини юртимизга кириб келган даврдан бошланмайди. У исломга қадар ҳам минг йиллар мобайнида ривожланиб келган шонли тарихига эга. Лекин, афсуски, Ватанимизнинг ана шу давр тарихи ниҳоятда кам ўрганилган. Бу даврга оид манбаларнинг аксарияти эса йўқ қилиб юборилган. Бу вайронкорликнинг бошида милоддан аввал македониялик Александр турган бўлса, мамлакатимизни забт этган кейинги босқинчилар ҳам ана шу йўлдан борган. Улар халқ онгидан мустақиллик ва эркин ҳаёт тўғрисидаги мақсад-муддаоларни бутунлай йўқотиб юборишига уринишган. Бунинг натижасида маънавий қашшоқ ва тарихий хотирасиз кишилар тарбияланиши лозим эди. Босқинчилар Мовароуннаҳрда ниҳоятда бой маданият шаклланганини эътироф этган. Аммо унинг босқинчилик гояларига мос келмайдиган жуда кўп намуналарини аёвсиз йўқ қилишган. Айниқса, маънавий қадрият ва маданий бойликларни шафқатсизларча гораб қилиш асосий ўринда турган. Юртимизда араблар истилосига қадар устувор бўлган маънавий ва маданий дурдоналар қадрини яхши англайдиган ва уларнинг аҳамиятини тўғри тушундирган кишилар биринчи навбатда йўқ қилиб юборилган. Бу тўғрида Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қуйидагиларни ёзган: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди»¹¹. Ушбу асарнинг бошқа саҳифасида улуғ ватанпарвар олим юқоридагига ўхшаш яна бир фикрни қуйидагича ифода этган: «Қутайба хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини қуйдиргани сабабли улар саводсиз бўлиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар»¹².

Беруний замонида ислом ягона ҳукмрон диний мафкура бўлиб турганини эътиборга олсак, зикр этилган асар ва ундаги теран фикрларни бундай ўқтамлик билан айтиш гоят улкан жасоратни талаб этгани аён бўлади. Истилочиларнинг бундай вайронкор сиёсати кейин ҳам давом этган. Хусусан, мустабид иўролар мафкураси ҳукмронлик қилган даврда ҳам ана шундай ҳол рўй берган. Ниҳоятда бой қадриятларимиз, фалсафий таълимотларимиз, умуман ўз меросимиздан бебаҳра бўлиб қолдик.

Истиқлол туфайли аجدодларимиз яратган бой ва ўлмас маданий меросни ўрганиш имкони туғилди. Тарихий хотирани тиклаш, халқимиз қалбида миллий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳозирги кунда маънавий ҳаётнинг устувор йўналишига айланди.

Таянч тушунчалар

Зардушт, зардуштийлик, «Авесто», Кушонлар давлати, буддавийлик, Маздак, Моний.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Авесто» тўғрисида нималарни биласиз?
2. Зардуштийликнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Моний фалсафасининг мазмунини айтиб беринг.
4. Маздак таълимоти нимага даъват этади?

¹¹ Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар». 1-жилд. Т. «Фан», 1968, 72-бет.

¹² Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар». 1-жилд. Т. «Фан», 1968, 82-бет.

АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов. «Оллоҳ қалбимизда юрагимизда». Т. «Ўзбекистон», 1999.
2. Ислом Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т. «Ўзбекистон», 1998.
3. Ислом Каримов. «Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Фидокор». 2000 йил 8 июн.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
6. Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар». 1-жилд. Т., «Фан», 1958.
7. Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар». 2-жилд. Т. «Фан», 1965.
8. Иброҳим Мўминов. «Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар». Т. «Фан», 1998.
9. Р. Носиров. «Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тарихи бўйича махсус курс». Т. 1992.
10. Омонулла Файзуллаев. «Муҳаммад ал-Хоразмий ва унинг илмий мероси». Т. «Фан», 1983.

2-мавзу. Қадимги Шарқ ва Антик дунё фалсафаси

Режа:

1. Шарқ — инсоният цивилизациясининг қадимий ўчоғи.
2. Қадимги Шарқ фалсафаси ва унинг миллий йўналишлари.
3. Антик дунё ва Юнонистон фалсафаси.
4. Қадимги замон фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Шарқ қадимий маданият ўчоғи ва жаҳон цивилизациясининг бешиги дея бежиз таърифланмаган. Фарб маданият тарихини ўрганиш жараёнида Оврупоцентризм назариясига оғиб кетиш гайришилмий бўлгани каби, масаланинг Шарқ билан боғлиқ жиҳатини таҳлил этганда ҳам Осиёцентризм гоёлари таъсирга тушмаслик лозим.

Шу билан бирга, Шарқнинг ўзига хослиги, унга мансуб бўлган маданий тараққиёт жаҳон цивилизациясининг бешиги, дунё халқлари ривожига қўшилган муносиб ҳисса экани ҳам сир эмас. Бу ҳол жаҳоннинг барча ҳолис мутахассис олимлари томонидан эътироф этилади. Қолаверса, Ватанимиз цивилизациясининг Шарқ цивилизацияси қучоғида вояга етгани ва унинг қадриятларини ўзида акс эттирганлиги, унга ва бутун дунё маданиятига улкан таъсир кўрсатганини доимо эсда тутиш даркор.

Шарқ маданияти тараққиётининг илк давлари деганда, кўпгина мутахассислар бизнинг Ватанимиз ўтмишини, Миср, Бобил ва инсоният тарихининг энг қадимги цивилизацияларидан бири бўлган Шумер даврларини эсга олади. Буларнинг ҳар бири инсоният тарихида жамият ҳаёти, қадриятлар тизимининг ўзига хослиги, бошқариш ва иқтисодий жараёнларнинг муайян тарзда намоён бўлиши билан тавсифланади. Ушбу маданият ўчоқлари ҳақида мактаб таълими жараёнида «Энг қадимги тарих» дарсликлари орқали маълумот берилган. Зукко талабалар ўша даврларда қандай сиёсий жараёнлар кечгани, қандай подиолик ва империялар бўлганини яхши билади. Биз бугун ўша даврлардаги фалсафий дунёқараш, қадимги аждодларимизнинг фикр-мулоҳазалари, ўзига хос таълимотларининг асосий тамойиллари билан яқинроқ танишмоқчимиз. Қўҳна Шарқ цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган Миср, қадимги замонда илк ўтроқ ҳаёт ва ўзига хос деҳқончилик анъаналари бошланган Нил дарёси бўйларидаги маданият дунё олимлари диққатини тортиб келади.

Қадимги Миср ва Бобил фалсафаси. Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йиллик бошларида қадимги Миср ва Бобил худудида дастлабки диний-фалсафий фикрлар, олам ҳақидаги фанлар, яъни астрономия, космология, математика, мифологияга оид қарашлар бирмунча ривож топган. Табиий-илмий, диний-фалсафий фикрларнинг юзага келиши икки йўналишда борган. Биринчи йўналиш олам ҳақидаги тасаввурларнинг астрономия, космология, риёзиёт фанлари ривожига билан боғлиқ эканини, иккинчи йўналиш эса, бу тасаввурларнинг мифология билан боғлиқ бўлганини кўрсатади.

Биринчи ҳолда, асосан, табиий билимларга таянилган, кундалик ҳаётда дуч келинадиган воқеа-ҳодисалар аниқ далиллар асосида таҳлил этилган, ўрганилган, улардан тегишли хулосалар чиқарилган. Бу – ўша давр учун табиий ҳол эди, яъни у – даврнинг инсон онгида акс этиши, кундалик турмуш ҳодисаларининг оддий бир тарзда ифодаланиши эди. Айнан ана шу ҳол табиий билимлар ривожига, гарчанд содда тарзда бўлса-да, аксарият ҳодисаларнинг фалсафий асосда изоҳланишига сабаб бўлган.

Иккинчи ҳолатда эса, ҳали табиат кучларининг қаршисида ниҳоятда ожиз бўлган одамзод, албатта, теваарак атрофдаги воқеа-ҳодисаларни мифологик изоҳлаши табиий бир ҳол эди. Шу билан бирга, одамнинг мавжудлик хоссаларини ва олам қонуниятларини илмий тушуниш кўникмаси ҳали шаклланиб улгурмаган ўша қадим замонларда, афсона ҳамда ривоятларга асосланиб фикр юритмасликнинг имкони ҳам йўқ эди. Бу – ўша даврлардан қолган ёзма манбаларда, хусусан, «Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётининг мазмуни ҳақида суҳбати», «Арфист қўшиғи», «Ўз ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати» каби битикларда яққол намоён бўлган. уларда ҳаётнинг, умрнинг мазмуни, ўша даврдаги одамларга хос туйғулар баён қилинган.

Қадимги Миср ва Бобилда шаклланган фалсафанинг энг асосий хусусияти шундан иборат эдики, уларда, бир томондан, худоларга ишонч, илоҳий кучларнинг табиат ва жамиятга кўрсатадиган таъсирини мутлоқлаштириш хусусияти устувор бўлган бўлса, иккинчи томондан, афсона ва ривоятлар тарзида бўлса-да, дунёвий билимлар, илмий қарашлар ҳам аста-секин шакллана бошлаган. умуман, бундай хусусиятни, қадим замондаги барча цивилизацияларга хос дейиш мумкин.

Яҳудийлик дини. Ўша даврда энг қадимги Шарқ халқларидан бири яҳудийларнинг миллий мафқураси — иудавийлик шакллана бошлаган. Бу дин, асосан, ана шу миллатга мансуб кишилар ўртасида ёйилган бўлиб, эрамиздан аввалги икки мингинчи йиллар бошида Фаластинда вужудга келган. «Забур» ва «Таврот» каби муқаддас китоблар бу диннинг асосий манбаларидан ҳисобланади.

Яхудийлик яхудий ва Фаластин халқларининг баъзи эътиқодларини ўзида акс эттирган диндир. Эрамиздан аввалги X-VI асрларда яхудийлик монотеистик (якка худоликка ишониш) динга айланиб, оламни яратувчи Яхве худосига эътикод қилиш унинг асосий тамойили ҳисобланган. Бу динда Мусо алайҳиссалом — пайғамбар, «Таврот» худо томонидан унга юборилган илоҳий китоб экани, қиёмат кунида барча бирдек тирилиши, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, гуноҳкорлар жазосиз қолмаслиги, савобли ишларни қилганлар у дунёда рағбатлантирилишлари ҳақидаги қарашлар илгари сурилган.

Кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яхудийлик Шарқ халқларидан бири — яхудийларнинг миллий дини бўлгани боис, ана шу китъада яшовчи бошқа халқларга хос бўлган кўпгина диний қарашлари билан ҳам бир қадар муштаракликларга эга. Чунончи, унинг зардўштийлик билан ўхшаш жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, «Таврот» ва «Авесто»даги аксарият қонунлар, диний-фалсафий категориялар ўртасида яқинлик кўзга ташланади. Умуман олганда эса, барча динлар орасида илоҳий қадриятларни мутлоқлаштириш, худо ғоясини муқаддаслаштириш, бу дунё ва у дунё билан боғлиқ қарашларга кўпроқ эътибор бериш каби ўхшаш жиҳатлар учрайди.

Ҳиндистон фалсафаси. Қадимги Ҳиндистон ҳам инсоният маданиятининг бешиқларидан биридир. Унга хос дастлабки таълимотлар ёзма манба — «Веда»ларда ўз аксини топган. «Веда»лар эрамиздан бир ярим минг йил олдин ёзилган бўлиб, мутаассиб диндор ҳинду учун олий муқаддас илм ва башорат китобидир. Ҳиндулар «Веда»ни олий тангри Брахма томонидан айтилган сўзлар деб билади. «Веда»да ҳиндуларнинг қадимги тарихи, иқтисодиёти, дини, фалсафаси, ахлоқ ва нафосатига оид фикрлари акс этган. «Веда»лар бизгача тўртта тўплам (самхитлар) шаклида етиб келган. Булар — «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа», «Адхарваведа»дир.

Ҳинд фалсафаси асослари «Упанишадалар» номи билан машҳур бўлган манбаларда ҳам ўз аксини топган. «Упанишадалар» сирли билим деган маънони англатиб, «Веда»ларнинг фалсафий қисмини ташкил этади. «Упанишадалар» яхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборатдир. Уларнинг мазмуни ва услуби ҳар хил ва турлича фалсафий қарашлар маҳсулидир. «Упанишадалар»даги фалсафий мавзулар, асосан, инсонни ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси, ташқи олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва руҳиятининг моҳияти, билиш имкониятининг чегаралари, ахлоқ меъёрлари ҳақидадир. Фалсафий муаммолар асосан диний-мифологик нуқтаи назардан баён этилган.

Қадимги ҳинд фалсафий мактаблар икки гуруҳга бўлинади. Ҳиндистонлик файласуфлар бу гуруҳларни астика ва настика деб атайди. Веданта, санкхья, йога, вайшешика, ньяя ва миманса — астика гуруҳига кирувчи фалсафий мактаблар. Ушбу мактабларнинг тарафдорлари «Веда»нинг муқаддаслигини тан олиб, бирдан-бир ҳақиқат ундагина ифодаланган, дейишади. Чорвака-локаята, буддизм ва жайнизм — настика гуруҳига киради.

Чорвака-локаята тарафдорлари материалистик таълимотни илгари сурганлари учун «Веда»нинг муқаддаслигини тан олишмайди ҳамда олам илоҳий куч томонидан яратилмаган, «Веда» ҳақиқий билим бермайди, деб таъкидлашади. Буддизм ва Жайнизм диний-фалсафий мактаблар бўлишига қарамай, улар ҳам «Веда»нинг муқаддаслигини тан олмаган. Санкхья қадимги Ҳиндистондаги дуалистик фалсафий мактаб бўлиб, олам асосида моддий унсур (праkritи) модда ва рух (пуруша) ётади, деб ҳисоблайди. Бу йўналишга, асосан, оламдаги барча нарсалар икки унсурнинг турли тенг миқдорда (пропорцияда) бирикишидан юзага келади, олам сабабият орқали ривожланади, оламда учта сабаб мавжуд, дейилади. Улар қуйидагилардир: моддий сабаб, яратувчи сабаб, алоқадор бўлмаган сабаб. Бу фалсафий мактаб ҳақида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида атрофлича фикр юритган.

Қадимги Хитой фалсафаси. Қадимги Хитойда фан ва маданият ўзига хос шаклда ривожланган. Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилнинг ўрталарига келиб, Юань-инь давлатида муайян хўжалик шакли юзага келган. Эрамиздан аввалги XII асрда эса, урушлар натижасида давлат Чжоу қабиласининг қўлига ўтган. Бу ҳокимият эрамиздан аввалги III асргача давом этган. Бу вақтда диний мифологик дунёқараш ҳукмронлик қилган. У олам ва табиатнинг пайдо бўлишини ўзига хос тарзда тушунтирган ва дунёвий билимлар ривожига ўз таъсирини ўтказган.

Бундай руҳдаги фалсафий ғоялар айниқса қадимги Хитой донишманди Конфуций (551-479) ижодида яққол акс этган. Унинг «Ҳикматлари», яъни афоризмлари жуда машҳур. Конфуций таълимотида умуминсоний қадриятларнинг хитой халқи турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос маънавий мезонлар акс этган. Бу таълимот бир неча асрлар давомида ушбу ҳудудда миллий ғоялар мажмуи, миллатнинг мафқураси сифатида одамларнинг маънавий онги ва қиёфаси шаклланишига таъсир кўрсатган. у ҳозирги Хитойда ҳам ўзининг муайян аҳамиятини сақлаб қолган.

Конфуций фикрича, оламни осмон бошқаради. Осмон иродаси — тақдирдир. Биз яшаб турган олам, ундаги тартиб осмон ҳукмдори томонидан юборилган. Жамият ҳаётидаги тартибга қаттиқ амал қилиш талаб этилади. Тартиб, Конфуций нуқтаи назарига кўра, илоҳий мазмунга эга ва унинг моҳиятини «Ли» тушунчаси белгилайди. у, яъни тартиб дунёнинг моҳиятини акс эттиради. Бинобарин, жамиятдаги барча ҳаракатлар унга биноан амалга ошириш лозим. Тартиб — инсоният жамоасининг энг олий ҳаётий қадриятларидан биридир. Конфуцийнинг таъкидлашича, шахс фақат ўзи учун эмас балки жамият учун ҳам яшаши керак. Конфуций

таълимотида инсоннинг ҳаётдаги ижтимоий ўрни ниҳоятда улуғ, у ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларига ҳам раво кўриши лозим.

Конфуцийнинг қарашлари кейинчалик жаҳон фалсафасида ахлокий тамойиллар ривожига, адолат, биродарлик, эркинлик ғоялари такомиллида муҳим ўрин тутган. Бу таълимот Хитойда икки минг йил давомида давлат дини даражасига кўтарилган ва халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

Қадимги Хитойнинг кўзга кўринган файласуфларидан бири Лао-Цзидир (VI-V асрлар). Унинг таълимотига кўра, олам, жамият ва инсон ҳаёти Дао қонунига бўйсунмоғи лозим. Даосизм таълимоти ана шу тарика шаклланган. Дао қонуни — табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ранг-баранглик кураши ва уйғунлиги абадийлигининг эътирофи этилишидир. Бу қонунга кўра, оламнинг асосини ташкил этувчи «Ци», яъни бешта унсур — олов, сув, ҳаво, ер ва ёғоч ёки металл оламдаги барча жисмлар асосини ташкил этади ҳамда уларнинг юзага келишини таъминлайди. Лао-Цзининг таъкидлашича, оламда ҳеч бир нарса доимий ва ўзгармас, ҳаракатсиз ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Даосизмга биноан, дунёдаги ҳамма нарса бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради. Қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш, яъни инь ва Янь орасидаги муносабат — бизни ўраб турган оламни ҳаракатга келтирувчи кучлар манбаидир. Инь ва Янь ўртасидаги кураш даони англатади. Одамзод бу кураш жараёнида доимо яхшилик томонида туриши, ўзини қуршаб турган табиат ва атрофдаги оламга меҳр кўрсатиши лозим. Бўлмаса, Дао қонуни бузилади ва бундай жойда бахтсизлик, фожиа юз беради. Лао-Цзи бу ўринда экологик фалокатни назарда тутган. «Кишилар Дао қонунини бузмасликлари керак, акс ҳолда табиат улардан албатта ўч олади», деган эди Лао-Цзи. Буни экологик фалокатлар авж олиб бораётган бугунги кун воқелиги ҳам тасдиқлайди.

Умуман, табиат, жамият ва инсонга нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлиш, Она замин ва Ватанни асраб-авайлаш, одамлар ўртасидаги муносабатларда яхшилик томонида туриш — қадимги халқларга хос бўлган фалсафанинг бош ғояларидир. Ўша, ҳамма нарса оддий тушунилган қадим замонлардаёқ буюк ақл эгалари одамларни табиатни асрашга, инсонни қадрлашга чақиргани бежиз эмас. Улар инсоният ҳаётига хавф соладиган даражага етмай туриб, у борадаги муаммоларнинг олдини олиш тўғрисида жуда ибратли ўғитлар берган. Қадимги дунё фалсафасини чуқурроқ ўрганган одам ўша давр мутафаккирлари ҳозирги замон цивилизацияси қаришида турган барча умумбашиарий муаммолардан одамларни огоҳлантирганлигининг гувоҳи бўлиши мумкин. Гап бу огоҳлантиришни эшитиш, уларни ўзлаштириш ва ҳаётнинг қонунига айлантиришида эди, холос. Афсуски, одамзод насли ўзи яратган буюк даҳоларнинг барча ўғитларига ҳамма вақт ҳам қулоқ солавермаган. Илм ва фанда неча-неча кашфиётлар қилинган, аммо улардан ўз вақтида керакли тарзда фойдаланилмаганига кўҳна тарих гувоҳ. Бугун ҳам аجدодларимизнинг Ватан, табиат, жамиятни асраш, ундаги тартиб ва қоидаларни бузмаслик тўғрисидаги даъватлари эскиргани йўқ. Йиллар, асрлар ўтиши уларнинг қадрини туширмайди. Зеро, бу таълимотлар инсониятнинг ўтда ёнмас ва сувда чўкмас умуминсоний қадриятлари тўғрисидадир.

Қадимги Юнонистон ва Рим фалсафаси. Қадимги давр фалсафасининг яна бир силсиласи Юнонистон ва Римга тегишлидир. Бу даврдаги фалсафий қарашлар — антик давр фалсафаси деб юритилади. Унда Милет фалсафий мактаби, Элей фалсафий мактаби, Сукрот, Пифагор, Афлотун, Арасту ва бошқаларнинг фалсафий, табиий — илмий, ижтимоий — ахлокий таълимотлари ўрганилади.

Юнонистонда дастлабки фалсафий таълимотлар эрамиздан аввалги VII-VI асрлар ўртасида Милет шаҳрида юзага келган ва ривожланган. **Милет мактаби** вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксименлардир. Унинг асосчиси Фалес (эрамиздан аввалги 624 — 547 йилларда яшаган). У Юнон фани ва фалсафасининг асосчиси бўлиб, ўз даврининг етук сиёсий арбоби, жўғрофи, файласуфи бўлган. Фалес таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман жисм ва ҳодисалар дастлабки ибтидо — сувдан пайдо бўлган ва яна сувга айланади ва бу моддий бирлик доимо ўзгаришда бўлади. Анаксимандр (Фалеснинг шогирди) эрамиздан аввалги VII аср охири ва VI ўрталарида яшаб ижод этган. У «Табиат ҳақида» асарини ёзган, бироқ асар бизгача ётиб келмаган. Фалес оламнинг асосига сувни қўйган бўлса, Анаксимандр дунё — чексиз, газсимон апейрондан иборат, иссиқлик ва совуқлик, куруқлик ва намлик апейрондан ажралиб чиқиб, модданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини таъминлайди, деб ҳисоблаган. Унинг таълимотини замондоши, шогирди Анаксимен давом эттирди. Анаксимен (эрамиздан аввалги 588-525 йиллар) ҳаво — оламнинг асоси, деб билган. Унингча, ҳавонинг қуюқлашишидан сув, ер, тош каби моддалар ташкил топган, сийраклашишидан эса олов пайдо бўлган.

Яна бир юнон файласуфи **Гераклит** (эрамиздан аввалги 520-460 йиллар) Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоғидаги Эфес шаҳрида заргар оиласида дунёга келган. У стихияли диалектикага асос солган, олов — оламнинг асоси, деб билган. унинг фикрича, оламда ҳамма нарса ҳаракатда. «Оқар сувга бир сонияда икки марта тушиш мумкин эмас, чунки сув ҳар дақиқада янгиланиб туради». Оламда турғунлик йўқ. Ҳаракат бутун табиатга, барча жисм ва ҳодисаларга хосдир. Абадий ҳаракат — абадий ўзгаришдир. Ҳаракат қарама-қаршилик асосида содир бўлади. «Кураш ҳамма нарсанинг отаси, ҳамма нарсанинг подшосидир», деган экан Гераклит. Бундан Гераклит кишилар ўртасида урушларни тарғиб қилган экан-да, дея хулоса чиқариш нотўғри. Гераклитнинг фикрича, доимий ўзгариш, ҳаракат ва ўзаро қарама-қарши томонларга ўтиш — жисмлар сифатининг нисбийлиги билан боғлиқ. Масалан, денгиз суви инсон истеъмоли учун яроқсиз бўлса, балиқлар учун айни муддаодир. Гераклитнинг қарашлари фалсафий тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатган.

Пифагор (эрамиздан аввалги 580-500 йиллар) Юнонистоннинг Самос оролида яшаб ўтган. у қадимги Юнонистонда диний-мафкуравий фалсафий мактаб, яъни пифагорчиликка асос солган. Пифагор ўзининг сиёсий қарашлари туфайли подшо Поликрет билан чиқиша олмаган ва Самосни тарк этиб, жанубий Италияга кўчиб кетган, ўша ерда ўз уюшмасини ташкил этган. Унингча, дунёни билиш жараёни, аввало, рақамларни билишдан бошланиши керак. Пифагорчиларнинг таълимотига кўра, оламнинг асосида модда ҳам, табиат ҳам эмас, балки идеаллашган рақамлар ётади; нарса ва ҳодисалар айнан ана шу рақамлар маъсулидир. Пифагорчилар биринчи бўлиб Юнонистонда табиатдаги нарса ва ҳодисаларни изоҳлашда миқдор категориясини илгари суради. Пифагор зодагонлар оиласига мансуб бўлгани боис аристократияни ҳимоя қилган. У «тартиб» тўғрисидаги таълимотини яратиб, фақат аристократлар ўрнатган тартиб ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнайди, деган. Унинг фикрича, демократия бу тартибнинг бузилишидир.

Элей фалсафий мактаби намояндаси Ксенофан (эрамиздан аввалги VI — V аср) шоир ва файласуф бўлган. У Кичик Осиёда дунёга келган. Илм олиш мақсадида Юнонистонга, жанубий Италияга саёҳат қилиб, умрининг сўнгги йилларини Элей шаҳрида ўтказган. Тарихчи Диоген Лаэртскийнинг ёзишича, Ксенофант «Табиат ҳақида» асарининг муаллифидир. Афсуски, ушбу асарнинг ярмигина омон қолган, холос. у кўпхудоликка ҳамда инсонларга хос сифатларни ҳайвонларга, ўсимлик дунёсига дахлдор деб билувчи таълимотга қарши чиқиб, мифологияни рад этишга ҳаракат қилган. унинг фалсафий таълимотига кўра, табиат - ўзгармас ва ҳаракатсиздир, «Ҳамма нарса ердан униб чиқади ва пировардида яна ерга қайтади». Биз ҳаммамиз ердан туғилганмиз ва ерга айланамиз». Ксенофан қадимги юнон файласуфларидан биринчи бўлиб, билишнинг имконияти ва чегараси ҳақида фикр юритган. Бу қадимги юнон гносеологиясининг ривожига туртки бўлди.

Ксенофант илгари сурган ғоялар унинг шогирди Элей фалсафий мактабининг кўзга кўринган намояндalarидан бири, эрамиздан аввалги 504 йили туғилган Парменид томонидан ривожлантирилган. Элей фалсафий мактабининг намояндalarидан бири Пармениднинг шогирди ва дўсти Зенон (490-430 йиллар) ўз устозининг таълимотини ҳимоя қилди ва уни ривожлантирди.

Қадимги Юнон маданиятида **софистлар фалсафаси** катта ўрин тутаяди. Софистлар антропология (инсон ҳақидаги фан) ва гносеология (билиш тўғрисидаги фан) муаммолари билан шуғулланган. Софистлар янги касбларнинг моҳир усталари, яъни ўқитувчилар, дипломатлар, нотиклар, суд маҳкамаларида ишловчи мутахассислардан иборат бўлиб, ҳақиқат, осойишталик, адолат ўрнатишга хизмат қилган. уларнинг таълимоти Сукрот фалсафасига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Сукрот (эрамиздан олдинги 469-399 йиллар.) (асли — Сократ) — қадимги Юнон файласуфи. «Афинанинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган, ёшлар тарбияси билан шуғулланган, хурфикрли инсон, камбағалдан чиққан, тош йўнувчининг ўғли, ўта билимдон киши сифатида машҳур бўлган.

Унинг ҳаёти фожияли тугагани тўғрисидаги мисол фалсафий афсонага айланиб кетган. Ўз даврида Афинадаги ҳукмрон тузум тартиб-қоидаларига қарши чиқиб, янги фикрларни илгари сургани учун руҳонийлар уни даҳрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблаганлар. Унга шунчаки айб эмас, сиёсий айб қўйилган. Гарчанд қутилиши имкони бўлса-да, қонун ва жамият тартибларини ниҳоятда қаттиқ ҳурмат қилганлиги боис, у жазодан қочишни истамаган ва бир қадаҳ захар ичиб ўлган. Сукрот ва унинг тарафдорлари жамият қонунарига, улар қандай бўлишидан қатъи назар, сўзсиз итоат этишини тарғиб этганлари гоётада ибратлидир. Ҳолбуки, Сукрот ва унинг шогирдлари Афинада амал қилган қонунларни нотўғри ва адолатсиз деб ҳисоблаган ҳамда уларни қаттиқ танқид қилган, аммо, шундай бўлса-да, уларга бўйсунган. Шу маънода, Сукрот ўзини айбдор деб топган суд ҳукмига итоат этган ва ўзини унинг ихтиёрига топширган. «Афлотун менинг дўстим, аммо қонун дўстликдан устун туради» деган ҳикматли ибора ўша давр маънавиятининг яққол ифодасидир.

Сукрот ўз таълимотини оғзаки равишда кўча-кўйда, майдонларда, хиёбонларда шогирдлари ва издошлари билан бирга шакллантирган ва халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилган, лекин биронта ҳам асар ёзмаган. Унинг фалсафий, ахлоқий таълимотлари моҳиятини шогирдлари Ксенофант, Аристофан ва Афлотунларнинг асарларидан билиб олишимиз мумкин. Ксенофант «Сукрот ҳақида эсдаликлар» асарида ўз устози ҳақида илиқ сўзлар айтиб, уни олижаноб, ахлоқ-одоб борасида ҳаққоний фикр юритган инсон сифатида таърифлаган. Ёшларнинг ахлоқини бузган деб унга сиёсий айб қўйиш — тухмат эканини алоҳида таъкидлаган. Афлотун эса уни чуқур мулоҳазали, инсонни улуғловчи донишманд, дея таърифлаган, унинг фалсафий қарашларини ўз асарларида Сукрот номидан баён этган. Сукротнинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоғи лозим. Жамиятнинг равнақи, тинчлик ва осойишталиги, фаровон ҳаёти ахлоқ ва одобнинг аҳволига боғлиқ. Бу масалалар Шарқ фалсафасида ҳам катта ўрин тутганли боис халқимиз, буюк алломаларимиз Сукрот номини бениҳоя ҳурмат билан тилга олган, унинг ахлоқ-одоб ҳақидаги панд-насихатларига амал қилган.

Сукротнинг шогирди **Афлотун** (асли — Платон) жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломасидир. У нафақат файласуф олим, балки санъаткор, шоир ва драматург бўлган, ўз ғояларини диалоглар тарзида баён қилган. Афлотун 428 йил 21 майда Делос оролида туғилган. Ўзидан кейин 35 дан зиёд диалог шаклидаги асарлар ёзиб қолдирган. Арастунинг у ҳақдаги маълумотларини бирдан-бир тўғри далил деб қараш мумкин. Чунки Арасту Афлотуннинг энг яқин дўсти ва шогирди бўлган.

Афлотун «Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» таълимотининг асосчисидир. Унингча, гоё ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт гоёлар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг аксидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам билолмайди. Уларни биладиган зотлар ниҳоятда кам учрайди, улар улкан ақл эгаси бўлади ва тарихда чуқур ном қолдиради. Аксарият кишилар эса, соялар дунёси билан кифояланади.

Афлотуннинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти унинг дунёқарашида марказий ўринлардан бирини ташкил этади. У фақат антик давр фалсафаси — онтология ва гносеологиянинг классиги бўлиб қолмай, мумтоз антик сиёсий назария ва педагогиканинг билимдони ҳам бўлган. Афлотун ижтимоий-сиёсий масалаларга доир «Давлат», «Қонунлар», «Сиёсат» ва «Критий» номли асарлар ёзиб қолдирган. «Давлат» асарида жамият ҳақида, унинг идеал сиёсий тузуми тўғрисидаги қарашларини марказий таълимоти — гоёлар назарияси билан узвий боғлиқ ҳолда илгари сурган. Унинг фикрича, давлатнинг тўртта шакли мавжуд: теократия; олигархия; демократия; тирания. Афлотуннинг идеал давлат тўғрисидаги орзулари негизда адолат гоёси ётади. Афлотун айтганидек, жамият барча аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсунуши ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир.

Афлотуннинг шогирди ва сафдоши **Арасту** (384 — 322 йиллар) (асли — Аристотель) қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи, ўзининг бетакрор, жаҳонни лол қолдирган илмий мероси билан машҳурдир. Ўн етти ёшида ўз илмини ошириш мақсадида Афинага келиб, Афлотун асос солган академияга ўқишга кирган ва 20 йил давомида (Афлотуннинг ўлимига қадар) шу ерда таҳсил олган. Кейинчалик Македония подшоши Филиппнинг II таклифига биноан, унинг ўғли Александрга 3 йил мунтазам устозлик қилган. Бинобарин, кейинчалик дунёни забт этиб, жаҳонгирлик мақомига кўтарилган Искандарнинг камолотида Арастунинг хизматлари бекиёс бўлган. Филиппнинг ўлимидан кейин Александр тахтга ўтиргач, Арасту Афинага қайтиб келиб, 50 ёшларида «Ликкей» номли мактаб очган. Илмий фаолиятининг самарали бўлишида, умуман, Юнонистондаги илм-фан ривожига Александр томонидан кўрсатилган ҳиммат ва рағбатлар муҳим аҳамият касб этган. Искандар вафотидан кейин унга қарши кучлар бош кўтариб, Арастуни дахрийликда айблашган ва судга тортишган. Суддан олдин Эвбей оролига кўчиб кетган Арасту кўп ўтмай ўша ерда вафот этган.

Арасту забардаст олим бўлиб, мантик, психология, фалсафа, ахлоқ, нотиклик санъати, табиий фанлар бўйича ўлмас, бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган. Унинг барча асарлари борлиқни ўрганишга қартилган. Мантикка оид асарларининг барчасини «Органон» («Қурол») номли асарига жамлаган. Файласуф барча фанларни икки турга — назарий ва амалий фанларга бўлган. Амалий фанлар шогирдларга йўл-йўриқ кўрсатишга, бирор бир фойдали ишни амалга оширишга йўналтирилган. У назарий фанларни уч қисмга - фалсафа (метафизика), математика ва физикага ажратган.

Файласуф оламдаги нарса ва ҳодисалар тўртта сабабга эга. Булар — моддий сабаб, яъни модда (материя); шаклий сабаб ёки шакл; яратувчи сабаб; пировард сабаб ёки мақсад сабаблардир. Яратувчи сабаб, Арасту талқинича, ҳаракат манбаидир. Масалан, ота ва она боланинг улғайиши сабабчисидир. Арасту пировард сабаб (мақсад сабаб) воситасида инсонга хос бўлган мақсадни табиат ҳодисаларига ҳам татбиқ этмоқчи бўлган. Ҳаракат олам сингари абадийдир. Айни пайтда, олам ўзининг абадий сабаби, яъни ҳаракатлантирувчи кучига эга.

Арастунинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти «Давлат», «Сиёсат» каби асарларида баён этилган. Унинг фикрича, давлат бошқаруви жамиятнинг эркин ва фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши лозим. Бахтли ҳаёт мазмуни фақат моддий мўл-қўлчилик билан белгиланмайди, балки сероблик маънавий бойлик билан уйғун бўлгандагина, жамият бахтли ҳаёт кечиради. Давлатнинг бойлиги, асосан, ўртача мулкка эга бўлган фуқароларнинг меҳнати билан таъминланади. Арастунинг бу борадаги қарашлари бугунги кунда Ватанимизда кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар моҳиятига жуда ҳамоҳангдир.

Юнон фалсафасида **Демокрит**нинг қарашлари ҳам муҳим ўрин тутуди. У ҳақиқий борлиқ — моддий дунё, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, олам майда моддий заррачалардан, яъни атомлардан ва бўшлиқдан иборат дея таълим беради. Атомлар ва бўшлиқ ўзаро яхлит абадий ибтидоидир. Атомлар — бўлинмас ва ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил, унинг миқдори шакли сингари беҳисобдир. Ҳаракат, деган эди Демокрит, атомлардан иборат модданинг абадий, табиий ҳолатидир. Демокрит тасодифиятни инкор этган. У «на табиатда на жамиятда ҳеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди», деб ёзган. Демокритнинг фалсафий қарашларида ахлоқий таълимот муҳим ўрин тутуди. Унинг бу борадаги қарашлари сиёсий қарашлари билан узвий боғлиқдир. Яхши бошқарилаётган давлат — буюк қўрғондир. Давлат манфаатлари қолган барча нарсалардан устун турмоғи лозим.

Меъёр, дейди файласуф, ахлоқнинг табиат инсонларга инъом этган куч ва қобилиятга мос келишададир. Донолик учта ҳосил келтиради: яхши фикрлаш; яхши сўзлаш; яхши ҳаракат қилиш. Демокритнинг ахлоқий қарашлари ўз давридаги амалий маънавий муносабатларнинг умумлашмасидир. Унинг таълимоти бугунги кунда инсонларни ахлоқ-одобга, диёнатга даъват этади.

Эпикур (341-270 йиллар) — қадимги Юнон мутафаккири. Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотини янада такомиллаштириб, уни юқори поғонага кўтарган ва тегишли қарашлар билан бойитган файласуф. Эпикур таълимотича, олам — моддий, абадий ва чексиз. Атомлар — бўлинмас, олам — жисм ва бўшлиқдан иборат, деб

ёзган эди у. Барча жисмларни Эпикур икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга жисмларни ташкил этувчи атомларни киритган бўлса, иккинчи гуруҳга атомларнинг бирлашишидан ташкил топган жисмларни киритган. Эпикур ички ҳаракат қонуниятини кашф этиб, Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотига улкан ҳисса қўшган. Эпикурнинг фалсафий-ахлоқий таълимоти ўз замонасида илғор аҳамиятга эга бўлган. Роҳат-фароғат, хурсандчилик деганда, кайф-сафо, маишат, шоҳона ҳаётни эмас, балки жисмоний эзилиш ҳамда руҳий ташвишлардан халос бўлишни, озодликни тушунамиз, дейди Эпикур. унинг фикрича, давлат кишиларнинг ўзаро келишуви асосида тузилиши лозим. Эпикур илгари сурган ижтимоий келишув ғояси кейинчалик XVIII аср француз маърифатпарварлари ҳамда XX аср файласуфлари томонидан давом эттирилган.

Эпикур таълимотини римлик **Лукреций Кар** (эраимиздан аввалги 99-55 йиллар) давом эттирган. У «Нарсаларнинг табиати тўғрисида» номли асари билан машҳур бўлган. Яшашдан мақсад, деб ёзган Лукреций, бахтли ҳаёт кечиришдан иборатдир. Жамият ҳам, худди табиат сингари, ўз қонунларига эга ҳамда табиат қонуниятларига таянган ҳолда ривож топади, дейди у. Унинг фалсафий қарашлари ўз даври ва ўрта аср фалсафасига ўз таъсирини кўрсатган.

Унинг фикрича, модда (материя) — абадий, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб, шаклини ўзгартириб яшаш — унинг хоссаси. Оламдаги барча нарсалар иккига — оддий ва мураккаб турга бўлинади. Лукреций Кар атом ҳаракатининг учта турини санаб ўтган. Булар — нарсанинг оғирликка эга бўлгани учун тўғри чизикли ҳаракати, нарсанинг ўзича оғиш ҳаракати, нарсага туртки бўлган асосга қаратилган ҳаракат. Лукрецийнинг назарияси моҳиятан содда бўлса-да, табиатшуносликка улкан таъсир кўрсатган.

Биз хорижий Шарқ ва антик дунё фалсафаси ҳақида жуда қисқа маълумот бердик. Уларга мансуб айрим оқим ва маишур файласуфлар таълимоти тўғрисида ниҳоятда муҳтасар фикр юритдик. Аслида бу мавзулар ўта кенг қамровли бўлиб, уларнинг моҳиятига етиб бориши учун кўп ва ҳўб ўқиб-ўрганишга тўғри келади. Ишончимиз комилки, сиз, азиз талабалар уларни мустақил ўқиб-ўрганиши жараёнида тўлиқ ўзлаштириб оласиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз фалсафа тарихини фақат маишур номлар ва улар яратган таълимотларни билиб олиш учунгина ўрганмаймиз, балки инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк файласуфларнинг ибратли ҳаёти, ўлмас ғоялари моҳиятини чуқур англаш, уларга таяниб, бугунги кун фалсафий муаммоларининг қўлай ечимини топиш, шу тариқа Ватанимиз ва халқимизга ҳалол хизмат қилиш, қолаверса, буюк аждодларимизга, элу юртимизга муносиб фарзандлар бўлиши учун ҳам пухта ва чуқур ўрганамиз.

Таянч тушунчалар

«Таврот», «Веда» — диний китоблар. астика — «Веда»нинг муқаддаслигини тан олувчи, настика — унинг муқаддаслигини тан олмайдиган мактаблар. Дао — табиат қонуни, Ци — борликнинг асосида ётган беш унсур, ян — ёруғлик кучи, ин — зулмат кучи, метафизика — қадимги юнонистонликлар фикрича, борликнинг асосини ўрганадиган дастлабки фалсафа, атомлар — бўлинмас деб тасаввур қилинган заррачалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қадимги Миср фалсафасига хос хусусиятларни санаб беринг.
2. «Веда»лар нима ва қачон пайдо бўлган?
3. Буддавийлик таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
5. Конфуцийлик нима?
6. Лао Цзи фалсафасида Дао қонуни нимани англатади?
7. Милет фалсафий мактаби тўғрисида нималарни биласиз?
8. Гераклитнинг «Оқар сувга икки марта тушиб бўлмайди» деган ҳикматли ибораси фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг.
9. Сукрот қандай файласуф бўлган?
10. Афлотуннинг ғоялар дунёси ҳақидаги таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
11. Арасту ҳақида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. «Истиқлол ва маънавият». Т. «Ўзбекистон», 1994.
2. Каримов И. «Маънавий юксалиш йўлида». Т. «Ўзбекистон», 1998.
3. Каримов И. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июнь.
4. «Основы философии». — Т.: «Ўзбекистон», 1999.
5. «Христоматия по философии». — М., 1997.
6. Йўлдошев С. «Антик фалсафа». — Т., 1999.

3-мавзу. Ўзбекистондаги илк ўрта асрлар фалсафаси.

Режа:

1. Илк ўрта асрлар фалсафасининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.
2. Исломи дини ва фалсафаси. Тасаввуф ва унинг оқимлари.
3. Дунёвий билимлар ривожини ва фалсафий тафаккур.
4. Илк ўрта асрлар фалсафасининг ўзига хос аҳамияти.

Мазкур мавзуга асос бўлган давр фалсафаси араб истилоси ва мамлакатимизда ислом динининг тараққий этиши билан узвий боғлиқдир. Бу фалсафа, баъзи чет эллик мутахассислар айтгани каби, фақат араблар маданиятининг бир қисми эмас. Балки бизнинг Ватанимиз фарзандлари улуг бобокалонларимизнинг ислом динига, ислом фалсафасига, бутун араб дунёси ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган таълимотлари дунёга келган давр фалсафаси ҳамдир.

Шу билан бирга, бу аждодларимизнинг босқинчиларга қарши курашини акс эттирган, халқимиз маданияти ва маънавияти ниҳоят даражада ривожланганини бутун жаҳонга яққол намойён қилган давр фалсафасидир.

Бу Муқанна каби миллий қаҳрамонларимиз кенг халқ оmmasига бош бўлиб озодлик кураши олиб борган пайтларда элнинг руҳини кўтариб, илҳомлантирувчи эзу гоялар шаклланган давр фалсафасидир.

Бу Аму ва Сирдарё бўйларида яшаган халқнинг даҳоси энг юксак даражага кўтарилган, унинг атоқли намояндалари жаҳон маданияти саҳифаларига ўзларининг ўчмас номларини муҳрлаб кетган давр фалсафасидир. Бу фалсафанинг хусусиятлари ўша даврда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Мазкур мавзунини ўрганишдан мақсад, Президентимиз Исломи Каримов таъбири билан айтганда, ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, «Ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш»дан иборат¹³.

Араб босқини ва ислом дини. Мовароуннаҳр араблар томонидан забт этилиши арафасида Турк қоғоноти тизимига кирар эди. У майда амириликлардан иборат бўлиб, улар ўртасида тинимсиз тўқнашувлар рўй бериб турар эди. Айниқса, Турк қоғоноти билан сосонийлар Эрони ўртасидаги тўқнашувлар ўта шиддатли тусда юз берар эди. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида бу ҳудуд араб халифалиги томонидан босиб олинди. Бунга Мовароуннаҳр ҳудудида яшовчи халқлар, ижтимоий кучлар орасида сиёсий ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, ўзаро қирғин-баротларнинг авж олиши сабаб бўлди.

Мовароуннаҳрга араблар босқини билан бирга ислом дини ҳам кириб келди. Исломи сўзи арабча тангрига ўзини топшириш, итоат, бўйсунуш, тинчлик каби маъноларни англатади. Исломи дини байроғи остида кенг ҳудудда араб қабилалари бирлашган, мавжуд тарқоқликка чек қўйилган, ягона марказлашган араб халифалиги ташкил топган.

Қуръон ва ҳадисларда исломий таълимотнинг асоси баён қилинган. Қуръон — муқаддас китоб. Унда ислом қонун-қоидалари, иймон-этиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган. У 114 сура ва улар таркибидаги оятлардан ташкил топган.

«Сунна» эса ҳадислар мажмуи бўлиб, Қуръондан кейин туради ва уни тўлдирди. Унда Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари нақллар ва ҳадис шаклида жамланган.

Қуръон ва суннадан кейинги муҳим манба — шариатдир. Шариат (тўғри йўл, илоҳий йўл демақдир) — исломда ҳуқуқий, ахлоқий меъёр ва амалий талаблар тизимидир. Исломидаги асосий йўналишлар — суннийлик, шиалик ва хорижийлик. Улар диний таълимот, маросимчилик, ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга оид масалаларда ўзаро фарқланиб туради.

Хорижийлар йўналиши ўрта асрлар даврида кўпгина оқимларга бўлиниб, кейинчалик йўқолиб кетган. Фақат ибодийлар (абодийлар) оқими сақланиб қолган.

Суннийлик ва шиалик ҳокимият масаласида (суннийлик халифалик ҳокимияти, шиалик эса имомат ҳокимияти тарафдори), айрим диний маросим ва анъаналарда бир-биридан фарқ қилади.

¹³ Исломи Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». – «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июн.

Исломдаги оқимлар ақидавий таълимот ва маросимчилик масалаларида бир-бирдан ажралиб турадиган диний гуруҳлардир. Шиалиқдан қарматлар, исмоилийлар, зайдийлар, нусайрийлар, алиилоҳийлар ва бошқалар ажралиб чиққан.

Суннийликдан равшанийлар, аҳмадия, жангари ваҳобийлар, маҳдийлар ажралиб чиққан. Мазҳабчилик илоҳиёт масалалари бўйича юзага келган ўзаро келишмовчиликлар натижасидир.

Исломда ҳанафийлик, ашъарийлар, жабарийлар, қадарийлар, сифатийлар, муржибийлар, муътазиллийлар каби мазҳаблар мавжуд. Қадарийлар инсон ирода эркинлигини ёқлаб чиқиб, уни тан олмаган жабарийларга қарши чиққан. Мутақаллимлар аристотелчилик фалсафаси усул ва воситаларидан фойдаланиб, исломнинг диний-ақидавий таълимотини асослаб беришга уринган.

Абу Мансур Мотуридий (мелодий 944 йилда вафот этган) калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган Самарқандда Мотуридия мактабини яратган. Муътазиллийлар (ажралиб чиққанлар) яқка худоликнинг адолатли эканини, Қуръоннинг тангри томонидан яратилганлигини, ирода эркинлигини ёқлаб чиққан. Унинг асосчиси Восил ибн Атодир (699-748 йиллар). Унинг охирги вакилларида бири Замаҳшарийдир.

Калом ислом илоҳиётининг ўзига хос фалсафий таълимотидир. У диний ақидаларни асослаб беришга уринган. У Қуръонга таяниб, жаннат ва дўзахнинг азалий эканлигини, инсонда ирода эркинлигининг йўқлигини, лекин инсоннинг Оллоҳ олдида ўз қилмишлари учун масъул эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилган.

Бундай маънавий жараёнлар билан ёнма-ён исломда **машһойунлар ва таббийунлар**нинг (Арасту фалсафаси ва табиатни ўрганишга аҳд қилганларнинг) фалсафий қарашлари шакллана борган. Бу исломий маънавиятнинг дунёвий ва диний масалаларда, жаҳон фалсафий тафаккурида рўй бераётган жараёнларга нисбатан ташаббускор бир куч эканини кўрсатиб турибди.

Қадимги Юнон фалсафаси анъаналарида сиёсий фаолият ва донишмандлик кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлса, ислом фалсафасида сиёсатга, аксинча, инсон фаолиятининг юксак бир шакли сифатида қаралади. Исломда давлатни бошқариш — бу санъат, аммо у ижтимоий адолат таомилига амал қилмоғи зарур, ижтимоий адолат эса тенг ҳуқуқийликка амал қилиш туфайли барқарор бўла олади, деб ҳисобланади.

Ислом фалсафасига кўра, инсоният истиқболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, ахлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас таркибий қисмидир. Мусулмон Шарқи мутафаккирларини ақл мақоми, мантиқ илми аввалдан қизиқтириб келади, чунки мантиққа таянмаган ҳар қандай билим ишончли ва самарали бўла олмайди. Бу масала ҳам ислом фалсафасида ўз ўрнига эга.

Тасаввуф ва унинг тариқатлари. Тасаввуф фалсафий оқим ва диний-маънавий ҳодиса сифатида ислом дини доирасида (кўпгина ички сабаблар ва баъзи ташқи унсурлар — буддавийлик ва ҳиндийликнинг илк диний тасаввурлари, шарқий христиан таркидунёчилиги, неоплатонизм кабиларнинг таъсири остида) пайдо бўлди. Тасаввуф учун ваҳдоният — Оллоҳнинг бирлиги, Оллоҳ ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шахсининг тангри таоло билан руҳан бирлашиб кетиши каби мушоҳадалар муҳим аҳамият касб этади. Бу оқим намояндалари ва тарафдорларини сўфийлар, деб атаганлар ва «сўфизм» атамаси шундан пайдо бўлган. Илк сўфийлар аҳолининг камбағал тоифаси орасида шаклланган. Уларнинг қарашлари истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик белгиси сифатида ҳам юзага келган.

Тасаввуфнинг муҳим жиҳатлари йирик мусулмон илоҳиётчиси Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг (1059-1111) «Диний илмларнинг тирилтирилиши» асарида баён этилган. Ул зот дунё қонуниятларини ақл орқали билишни эътироф этган, лекин Оллоҳни ақл билан англаш мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. У фақат қалб, махсус руҳий ҳаракатлар — илтижо-ибодатлар кўмагида билиб борилади. Мантиқ, табиатни билиш Оллоҳни танишга ҳалал бермаса, улар аҳамиятлидир, агар аксинча бўлса, уларнинг мақоми чегараланади.

Расмиятчилик, ақидачиликни тасаввуф аҳли қабул қилмаган. Уларнинг фикрича, иймон-эътиқоднинг моҳияти Оллоҳдан бошқа нарсага муҳтож бўлмаслик, ҳеч қандай мулкнинг қулига айланмаслик, борига сабр-қаноат қилиб яшашдир. Оллоҳга етишиш учун қалбни поклаш, нафс балосидан озод бўлиш даркор. Ана шундагина инсон дили нур билан тўлади, нуқсонларни бошқалардан эмас, ўзидан излайдиган даражага кўтарилади, Ҳақ сари яқинлашади, бемаъни қараш ва тушунчаларнинг қуллик кишанидан ўзини озод қилади, чунки инсон қалби хурдир.

Тасаввуфда **кубравия, яссавия, нақшбандия** тариқат-сулуклари кенг тарқалган.

Кубравия тариқатининг асосчиси **Нажмиддин Кубродир** (1154-1226). Хевада туғилган, ёзган асарлари орасида «Шарҳус-сунна вал-масолиҳ», «Усули ашара», «Фавоихул-жамол» кабилар машҳурдир. Кубравия тариқатининг моҳияти ўнта усулда мужассамлашган. Булар — тангрига ўз хоҳиши билан юзлашиш, зуҳд фи дунё — ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккул — Оллоҳга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қаноат, узлат — хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр — узлуксиз зикр, таважжуҳ — Ҳаққа

мухаббат кўйиш, сабр — нафс балосидан озод бўлиш, мууроқаба — тафаккурга ғарк бўлиш, ризо — тангри хушнудлигини қозонишдан иборат.

Кубро мўғуллар билан бўлган жангларда жасорат кўрсатган ва шаҳид бўлган. Мўғуллар Кубронинг номи улуглиги, обрўси баландлигини ҳисобга олиб, унга озод бўлиши, омон қолиши мумкинлигини, бунинг учун эса қамал қилинган қалъадан чиқиб кетиши кифоя эканини билдирган. Аммо Кубро бундай жон сақлагандан кўра, ўз халқи билан бирга юрт ҳимояси йўлида жон беришни афзал кўрган. Ривоят қилишларича, ул зот қартайиб қолганига қарамай, жангчиларга фаол кўмак берган. Буни кўрган шогирдларидан бири «Устоз, анчадан бери байроқ кўтариб чарчадингиз, уни менга беринг», деганида, у «Агар кучим бўлганида қилич ёки камон олган бўлар эдим. Байроқни бизга кўйингда, сиз ё қилич ёки найза билан ёғийга қариши курашинг», деган экан. У байроқни шунчалик маҳкам ушлаган эканки, халок бўлганидан кейин қўлидан байроқни олишининг иложи бўлмаганидан, бир мўғул Кубронинг қўлини кесиб олган экан.

Яссавия тариқатининг асосчиси **Хожа Аҳмад Яссавий**дир (1166 йилда вафот этган). У Туркистоннинг Сайрам музофотида туғилган, машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) таълим-тарбияси билан вояга етган, ориф мақомига эришган. Яссавий устозининг вафотидан кейин муайян бир муддат унинг мақомида турган, сўнг эса бу мақомни Абдуҳолик Ғиждувонийга қолдириб, Ясси — Туркистон шахрига қайтади ва ўз тариқати, йўл-йўриқларини ташвиқ этиш билан машғул бўлади.

Яссавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган ҳикматлари девонида ўз аксини топган. Унда илоҳий ишқ, Ҳақ васлига етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгили кўймаслик ҳақида фикр юритилган. Яссавий риёзат, чилла, зикрга алоҳида аҳамият бериб, ҳаётининг аксариятини чиллаҳонада ўтказган. Яссавий тариқати Туркистон ўлкаси, Озарбойжон, Туркия, Шимолда — Қозонгача, Ғарбда — Болқонгача кенг тарқалган.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар) нақшбандия тариқатининг асосчидир. Бу таълимотнинг моҳияти «Дил — ба ёру даст — ба кор» шиорида яққол ифодасини топган. Инсон Оллоҳ инояти натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб кўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллоҳда, кўли эса меҳнатда бўлмоғи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомларини эътироф этади.

Нақшбанднинг таъкидлашича, шарият — аҳдга вафо, ислонинг бешта асосий талабига риоя қилиш, дил ва тил бирлиги. Тариқат эса, ўзидан кечиш, фано бўлишдир. Ҳақиқат — беҳуда ишлардан узоқлашиш, ҳақ ишларга боғланиш. Демак, шарият — қонун, тариқат — йўл. Қонун вужуд ва қалбни тарбиялайди. Йўл эса кўнгилини поклаб, руҳни илоҳий қувватдан баҳраманд қилади.

Кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимотлари маънавиятимиз тарихида жуда катта ўрин тутган. Улар маънавий тараққиётда муҳим аҳамиятга молик бўлиб, ўз таъсирини ҳалигача йўқотмаган.

Ватанимиз цивилизациясининг шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига таъсири ниҳоятда катта бўлган. Унинг ҳудудида араб халифалигидан нисбий мустақилликка эришган давлатларнинг ташкил топиши, халқимизнинг бағрикенглиги туфайли янги марраларга эришилди. Дунёвий ва диний соҳалардаги маданий-маънавий юксалиш мазкур уйғониш даврининг ёрқин тимсолидир. «Авесто» анъаналари, табиатни ўрганишдаги ютуқлар, гуманитар соҳадаги ижобий силжишлар, Шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига самарали таъсир кўрсатди. Ўша даврда жаҳон миқёсида Ватанимизнинг маънавий-интеллектуал нуфузи ортиб борди. У жаҳондаги йирик маданият ва илм-фан марказига айланди.

Диний бағрикенглик ва дунёвий билимлар тақомили. Мусулмон Шарқи, жумладан ислом жорий этилганидан кейин Ватанимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ижодида Оллоҳ, инсон ва табиат масалалари илоҳиёт ва дунёвий фалсафанинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келган. Биронта буюк аллома ва мутафаккир исломий кадрлар мавзуини четлаб ўтмаган.

Диний илмлар соҳаларида имом Бухорий, имом Термизий, имом Абу Ҳанифа, имом Мотуридий ва имом Бурҳониддин Марғинонийлар пешқадамлик қилганлар.

Имом Бухорий (810-870йиллар) йирик илоҳиётчи, муҳаддис сифатида 60 мингга яқин ҳадис тўплаган, улардан ишончли деб топганларини махсус тўплам ҳолига келтирган. Бу тўплам «Саҳиҳи Бухорий» номи билан машҳурдир.

Имом исо Термизийдан (824-892) «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари», «Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола», «Тарих» ва бошқа асарлар мерос бўлиб қолган. Имом Термизий ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга солган ва яхлит бир китоб шаклига келтирган.

Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ҳанафий мазҳабига асос солган, барча ислом тарқалган ҳудудларда ўз мавқеига эга бўлган. Бу мазҳабнинг муҳим жиҳатлари қалом ва илоҳиёт соҳаларининг пири Абу Мансур Мотуридий (вафоти 944 й.) нинг «Тавҳид» ва «Таъвилот» асарларида ва Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197) нинг «Ҳидоя» тўпламида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Уларнинг асарларида ақл мақоми ва мантқиқ илмига, илм ва далилга кенг ўрин берилган.

Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850) ва Аҳмад ал-Фарғоний (тахм. 797-865) бутун мусулмон Шарқи ва жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалардир. Муҳаммад ал-Хоразмий араб халифалигининг пойтахти Бағдодда «Донишмандлик маскани» («Байт ул-ҳикма») га раҳбарлик қилган. Унинг «Астрономия жадвали», «Ҳинд ҳисоби тўғрисида рисола», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Муסיқа ҳақида рисола», «Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид мухтасар китоб» каби асарларида алгебра соҳасига асос солинди.

Шарқ халқлари орасида «Буюк математик» унвонига сазовор бўлган Аҳмад ал-Фарғоний (тахм. 798 й. да Қувада туғилган) астрономия ва математика соҳаларида ном таратди. Унинг «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб», «Астрономия асослари», асарларида коинот харитаси тузилди. Ер ва фазовий сайёралар ҳажми, иқлимлар, жўғрофий кенгликлар тўғрисида кузатувчилар орқали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йўналишларига асос солинган. Қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадқиқотда ҳиссий ва аклий мушоҳада муштараклиги алломага хос хусусиятлар сифатида дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб келди ва ундан кейин яшаган илм аҳлига таъсири сезилиб турди.

Фалсафа, табиатшунослик ва тиббиёт тарихини Форобий, Беруний ва Ибн Синосиз тасаввур қилиб бўлмайди. **Абу Наер Форобий (873-950)** – мусулмон Шарқида Арастудан кейин «иккинчи устоз» унвонига муяссар бўлган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг қаламига 160 дан зиёд асар мансуб бўлиб, улар асосан қадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий муаммолар шарҳлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга бағишланган. Мутафаккир оламни икки кўринишда: «Вужуду вожиб» (оллоҳ) ва «вужуди мумкин» (барча моддий ва руҳий нарсалар) мисолида талқин қилади, барча нарсалар «вужуду вожиб» туфайли яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан сабабий тарзда боғланади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, оқибатсиз сабаб ҳам бўлмайди, дейди Форобий.

Олам сифат, миқдор, жавҳар, акциденция (муҳим бўлмаган хосса), имконият, зарурият ва тасодифият, макон ва замон, ҳаракат ва ривожланиш каби тушунчаларда ифодаланади. Улар фазовий жисмлар, ақлли маҳлук (инсон), ақлсиз жониворлар, ўсимликлар, минераллар ва тўртта унсур-сув, олов, ҳаво ва тупроқ каби олтига кўринишда намоён бўлади.

Билиш жараёни ақл ва сезилар орқали юзага келади. Билишда ақл ва мантиқ илмининг мақоми бекиёсдир. Ақл воситасида инсон илм-фани яратади. Фан туфайли ҳодисалар моҳияти очиб берилади. Ҳар бир фан инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Мутафаккир ўз асарларида комил инсон, фозил фуқаро, одил ҳукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусусиятлари, ахлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий истиқбол тўғрисида илғор ғояларни илгари сурган. Форобийнинг Шарқ халқлари фалсафий тафаккури ривожига бўлган таъсири сезиларли бўлган.

Абу Райхон Беруний (973 — 1048) деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюк қомусий аллома ва машҳур мутафаккирдир. У яратган 152 та асардан 28 таси бизгача етиб келган. Унинг табиатни ўрганишдаги хизмати каттадир. Аллома жисмларнинг ўзаро тортишуви, Қуёш ва Ойнинг тутилиши, зарра, инерция ва сунъий танланиш, ривожланиш аномалияси, Ер қаърида рўй берадиган геотектоник силжишлар, Ер қиёфасининг тадрижий тарзда ўзгариб туриши, хилма — хил оламлар тўғрисида илмий башоратларни илгари сурган. Унинг фалсафий қарашлари табиий-илмий қарашлари таъсирида шаклланди. У модда ва замон, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва оқибат каби фалсафий муаммоларга катта эътибор берган.

Берунийнинг асарларида билиш масалалари муҳим мақомга эгадир. Билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бу ўзига хос лаззатдир. Иккинчидан, билишдан мақсад одамлар эҳтиёжларини қондиришдир. Билиш сезилар етказиб берган маълумотлардан бошланади. Улар билишнинг юқори босқичи ақлий билиш учун ўзига хос қўмакчи ва асос бўлиб хизмат қилади. Билимнинг чинлиги кузатув ва синов — тажриба орқали белгиланади. Улар туфайли ашёларнинг муҳим жиҳатлари ўрганилади, уларнинг миқдорий томонлари аниқланади, билиш жараёнининг самарадорлиги ошиб боради.

Берунийга кўра, инсон қиёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг ички қиёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун ғамхўрлик, зулми бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туғи остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) буюк аллома ва мутафаккир. У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилиб, Ҳамадон шаҳрида вафот этган. Ибн Синодан қолган маънавий меърос тахминан 280 номдан зиёдроқдир. Улар тиббиёт, фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ, муסיқа, фармакология ва бошқа соҳаларга бағишланган. Олимнинг «Шифо китоби» «Тиб қонунлари», «Билимлар китоби», «Табиат дурдонаси» каби асарлари машҳурдир. Борлиқни талқин этишда Ибн Сино Форобий изидан бориб, уни «вужуду вожиб» ва «вужуду мумкин»дан иборат, деб эътироф этади. «Вужуду вожиб» биринчи сабаб вазифасини бажаради. «Вужуду мумкин» эса унинг оқибатидир. Яратилиши

доимий бўлганлиги учун яратилган «вужуди мумкин» ҳам абадийдир. Олимнинг сабабиятга оид мулоҳазалари эътиборга моликдир. Унга кўра, сабаблар моддий (муайян ҳолатни келтириб чиқарувчи сабаб), фаол (муайян ҳолатни ўзгартирувчи сабаб), шаклий (турли хил қувватлар билан боғланган сабаб) ва тугалловчи (барча сабабларнинг пировард мақсади) сабаблардан иборатдир.

Ибн Сино Закариё ар-Розий ва Беруний каби жаҳон фалсафий тафаккури тарихида биринчилардан бўлиб кузатув ва тажрибага муҳим эътибор қаратди. Масалан, аллома улар кўмагида хастанинг ҳолати, келажакда кутилаётган кайфияти, дори-дармонлар таркиби, инсон ва атроф-муҳит ўзаро муносабати муаммоларини ҳал этишга уринади.

Мутафаккир ўз асарларида илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги, инсон камолоти, бахт-саодат, ижтимоий адолат, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳукмдорнинг бурчи тўғрисида қизиқарли ғояларни илгари сурган. Унинг таъкидлашича, барчани бир хил ижтимоий мавқега эриштириб бўлмайди. Аслида улар учун муайян шароит яратиш бермоқ лозим. Барчанинг бой ва мансабдор бўлиши ёки ҳамманинг қашшоқ бўлиши жамиятнинг таназзули ва инқирозидир. Лекин инсон ўзгаларга меҳр-оқибатли, ғамхўр бўлмоғи, керак вақтда саховат ва мурувват қўлини ночорларга узатиши зарурдир.

Марказий Осиёда илк ўрта асрлар даврида кенг тарқалган тасаввуф таълимотидаги комил инсон мақоми, нафсни тийиш, бағрикенглик, диний донишмандлик, Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғоний тадқиқотларида илгари сурилган табиий-илмий ғоялар, Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари, фандаги янги йўналишлар биринчи галда мусулмон Шарқи, қолаверса, бутун жаҳон табиий-илмий ва фалсафий тафаккурининг равнақиға ҳаётбахш таъсир ўтказиб келди.

XIV асрнинг охири-XV асрнинг бошларида Амир Темура амалга оширган ҳарбий юришлар натижасида ўлка мустақиллиги қўлга киритилди. Темура ва теурийлар даврида уйғонши даврининг иккинчи босқичи бошланди. Бу илм-фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаш босқичи бўлди. Маънавиятга ҳомийлик ҳаракати авж олди. Бунга Самарқанда Улугбек астрономия мактабининг вужудга келиши, расадхонанинг қурилиши, машҳур олимлар Қозизода Румий, ал-Қоший, Али Қушчи ва бошқаларнинг фандаги жсонбозлиги яққол мисолдир. Бу масала кейинги маъруза учун мавзу бўлиб ҳисобланади.

Афсуски, бу маданий уйғонши мўгул босқини туфайли таназзулга юз тутди. Амир ва султонлар ўртасидаги ўзаро ихтилофлар, ноаҳиллик Чингизхон босқиниға қўл келди. Бу босқин мўгулларнинг 1218 йилда Ўтторр шахрини босиб олиши, унинг ҳокими, Хоразмиоҳнинг қайноғаси, Инолчиқни банди қилиши ва қулоғиға қайнаб турган қумушни қўйиб юборишдек хунрезликдан бошланди. Мўгулларнинг ҳукмронлиги даврида ана шундай қонхўрлик тинимсиз давом этди. Қўркам шахар ва қишлоқлар вайронаға айланди, иқтисодиёт таназзулга юз тутди. Илм-фан, маданият, жумладан фалсафа илми ҳам инқирозға учради.

Халқимиз мўгул босқинини қаттиқ қаришлик билан кутиб олди. Гарчанд укўвсиз ҳукмдор Муҳаммад Хоразмиоҳ салтанатни сақлаб қола олмаган бўлса-да, халқимизнинг босқинчиларға қариши кураши асло тўхтагани йўқ. Баъзи тарихий манбаларға кўра, ўша даврда ниҳоятда катта ҳудуддан 600 мингға яқин қўшин тўплаш мумкин эди. Бу қўшин тўпланганида ва тажрибали лашкарбошиға топширилганида Чингизхон салтанатни босиб олиши гўмон эди. Инсониятнинг ўтмишини яхши биладиган баъзи олим ва мутахассисларнинг фикрича, агар шоҳ ўзининг ёвқур ўғли Жалолиддинни аввал бошданоқ тахт вориси этиб тайинлаганида ва қўшиннинг ихтиёрини унга топширганида, нафақат Осиё тарихи, балки жаҳон тарихи бошқачароқ йўлдан кетиши мумкин эди.

Афсуски, тарих «Агар ундай бўлмаганида эди...» қабалидаги тамойилларни тан олмайди. Чингизийлар босқини Ватанимиз маданий тараққиётини бир неча асрлар орқаға суриб юборди. Ўша даврда босқинчиларға қариши курашининг энг атоқли вакили Жалолиддин Мангуберди эса миллатимиз ўз озодлиги учун олиб борган курашининг тимсоли сифатида тарихимиз саҳифаларида абадий қолди. Бу миллий қахрамонимизнинг таваллуд куни 1999 йилда кенг нишонлангани унинг руҳини шод қилиш ва Жалолиддин Мангубердини курашиға отлантирган эзгу гоьлар бизнинг кунларимизда амалға ошганлигининг рамзидир.

Маъруза ниҳоясида, алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» тамойили ўрта асрлар фалсафасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Буюк аждодларимизнинг бағрик энглиги, мазхабпарастликка берилмаганлиги, улар дунёқарашида дунёвий ва диний илмларнинг муштараклиги, сабр-қаноатлилиги барчамизға намуна — ибратдир. Бу бой маънавий хазина ёшлар онгига миллий ғоя ва истиқлол мафқурасини сингдиришға хизмат қилади, уларни мустақил фикрлаш, дўстни душмандан фарқ қилишға ундайди, юртим деб, элим деб яшашға чорлайди.

Таянч тушунчалар

Илк ўрта асрлар фалсафаси, «Қуръон», ҳадислар, ислом фалсафаси, исломдаги мазҳаблар, тасаввуф, тасаввуф оқимлари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ислом дини тўғрисида нималарни биласиз?
2. Тасаввуфда комил инсон таомилини Сиз қандай тасаввур қиласиз?
3. Тасаввуфдаги кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатлари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Машхур муҳаддислардан кимларни биласиз?
5. Сизнинг назарингизда диний бағрикенглик нима?
6. «Маънавий меросни билмай туриб, мустақилликнинг мафқурасини яратиб бўлмайди» деган фикрни қандай тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда. – Т., Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Мулоқот. 1998. №5.
3. Каримов И. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. //Фидокор. 2000. 8 июнь.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-том. — Т.: Фан, 1968.
7. Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. — Т.: Фан, 1998.
8. Носиров Р.Н. Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тарихи бўйича махсус курс. — Т.: 1992.

4-мавзу. Темурийлар даври ва ўрта асрлар фалсафаси

Режа:

1. Темур ва темурийлар даври фалсафаси, унинг аҳамияти.
2. Темурнинг ҳаёти, фаолияти, жаҳон ва Ватан тарихидаги ўрни.
3. Улуғбек — ўрта аср маданиятининг атоқли вакили.
4. Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари.
5. Бобур ва бобурийлар давридаги фалсафий қарашлар.
6. Темурийлар даври ва ўрта аср фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнаан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига қўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг соҳибқирон Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиши, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаиш орзуларининг ушалган давридир. Унинг фалсафасида ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафқурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi мамлакатни горат қилди, иқтисод, маданият, санъат ва илм — фан соҳасида таназзул рўй берди. Жабр, зулм, зўравонлик натижасида халқнинг турмуши кескин ёмонлашди.

Мўғуллар зулмига чек қўйишида халқ оммасининг норозилиги, сарбадорлар бошчилигидаги оммавий кўзғолонлар, айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мўғуллар ўрнатган мустабид тузумнинг Амир Темур дунёга келган даврида ерли аҳоли ўртасида чуқур ижтимоий ва маънавий уйғониш жараёни бораётган эди. Бу жараён, «Тарихи, ўша даврдаёқ, минг йилликлар қаърига кетган буюк халқ мустамлакачилик азобида ётаверадими?» ёки «Мустақиллик учун кураш олиб боришида давом этади ва озодликка эришадими?»- деган асосий саволлар атрофида рўй бераётган эди.

Мўғуллар мамлакатимизни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан истило қилган эдилар, аммо уни маънавий бўйсундириши, маданий жиҳатдан мўғулларнинг устунлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кўчманчилик ва шаҳарларни горат қилишдан бошиқасига ярамайдиган, ўтроқ ҳаётга менсимай қарайдиган Чингиз авлодлари маънавий ва маданий жиҳатдан ўзларидан устун бўлган халққа нима ҳам бера олар эдилар? улар ўз ҳужумчилигининг охиригача ҳам Ватанимизда бирорта тузукроқ яшаиш мумкин бўлган янги шаҳар барпо этмадилар, маданият ўчоқларининг юксалиши учун имкон бермадилар, ерли аҳоли орасидан чиққан баркамол кишиларни қиличдан ўтказиб турдилар. Аммо халқ иродасини бука олмадилар, унинг озодлик ва мустақилликка интилишини тўхтатиб қўя олмадилар. Амир Темур ана шу ҳаракатнинг натижаси, халқининг миллий гоёларини рўёбга чиқариш учун тарихий шаклланган зарурият, ўша пайтда ҳарбий уюшқоқлик, сиёсий ҳушёрлик, галабалар учун фодоқорлик жиҳатидан жаҳонда тенги йўқ миллатга айланган халқ даҳоси яратган буюк жаҳонгир эди. Халқ жаҳонгирга айланганида ўзининг жаҳонгирини яратади. Гоҳида бир жаҳонгир миллат бошиқасини уйғотиб юборади. Бу эса тарихнинг муайян ҳудуддаги энг бурилиши нуқталарига тўғри келади.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаган-ку, унинг фалсафага алоқаси борми, деб ўйлайди. Аслида Темурнинг ҳаёти ва фаолияти фалсафадан иборат эмасми? у фалсафий ҳулосалар чиқариш учун бошқа кишиларнинг ҳаёти ва асарларидан ҳам мазмунлироқ ҳаёт эмасми? Фалсафани фақат китоблардангина ўрганиш мумкинми? Аслида, фалсафани тўла-тўқис китобга тушириб бўлмайди. Китобга туширилган фалсафа муайян тизимга келтирилган фалсафий билимлар ситемаси холос. Темур ва темурийлар даврини тарих фалсафаси ва фалсафа тарихини уйғун тарзда ёзиш орқали нисбатан тўғри ифодалаш мумкин. Амир Темурнинг ҳаёти, унинг фаолияти, темурийлар давридаги маданий жараёнлар, илм-фан ривожини каби масалалар эса бир неча фалсафий китоблар, ўнлаб тадқиқотлар учун мавзу эканлиги аниқ. Қолаверса, Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозиктаъб тушунган, ўзлари ҳам бу соҳаларда ажойиб ютуқларга эришган сиёсий сулолаларни жаҳон тарихидан топиш қийин. Бу сулола вакиллари орасида шеър ёзмаган, адабий машқлар қилмаган, фан-маданиятга қизиқмаган бирор темурийзода

бўлмаса керак. Тарих шундан далолат берадики, юртбошлиқлари фан ва маданиятга қизиққан, маънавиятни юксакликка кўтариш учун кўрашган ўлкада бу соҳаларда ҳақиқий юксалиш бўлади. Сиёсий таъминланганлик, бошқа соҳалар билан биргалликда, маданий тараққиётнинг энг асосий омили эканлигини рад қилиш унчалик ўринли эмас. Маданиятпарвар ва миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар ўша давр маънавий тараққиёти учун сиёсий ва иқтисодий асосларни тўла-тўқис яратган арбоблар эди. Халқимизнинг асрлар оша улар руҳига миннатдорлик туйғуси билан ёндашуви, ҳалигача ўз фарзандларига бу сулола вакиллари номларини қўйиб юриши, бугунги кунларда ҳам ўша замондан ташбехлар излаётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1336-1405) Кеш (Шахрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжа илғор кишлоғида дунёга келди. Унинг энг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у мўғулларнинг босқинчилик ва вайронкорликларига қарши курашиб, Ўрта Осиёни улардан халос этди. Майда феодал ва мулкдорларнинг ўзаро низоларига барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо қилди. Мамлакатда тартиб-интизом ва қонун устуворлигини таъминлади. Унинг даврида «Куч — адолатда» тамойили амалга ошди, иқтисод ва маданият юксалди, ўзга мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Амир Темур мохир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннаҳр халқининг фаровонлиги, юрт ободончилиги учун сарфлади, унинг даврида ҳашаматли бинолар, қурилиш иншоотлари, гўзал боғлар бунёд қилинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал худудига айланди.

Темурнинг яна бир улкан хизмати шуки, у маданият ва илм-фан ҳомийси сифатида машҳур бўлди, ўз саройига олиму фузало ва дин арбобларини тўплади. Хожа Афзал, Жалол Хокий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошқалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машғул бўлдилар. Бобур Мирзонинг хабар беришича, ўша даврда Самарқанд энг гўзал шаҳар эди. Испан сайёҳи Р. Г. Клавихо Самарқанднинг гўзаллигига қойил қолган эди. Темур хукмронлиги даврида ички ва ташқи савдо кучайди. Айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Русия, араб мамлакатлари билан алоқаларнинг кучайиши Темур салтанати иқтисодий қудратини оширди. Темур ва темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Исломи дини ўша даврда асосий мафкура бўлиб, марказлашган давлат барпо этишда, иқтисод, маданият ва илм-фан соҳасидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилди. Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг кулоч ёйди. Соҳибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, зино ва фахш ишлар билан шуғулланмаслик, харом-ҳариш ишлардан қочиш, халол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш каби ғояларни халққа сингдириш учун кураш олиб борди. Нақшбандлик тариқатининг йирик шайхлари бўлмиш Саййид Амир Кулол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Баракалар Темурнинг пирлари бўлиб, соҳибқирон улар билан тез-тез мулоқот қилиб турган.

Темурийлардан Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар. Бу даврда меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темур Кўксарой масжиди, Шохизинда, Бибиҳоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шахрисабз) Оксарой барпо қила бошлади. Мирзо Улуғбек даврида 1417-1420 йилларда Регистонда, кейинчалик Бухорода, 1432-1433 йилларда Гиждувонда мадрасалар қурилди, Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир мақбараси қуриб битказилди. 1429 йили эса Улуғбекнинг фалакиёт расадхонаси ниҳоясига етди. Хиротда ҳам кўплаб меъморчилик бинолари барпо қилинди. Улар жумласига масжид, мадраса ва хонақоҳлардан иборат бўлган Гумбази сабз, Алишер Навоий қурдирган «Ихлосия», «Низомия», «Шифоия» мадрасалари, Марв шаҳридаги «Хусравия» мадрасаси ва бошқалар қиради. Навоий яшаган замонда Хиротда «Шарқ Рафаэли» деб ном олган Камолитдин Бехзод (1456-1535) ва шоҳ Музаффар каби дунёга машҳур рассомлар ижод қилди. Бехзод «Зафарнома» китобига, Хусрав Дехлавийнинг «Ҳамса», Саъдийнинг «Бўстон» асарларига нақш берган ва Хусайн Бойқаро, Хотифий, Жомий ва бошқаларнинг расмини чизган, халқнинг меҳнатини, табиат манзараларини ҳаққоний тасвирлаган.

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машҳур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиқди. Тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, тарих, адабиёт, жуғрофия, педогогика, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олға сурилди. «Гул ва Наврўз» муаллифи Лутфий (1366-1465), «Бехрўз ва Баҳром» асарини ёзган Биноий (1453-1512), «Тазкират уш-шуаро» (шоирлар ҳақида тазкира) нинг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Юсуф ва Зулайхо», «Маҳзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси) асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV асрлар), Ҳайдар Хоразмий ҳамда Камол Хўжандий (1402 йилда вафот этган), Ҳофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмаил Бухорий (1365-1436), Яқиний (XV аср), Ҳилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) «Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн» («икки денгизнинг қўшилиши»), Ҳофизи Абрунинг (1361-1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси»), Муйиниддин Исфизорийнинг (1494 да вафот этган) «Равзат ал — жаннат фи авсоф мадинат», Фосих Ҳавофийнинг (1375-1442) «Мужмали фосихий», Шарафиддин Али Яздийнинг (1454да вафот этган) «Зафарнома»си, Низомиддин Шомийнинг (XIV аср XV асрнинг боши) «Зафарнома»си ва бошқалар машхур эди.

Ўша замоннинг энг машхур тарихчилари **Мирхонд (1433-1498) ва Хондамир (1475-1535)** эдилар. Мирхонд Ҳиротда таваллуд топиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат бўлиб, «Набиралар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади.

Хондамир ҳам Ҳиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка ҳавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисоалари «Макорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», «Вазирлар учун қўлланма» ва бошқалардир.

XIV-XV асрларда мантиқ, табиий-илмий фанлар, айниқса фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилди. Мантиқ илмининг йирик вакилларида бири **Саъиддин Тафтазоний**дир (1322-1392) у Нисо вилоятига қарашли Тафтазон қишлоғида дунёга келади. Ёшлигидан илоҳиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шуғулланади. Тафтазоний мадрасаларда мударрислик қилди. Туркистон, Ҳирот, Жом, Гиждувон мадрасаларида талабаларга дарс берди. Тафтазоний шухрати, илмий ишлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг тарқалди. Темурнинг таклифи билан аллома Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади.

Тафтазоний 40 дан ортиқ рисоаларнинг муаллифидир. Муҳимлари: «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш») «Мухтасар ал-маоний» (Риторикага оид «Қисқача маънолар»), «Ал-иршод ал-ҳодий», (Араб тили грамматикасига оид «Йўл бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг максадлари») ва бошқалар. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда кўп асарларига шарҳлар ҳам битган.

Аллома сабаб ва оқибат, ирода эркинлиги, билиш, онг, мантиқ фани ва унинг вазифалари ҳақида ўз фикрини баён қилган. Масалан, у табиатда сабаб ва оқибат муносабатларининг мавжудлигини эътироф этади. Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай эзгу ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайди, инсонни кўпроқ хайрли ишлар қилишга чорлайди, гуноҳ ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси **Мир Саййид Шариф Журжоний** Астробод шаҳри яқинида туғилган. Журжоний Истамбул, Қоҳира, Ҳирот, Шероз шаҳарларида бўлиб, улардаги олимлардан илм сирларини ўрганади. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фикҳ ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради.

Журжоний 50дан ортиқ рисоаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фикҳ, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Олимнинг «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола»), «Суғро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Кубро» (Катта далил бўла оладиган ҳукм»), «Авсат дар мантиқ», («Мантиқда ўрта хулоса»), «Рисолайи вужудия» («Борлик ҳақида рисола») ва бошқа асарлари мавжуд. Булардан ташқари, Журжоний салафларининг, хусусан ибн Сино, Чағминий ва Насриддин Тусийларнинг асарларига шарҳлар ёзганлиги маълум.

Мутафаккир рисоаларида борлик, модда ва унинг шакллари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, мантикий фикрлаш, тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқаси, коинот, инсон, ақл ва билиш масалалари ёритилади. Журжоний, худди Тафтазоний сингари, ҳамма нарса ва жисмлар бир-бирига сабаб-оқибат нисбатида бўлади, деб ҳисоблади. Оддий нарсалар асосида тўрт унсур, яъни сув, олов, ҳаво ва тупроқ ётади. Металл, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси тўрт унсурнинг қоришиши натижасида пайдо бўлади.

Мир Саййид Шариф Журжоний мантиқ илми соҳасида ҳам ўз фикрларини баён қилган. Ўзининг қарашларида мантиқ илмини фалсафадан ажратмай, айна бир вақтда унинг ҳуқуқ ва тил билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлаб беради. Шунинг учун ҳам, XIV-XV асрдан бошлаб ислом мадрасаларида мантиқ илмини ўқитиш ҳуқуқ ва тилшунослик фанлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Журжоний хулосанинг уч тури: қиёс (силлогизм), индукция ва аналогияни ҳар қайсисига таъриф беради, уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб чиқади. Умуман олганда, Тафтазоний ва Журжонийнинг фалсафий ва мантикий қарашлари илм-фан ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди ва кейинги даврларда яшаган мутафаккирларнинг дунёқарашига самарали таъсир кўрсатди.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта улуш қўшган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби **Мухаммад Тарағай Улуғбек** (1394-1449) математика ва фалакиёт соҳасида баркамол ижод қилган. Унинг отаси, Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо эди. Улуғбек ёшлигидан илм билан қизиқди. унга таниқли олимлар Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид устозлик қилдилар. У гарчи давлат арбоби бўлса ҳам, маданият ва илм-фан

равнақига кўп кучини сарфлади, математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг дунёқаршида Афлотун, Арасту, Птолемей, Муҳаммад Хоразмий, ал-Фарғоний, Форобий, ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллади.

Улуғбекнинг улкан ишларидан бири унинг Самарқандда, Кўҳак тепалигида, Оби Раҳмат аригининг бўйида, расадхона барпо этганлигидир. Ушбу расадхона қурилиши 1424 йилда бошланиб, 1429 йилда тугалланди. Олимнинг энг муҳим асари «Зижи жадиди Кўрагоний» деб аталади. Ундан ташқари, Улуғбек математикага оид «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола», астрономияга бағишланган «Рисолаи Улуғбек» ва тарихга оид «Тўрт улус тарихи» китобларини ёзди. Улуғбек мантик илми, фиксхунослик, мусиқа ва адабиёт назариясини яхши билар эди. Олимнинг «Зижи» икки қисм, муқаддима ва 1118 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат.

Улуғбек сайёраларни ўрганишда турли услубларни қўллайди, булар кузатиш, эксперимент, жонли мушоҳада, исботлаш, қиёслаш, индукция, дедукция ва бошқалардир. Шуни айтиш лозимки, Улуғбек кузатиш ва ўлчаб асбоблари такомиллашмаган бўлса ҳам, куёш ва ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиши ва вақтларини тўғри ҳисоблаб чиқди. у ўз атрофига қобилятли олимларни тўплади, ўзга мамлакатлардан иқтидорли олимларни таклиф этди.

Ана шундай олимлардан бири **Ғиёсиддин Жамшид ал-Қоший** (1430 йилда вафот этган) бўлиб, у йирик риёзиётчи ва фалакиётчидир. Унинг асарлари «Мифтоҳ ул-ҳисоб» («Ҳисоб калиди»), «Рисола ал-муҳитийа» («Доира ҳақида рисола») ва бошқалардир. XVI асрдан бошлаб Европа мамлакатларида унинг кашфиётидан фойдалана бошладилар.

Тарихда Али Қушчи номи билан машҳур бўлган **Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи** (1403-1474) Улуғбекнинг шогирдидир. У илмий ишларини фалакиёт ва риёзиёт соҳасида олиб борди. Унинг асарлари: «Арифметика илми ҳақида рисола», «Мантик рисоласи», «Астрономияга оид рисола» ва бошқалардир.

Али Қушчи «Астрономияга оид рисола»сида Ой ва Куёш тутилиши қонуниятларини илмий асослаб берди. Олим табиат сирлари ва унинг қонуниятларини ўрганиди, жисмлар ҳаракати ва уларнинг оддийдан мураккабга ўтиши тўғрисида ўз фикрини илгари сурди.

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, Улуғбек ва у асос солган астрономия мактаби коинотдаги ҳодисаларни ўрганишда муҳим рол ўйнади, ўша вақтгача фанга маълум бўлмаган ҳодисаларни идрок қилиб, инсон ақл-заковатининг билиш имкониятларини кенгайтди, кейинги даврларда яшаган олимларга самарали таъсир кўрсатди. Улуғбекнинг астрономия соҳасидаги ғояларини Европада XVI асрдан бошлаб Коперник, Галилей ва бошқалар ривожлантирдилар.

Улуғбек ислом динига чуқур эътиқод қўйган, илоҳиёт ривожига муносиб ҳисса қўшган, мактаб ва мадрасалар қуришга эътибор берган жаҳонга машҳур олим эди. Лекин собиқ шўролар даврида унинг табиий-илмий қарашлари ислом динига қарши қаратилди, ҳатто уни атеист даражасига кўтаришга уринишлар ҳам бўлди. «Улуғбек Мирзо — деб таъкидлаган эди Алишер Навоий, — донишманд подшоҳ эди. Камолоти бағоят кўп эрди». У XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳирот маданияти ва илмий марказга айланди. Айниқса, Темурийлардан Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби жаҳонга машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. Ўрта аср мумтоз адабиётининг вакили, улуғ шоир ва мутафаккир **Абдураҳмон Жомий** (1414-1492) дир. Жомийни Навоий устоз деб ҳисоблар эди. унинг қаламига мансуб асарлар «Нафаҳот ул-унс», «Хужжат ул-асрор», «Мусиқа ҳақида рисола», «Нақши фусус», «Воҳид атамаси ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола», «Баҳористон» ва бошқалардир.

Жомийнинг энг йирик асари «Ҳафт авранг» бўлиб, унга «Тухфат ул-ахрор», «Сухбат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайхо», «Сухбат ул-асрор», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол», «Хирадномайи исқандарий» дostonлари киради.

Барча мусулмон мутафаккирлари каби Жомий ҳам худо абадий, мутлақ ва дунёдаги ҳамма нарсаларнинг сабабчисидир, худо мавжуд бўлганда, борлиқ йўқ эди, дунё ўзининг бошланғичини Оллоҳдан олган, демак, худо ҳамма нарсанинг яратувчисидир, деб ҳисоблайди. Жомийнинг фалсафий қарашлари унинг инсонпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Мутафаккирнинг кўпгина асарларида инсон, адолат, муҳаббат, эзгулик ғоялари тасвирланади.

Жомий нақшбандийлик таълимотига эътиқод қилиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиради. Сўфий, унингча, ҳалол ва пок бўлиши, бирор касб-хунарни эгаллаши, қаноатли ва олижаноб бўлиши, тамағирликдан узоқ юриши, нафсини жиловлаши лозим. Жомий худони «гўзал маъшуқа» сифатида тасвирлаб инсоннинг мақсади унинг васлига етишди, дейди.

Жомий ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида мукамал жамият, адолатли шох тўғрисидаги орзу-умидларини илгари сурди, тенглик, эркинлик, инсоф ва диёнатга асосланган давлат тузуми тўғрисида сўз юритди. «Ҳафт авранг»га кирган «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномайи исқандарий»

достонларида ишқ ва муҳаббат, дўстлик ва биродарлик, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам, билимдонлик ва бошқа инсоний кадрятларни тасвирлади.

Жаҳон маданияти равнакига улкан ҳисса қўшган сиймолардан бири, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири **Низомиддин Мир Алишер Навоий**дир (1441-1501). У Темурийлар хонадонига тааллуқли бўлиб, отаси Ғиёсиддин кичкина Шахрисабздан Қобулга бориб қолган барлос бекларидан эди. Навоий Ҳиротда Хусайн Бойқаро саройида турли лавозимларда ишлади, 1472 йилдан бошлаб вазир этиб тайинланди. Шоир мамлакат ободончилиги, равнаки ва осойишталиги йўлида кўп ишлар қилди. Мактаб, мадраса, масжид ва хонақолар, кўприк, работлар, шифохоналар қурдирди, муҳтож ва камбағалларга ёрдам берди, олиму шоирларга хомийлик қилди.

Навоий ижоди бой бўлиб, асарлари турли мавзуларга бағишланган. «Хамса» яъни «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонлари ҳамда «Лисон ут — тайр», «Мажолисун нафос», «Маҳбубул кулуб», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва бошқалар. Булардан ташқари, Навоий «Ҳазойинул маоний» («Маънолар хазинаси») номли шеърӣ тўплам яратган бўлиб, у 45 минг мисрага яқин ғазал, рубоӣ, қитъа ва фардлардан ташкил топган.

Навоийнинг ижоди фалсафӣ фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-ўйлари ўз ифодасини топган.

Шоир ижтимоӣ-фалсафӣ қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда фалсафӣ фикрлар мажозӣ тарзда, бадий ўхшатиш ва рамзӣ иборалар ёрдамида, зоҳирӣ ва ботинӣ маъноларда баён қилинади.

Навоийнинг ижодӣ меросида инсонпарварлик ва комил инсон ғояси муҳим ўринни эгаллайди — шоирнинг «Хамса»сига кирган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» каби достонларининг асосӣ қаҳрамонлари Искандар, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошқалар комил инсон сифатида талкин қилинади. Улар меҳнатсевар, ўз касбини устаси, доимо ўзгаларга ёрдам берувчи, шижоаткор ва жасур, ақлли ва билимдон, саховатли, тўғри сўз, софдил, камтар, ўзида хулқ-одоб, адолат, сабр-тоқат, нафсени тийиш, олижаноблик каби фазилатларни мужассамлаштирган шахслардир.

Навоий халқ орасида инсонпарварлик ғояларини тарқатди, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улуғлади. Форобӣ, ибн Сино, Беруний ва бошқалар сингари, мукамал жамият ҳақида фикр юритди. Халқни фаровонликка, бахт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибоддан ҳоли бўлган давлат тузумини орзу қилди. У илм-фан эгаллашни афзал билди, мол-мулкка, бойликка ҳирс қўйишни, тамағирликни қоралади. Навоийнинг яхшилик, эзгулик, муҳаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гўзал фазилатлар, маънавий-ахлоқӣ кадрятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари, насиҳатомуз сўзлари республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳам баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўша даврнинг кўзга кўринган мутафаккирларидан бири **Қамолиддин Ҳусайн Воиз Қошифӣ** (тахм.1440/1450 — 1505 йилларда яшаган) бўлиб, Ўрта Осиё ва Хуросонда ахлоқ фалсафаси ривожига ҳисса қўшган.

Қошифӣ Сабзавор шаҳрида таваллуд топади, кейинчалик Абдурахмон Жомийнинг таклифи билан Ҳиротга кўчиб келади. У қолган умрини Ҳиротда ўтказади ва шу ерда вафот этади. Қошифӣ катта олим ва мударрис бўлиб етишади, бутун умрини илм-фан ва насру-назм равнакига бағишлайди. У Навоий ва Жомий билан дўстона алоқада бўлади. «Мавлоно Ҳусайн Воиз Қошифӣ таҳаллус қилур, сабзаворлиқдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳардадур ва мавлоно зуфундун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлғайким, даҳли бўлмағай. Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва хар қайсида машхур ишлари бор...» — деган эди Навоий унинг ҳақида.

Воиз Қошифӣ илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган. У воизлик санъатини пухта эгаллаган, иншо, илоҳиёт, фалакиёт, адабиёт, фалсафа, ахлоқ ва педагогика соҳаларида ишлари бор. Олимнинг муҳим рисоалари «Ахлоқи муҳсиний» «Футувватномаи султоний», «Анварӣ Сухайли», «Маҳзанул-иншо», «Рисолайи хотамия» ва бошқалардир. Ушбу асарларда мутафаккир давлатни оқилна бошқариш, инсонга гўзал хулқ-одоб қоидаларини сингдириш, илм-фан ва касб-хунарни эгаллаш, тижоратчи ва савдогарлар хулқ-одоби, умуман таълим-тарбия ҳақида қимматли фикрларни илгари суради. Олим ўз асарларида ҳукмронлардан халққа ғамхўрлик қилишни, уларни ҳақсизлик ва ўзбошимчалиқдан муҳофаза қилишни кўрқмасдан талаб қилади. Унинг ижтимоӣ фалсафӣ ва ахлоқӣ ғоялари ҳозир ҳам ўз тарбиявий қимматини йўқотмай келмоқда.

XV асрнинг охиридан бошлаб Темурийлар давлати секин-аста инқирозга юз тутга бошлади. Бунга темурий шахзодаларининг ўзаро уруш-жанжаллари, тарқокликнинг кучайиши, ўзаро низолар, тахт учун курашлар натижасида мамлакатнинг бўлиниб кетиши, иқтисоднинг тушкунликка учраши сабаб бўлди. Натижада Мавороуннаҳр Шайбонийхон томонидан босиб олинди.

Темур авлодидан бўлган **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** (1483-1530) ўша даврнинг энг маърифатли подшоларидан бири эди. Андижонда Умаршайх Мирзо хонадонидида туғилган Бобур кейинчалик Ҳиндистонда улкан салтанатга асос солди. Бобур даврида ҳинд диёри гуллаб яшнади, ундаги маданият юксак даражага кўтарилди. Ҳиндистоннинг XX асрдаги энг атоқли кишилари Маҳатма Ганди ва Жаҳоҳарлал Неру ҳам Бобур ва бобурийлар — Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб ва Акбар каби темурийзодаларга жуда катта баҳо берганлар.

Ички келишмовчиликлар натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган Бобур аввал Қобулда, сўнгра эса 1526 йилги Панипат жангида иброҳим Лўди устидан ғалаба қозониб, Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб, темурийлар давлати ва маданиятининг давомчиси сифатида машҳур бўлди.

Бобурнинг хизмати шундаки, у Ҳиндистонни марказлашган давлатга айлантирди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ободонлаштириш ва қурилиш ишларини ривожлантирди, қарвонсаройлар, меъморий ёдгорликлар, боғчалар, кутубхоналар барпо қилди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди. Бобур илм-фан, санъатга катта қизиқиш билан қараган, юксак ақл эгаси, қомусий билимга эга бўлган давлат арбоби, олим ва шоирдир.

Бобурийларнинг кўпчилиги маърифатчилик билан машғул бўлдилар, олиму фузалолар билан маслаҳатлашиб турдилар. Уларнинг яна бир хизмати ислом ва будда динига эътиқод қилувчи мусулмон ва хиндуларни келиштиришга, аҳил яшашга қақиришда бўлди.

Бобурнинг машҳур тарихий асари «Бобурнома»дир. Булардан ташқари, у ҳуқуқшуносликка оид «Мубаййин», аруз илмига оид «Муфассал», мусиқа бўйича «Мусиқий», ҳарбий ишларга оид «Ҳарб иши» рисолаларини ёзган. «Бобурнома» ўша даврдаги Марказий Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Эроннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётини, савдо муносабатлари, жуғрофияси, ҳайвонот ва наботот оламини, иқлими, қабила ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзини ва маросимларини ақс эттирган асардир.

Бобур ўзининг лирик шеърларида ишқ, муҳаббат, Ватан соғинчи, меҳр, вафо, инсонийлик, дўстлик, яхшилик ва меҳр-оқибатни қуйлади.

Жаҳоҳарлал Неру Бобурнинг Ҳиндистондаги фаолиятига катта баҳо берган эди. Неру Бобурнинг дилбар шахс эканлиги, мард ва тадбиркорлигини, санъатни севганини ва умуман, Ҳиндистон учун кўп иш қилганлигини таъкидлаган эди. Бобур ва бобурийларнинг сиёсий, маданий фаолиятлари Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда ҳозир ҳам муҳим рол ўйнамоқда.

Шундай қилиб, XIV-XV асарларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври ҳам деб атамоқдалар. Баъзи олимлар эса, бу атаманинг Шарқ мамлакатларига тўғри келмаслиги тўғрисида ўз фикрларини айтмоқдалар. Нима бўлганда ҳам Европада XV-XVI асарлардаги кўтаринкилик, Ренессанснинг муҳим хусусиятлари Марказий Осиёда рўй берган маданий юксалиш бир-бирига кўп томонлари билан ўхшаб кетади. Булар орасида муштаракликлар кўп.

XIV-XV асрлар моддий ва маънавий юксалишининг муҳим хусусияти яна шундан иборатки, бу даврда ишлаб чиқариш ўсди, ички ва ташқи савдо, хунармандчилик, деҳқончилик ривожланди, хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва маданий алоқалар ўрнатилди, инсон ақл-заковати ва унинг энг яхши фазилатларига эътибор кучайди, илм-фан ва санъат ривож топди, қомусий олимлар етишиб чиқди, маданий меросни ўрганишга қизиқиш ортди. Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалиш ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар мустақил давлатимизни мустаҳкамлашда, маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда, миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришда маънавий озуқа вазифасини ўтамоқда.

Таянч тушунчалар

Амир Темур, сарбадорлар, мустақил давлат, «Темур тузуклари», Мирзо Улуғбек, «Зичи Кўрагоний», Алишер Навоий, қомил инсон, Бобур Мирзо, Бобурнома.

Такрорлаш учун саволлари

1. Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?
2. «Темур тузуклари»ни ўқиганмисиз, у тўғрида нималарни биласиз?
3. Мирзо Улуғбек ва унинг «Зичи Кўрагоний» асари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги тўғрисида сўзлаб беринг.
5. Алишер Навоийнинг қомил инсон тўғрисидаги ғоялари мазмунини биласизми?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. -«Фидокор» 2000 й. 8 июнь.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 352 б.
5. Маънавият юлдузлари. Т., Ўзбекистон, 1999.
6. И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т. 1968.
7. Темур тузуклари. Т. 1991.
8. Бобурнома. Т. 1989.
9. «Мустақиллик» изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т. «Шарқ», 1998.

5-мавзу. Ўрта асрлар ва янги давр Европа фалсафаси

Режа:

1. Рим империясининг кулаши ва ўрта асрларда Европа маданияти.
2. Европада уйғониш даври ва ундаги фалсафий тафаккур такомилли.
3. XVII-XIX аср Европа фалсафасидаги оқимлар ва фалсафий мактаблар.
4. Ўрта асрлар ва янги давр Европа фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Европада Қадимги Юнон ва Римдан ўрта асрлар фалсафасигача, яъни милoddан илгариги 1 асрдан милoddнинг XIV асригача, бир ярим минг йил давомида бир қанча оқимлар пайдо бўлди ва амал қилди. Бу давр фалсафасида икки хил жараёни кўриш мумкин: 1. Христианликнинг шаклланиб давлат дини ва мафкура сифатида айланиши; 2. Ўрта асрларга келиб инквизициянинг устивор йўналишга айланиши. Гностика, апологетика, патристика, реализм, номинализм ва бошқа оқимлар ўша давр фалсафасининг қиёфасини белгилайди.

Гностиклар. Бу давр фалсафасида ўз ўрнига эга бўлган гностицизм эрамининг 150 йилларида ўзининг юксак равиюга эришади. Улар шундай фалсафий таълимот яратдиларки, уларнинг фикрича Худо рух сифатида ёвузликда мутлақо соф, инсон эса ўз табиатининг рухий жиҳати билан худога мослашган. Бу масалада гностицизм файласуфлари христианликни юнон фалсафаси билан бирлаштиришга ҳаракат қилдилар. Агар бу уринишда гностицизм ғалаба қилса, христианлик қадимги дунёнинг навбатдаги фалсафий дини бўлиб қолар эди ва шундай бўлди ҳам. 354 йилда Помпей собори христианликни Рим империясининг асосий дини деб эълон қилди.

Дуализм — гностицизмнинг асосий йўналиши, бу оқим тарафдорлари моддий ва рухий дунё ўртасида мустақкам чегара мавжуд деб таъкидлайдилар. Улар таълимотида материя ҳамма вақт ёвузлик тимсолидир. Бундан улар худо ҳеч маҳал моддий дунёни яратиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Гностиклар томонидан эълон қилинган дарвешлик (аскетизм) ўрта асрларда монахчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Апологетлар христианлик тарихида 1 ва III асрларда вужудга келди. Апологетика сўзининг луғавий маъноси «ҳимоя қилиш», — демакдир. Апологетлар ҳукуматнинг христианликка бўлган душманлигини бартараф қилишга, Рим давлатининг христианликни таъқиб қилиши ҳеч қандай оқлашга лойиқ эмаслигини исботлашга ҳаракат қилганлар, ўз асарларида мушриклик (кўп худолик) адабиётларидан олинган баҳслашиш (диалог) шаклидан, ёки апологетиканинг мумтоз шаклидан фойдаланганлар.

Апологетлар асарларида икки анъана яққол сезилиб туради. Яъни инкор қилиш ва тасдиқлаш. Улар энг аввал мушриклар томонидан христианликка қўйилган айблар — ғайриодатий ҳаракатлар, дабдабазлик кабиларни инкор қилганлар. Христианликнинг софлигини эса тасдиқлаганлар. Бу соҳада Юстиннинг «Биринчи апология», «Иккинчи апология» асарларини, Тулеан ва Анаксагор каби файласуфлар фаолиятини таъкидлаш лозим.

«Патристика»- сўзи «ота» («падре») сўзидан келиб чиққан. Бу ном билан одатда Ғарбда епископларни уларга ҳурмат сифатида атаганлар. Шарқда машҳур бўлган черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) эди. Унинг 640та даъватларидан кўпчилиги авлиё Павел номларининг шарҳи эди. Унинг асарларида инжилни амалий қўллаш соф ахлоқий масалалар билан қоришиб кетган.

Ғарбда энг йирик черков оталаридан бири «Пок» деган унвонга сазовор бўлган Аврелий Августин (354-430) бўлиб ҳисобланади. У файласуф ва ислоҳиётчи бўлган. Августин ўз ҳаётини епископликка, тадқиқотчиликка, адабиётга бағишлайди. У 100 га яқин китоб, 500 та даъват ва 200 га яқин номалар ёзади. Унинг ўша даврдаги энг машҳур асарларидан бири «Сигиниш» 401 йилда ёзилган. Бу асарда у ўзининг христианликкача бўлган ҳаётини ёзади. Муқаддас китоб «Библия» оятлари рамзий — тимсолий баён қилинади. У мушриклик фалсафасини қоралайди. Унингча, бу фалсафа инсонни христиан диничалик ҳеч маҳал ҳақиқатга олиб келмайди. Августин баҳс шаклида бошқа (диалог) фалсафий асарлар ёзган.

«Схоластика»- сўзи юнонча «школа»дан («shola») олинган бўлиб, «ўқиш жойи», «мактаб» маъноларини англатади. Буюк Карл саройида ўқитувчилик қилганларни, ёки умуман сарой мактабидаги ўқитувчиларни схоластлар деб атаганлар. Шунингдек, динни ўрганишда фалсафани татбиқ қилган ўрта аср олимларини ҳам схоластлар деб атаганлар. Схоластикани маълум даражада илоҳиётни ақлга мослаштириш, динни тафаккур ёрдамида қувватлашга бўлган интилиш деб ҳам баҳолаш мумкин. Ўша даврда илоҳиётни муқаддас китоблар ақидалари асосида эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тоқозо қилинарди. Схоластларнинг мақсади эътиқод ақлга мувофиқлиги деган саволга жавоб бериш бўлган.

Реализм. Унинг йирик вакилларида бири Ангельм Кеттерберийский (1038-1109) дир. У Шимолий Италияда туғилган, 1093 йилда Кеттерберийск шаҳрининг архиепископи этиб тайинланади. Ангельм ўзининг икки асари билан машҳур.

Биринчиси «Монополия» — худонинг борлигини сабаб оқибат муносабатлари тизимида исбот қилиш. Бу исбот — космологик исботнинг шакли сифатида шундай талқин қилинади: инсон ҳаётда кўп неъматлардан фойдаланади. Бу неъматлар эса энг олий илоҳий неъматларнинг аксидир. Улар орқали ҳамма нарсалар мавжуддир. Узлуксиз таназзулни тасаввур қилиб бўлмагани сабабли, ҳамма нарсанинг бир сабабчиси бўлиши керакки, биз уни худо деб атаймиз.

Ангельмнинг иккинчи асари «Прологион» худо борлигининг дедуктив исботидир. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам учун олий ва комил моҳият ҳақида ғоя мавжуддир. Бу ғоя эса объектив мавжудликка эга бўлган реалликка мос келади. Чунки агар борлиқ мавжуд бўлмаганда эди, нарса комил бўлмас эди. Агар худодан юқорироқ олий нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас экан, демак, худо реалликда мавжуддир.

Арасту таълимотининг кўп томонларини қабул қилган ўрта аср схоластлари мўътадил реалистлар деб аталганлар. Уларнинг йирик вакиллари Пьер Абеляр ва Фома Аквинскийлар бўлган.

Британияда туғилган **П. Абеляр** (1079-1142) жуда ёшлигиданоқ ўз билими билан машхур эди. Абеляр — мўътадил реалистдир. Унинг таъкидлашича, реаллик ёки универсалий дастлаб худо ақлида мавжуддир, ундан кейин нарсаларнинг ўзида мавжуддир ва ниҳоят, одамларнинг онгида мавжуддир. Абеляр «Мен эътиқод қилиш учун биламан» деган ғояни илгари сурган. Яъни билмайдиган, билимсиз кишидан кўра, дин ва унинг асосий тамойилларини яхши ўрганган киши абзал. Бундай киши ақидапараст эмас, балки ўзи билган нарсанинг қадрини биладиган инсондир.

Абеляр ҳақиқатни топишда тафаккурнинг хизматини таъкидлаб, унга ҳамма вақт мурожаат қилади. Унинг таъкидлашича, шубҳа ҳамма вақт тадқиқотга йўллайди, тадқиқот эса ҳақиқатни топади. Унинг фикрича, инсоннинг ўлими худони рози қилиш учун эмас, балки одамларни худога бўлган муҳаббат билан таажжубга солиш ва одамларга ахлоқий таъсир кўрсатиш мақсадида содир бўлади. Бу билан одамлар ўз ҳаётини худога бўйсўндирадилар. Бу қараш ахлоқий таъсир қилиш назарияси деб аталади.

Фома Аквинский (1224-1292) мўътадил реализмнинг яна бир йирик вакили бўлиб ҳисобланади. Фома ўша давр учун Арасту натур фалсафасини илоҳиёт билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бунда у мўътадил реализм позициясида турган ва схоластиканинг энг йирик намояндаси бўлган. Унинг фикрича, натурал фалсафада тафаккур ва Арасту мантиқий таълимоти ёрдамида худо мавжудлиги ҳақидаги ҳақиқатга эришиши мумкин.

Фоманинг «Илоҳий суммалар» асари 3000 мақоладан иборат бўлиб, 600 масалани ёритишга бағишланган. У илоҳиётнинг системали баён қилиниши вазифасини бажаради. «Илоҳий суммалар»нинг биринчи қисми худонинг мавжудлиги ва борлиги масаласида баҳс юритади. Иккинчи қисми «худога қараб ҳаракат» ҳақида ҳикоя қилади.

Аквинский таълимотича, дунё иерархик нарвондан иборатдир. Унинг энг қуйи қисмида ер ва 4 элементдан иборат бўлган ҳамма нарсалар мавжуддир. Одам руҳи худо ва моддий дунё ўртасидаги жойни эгаллайди. Дунёвий жамият тепасида эса, папа бошчилигидаги илоҳий давлат туради. Ердан узоқлашган сари у илоҳийлашиб боради. Сайёрамиз дунёсининг тепасида фаришталар дунёси мавжуддир. Бутун коинот тузилиши уч шахсни бирлаштирган ягона худо томонидан бошқарилиб туради. Аквинский таълимотидан кейинчалик «томизм» оқими шаклланди ва у «неотомизм» тарзида ғарбда ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Ўша даврнинг машхур файласуфларидан бири **Вильям Оккам**дир (1309-1349). Унинг фикрича, илоҳиёт ақидалари рационал (ақл) йўл билан исботланиши мумкин эмас. Улар фақат Муқаддас китоб нуфузи туфайлигина қабул қилиниши мумкин. Бу қараш эътиқод ва тафаккурни бир-биридан ажратарди, уларни омухта қилишни қораларди. Оккам, шунингдек, универсалийларнинг объектив мавжудлигини инкор қилади. Унингча, универсалийлар тафаккур тушунчалари учун фақат исмдирлар. Бу тушунчаларни одам ўз онгида яратган. Унингча, алоҳида одам инсонга нисбатан реалроқ ва муҳимроқдир.

Роджер Бэкон (1214-1292) ҳам Оккам мансуб бўлган оқим вакиллариандир. У ўз ҳаётини илмий тажрибаларга бағишлаган. Улар ёрдамида у тажрибавий фанга асос солди. Бундай методни ХҲ асрда Френсис Бэкон ишлаб чиқди. Ҳақиқатни топишда табиатни тажрибавий ўрганиш методини қўллаш номиналистлар қарашларига тўлиқ мос келарди. Номиналистлар ва реалистлар ўртасидаги карама-қаршилик ўрта аср схоластикасининг муҳим муаммоларидан бири эди. Бутун ўрта асрларда схоластиканинг бу икки оқими ўртасида кураш кетган. Схоластиканинг авжга чиққан даври — 1150 ва 1300 йилларда — Фома Аквинскийнинг мўътадил реализми номинализм устидан ғалаба қозонди. Лекин 1300 йилдан кейин черков илоҳиётчилари тафаккурида номинализм юқори мавқени эгаллай бошлади. Бу кўп жиҳатдан уйғониш даври фалсафасига таъсир кўрсатди. Шунингдек, ҳақиқатга эришишнинг тажрибавий методини (рационализм) вужудга келишида катта хизмат қилди.

Европа фалсафасининг ривожиди университетлар муҳим ўрин тутди. Улар билим ва маърифатнинг ўчоғи сифатида 1200 йилларда вужудга келди. 1400 йилларга келиб, Европада 23 та университет мавжуд бўлган. Университет дастурининг жуда катта қисмини схоластика билан шуғулланиш ташкил этар эди.

Университетларнинг вужудга келишининг сабаби машхур олимларнинг фаолиятидир. XII асрда Итерий Рим ҳуқуқининг буюк тадқиқотчиси сифатида машхур бўлади ва талабалар уни эшитиш учун Болонья шаҳрига оқиб кела бошлайдилар. Натижада Болонья шаҳри университети муваффақиятли фаолият кўрсата бошлайди. Абелярнинг ўқитувчи сифатидаги шухрати кўп жиҳатдан Париж университетининг вужудга келишига сабаб

бўлди. Университетлар, шунингдек, талабаларнинг чиқишлари натижасида ҳам вужудга келган. Масалан, XII асрда Англия ва Франция қироллари орасидаги низо оқибатида, Англия талабаларига яхши муносабат билдирилмаганлиги уларнинг Париждан Англиянинг Оксфорд шаҳрига кўчиб ўтишларига сабаб бўлди. Бунинг натижасида машҳур Оксфорд университети ташкил топди. Кембридж университети эса Оксфорд университети талабаларининг кўзғолон кўтариши ва 1209 йилда уларнинг Оксфорддан Кембриджга кўчиб ўтишлари натижасида вужудга келди.

Университетлар Қадимги Юнонистон ва Римда, шу билан бирга бизнинг мамлакатимизда ҳам машҳур бўлган устоз ва шогирдлар тўпланиб илм ўрганадиган, ўргатиладиган ва илмий баҳслар олиб бориладиган мактаблар тарзида шаклланган бўлсалар-да, аммо фан соҳаларининг кўплиги туфайли алоҳида илм ўчоғига айланиб қолдилар. Уларнинг тажрибаси кейинроқ бутун дунёга тарқалиб кетди.

Уйғониш даври фалсафаси. Бу инсоният тарихида юз берган энг буюк илғор тараққиёт давларидан бири эди. Уйғониш даврида ҳаётнинг ҳамма тармоғида муҳим, илғор, ҳатто айтиш мумкинки, инқилобий ўзгаришлар юз бераётган эди.

Уйғониш даврида Европада фалсафанинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлардан бири немис **Николай Кузанский** дир (1401-1464). Кузанский таълимотича, худо ҳамма нарсаларда мавжуд, шунингдек, ҳамма нарсалар худода мавжуд. Энг олий ҳақиқатларни билиш, схоластик фикрлаш билан эмас, балки, тажриба асосида амалга ошади.

У худони борлиқнинг олий ва ягона асоси деб ҳисоблайди. Бу масалада Кузанский шундай муҳим космологик фикрларни баён қиладик, ҳатто маълум даражада уни Коперник ва Бруноларнинг ўтмишдоши деб ҳисоблаш мумкин. Иккинчи масала эса билиш назариясига нисбатан унинг бутунлай янгича ёндошишидир. Ушбу масалалар бўйича Кузанский томонидан илгари сурилган ғоялар айрим ҳолларда XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги немис философлари томонидан баён қилинган фикрларнинг дебочаси эди.

Философия ва фан ривожланишига энг катта ҳисса қўшган уйғониш даврining мутафаккирларидан бири поляк олими **Николай Коперник** дир (1473-1543). Маълумки, фан тарихида Коперник ўзининг фанда туб ўзгариш ясаган гелиоцентрик таълимоти билан машҳур бўлган. Унинг таълимотича, инсонлар томонидан кузатиладиган куёш ва юлдузларнинг ҳаракатлари аслида Ернинг ўз ўқи атрофида кундалик айланишидан ва куёш атрофида йиллик айланишидан иборат. Бизнинг планетамизнинг маркази Ер эмас, куёшдир. Коперникнинг буюк кашфиёти дунёга теологик қарашга зарба бериб, табиатшуносликда тўнтариш ясади. Бу кашфиёт Библиянинг дунё тузилиши ҳақидаги ва ўзгармас деб танилган таълимотига зарба берди. Агар ер оламнинг маркази эмас, балки Куёш атрофида айланувчи планеталарнинг бири бўлса, унда дунёни, коинотни мақсадга мувофиқ худо томонидан одамлар учун яратилганлиги ҳақидаги талимот асоссиз бўлиб қоларди.

Коперникнинг гелиоцентрик назариясидан чуқур илмий хулосалар чиқарган мутафаккирлардан бири италиялик **Жордано Бруно** дир (1548-1600). У Неапол яқинида туғилган. Ўзининг илғор фикрлари учун Бруно даҳрийликда айбланади ва черковдан ҳайдалади. Италиядан қочишга мажбур бўлади. Узоқ вақт Швеция, Франция, Англия ва Германияда қувғинда юради. 1592 йилда Бруно италияга қайтиб келади, лекин черков инквизицияси томонидан ушланиб турмага солинади. Қийноқларга қарамасдан, у ўзининг таълимотидан воз кечмайди, натижада қатл этишга ҳукм қилинади, 1600 йил 17 февралда Римда Гуллар майдонида ёқиб ўлдирилади.

Бруно гелиоцентрик назарияни ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш билан чекланиб қолмайди. У табиатшунослик тажрибаларини ҳисобга олиб, бир неча муҳим назарий хулосалар қилдики, улар философияни яна ҳам бойитдилар. Бруно таълимотича, ҳақиқий философия илмий тажрибага суяниши керак, схоластикани тугатиш керак. унинг таълимотича, коинот ягона, моддий, чексиз ва абадий. Жуда кўп дунёлар бизнинг куёш системасидан ташқарида мавжуддир. Биз кўриб турган нарсалар коинотининг энг кичик бир қисмидир. Юлдузлар — бу бошқа планета системаларининг куёши. Ер — чексиз дунёнинг кичик бир зарраси. Демак, Бруно табиий — илмий қарашларида Коперникдан илгарилаб кетиб, коинотнинг чексизлиги ҳақидаги фикрни айтади, Коперник эса коинотни чекли деб ҳисоблаган эди. Бруно Коперник таълимотини куёш системасининг тузилиши ҳақидаги янги қарашлар билан бойитди.

Уйғониш даврining натижаси сифатида намоён бўлган Ғарбий Европа мамлакатларидаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Нидерландияда XVI асрнинг 60-70 йилларида, Англияда XVII асрнинг 40-50 – йилларида бўлиб ўтди. Бу даврга келиб, Европада алоҳида миллатларнинг шаклланиши юз берди, миллий давлатлар пайдо бўлди. Энди монархия тузуми жамиятнинг илғор табақалари назарида фақат тарихан ўз умрини ўтаб қолмасдан, балки гайритабиий, гайриақлий бўлиб кўрина бошлади. Ўша даврнинг идеологлари илгари тан олинмаган инсоннинг табиий ҳуқуқлари масаласини ўртага қўйдилар. Улар ижтимоий тартиблар инсон табиатида мос келишини талаб қила бошладилар. Бор-йўзи 50-60 йил илгари инквизиторлар Жордано Брунони ёқиб юборганларида лом-мим демаган Европа, энди ўзининг ҳаётида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари эгаллаши кераклигини ҳис эта бошлади. Ҳатто худонинг номидан бўлса-да, инсон умрига зомин бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, одамзоднинг яшаши, фикр юритиши эркинлигининг табиийлиги англаб олина бошлади. Албатта, бунгача инквизиция бир неча асрлар бу худудни ақиданарестлик чангалида ушлаб турган, не-не ақлли кишиларни ўз домига тартиб улгурган эди.

Маънавий уйғонаётган миллат ва ҳудудда ҳеч қачон ақидапарастлик ўз таъсирини тўла — тўқис сақлаб қола олмайди. Европада ҳам худди шундай бўлди. Маънан камолга етган, миллий давлатчилигига эга бўлган ва энди ана шу мустақил давлатларини камолга етиши учун қарздор эканлигини англаб олган Европа миллатлари ўзларининг комил инсонларини энди инквизициянинг, ақидапарастларнинг ҳукмига топширишига сира ҳам ҳақлари йўқ эканлигини англадилар.

*Европада Рим империясидан кейин бир неча асрлар ўтиб, айнан ана шу даврда илгариги, бутун минтақа ҳаёти учун христианлик ва унинг хилма-хил оқимлари умумий мафкура ролини ўтаб келган давр тугади. Энди диний оқимлараро кураш, христианликнинг софлигини сақлашига уринишнинг мутлақлаштирилиши натижасида вужудга келган инквизиция ҳам ўз даврини ўтаб бўлди. Бутун Европани бошқариб келган қонқардош ва бир-бирига душман қироллар даври ҳам ўтмишига айлана бошлади. **Европа уйғонди.** Илм-фан соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Одамларнинг дунёқараши кескин ўзгара бошлади. Эндиликда миллий давлатларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган мафкуранинг шаклланиши заруриятга айланиб қолди. Албатта бунда биз санаб ўтган омиллар, яъни қироллик анъаналари, христианлик ва унинг оқимлари таъсири, умумевропага хос хусусиятлар, Рим империяси даврида бир оила бўлиб яшаган халқлар ўртасидаги ҳудудий ва маънавий яқинлик ўз таъсирини ўтказди. Аммо, асосийси, бу даврда миллий ғоялар тўла-тўқис амалга ошиши учун ижтимоий шароит етилди, италия, инглиз, француз ва бошқа халқлар ўз давлатчилик анъаналарини тўла-тўқис тикладилар. Бу давлатларда шаклланган фалсафий мактаблар фақат миллий қобикқа ўралиб қолмадилар, балки умумевропа ва бутун жаҳон тараққиётининг умумбашиарий муаммоларини фалсафий жиҳатдан изоҳлаш, илмий ўрганиш ва асослашига ҳаракат қила бошладилар. ушбу давр фалсафаси ҳам олдингига нисбатан катта қадам ташлади. Фанда қўлга киритилган ютуқларнинг фалсафий изоҳланиши, кашф этилаётган илмий усул ва услубларнинг фалсафага тадбиқ этилиши, фалсафий қонунларни фаннинг турли соҳаларида синаб кўрилиши ўша давр файласуфлари учун одатий ҳолга айланди. Бу тамойиллар эса миллий чегараларни билмайдиган, умуминсоний қадриятлар хусусиятига эгадир. Уйғониш даври Европа фани ва фалсафаси ҳам инсоният тарихида энг буюк кўтарилиши даврларидан бири бўлиб қолди.*

Инглиз фалсафаси. Ўша давр фалсафасининг асосий вакилларида бири Ф. Бэкон (1561-1626) юқоридаги масала ҳақида шундай деган эди: «Моддий дунё, мамлакатлар, денгизлар, планета жуда кенг бўлгани холда инсонларнинг маънавий дунёсини эски чегаралар билан ўраб қўйилиши шармандалиқдан босқа нарса эмас» («Янги Органон» китоби). Бэкон инглиз фалсафасининг ўрта асрлардаги тараққиётига энг катта хисса қўшган олимлардан биридир. Унинг таълимотича, фаннинг янги бирсонини кўриш учун, тўғри фикрлашга ўрганиш керак. Бэкон таълимотича, табиатни билишда бир неча «идоллар» инсонга ҳалақит беради. Улар инсон ақлини ўраб ташлайди. Улар асосан тўртта. Биринчиси уруғ идоллари, булар инсон зотиға, бутун одамларға хосдир. Масалан, Бэкон шундай дейди: «инсоннинг ақли қийшиқ кўзгуга ўхшайди. У нарсаларнинг табиати билан ўз табиатини аралаштириб юбориб нарсаларни қийшиқ, бузук кўрсатади. Иккинчиси, ғор идоллари. Бу ҳар бир одамнинг ўз специфик хусусиятлари натижасида янглишиши. Улар фикрлаш уфқининг чекланишидан туғилади. Бу нарса ҳамма нарсани ўз нуқтаи-назари билан ифодалаш, ўзининг тор доираси билан ўлчаш натижасида вужудга келади. Учинчиси, майдон идоллари, бўлиб, у маълум бўлган тасаввурларға таяниш одати, нотўғри ёки ноаниқ термонологияларға танқидий ёндошмаслик оқибатида вужудга келади. Бу масалаға Бэкон жуда ҳам катта аҳамият беради. Масалан, у шуни таъкидлайдики, реал борликни ифодаламайдиган ёки уни ноаниқ, мавҳум ифодалайдиган сўзлар сохта тушунчаларни туғдирадики, улар тафаккурға тескари таъсир қилади. Тўртинчиси, театр идоллари: улар авторитетлар фикриға кўр-кўрона эргашиб қадимгиларнинг фалсафий системаларини давом эттираверадилар.

Бэкон томонидан схоластикаға қарши қаратилган идолларнинг танқиди катта метотологик аҳамиятға эгадир. Бэкон билиш назариясининг биринчи босқичи эса тажрибадир, иккинчи босқичи ақлдир. У тажриба маълумотларини рационал қайта ишлайди ва умумлаштиради. Бэкон таълимотича, олим чумолиға ўхшаб фақат йиғиш ва йиғилганлар билан кифояланмаслиги керак, ўргимчакка ўхшаб ҳаётдан ажраб, фақат ўзининг шахсий ақли билан ўзининг макрли фалсафасини тўқимаслиги керак. Бэкон таълимотича, олим асаларига ўхшаб гуллардан олиб кейин уларни асалға айлантириши лозим.

Бэкон ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари бўйича кучли марказлашган давлат тарафдори бўлган. Жамият ҳаётида асосий ролни Бэкон фикрича санъат ва савдо ривожланиши ўйнайди.

Унинг таълимотини **Томас Гоббс** (1588-1679) такомиллаштирган ва ривожлаштирган. Гоббс моддийликни асосий субстанция деб ҳисоблаган, материянинг абадийлиги, ҳаракатнинг эса механистик тарзда амалга ошишининг тарафдори бўлган олимдир. У математик сифатида борликнинг намоён бўлишини геометрия фани нуқтаи назаридан тушунтирган. Билиш назариясида Гоббс кўпроқ эмпирик жиҳатларға ўз эътиборини қаратган, сезгиларнинг билимлар ҳосил қилиш жараёнидаги аҳамиятини таҳлил қилган. Жамият тараққиёти ва унда давлатнинг ўрни ҳамда келиб чиқиши масаласида Гоббс кўпроқ хусусий мулкчиликка асосланади. Шу билан бирға унинг фикрича давлатнинг монархия шакли мақсадға мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Инглиз фалсафасида **Жон Локк** (1632-1704) қарашлари алоҳида ўрин тутади. У тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Бунда ички ва ташқи тажриба ажратиб кўрсатилади. 1690 йилда Локк томонидан ёзилган «Инсон ақли ҳақида тажриба» номли асарида Р. Декартнинг «туғма ғоялар» тўғрисидаги қарашларига қарши чиқади.

Локкнинг фикрича билиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлиб, ҳақиқатлар эса кишиларнинг бу жараёнда ҳосил қилган тушунчалари, ғоялари ва хулосаларининг оламга мос келишидан иборатдир.

Ижтимоий-сиёсий қарашларига кўра Локк давлатнинг ўзига хос қуйидаги тамойилларини таърифлайди: 1. Ҳокимиятни қонун чиқарувчи тизими; 2. Ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари; 3. Иттифоқ федератив ҳокимияти. Ана шу тамойиллар уйғун бўлганида давлатнинг фаолияти самарали амалга ошади.

Француз фалсафаси. Ўрта асрлардаги Европа фалсафаси тараққиётида Францияда шаклланган миллий фалсафа мактаби ниҳоятда катта ўрин тутди. Бу борада Р. Декарт, Ламетри, Гельвеций, Дидро, Голбах ва Руссоларнинг қарашлари ниҳоятда муҳим.

Р. Декарт (1596-1650) фалсафасида дуализм асосий ўрин тутди. Унинг фикрича материя ва рух борлиқнинг асосида ётади ва худого бўйсунди. Олам, Декарт фикрича чексиз ва абадий, у инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади ва такомиллашади. Р. Декартнинг «Мен фикр қилаяпман, демек мен мавжудман» деган фикри файласуфлар орасида машҳур бўлиб ҳисобланади. Билишда фикр ва сезгиларнинг аҳамиятини ниҳоятда ортиқча деб билган Р. Декарт рационализм таълимотининг асосчиси бўлиб ҳисобланади. Унингча инсоннинг фикрлаши ва мулоҳаза қилиши шубҳа остига олиб бўлмайдиган жараёндир, ундан бошқа ҳамма нарсани текшириш шубҳа остига олиш мумкин. Декарт ўша замоннинг энг буюк математикларидан бири бўлиб, ўз даврида аниқ фанлар соҳасида катта аҳамият касб этган дедукция усулини фалсафага киритган олим бўлиб ҳисобланади.

Ламетри ва Гельвеций, Дидро ва Голбах ўз даврида француз ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган миллий давлатчилик, инсон эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар. Француз миллатини маънавий жиҳатдан юксакликка кўтариш ва маърифатли халққа айлантириш учун ўз асарларида ана шу қадриятларга эришишнинг йўллари ва усуллари кўсатиб берганлар.

Улар томонидан яратилган кўп томлик «Энциклопедия» ўша замоннинг маънавий муаммоларини маърифатли йўл билан ҳал қилиш усуллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган «Европа комуси» даражасига кўтарилган эди. Бу китобни яратишда бошқа кўпгина маърифатпарвар француз олим ва мутахассислари ҳам қатнашган бўлиб, ўзининг аҳамияти, муаммоларининг умуминсоний нуқтаи назаридан ечилиши, халқчиллиги ва тилининг француз миллати ҳаёт тарзига яқинлиги билан энциклопедия XVIII аср Европасининг тенги йўк китоби эди. Айнан ана шу китоб муаллифлари ўзларининг бошқа асарлари ва фаолиятлари билан 1789-1884 йиллардаги Француз инқилоби қабул қилган «Инсон ва граждандар ҳуқуқлар декларацияси»да илгари сурилган умуминсоний қадриятларни жағамият тараққиётининг энг устивор маънавий мезонларига айлантирдилар.

Немис фалсафаси. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қолақ эди. Аммо француз инқилобининг кучли таъсири остида шундай фалсафий таълимот вужудга келдики, унинг шаклланишида табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ривожини асосий ўринни эгаллади. Физика ва химия фанлари ютуқларга эришди, табиатни ўрганишга катта эътибор берилди бошланди. Математика фанида янги ихтиролар қилинди. Бу ихтиро ва ютуқлар ҳамда инсоният жағамиятининг ривожини ҳақидаги назариялар борлиқни ўрганишнинг услуги ва назарияси бўлиб хизмат қиладиган ривожланиш ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқишни тарихий бир зарурият қилиб қўйди. Мана шундай тарихий шароитлар тақозоси билан XVIII асрнинг II ярми ва XIX аср бошларида немис фалсафаси вужудга келди.

Немис фалсафасининг асосчиларидан бири **Иммануил Кант** (1724-1804) фақат машҳур файласуфгина бўлиб қоламан, йирик табиатшунос олим ҳамдир. Кант томонидан яратилган газ ҳолатидаги улкан туманлиқдан куёш системасининг келиб чиқиши ҳақидаги назария ҳозирги даврда ҳам астрономия соҳасидаги энг муҳим таълимотлардан биридир. Кантнинг табиий-илмий қарашлари табиат ҳодисаларини метафизик руҳда тушунтирувчи таълимотларга зарба берди. Кант ўз даври табиатшунослиги эришган ютуқларни фақат Коинот тузилиши масаласига эмас, шу билан бирга Коинот генезиси ва ривожланиши масалаларига ҳам татбиқ қилди. Кантнинг инсон ирқларининг табиий келиб чиқиши ҳақидаги назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кант таълимоти бўйича, фалсафанинг энг муҳим муаммолари бўлмиш — борлиқ, ахлоқ, деган масалаларини таҳлил қилиш учун энг аввало, инсон билимининг имкониятлари ва чегараларини аниқламоқ керак. Бизнинг билимларимиз нарсанинг ҳодисасини, яъни бизга қандай ҳолатда намоён бўла олишини (феномен) била олади. Улар бизнинг тажрибамиз мазмунини ташкил қиладди. «Нарса ўзида»нинг бизнинг сезги аъзоларимизга таъсири натижасида сезгилар хаоси вужудга келади. Бу хаос бизнинг ақлимиз қуввати билан тартибга солинади ва бир бутунга айлантирилади. Биз табиат қонунлари деб билган нарсалар аслида ақл томонидан ҳодисалар дунёсига киритилган алоқадир. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг ақлимиз табиатга қонунлар киритади. Лекин ҳодисалар дунёсига инсон онгига боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг моҳияти, яъни «наrsa ўзида» мос келади. Уларни мутлақ билиш мумкин эмас. «Нарса ўзида» биз учун фақат ақл билан билиш мумкин бўлган, лекин тажрибадан келиб чиқмайдиган моҳиятдир. Кант инсон ақлининг чексиз қудратига ишончсиз қарайди. Инсон билимининг нисбатан чекланганлигига у маълум ахлоқий маъно беради. Унингча, агар инсон мутлақ билимга эга бўлса, унда ахлоқий бурчни бажариши учун кураш ҳам, интилиш ҳам бўлмасди.

Кант таълимоти бўйича, макон ва замон ғоялари инсонга унинг тасаввурларидан олдин маълумдир. Макон ва замон реал эмас, балки фақат тушунчада, ғоялардир.

Билиш назариясида Кант диалектикага катта ўрин беради. Қарама-қаршиликни билишнинг зарурий омили сифатида қарайди.

Кант фалсафада катта ўрин қолдирди. Унинг вафотидан кейин немис фалсафасининг ривожини **Хегел** (1770-1831) ижодида ўзининг юксак чўққисига эришади. Хегел диалектиканинг қонунлари ва категориялари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Фалсафа тарихида биринчи марта бир тизимга солган ҳолда диалектик логиканинг асосий қоидаларини ишлаб чиқди. Ўша даврларда ҳукмрон бўлган метафизик фикрлаш услубини танқид қилди. Кантнинг «нарсани ўзида» ҳақидаги таълимотига қарама-қарши қилиб, шундай таълимотни илгари сурди: «Моҳият намоён бўлади, ҳодиса моҳиятдан ажралмасдир». Хегелнинг таъкидлашича, категориялар борлиқнинг объектив шакллари дир. Борлиқнинг асосида эса, «дунёвий ақл», «мутлақ ғоя» ёки «дунё руҳи» ётади. Ўз-ўзини англаш жараёнида дунёвий ақл уч босқични босиб ўтади:

1. Ўз-ўзини англови мутлақ ғоянинг ўз хусусий қобилигида бўлиш босқичи; тафаккур жараёнида, яъни бу ҳолатда ғоя диалектика категориялари ва қонунлари тизимида ўз мазмунини, моҳиятини намоён қилади. Бу босқич Хегел фалсафасининг мантик босқичидир;

2. Ғоянинг ўзидан «беғоналашуви» яъни табиат ҳодисалари шаклида намоён бўлиш босқичи, яъни бу босқичда табиатнинг ўзи ривожланмайди, фақат категориялар сифатида ривожланади. Бу босқич Хегелда табиат фалсафа босқичидир;

3. Ғоянинг тафаккурда ва инсоният тарихида ривожланиш босқичи. Бу босқич Хегел фалсафасида руҳ фалсафаси босқичидир. Мана шу якуний босқичда мутлақ ғоя ўзига қайтади ва ўзининг инсон онги ва ўз-ўзини англаш шаклида ўз моҳиятига қайтади.

Ривожланиш ғояси Хегел фалсафасини қамраб олган. Унинг таъкидлашича, ривожланиш тор доира ичида эмас, доимий, қуйидан юқорига қараб боради. Мана шу жараёнда миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Ривожланишнинг манбаи эса ҳар қандай ўз-ўзидан ҳаракатнинг сабаби бўлган қарама-қаршиликдир. Хегел фалсафасида борлиқ диалектик ўтишлар занжири сифатида баён қилинган.

Хегел фикрича, тарих дунёвий руҳнинг ёки мутлақ ғоянинг ривожини сифатида намоён бўлади. Умуман тарих бу моҳиятнинг фикрнинг, ақлнинг ўз-ўзидан ривожини тарихидир. Хегел таълимотича, ақл тарихида шундай намоён бўладики, унда ҳар бир халқ руҳи ўз-ўзини англаб, тобора юқорилаб боришига ўз хиссасини кўйиш ҳуқуқини олади. Лекин бу жараён қандайдир тартибсиз (хаотик) амалга ошмайди. Хегел умумжаҳон тарихини тўрт босқичга бўлади: 1. Шарқ дунёси; 2. Юнон дунёси; 3. Румо дунёси; 4. Герман дунёси:

Инсоният тарихини мана шундай босқичларга бўлиб, уларга баҳо беришда Хегел очикдан-очик ирқчилик руҳидаги таълимотга юз тутайди. Унингча, шарқ халқларида эркинлик бўлган, фақат ягона зўравон ҳукмроннинг эркинлиги тан олинган. Шунинг учун бу халқлардаги эркинлик — бир томондан ҳукмроннинг зулми, ҳирсларнинг кенг қулоч ёйиши, иккинчи томондан кўр-кўрона, сўзсиз бўйсунуш халқ руҳига хос бўлган бир хусусият бўлган. У юнон-румо дунёсида эса, эркинлик бўлган, лекин улар жуда чекланган, фақат айрим кишилар учун амал қилган. Шунинг учун юнон-румо дунёсининг давлатчилиги куллиқни инкор қилмаган. Лекин юнон ва румо дунёси халқ руҳи ҳар хил йўналишда бўлган. Агар юнон дунёсига хос бўлган нарсани «гўзал шахслик» принципи бўлса, румо дунёсига хос бўлган принцип мавҳум умумийликдир. Хегелнинг даввосича, фақат герман халқларида тўлиқ эркинлик бўлган. Бу халқлар ўз тарихий ривожланишларида ислохотчилик (реформация), 1789 йил Француз инқилоби меваларидан баҳраманд бўлганлар. Фақат уларгина умумий фуқаролик ва сиёсий эркинликка эришганлар. Хегелнинг таъкидлашича, ақлга мувофиқ давлатчиликни ўрнатган фақат герман халқигина умумжаҳон — тарихий жараённинг ҳақиқий тимсолидир.

Хегел умумий фалсафий системаси ҳам, унинг яратган методи ҳам бошқа камчиликлардан, ички қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас эди. Чунки унинг фалсафий таълимотида билимнинг объектив асоси мутлақ руҳдир, мақсади эса шу мутлақ руҳнинг ўз-ўзини англашидир, охириги босқич ўз-ўзини англаш билан якунланади. Хегел фалсафаси мана шу масалани амалга оширишга қаратилган. Шундай қилиб Хегелнинг системаси ва методи ўртасидаги қарама-қаршилик чекланганлик ва чексизлик ўртасидаги қарама-қаршиликдир.

XIX асрнинг охиридан бошлаб ғарб мамлакатларида Хегел фалсафаси атрофида турли фалсафий мактаблар ва оқимлар вужудга келади. Бу фалсафий мактаблар ичида маълум нуфуз ва таъсирга эга бўлган оқим «ёш хегелчилар» оқими эди. Бу оқимнинг ўша даврдаги асосий намоёндалари орасида ака-ука Бруно ва Эдгар Бауэрлар алоҳида ажралиб турар эди.

Дастлаб мана шу оқимга мансуб бўлган К. Маркс (1818-1883) ва Ф. Энгельс (1820-1895) кейинчалик материалистик жиҳат ва атеистик тамойиллар устувор бўлган, қарама-қаршиликларнинг кураши тамойили мутлақлаштирилган ўз таълимотини ишлаб чиқдилар. Унинг асосий назарияларини ҳаётга татбиқ қилишга даъват қилдилар. Уларнинг таълимоти марксизм фалсафаси деган ном олди. Кейинчалик бу фалсафа социалистик лагер деб аталган мамлакатларда давлатнинг мафкуравий доктринасига айланди, «илмий коммунизм» ғоялари асосида инсоният тарихининг табиий жараёнини пролетариат диктатураси деб аталган давлат ва ҳокимият юритиш усули орқали зўрлик билан ўзгартириш таълимотини кўпчилик оммага, сиёсий партияларга, мафкурага синдиришга ҳаракат қилди.

XX асрнинг бошларидан 80 — йилларнинг охиригача дунёнинг жуда катта ҳудудида ҳукмронлик қилган бу мафкура собиқ Иттифоқ тарқалиши билан унинг ҳудудида ўз устуворлигини йўқотди. Унинг катта салбий оқибати айниқса ўтмиш маданий ва фалсафий меросига бўлган муносабатда яққол намоён бўлди. Бу фалсафанинг методологик принциплари — синфийлик ва партиявийлик холис ҳулосалар чиқаришга имкон қолдирмас эди. уларга мос келмайдиган ҳар қандай таълимот қораланади, ҳатто бутунлай инкор қилинади. Ўтмиш меросининг қай даражада умумбашарий, умумжаҳон аҳамиятига эга эканлиги эътибордан четда қоларди. Бу нафақат умуминсоний кадрларнинг аҳамиятини менсимасликка олиб келарди, шу билан бирга, маълум даражада халқларда миллийлик руҳини, миллий меросдан ғурурланиш руҳини тугатишга қарши ҳаракат эди. Ўтмиш меросига бундай ёндоқишнинг зарарли томонларидан яна бири шунда эдики, охири-оқибатда ўтмиш мероси бир ёқлама талқин қилинади, кўпинча эса очикдан-очик сохталаштириларди. Ижтимоий-иқтисодий, тарихий, маънавий, мафкуравий шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда, ўтмиш меросини юқорида эслатиб ўтган принциплар қолипига солиб талқин қилинади.

Сўнги йилларда социалистик лагернинг парокандаликка учраши, собиқ иттифоқ таркибига кирган кўпгина жумҳуриятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг ўз халқи миллий руҳига ҳос ва мос мафкура методологияси асосида муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланиб бораётганлиги марксистик фалсафанинг ҳаёт талабларига жавоб бераолмайдиган, халқларнинг руҳига ёт бўлган ғайримиллий таълимот эканлигидан далолат беради.

Бу таълимотнинг баъзи тарафдорлари Ғарбда «неомарксизм» оқимига бирлашганлар. Уларнинг бир қисми марксизмни ислоҳ қилиш, замонга мослаштиришга ҳаракат қилсалар, бошқалари эса яна Марксга қайтиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Кези келганда таъкидлаш жоизки, марксизмга вақт ўз баҳосини берди. Ана шу баҳони холис қайд этиш бу таълимотнинг мустабид тузум мафкурасига айлантирилиши қандай оқибатларга олиб келганини яққол кўрсатиш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида мазкур таълимот тўғрисида умуман гапирмаслик эмас, балки уни танқидий таҳлил этиш орқали, моҳият ва мазмунини очиқ бериш, оқибатларини яққол кўрсатишга имкон яратади.

Таянч тушунчалар

Схоластика, апологетика, реализм, номинализм, уйғониш даври, миллий давлатлар, миллий фалсафий мактаблар, муллақ рух, метод, система, тарих фалсафаси, диалектика.

Такрорлаш учун саволлар

1. Рим империяси ҳаётининг сўнги давларидаги фалсафий оқимларни санаб беринг.
2. «Уйғониш даври» тушунчасини қандай талқин этасиз?
3. Миллий фалсафий мактаблар деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий фалсафий мактабларнинг умуминсоний ютуқлари нималарда намоён бўлади?
5. «Немис классик фалсафаси»ми ёки «Немис миллий фалсафаси»ми? Бу масалага сизнинг муносабатингиз қандай?
6. Нега марксистик фалсафа миллий фалсафа бўла олмас эди?
7. Европа уйғониш даври фалсафасини ўрганишимизнинг аҳамияти нималарда деб ўйлайсиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. — Т. Ўзбекистон 1998.
2. Каримов И. Истиклол ва маънавият. — Т. Ўзбекистон, 1994.
3. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. — Т. Ўзбекистон, 1998.
3. Антология мировой философии в 4-х томах. Том 3. М. 1971.
4. Мир философии в 2-х томах. Т. 2. М.1990.
5. Основа философии. Т. Ўзбекистон 1998.

6-мавзу. XVI асрдан XX аср бошларигача Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур

Режа:

1. Темурийлар давлатидан кейинги ижтимоий жараёнлар.
2. Амирлик ва хонликлар даври фалсафаси.
3. Миллатнинг ғоявий тарқоқлиги ва мафкуравий таназзул оқибатлари.
4. Жадидчилик-миллий ғоялар учун кураш фалсафаси.

Темурийлардан кейинги ижтимоий жараёнлар. XVI асрдан бошлаб Мавороуннаҳрда ўзаро урушлар, низолар авжга чиқди, Темурийлар давлати инқирозга юз тутиб, майда давлатларга бўлиниб кетди. Натижада Шайбонийлар давлати тузилди, 1510 йилда Шайбонийхон Исмоил Сафавий лашкарлари томонидан ўлдирилганидан сўнг, марказлашган давлат инқирозга юз тутди.

Шайбонийлардан Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин вафотидан сўнг, XVI аср охирида бу давлат барҳам топиб, ҳокимият аштархонийлар сулоласига ўтди. Имомоқулихон (1611-1642) даврида давлат бирмунча мустақамланган бўлса-да, кейинги даврларда тахт учун курашлар давом этди. Бу эса иқтисод, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат равнақиға ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, табиий-илмий фанлар ривожини заифлаштирди, дунёвий билимда таназзул рўй берди.

XVI-XVII асрларда фалсафий ва ахлоқий фикр соҳасида Пошоҳўжа, Мирзажон аш-Шерозий ал-Боғнавий, ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғий, Муҳаммад Шариф ал-Бухорий ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Пошоҳўжа (1480-1547) Нисо шаҳрида туғилиб, Бухорода вафот этади. у «Мифтоҳ ул-адл» («Адолат калити») ва «Гулзор» ҳикоялар тўпламини яратган бўлиб, уларда инсоф, адолат, диёнат, саховат, донолик ва ақл-заковат, ростгўйлик, руҳий комиллик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, камтарлик ва бошқа маънавий-ахлоқий фазилатларни таҳлил қилади, салбий иллатлар, инсонийликка зид хатти-ҳаракатларни қоралайди.

XVII асрнинг машҳур мутафаккири, файласуфи **Юсуф ал-Қорабоғий** (1563-1647) асли Озарбайжондан бўлиб, кейинчалик Бухорога келади. У ёшлигидан фикр, фалсафа, тасаввуф билан шуғулланади. Унинг муҳим рисоалари «Рисолайи ботинийа», «Рисолайи хилватийа», «Фи таърифи илм» ва бошқалардир. Булардан ташқари у Давоний, Тафтазоний, Шаҳобиддин Сухравардийларнинг китобларига шарҳлар битган.

Қорабоғий ўз салафлари сингари дунёни, бутун оламни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ягона жисм деб билади. Унингча, Олам ягона жисм, ундаги барча мавжуд нарсалар унинг аъзоларидир. Оламдаги бутун нарсаларни Худо яратган, у биринчи сабабдир. Борлиқдаги ҳамма нарсалар сабаб-оқибат орқали бир-бири билан боғланган. Шунингдек, олим ҳаракат ва унинг турлари, тўрт унсур ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради.

Бу даврда Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Турди Фароғий ва бошқаларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари муҳим ўринни эгаллади. Булар орасида Машрабнинг ҳурфикрлик руҳи билан суғорилган ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикрлари эътиборга сазовордир.

Бобораҳим Машраб (1640-1711) Наманганда таваллуд топади. У Мулла Бозор Охунддан диний-тасаввуфий таълимот сирларини ўрганади. Кейинчалик эса кошғарлик Офок Хожага муридлик қилади, 1675 йилда Наманганга қайтади. Машраб ўзининг кейинги ҳаётида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг кўп жойларида хусусан, Тошкент, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Хўжанд, Бадахшон ва бошқа ерларда бўлади. У умрининг охирида Балхда бўлиб, Қундузда Маҳмуд Қатағон томонидан қатл қилинади.

Машраб ғазал ва рубоийларида илоҳий севги, яъни Оллоҳга муҳаббатни тасвирлайди. Машраб тасаввуфнинг қаландарлик тариқатини танлайди, халқни эзуликка, инсоф ва диёнатга, тўғрилиқка чақиради. Умуман олганда, шоир ислом ақидаларини инкор этмагани ҳолда, унинг баъзи қоидалари муқаддаслигига гумонсираб қарайди. Булар айниқса, Машрабнинг рўза, жаннат, дўзах, намоз, макка, каъба тўғрисидаги шеърларида намоён бўлади.

Машрабнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида ҳукмдорларни инсофга, халққа ёрдам беришга даъват этиш ётади. Инсонийлик, пок муҳаббатни қуйлаш, кишиларни дўстликка, вафодорликка чақариш, такаббурлик ва ёлғон сўзлашдан сақланиш, насл-насабга ишонмаслик, имон-эътиқодини сотмаслик, ота-онани ҳурмат қилиш каби ғоялар Машраб дунёқарашининг мағзини ташкил қилади.

Машраб мураккаб, қарама-қаршилиқларга бой даврда яшади. Бу ҳол унинг дунёқарашида ҳам билиниб туради. У бир тарафдан адолатли жамият, инсоннинг гўзал фазилатлари ҳақида фикр юритса, иккинчи томондан яхши жамиятга эришиб бўлмаслиги ҳақида гапириб, умидсизликка, таркидунёчиликка берилади. Булардан қатъи назар, унинг ажойиб шеърлари ва ундаги ғоялар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Ўзининг ижтимоий-фалсафий фикрлари билан Марказий Осиё маданиятига катта таъсир кўрсатган шоир ва файласуф **Мирза Абдулқодир Бедилдир** (1644-1721). Мирза Бедил илмнинг кўп соҳалари, хусусан фалсафа, адабиёт, санъатшунослик бўйича ижод қилди. У ҳинд, араб, эрон, кўплаб Осиё халқларининг илмий меросини чуқур ўзлаштирган етук олимдир. Булардан ташқари, Мирза Бедил Саъдий, Агтор, Жомий, Ҳофиз, Навоийларнинг шеърляти, дунёқарашини пухта билган.

Унинг муҳим асарлари «Чор унсур», «Ирфон», «Рубоийёт», «Ғазалиёт» ва бошқалардир. Ваҳдати-мавжуд оқими тарафдорлари табиатнинг абадийлигини материя ва рухнинг бирлигини тан олиб, худони оламнинг ўзида деб биладилар. Мирза Бедил ана шу таълимот тарафдори эди. Бедил ўзининг «Чор унсур», «Ирфон» асарларида ҳамма нарсаларнинг асосида ҳаво ётади, деб ҳисоблади.

Унингча, ҳаво абадий, мутлак, ҳаракатчан, ўзгарувчан, рангсиз ва енгилдир. У юқори ва қуйи томон ҳаракат қилади. У руҳлар тўғрисида сўз юритиб, нозик буг-бухори латиф ҳаводан келиб чиқиб, табиий рух, наботот руҳи, инсон руҳи, ҳайвоний руҳни пайдо қилади, дейди. Хуллас, у табиатни руҳлантиради, руҳлар моддий дунёдан ташқарида эмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Мирза Бедил билиш ҳақида фикр юритар экан, билишнинг биринчи босқичи ҳис-туйғулар билан боғлиқлигини, билишда инсон тафаккурининг қудрати кучли эканлигини ёзади. Бедил инсон ўз қилмишлари, хатти-ҳаракатида эркиндир, деган қонидани ҳаётини мисоллар орқали асослаб беришга интилади, меҳнат ва хунарни, илм ва касб эгаллашни улуғлайди.

Маълумки, таносух-рухнинг кўчиб юришига ишониш ўша даврда Ҳиндистонда кенг тарқалган эди. «Ҳиндларнинг тасаввурича, — дейди Бедил, — рух бутунлай мустақил ҳолатда мавжуддир ва ҳар бир нарсага, жисмларга ўтиш — кўчиш қобилиятига эга». Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Бедил таносух назариясининг ҳақиқий моҳиятини очишга уринган.

Мирза Бедил ижтимоий-сиёсий қарашларида жамият, инсон, давлат ва унинг келиб чиқиши, уни бошқариш йўллари, деҳқончилик ва унинг фойдаси ҳақида фикр юритди. Айниқса, у инсонни юксак даражага кўтарди, унинг ирқи, дини ва миллатидан қатъи назар хурматга сазовор эканлигини уқтирди. У одамлардаги ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, вафодорлик, саҳийлик, самимийликни қадрлади, дангасалик, такаббурлик, очкўзлик, ёлғончилик, маккорликни қоралади.

Хуллас, Мирза Бедилнинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ижтимоий ва фалсафий ғоялари ўша даврда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олим ўзининг фалсафий қарашлари билан Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий, илмий ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Марказий Осиёда уч давлат — Қўқон ва Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирликлари пайдо бўлди. улар даврида илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантирган баъзи мутафаккирлар етишди. Қўқон хонлиги ҳудудида яшаб ижод этган шоирлар Нодира (1792-1843), Увайсий (1789-1850), Дилшод Барно (1800-1906) ва бошқалар ижтимоий фалсафий фикр ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Булар орасида Нодира (Мохларойим) алоҳида ўринни эгаллайди. Шоира ўн минг мисрадан ортиқ ғазалларнинг муаллифи бўлиб, уларда замонасининг муҳим муаммоларини кўтариб чиқади. Нодира мамлакатни бошқаришда фаоллик кўрсатади, давлатни тadbир ва адолат асосида бошқаришга интилади, бу борада ўз ўғлига кўмакдош бўлади, унга ҳомийлик қилади. Шоира ижодида инсон ва унинг фазилатларини қуйлаш асосий ўринни эгаллайди: севги, муҳаббат, ҳиммат, сабр-қаноат, ҳаё каби инсоний қадриятлар таҳлил қилинади. У ўз ижодида дунёвийлик билан бир қаторда тасаввуфнинг нақшбандия йўналишига асосланган бир бутунлик билан инсоннинг жамият ва табиатга муносабатини ҳам, илоҳий муҳаббат йўлидаги руҳий дунёсини ҳам жуда гўзал ва жонли мисраларда ифодалаб беради.

Мустақиллик шарофати билан Нодира ва бошқа шоирларнинг ижодий мероси яна ҳам чуқур ўрганила бошланди, шеърини тўпламлари чоп этилиб, халқнинг маънавий мулкига айлантирилди.

Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Огаҳий ва Мунис каби шоирлар ижод қилдилар:

Огаҳий — Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли 1809 йилда Қиёт кишлоғида туғилиб, 1874 йилда вафот этган.

Шоирнинг муҳим асарлари «Гулшани давлат», «Риёз уд-давла», «Жомеъ ул воқеоти Султони», «Зубдат ут-таворих», «Шоҳиди иқбол», «Баёзи мутафарриқаи форсий», «Фирдавс ул-иқбол» ва бошқалардир. Булардан

ташқари, Огаҳий Саъдий Шерозий, Низомий, Кайковус, Жомий ва Кошифийнинг бадий, тарихий, фалсафий, ахлоқий-дидактик асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Огаҳий ўзининг «Қасидаи насиҳат» номли асари ва бошқаларда давлатни бошқариш йўлларини кўрсатади, Хива хони Ферузга мамлакатни одилона бошқаришнинг йўл-йўриқларини айтади. Огаҳий ўзининг ижтимоий қарашларида инсонпарварлик ғояларини илгари сурди, одамларни яхшилик ва эзгуликка, хайрли ишлар билан шуғулланишга, маърифатпарварликка даъват этди. Унинг тарихий рисоалари ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Мутафаккир Хива хонлигининг 1813-1873 йиллар тарихини ёзиб қолдирган. Ҳозирги вақтда, тарихимизни холисона яратишга интилиш кучайган бир шароитда, Огаҳий асарларининг аҳамияти ошиб бормоқда.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон рус чоризми томонидан босиб олинди. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида халқнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Россия аскарлари зўравонлик, қурол ишлатиш йўли билан Туркистон шаҳар ва қишлоқларини ишғол қилдилар. Бундан асосий мақсад бу ўлкани хомашё базасига айлантириш, маҳаллий бойликларни талон-тарож қилиш, уларни хорижий мамлакатларга сотиш ва ўз саноатини ривожлантиришда фойдаланиш эди. Рус буржуазияси ерли амалдорлар билан келишиб иш юритди. Бу эса халқнинг икки томонлама эзилишига олиб келди. Рус саноатининг кириб келиши, кўплаб рус аҳолисининг Туркистонга кўчиб келиши, аҳолини «руслаштириш» сиёсати — буларнинг ҳаммаси Европа ва рус маданиятини тарқалишига сабабчи бўлди. Почта, телеграф, телефон, электр, темир йўллар қурилиши йўлга қўйила бошлагани, банклар очилгани аслида ерли халқни эзиш, уни ўзлигидан жудо қилиш орқали амалга оширилди.

Ерли халқлар орасида мустамлакачиликка қарши маърифатчилик ғоялари тарқала бошлади, янги таълим-тарбия шохобчалари, янги мактаб, маориф, маданий тарғибот, жадидчилик ҳаракати ривож топди. Мана шундай шароитда Туркистонда кўплаб маърифатчилар етишиб чиқди. Маърифатпарварлик мафқурасининг кўзга кўринган вакилларида бири **Аҳмад Дониш** (1827-1897) бўлиб, у фалсафа, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, тарих соҳасида асарлар ёзган.

У мамлакатни одилона бошқариш учун ислохот зарурлигини уқтиради. Давлат, олимнинг нуқтаи назарича, халқнинг манфаатини ҳимоя қилиши, ҳукмдор эса, билимдон, ақлли бўлиб ўз атрофидагилар билан кенгашиб давлатни идора қилиши лозим. Бундай фикрлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар олимнинг «Наводирул-вақое» ва бошқа рисоаларида ўз ифодасини топган. Олимнинг асарлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод этган қорақалпоқ шоири ва мутафаккири **Бердақ** (1827-1900) «Омонгелди», «Халқ учун», «Аҳмоқ подшо», «Яхшироқ», «Бўлган эмас», «Ерназарбий» каби асарларнинг муаллифидир. Ушбу асарларда мутафаккир қорақалпоқ халқининг турмуш тарзини, ўша замондаги ҳаётини моҳирона тасвирлайди. Бердақ асарларида ахлоқ ва хулқ-одоб, нафосат ва гўзаллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тенглик, қаҳрамонлик ва мардлик, мустақиллик, ҳақиқат учун кураш каби миллий ва умуминсоний қадриятлар кенг ўрин олган.

Унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари ёшлар онгида маънавият ва миллий мафқурани шакллантиришда муҳим тарбиявий кучга эга.

Маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири **Фурқатдир** (1859-1909). Зокиржон Ҳолмухаммад ўғли Фурқат Кўконда дунёга келади. У «Илм хосияти», «Ақт мажлиси хусусида», Тошкент шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», «Виставка хусусида», «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» ва бошқа кўплаб асарларида маърифатпарварлик ғояларини илгари суради.

Фурқат ўта мураккаб даврнинг зиддиятли томонларини, мамлакат қоқоқлигининг туб сабабларини ҳаққоний идрок қилади. Бу қоқоқликнинг асл сабаби жаҳолатда, уруш-жанжалларда деб билди. Хон ва бекларнинг ўзаро низолари, уларнинг саводсизлиги ва жоҳиллиги, очкўз ва тамағирлиги, текинхўрлиги мамлакат ва халққа офат ва кулфат келтираётганини у кўра билди.

Фурқат жамиятдаги салбий иллатлар ва адолатсизликларни бартараф этишда, маърифат, илм-фан, таълим-тарбия муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур тушуниб етди.

Ўша давр маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намояндалари **Муқимий** (1850-1903), Завқий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914), Ҳамза (1889-1929) ижтимоий зиддиятлар кучайган даврда яшадилар. Улар жамиятдаги иллатларни танқид қилиш билан ажралиб турдилар.

Муқимий ўз дунёқарашида эркин жамият, инсоф ва адолат, инсонийлик, иймон-этиқод, эрк, баркамол инсон ҳақида фикр юритди, адолатсизлик, зўравонликка асосланган жамиятни қоралади.

У «Вексель», «Уруғ», «Асрорқул», «Додхоҳим», «Тўй», «Танобчилар», «Московчи бой» ва бошқа хажвий асарларида ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, ўзбошимчилик ва зўравонлик, оғир солиқларни ҳаққоний равишда тасвирлайди.

Ўзбек адабиёти ва маданиятининг йирик вакили Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий дунёқарашининг шаклланишида Фузулий, Навоий, Ҳофиз, Фурқат ва Муқимийларнинг адабий мероси муҳим рол ўйнади. Ҳамза «Майсаранинг иши», «Истибод қурбонлари», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» ва бошқа кўплаб асарларнинг муаллифидир. У маърифат, билим эгаллаш, бахтли ва фаровон ҳаётга интилиш ғояларини илгари суради. Ҳамза жаҳолат, билимсизлик, фирибгарликни қоралади, рус амалдорларининг ярамас хатти-ҳаракатларини фош этди.

Ҳамза мактаб ва маориф ишларида фаол қатнашиб, болаларни билим эгаллаши учун жонбозлик кўрсатди, доимо ҳақиқат учун кураш олиб борди. Унинг маърифатчилик ғоялари ижтимоий-фалсафий фикр ва маънавият ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Туркистонда маърифатчилик ҳаракатининг авж олиши жадидчилик ғояларининг вужудга келишида муҳим ўрин эгаллади. Лекин Шўролар даврида жадидчилик кўпинча бир томонлама талқин қилинди, унинг ғоя ва мақсадларини сохталаштириш ва ҳатто уни миллатчилик ҳаракати деб баҳолаш ҳоллари ҳам бўлди. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу ҳаракатни ҳолисона ва илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш имконияти туғилди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари Туркистонда мустақиллик, миллий тараққиёт учун, халқнинг манфаатлари учун кураш олиб бордилар. Жадидчилик ҳаракатининг муҳим хусусияти уни миллий-озодлик ҳаракати ва Туркистонда миллий буржуазияни вужудга келиши билан чамбарчас боғлиқлиги эди.

Ўша даврда жадидчилик ҳаракатининг қатор вакиллари етишиб чиқди. Булар Мунаввар Қори, Авлоний, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқалардир.

Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири бўлиб, янги мактаблар куриш, ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларни илмли қилиш, маърифат ва тараққиёт учун курашга катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Бехбудий янги мактаблар учун «Рисолайи асбоби савод», «Рисолайи жуғрофияи умроний», «Китобат ул-атфол», «Амалиёти ислом», «Рисолайи жуғрофияи русий» ва бошқа дарсликларни ёзди. Унинг асосий асари «Падаркуш» драмасидир. Булардан ташқари, Бехбудий кўплаб публицистик мақолалар ёзди, матбуотда хизмат қилди, нашр ишлари билан машғул бўлди. Унинг мақолаларида миллат ва Ватан тақдири, мустақиллик ғояси, ахлоқ ва таълим-тарбия ва бошқа масалалар ўрин олган.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири **Абдулла Авлоний**дир (1878-1934). У педагогик фаолият ва бадиий ижодни қўшиб олиб борди. Авлоний очган мактабларда дунёвий фанларни болаларга ўқитиш йўлга қўйилди. Мутафаккир «Иккинчи муаллим», «Биринчи муаллим», «Алифбедан сўнгги ўқув китоби» каби дарсликларни яратди.

Айниқса, олимнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги болалар дунёқарашини, миллий онги ва мафқурасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда болаларга илм-фан сирларини ўргатиш, яхши ҳулқ-одоб қоидаларини сингдириш, Туркистон халқини асрий қолоқликдан қутқариш йўллари, иқтисод, тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатни хомашё қарамлигидан халос этиш, маърифат ва маънавиятни юксалтириш масалалари ёритилган.

Авлоний «Адвокатлик осонми», «Биз ва Сиз», «Португалия инқилоби», «Икки севги» ва бошқа драматик асарлар ёзиб, ўзбек театри ва драматургияси ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Жадидчилик ҳаракатининг яна бир ёрқин вакили **Абдурауф Фитрат** (1884-1939) бўлиб, илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган мутафаккирдир. Олим «Сайҳа» («Бонг»), «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Учқун» тўплами, «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари», «Ўзбек тили грамматикаси», «Чигатой адабиёти» ва бошқа кўплаб асарлар ёзди. Фитратнинг асарларида халқни жаҳолат ва нодонликдан қутқариш, илм-маърифатга қўлаш, миллий мустақилликка эришиш, халқнинг ўзлигини таниши, онгининг ўсиши, кучли ва ривожланган давлат тузиш, халқнинг билимдон бўлиб, тижорат ва тадбиркорлик билан шуғулланиши, Европанинг фан ва техника ютуқларини ўрганиш каби ғоялар илгари сурилади. Унинг юқоридаги миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари ҳозир ҳам тадбиркорлик, маънавият ва маърифатни раванг топтиришда, миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришда, халқнинг ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, Ўзбекистон ҳудудидаги темурийлардан кейинги ижтимоий-фалсафий фикр тарихини қисқа ёритиш шундан далолат берадики, у бизнинг давримизгача узлуксиз равишда маданият, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Лекин мустабид тузум даврида ижтимоий-фалсафий фикр тарихига бир томонлама, синфий нуқтаи назардан ёндашилди, фақат коммунистик партия мафқураси талабларига тўғри келадиган ғоя ва фикрларга эътибор берилди. 1917 йилдаги Октябрь тўнтарышидан сўнг аста-секин ўтмиш маънавияти, фалсафий фикри ўрнини марксча-ленинча мафқура эгаллай бошлади. Олий ўқув юрлари, кенг халқ оммаси орасида диалектик ва тарихий материализм ва илмий атеизм тарғиб қилинди, уларга тўғри келмайдиган таълимотлар қаттиқ танқид остига олинди. Энг ачинарлиси шуки, ўз миллий маданияти, урф-одати ва анаъаналарига содиқ бўлган, уларни сақлаб қолишга интилган зиёлилар, шоир ва ёзувчилар қувгинга учраб, қатагон қилинди.

Лекин юқоридан бўлган тазийқларга қарамай, маданий-маънавий ва ижтимоий-фалсафий меросимизни ўрганиш, тадқиқ қилиш тамоман тўхтаб қолмади. 60-70 йилларда И.М. Мўминов, В. Зоҳидовларнинг ижтимоий-фалсафий фикр тарихи бўйича тадқиқотлари аҳамиятга эга бўлди. Улар Форобий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Али Қушчи, Мирза Бедил ва бошқаларнинг фалсафий дунёқарашини тадқиқ қилдилар.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви маданий меросимизни холисона, ҳаққоний ва янгича тафаккур асосида тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратди. Эндиги вазифа собиқ мафқуранинг асоратларини бартараф қилиб, миллий мафқурамизга таяниб бой маънавий ва маданий кадриятларни, ижтимоий фалсафий тафаккур тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишдир.

Таянч тушунчалар

Маърифатпарварлик, Темурийлар давлатининг инқирози, Шайбонийлар давлати, хонлик ва амирликлар даври фалсафаси, жадидчилик, жадидлар фалсафаси.

Такрорлаш учун саволлари

1. Пошоҳўжа ижтимоий қарашларининг хусусиятлари нимада?
2. Юсуф Қорабоғийнинг илмга қўшган ҳиссасини сўзлаб беринг.
3. Аҳмад Дониш ўзининг «Наводирул-вақое» асарида қандай ижтимоий-фалсафий ғояларни илгари сурган?
4. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари тўғрисида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
3. Маънавият юлдузлари. Т. 1999.
4. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т. 1995.
5. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т. 1996.
6. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т. 1992.
7. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т. 1998.
8. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т. 1999.

7-мавзу. Ҳозирги замон фалсафаси ва унинг асосий оқимлари

Режа:

1. Ҳозирги замон фалсафаси: ворислик ва янгиланиш.
2. XX аср фалсафасининг асосий оқим ва йўналишлари.
3. XX аср фалсафасида инсон ва жамият муаммолари.
4. Ҳозирги замон фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳал этиши йўлларини топишга ҳаракат қилган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиши ва оқимлари шугулланган муаммоларнинг салмоғи, мақсад-муддаосини аниқ белгилади. Бунинг натижаси сифатида, ҳозирги давр фалсафасида ниҳоятда хилма — хил оқим ва йўналишлар мавжуд. Ўз навбатида бу илм-фан ва амалиётнинг ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва ҳозиргача бўлган фалсафа илми ривожининг асосий хусусиятларини белгилайди.

Ҳозирги замон фалсафасининг энг асосий тамойиллари умуминсонийликнинг устуворлиги, унинг миллийлик билан уйғунлиги, демократик эркинликлар, инсон қадрли, бирор таълимотни мутлақлаштирмасликдир. Бағрикенглик ва толерантлик ҳозирги фалсафий таълимотлар ранг-баранглигини таъминлайди.

Анъанавий фалсафада, турли ғоявий тизимларга бўлинишига қарамай, муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд эди. Ҳозирги замон фалсафасида аксинча, фалсафий муаммоларнинг кўп хиллиги ва ўзига хослиги, турли-туманлиги, улар асосида фалсафий оқимларнинг мустақил йўналиш сифатида шаклланиши яққол кўзга ташланади.

Анъанавий фалсафада ақл — инсон моҳиятининг белгиловчиси, деб талкин этилган бўлса, энди рационализмга қарши инсоннинг мавжудлиги (экзистенциализм) муаммолари, ҳамда унинг нораціонал моҳияти илгари сурила бошлади. Яъни илгари маърифатпарварлик ғояси устувор бўлса, эндиликда кўпроқ инсон ҳуқуқларига эътибор кучайиб кетди. Фалсафа гуёки, мавҳумликдан аниқлик томон борди, умумий эмас, аниқ-равшан масалаларни ҳал қилиш бошланди.

Анъанавий фалсафада ҳодисалар механика қонунлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилинган бўлса, энди бундай таҳлил доирасидан четда қолган муаммолар ўрганила бошланди.

Бугунги кунга келиб кўпгина фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликларини ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида, номларига «**нео**», яъни янги, замонавийлашган деган маънони англаувчи кўшимчани қўшганлар. Масалан, неопозитивизм, неотомизм ва бошқалар шулар жумласига кирилади.

Фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаш ва унга нисбатан муносабатга қараб, замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин. Улардан бири — **сциентизм** (лот scientia — фан) яъни фан мавжуд барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқараш. Сциентизм ғоялари, неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Иккинчиси — **антисциентизм**, яъни фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенциализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антисциентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боғлиқдир.

Антисциентизмнинг айрим ўта ашаддий намояндалари фан-техника тараққиётини тамоман тўхтатиб қўйиш ғоясини ҳам илгари сурадилар. Умуман олганда, XX аср фалсафасида бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, антропологизм ва натурализм, сциентизм ва антисциентизм, материализм ва идеализм ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими **Артур Шопенгауэр** (1788 — 1860) қарашларини тилга олади. Шопенгауэр оламдаги барча мавжуд нарсаларни ироданинг намоён бўлиши, иродани эса онгсиз кўр-кўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинктлари, хатти-

ҳаракатлари — ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона бўлган ироданинг натижасидир. Шунинг учун инсон моҳияти ирроционал асосга эга. Ақл эса тасодифийдир. Инсон ҳаёти доимо айланиб турган ирода ғилдирагига боғлиқдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи **Фридрих Ницше** (1844-1900) фикрича, «борликнинг энг чуқур моҳияти ҳокимиятга эришиш учун бўлган иродадир.» Ницше инсон борлигида махлуқлик ва холикликни бирлашиб кетганини асослаб беришга ҳаракат қилди. Унинг диёримизда бундан икки ярим минг йил муқаддам шаклланган зардуштийлик таълимотини ўрганиб яратган «Зардушт таваллоси» асарида кучли шахсларни тарбиялаш ғояси илгари сурилган. У ўз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга қодир бўлган иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдори бўлган. Ницшенинг цивилизация ва маданиятнинг сўниши ва барҳам топиши тўғрисидаги ғоясига асосланиб, 1918 йилда Г. Шпенглер «Европанинг сўниши» деган асарини ёзади.

Ўтган аср охири олимлари ижтимоий инқироз ва маънавий турғунликдан чиқишнинг йўлини Ғарбда классик фалсафий меросга мурожаат этишда ва уни қайта тиклашда кўрдилар. Шу заминда «Орқага Кантга» шиори остида неокантчилик, «Орқага Ҳегелга» шиори остида эса неохегелчилик пайдо бўлди.

Шу билан бирга, фалсафанинг классик илдизларини сақлаб қолишни диний оқим бўлган неотомизм ҳам ёқлаб чиқди. Неотомизм шу бугунга қадар ҳам ўз мавқеини йўқотмаган бўлиб, католик черкови томонидан қўллаб-қувватланади. Бунда айниқса Рим папаси раҳбарлик қиладиган Ватиканинг фаолияти муҳим ўрин тутади.

Неотомизм — XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оқим бўлиб, у ўрта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинскийнинг таълимотини қайтадан тиклади. У (нео — янги, томизм — «фома», транскрипцияда «тома» бўлиб ўзгарган) Фома Аквинскийнинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кўра, илм ва эътиқод ўртасида тўла мувофиқлик, уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳар иккиси ҳам худо томонидан берилган ҳақиқат.

Неотомизм вакиллари фикрича, илм етмаган жойда эътиқод қўлланиши керак. Лекин бу эътиқод кўр-кўрона, шунчаки ишонч бўлмай, балки мантиқан теран анланган эътиқод бўлиши керак. Худонинг мавжудлигини фалсафа турли мантиқий усуллар орқали исбот қилиши лозим. Шундай қилиб, фалсафанинг вазифаси динга хизмат қилишдан иборатдир.

Неотомистлар дунёни, жамиятни худо яратган, жамият тараққиёти худонинг режаси асосида боради, дейдилар. Диний теология оқими бўлганлигидан неотомизм албатта, илоҳий қадриятларни устувор қўяди. Аммо у дин ва унинг жамиятдаги ўрнига, ўзининг номи келиб чиқишига сабаб бўлган, Фома Аквинский замонидан фарқли ёндошади. Фомадан кейинги давр Европада христианликнинг софлигини сақлаш ғояси, аста-секин мутлақлашиб, ўрта аср ақидапарастлигининг маълум кўринишларидан бири-инквизицияга олиб келган эди. Бу эса хурфиқрлик, илм-фандаги янгиликка қарши курашга айланиб кетган эди. Лекин инсон ҳуқуқлари, фикр эркинлиги демократия белгисига айланган XX асрда бундай ўтакетган ақидапарастликка ўрин йўқ. Неотомизм ҳозирги цивилизацияли дунёда цивилизациялашган таълимот сифатида майдонга чиқмоқда. Ўз навбатида бу демократия устувор бўлган ҳаёт тарзига муайян даражада мос келади.

Неокантчилик XIX аср ўрталарида шаклланган ва XX аср бошларида ривожланган эди. Унинг вакиллари И. Кант ўз даврида қўйган илмий билишнинг умумийлиги ва зарурияти ҳақидаги ҳамда тажрибавий ақл ҳақидаги муаммоларни таҳлил этадилар. Бу таълимотга кўра, инсон дунёга бир марта келади, шунинг учун ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзи учун энг олий мақсаддир. Шундай экан, инсон ҳаётидан кимдир ўз мақсадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Эркин мавжудот деганда, Кант издошлари ўзи хоҳлаган ишларни қилувчи кишини эмас, балки жамотчилик манфаатига қарши юрмайдиган, унга зид иш қилмайдиган, аммо ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган инсонни назарда тутадилар.

XX асрга келиб, фан ва техника тараққиёти билан илмий тафаккур ва тил муаммоларини фалсафий таҳлил қилишга қизиқиш ниҳоятда ортди. Бу йўналишда ишлаётган энг йирик оқимларга неопозитивизм, структурализм ва герменевтика каби фалсафий қараш намоёндалари мисол бўлади.

Неопозитивизм оқимининг йирик намоёндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошқалардир. Нео — янги; позитив — ижобий деган маънони англатади. Непозитивизм Ғарбда XIX асрнинг 20 — йилларида пайдо бўлган, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Унинг фикрича, фалсафа аниқ фанлар тараққиётисиз мавжуд бўла олмайди. Фалсафа — объектив реалликни эмас, балки аниқ фанлар қилаётган илмий, яъни ижобий (позитив) хулосаларни ўрганиб, таҳлил қилиб уларни мантиқан бир тартибга, системага солиши керак.

Конт фалсафанинг ўзи мустақил равишда объектив дунё тўғрисида ҳеч қандай аниқ билимлар бериши мумкин эмас, у шу пайтгача йиғилган билимларни формал логика қонунлари асосида таҳлил этиши ва қайта

баҳолаши, уни «абсолют ғоя, рух» тўғрисидаги ортиқча фикрлардан тозалаши керак ва янги фалсафани яратиши керак, деб таълим берган.

Неопозитивистлар **верификация принципини** илгари сурадилар (лот. Veritas — хақиқат.) уларнинг фикрича, фақат тажрибада ўз тасдиғини топган билимгина хақиқийдир. Лекин назарий, мавхум билимларнинг ҳаммасини ҳам тажрибада эквивалентини топиш, айнан шундай эканлигини исбот қилиш мумкин эмаслиги туфайли бу принцип кейинчалик инкор этилди.

Шундан сўнг **постпозитивизм** (яъни кейинги позитивизм) вакили К. Поппер **фальсификациялаш методини** илгари сурди. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг хақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг хақиқийлигини мантиқий — лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши керак, деган хулосага келдилар. XX асрнинг 60 — 70 йилларига келиб, неопозитивизмнинг мавқеи камайиб, асосий ўринга структурализм ва герменевтика чиқди.

Структурализм (асосий вакиллари Леви — Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ҳодисанинг структурасини билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра шундай принципга, умумий мантиққа эга.

Герменевтика — қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хоҳиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси — Гермес номи билан аталади. Демак, герменевтика — тушуниш, тушунтириш, таҳлил этиш ғояларига асосий диққатини қаратади.

Жамият, бу таълимотга кўра, кишилар ўртасидаги мулоқотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий кадриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётнинг маъносини, моҳиятини кишилар ўртасидаги мулоқотдан кидиришдан иборат.

Бу оқим вакиллари Шлейермахер ва Дильтей фикрича, бирор бир тарихий манбанинг тўғри таҳлил этилиши тадқиқотчининг давр хусусиятларини тўла ҳис этиши, тушуниши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда бу таълимотнинг кўплаб тарафдорлари мавжуд.

XX асрнинг 30 — йилларига келиб «**экзистенциал фалсафа**» ривожланди. Экзистенция — том маънода мавжуд бўлмоқ демакдир. Экзистенциализм ниҳоятда хилма-хил йўналишдаги таълимотларни инсоннинг маънавий дунёси, инсон тақдир, эркинлиги ғоялари асосида умумлаштирди.

Бу муаммоларнинг талқини, айниқса, ижодкор зиёлилар ўртасида оммавий тус олди. Шунинг учун экзистенциал фалсафа бу даврда энг кенг тарқалган оқим бўлиб қолди.

Экзистенциализм вакиллари асосан икки йўналишга бўлинадилар. Биринчи — дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва иккинчиси диний (Ясперс, Марсель) бўлиб бундай бўлиниш нисбийдир.

Хайдегер, Сартр, Камюларнинг таълимотига кўра, инсон ўзининг яратиш жараёнини ўзи эркин амалга оширади. Инсоният олдида улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан қайси бирини танлашда у эркиндир. Демак, инсон ўз моҳиятини ўзи эркин белгилайди, унинг ким бўлиб етишиши фақат унинг ўзига боғлиқ. Шу маънода, инсон доимо ривожланиб борадиган, тугалланмаган лойиҳага ўхшатилади. Эркинлик инсоннинг ўзи томонидан яратиладиган ички руҳий ҳолати тарзида талқин этилади. Инсонга берилган имкониятларни танлаш ниҳоятда масъулиятлидир, чунки бунда инсон ўзи, бошқаларни ҳамда уни ўраб турган оламни ҳам қайта яратади.

Диний экзистенциализм вакиллари Ясперс ва Марсель фикрича, инсон ўз эркин фаолияти давомида худога қараб унга етишиш учун, камолот томон ҳаракат қилади. Ҳақиқий эркинлик инсонга таҳликали онларда, ташвишда, ёлғизликда намоён бўлади. «аҳлика, масъулият соф эркинликнинг ўзидир, фақат шундай шароитда инсон ўзини тўлалигича англайди. Ҳаёт ва ўлим, кўрқинч, даҳшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчаларидир. Экзистенциалистлар фикрича, олам маъносиз ва уни билиб бўлмаслиги абадий, инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ҳам даҳшатлидир.

Янги замон фалсафасининг яна бир оқими **прагматизм** АҚШда кенг тарқалган. Умуман олганда, «прагматизм» фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Бунда «фойда» тушунчаси «тажриба», «хақиқат» тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч. Пирс, У. Джемс, Ж. Дьюи ва бошқалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги ўз ифодасини топган. Улар тажрибани турли тасодиф ва қутилмаган

вазиятларни ўзида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ҳодисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар.

Инсоннинг хатосиз фаолият кўрсатиши учун унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи восита — интеллектдир. Ж. Дьюи фикрича, интеллект инсонни ўраб турган оламдан нусха олади, ҳамда унга муҳитга мослашишга ёрдам беради. Прагматизм фалсафасининг мақсади инсонга оламда ўз ўрнини топишга ёрдам беришдан иборат. Дьюи тажриба натижасининг «фойдали» томонига эътиборини қаратади. Джемс фикрича, ҳақиқат фойдали бўлган нарса ёки ҳодисадир.

Прагматизм АҚШ ижтимоий-маданий ҳаётининг қадриятларини ифода этиб, у ердаги шибилярмонлар, менеджерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Америкаликлар бу таълимнинг назарийчиларини ҳалқнинг дунёқараши ўзгаришида, ҳозирги америкача ҳаёт тамойилларини кенг оммага синдиришида катта хизмат қилган файласуфлар сифатида қадрлайдилар. Масалан, Ж. Дьюини «Американинг Арастуси» дея ҳурмат билан тилга оладилар.

Жамият тараққиётига оид гоълар таҳлили фалсафада антик даврлардан, Сукрот ва Афлотун замонларидан бошлаб шакллана бошлаган. Бу гоъларнинг ривожига XVII-XVIII асрларда яшаган италиялик файласуф Дж. Вико, XVIII асрда яшаган И.Г. Гердер ва айниқса, немис фалсафасининг йирик намоёниси Гегел катта ҳисса қўшганлар. Жамият тараққиёти тўғрисидаги таълимотлар орасида тадрижий тараққиёт ва инқилобий сакрашлар йўлидан боришни илгари сурадиган таълимотлар талайгина. Кўпчилик тадрижий йўлни маъқул кўради ва биз юқорида тилга олган файласуфларнинг аксарияти ана шундай қараш тарафдори.

*Афсуски, бошқача қарайдиган таълимотлар ҳам бор. Янги давр фалсафасида тарқалган ана шундай оқимлардан бири **марксизм** бўлиб, унинг асосчиси немис иқтисодчиси ва файласуфи К. Марксдир (1818 — 1883). Унинг ижтимоий фалсафаси капитализмда синфий курашнинг мутлақ антогонизм даражасига кўтарилиши, охир-оқибат пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши ва шу йўл билан синфсиз жамиятга ўтишни тарғиб қиладиган ва реал ҳаётни акс эттирмайдиган назариядир.*

Кейинчалик собиқ иттифоқда ҳукмрон мафкурага айланган бу таълимот дастлаб К. Маркс ва Ф. Энгелс ёзган «Коммунистик партия манифести»да баён қилинган. Унинг назарий асослари К. Маркснинг «Капитал», Ф. Энгелснинг «Анти-Дюринг» ва «Табиат диалектикаси» асарларида таърифлаб берилган бўлиб, ижтимоий ҳаётда салбий оқибатларга олиб келди. У борлиқ тушунчасини материя билан айнанлаштирган, руҳни бутунлай инкор қилган, материализм ва атеизмни мутлақлаштирган.

Бу таълимотнинг К. Каутский, В. Плеханов бошлиқ мўтадил тарафдорлари кейинчалик социал-демократияга кўпроқ мойил бўлишди. Россияда В. Ленин бошчилигидаги тарафдорлари эса синфий кураш ва пролетариат диктатурасини мутлақлаштириши йўлидан бордилар. Бу ўз навбатида, инқилобий сакраш йўлини танлашга олиб келди ва Россияни террор йўлига бошлади. Оқибатда эса бу типдаги дунёқараши жамият ва халқлар тақдирида гоъат салбий ўрин тутиши маълум бўлди. Ғарбда Маркснинг ҳозирги даврдаги тарафдорлари «неомарксизм» оқимини ташкил этадилар. Кўпгина неомарксистлар синфий курашни мутлақлаштирамаслик, инқилобий эмас, тадрижий сакраш йўлидан бориши устувор бўлиши лозимлигини эътироф эта бошладилар. Аммо уларнинг асл қарашларини жамият, миллат эмас, синф ва улар ўртасидаги кураш тараққиёти белгилайди, деган ўша таълимотга боғлиқлигича қолмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, яқингача собиқ Иттифоқ ва унинг иттифоқчилари ҳудудида мутлақ ҳукмрон бўлган мафкуранинг тақдирини ўрганиш, унинг тарихидан ҳолисона ҳулоса чиқариш, бу таълимотнинг қандай аянчли натижаларга олиб келганини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Бу борада лом-мим демаслик фойда бермайди. Зеро, таълимотлар тарихи — инсонлар, уларнинг тақдири, юксалиши ёки таназзули тарихидир. Бу юксалиши ёки таназзул кўп ҳолларда муайян гоълар, мафкуралар таъсирида рўй беради. Гоҳида минглаб, миллионлаб кишиларни мафтун қилган баъзи гоълар ёки мафкуралар охир-оқибат ана шу миллионларнинг заволига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Биз қисқа таҳлил қилган марксизм ва кейинроқ у пайдо бўлган ҳудудда шакланган национал социализм (фашизм) назариялари ана шу тарихий ҳақиқатни исботлайди. Бу ҳақиқатнинг остида эса бирор таълимот қадриятларини мутлақлаштириши, албатта, муайян «изм»га, ақидапарастликка олиб келади, бу ўз навбатида жаҳолат ва қабоҳатга элтувчи йўлдир, деган умуминсоний тамойил ётади.

XX асрга келиб жамият тарихий тараққиётига оид таълимотларни умумлаштириш натижасида ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели, «локал маданиятлар» ҳамда «цивилизацияларнинг хилма-хиллиги» концепциялари шаклланди. Уларга кўра, жамият тарихи — ўзига хос маданиятларнинг бирлиги эмас, хилма-хиллигидан иборат. Шу маънода у органик табиатдаги ҳаёт шакллари ра ранг-баранглигига киёсланади. Демак, табиат қандай хилма-хилликнинг бирлиги бўлса, жамият ҳам ана шундай ранг-барангликнинг уйғунлигидир. Жамиятда ҳам ҳамма ва ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор.

Бу ғоялар немис файласуфи ва социологи О. Шпенглер (1880-1936) ва инглиз тарихчиси А. Тойнби (1889-1975) таълимотларида ҳар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилинди. О. Шпенглер ўзининг «Европанинг сўниши» номли асарида тарихни бир — биридан мустасно бўлган маданиятлар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда мукамал ривожланган 8 хил маданиятни кўрсатади. Булар: араб, ҳинд, вавилон, хитой, юнон-рим, византия-араб маданиятлари, майя ва русс-сибир маданиятларидир. Маданиятлар ўзига хос диний асосга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири қатъий биологик маромга (ритмга) бўйсунди. Ва куйидаги асосий даврларни босиб ўтади: туғилиш ва болалик, ёшлик ва камолот, қариллик ва сўниш. Бунинг асосида маданиятлар ривожининг икки босқичи мавжуд, деб кўрсатилади. Биринчи босқич — маданият раванқи (соф маданият) ва иккинчиси — унинг таназули («цивилизация»).

О. Шпенглер европоцентризмга, яъни барча маданиятларни европалаштириш ғоясига қарши чиқди. Ҳар бир маданиятнинг ўзига хослиги, бир-биридан мустасно ҳолда ривожланиш ғоясини мутлақлаштирди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳам мавжудлигига кам эътибор қаратди.

Яна бир олим А. Тойнби эса ўзининг 12 жилдлик «Тарихни ўрганиш» асарида маданиятларнинг локал ривожланиш ғоясини давом эттирди. Бироқ унинг таълимоти Шпенглер концепциясидан ўзининг икки жиҳати билан фарқланади. Биринчидан, инсонда ўз ҳаётини эркин белгилаш имконияти мавжудлигини, тарихий тараққиёт зарурият ва эркинликнинг ўзаро бирлигидан иборат эканлигини назарда тутса, иккинчидан, тарихий тараққиётнинг даврий модели дунёвий динлар (буддизм, христианлик, ислом) нинг барча халқларни яқинлаштирувчи ва жипслаштирувчи бош омил ғояси билан бойитилган.

Тойнби Ғарб христиан цивилизациясининг таназулга қараб бораётганлигини кўрсатиб, унинг олдини олиш йўлини маънавий бирликда, жаҳон халқларининг ягона динни қабул қилишларида, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда жамият тараққиётининг цивилизация концепцияси кўпчилик файласуфлар томонидан тан олинмоқда. Хусусан, индустриал ва постиндустриал жамият ғоялари, айниқса, оммавийлашиб бормоқда. Унга қўра, жамият тараққиётининг бош мезони — саноатнинг ривожланиш даражасидир.

Шундай қилиб, XX асрга келиб ранг-баранг фалсафий таълимотлар шаклланди. Уларнинг барчасини мазкур мавзуда кўриб чиқиш имконияти бўлмаса-да, юқорида баён этилган маълумотлардан фалсафий плюрализм ҳақида, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканлиги тўғрисида муайян хулосага келиш мумкин. Бу соҳадаги билимларимиз, ўз навбатида бизнинг миллий ғоя ва мафкурамизни шакллантиришга, маънавиятимизнинг бойиб, мустаҳкамланиб боришига, интеллектуал камолотимизга хизмат қилади.

Таянч тушунчалар

Сциентизм, антисциентизм, неотомизм, неопозитивизм, прагматизм, герменевтика, структурализм, экзистенциализм.

Такрорлаш учун саволлар

1. XX аср фалсафасининг характерли хусусиятлари нималарда кўринади?
2. Экзистенциал фалсафанинг моҳияти нимадан иборат?
3. Неопозитивизмнинг асосий хусусиятлари қандай?
4. Структурализмнинг моҳияти нима?
5. Герменевтика нима?
6. Сциентизм ва антисциентизм нима?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. —«Фидокор» 2000 й. 8 июн.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 352 б.
5. XVII — XX аср Ғарб фалсафаси. — Т.: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, 2000. 14 — 41 бетлар.
6. Основы философии. (Под ред. Ахмедовой. М.А и Хана. В.С.) — Т: «Ўзбекистон», 1998. 190-202 бетлар.
7. Канке В.А. Философия. — М: «Логос», 1999. 112 — 137 бетлар.
8. Философский энциклопедический словарь. М 1999.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ОЛАМ ВА ОДАМ. ДУНЁНИ ФАЛСАФИЙ ТУШУНИШ

1-мавзу. Олам ва одам: фалсафий талқин

Режа:

1. Оламнинг моҳияти ва унда одамнинг ўрни.
2. Оламнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги.
3. Олам ва одам муносабатларини ўрганишнинг аҳамияти.

Олам ва одам муаммоларининг тарихий илдишлари. Бу мавзуга оид масалалар оламда одамнинг мавжудлиги ва яшаши, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Олам тўғрисидаги қарашлар одамзоднинг тарихи қанчалик қадимий бўлса, шунчалик қадимийдир.

Сиз билан биз яшаётган шу дунё ўзининг барча мураккаблиги ва муаммолари, жозибadorлиги ва бутун гўзаллиги билан ягона оламни ташкил этади. Олам тушунчаси, энг аввало, одам ва унинг фаолияти кечадиган маконни акс эттиради. Агар одам бўлмаганида эди, бу олам ҳақидаги тасаввурлар ҳам бўлмас эди. Демак, олам одам билан мазмундордир. Олам уни ташкил этувчи нарсалар билан биргаликда намоён бўлади. Ҳеч нарсаси йўқ олам йўқликдир. У мавҳум тушунча, яъни абстракциядир.

Қадимги даврлардан буён одам ўзини англагач, оламнинг таркибий қисми эканлигини тушуна бошлади. Дастлаб, унинг ҳаётини таъминловчи тирикчилик воситаларининг аҳамиятини тушуниб етди ва уларни эъзозлаш, авайлаб-асраш туйғуси шакллана бошлади.

Шу туйғулар, олам асосида ётувчи тўрт элементни: ҳавони, сувни, тупроқни ва оловни муқаддаслаштириш сингари ғоялар вужудга келди ҳамда олам тўғрисидаги содда космологик қарашлар пайдо бўлган. Айрим кишилар одамнинг тирикчилигини таъминловчи нарсаларни одам учун, унинг яшаши учун худо томонидан яратилган неъматлар деб билди. Бундай қарашдан олам одам учун яратилган деган маъно келиб чиқади. Аслида қандай? Бу фалсафий муаммодир.

Оламда одам яшаши учун қулай бўлган шароит бўлмаса-чи? Одамлар қаҳратон совуқ ҳукмронлик қиладиган доимий музликлар бағрида ҳам, ҳар доим иссиқлик тафтидан қовжираб ётувчи иссиқ ўлкаларда ҳам яшашади-ку. Ҳар бир жойда одам ўзига қулай шароит яратиш олишга интилади.

Одам ҳайвонлардек табиатдаги бор нарсалардан озикланиш билангина чегараланиб қолмасдан, уларни ўзига мослаштиришга, совуқ бўлса — иситишга, хом бўлса - пиширишга, иссиқ бўлса — совутишга интилади. Бу эса одамнинг оламга мослашишга интилиши оқибатидир. Яъни, оламни одам ўзига, ўз эҳтиёжларига мослаштиришга интилиб келган. Шу тарзда одам ҳам, олам ҳам такомиллашиб, ер юзи ўта «хонақиллаштирилган» оламга айланган.

Олам, энг аввало, тор маънода бу одам яшайдиган жой. Аслида одамзод ва ҳайвонот олами, ўсимлик ва ҳашаротлар дунёси, жисмоний, руҳий, маънавий олам ва бошқа шу сингари кўплаб тушунчалар бор. Улар дунёда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар номи билан аталади. Масалан, одамнинг руҳий олами унинг билим, тажриба ва ҳаёлотини ўз ичига олувчи ўта кенг қамровли тушунчадир. Бунда биз олам одам яшайдиган жой, деган маънога қараганда янада кенгрок мазмунга эга бўламиз.

Нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси биргаликда сиз билан биз мансуб бўлган дунёни ифодалайди. Аммо табиат, жамият ва инсон тафаккурининг асосида ётувчи ва уларни бирлаштирувчи шундай бир умумлаштирувчи тушунча ҳам борки, у объектив оламнинг мазмунини ифода этади. Бундай тушунча ҳақидаги тасаввурлар бутун фан тарихи мобайнида ривожланиб келган. Дастлаб, бу умумлаштирувчи тушунча, нарсаларнинг асосида нима ётади, деган нуктаи назардан келиб чиқиб, субстанция (лотинча, substantia — ниманингдир асосида ётувчи моҳият деган маънони беради) деб аталди.

Субстанция – муайян нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларнинг хилма-хил кўринишлари ички бирлигини ифода этувчи ва улар орқали намоён бўлувчи моҳиятдир. Оламнинг асосида битта моҳият — субстанция ётади, деб ҳисобловчи таълимотни монизм деб аташади. Файласуфлар субстанция сифатида бирор жисми, ҳодисани, материяни, ғояни ёки руҳни олишган. Субстанция сифатида моддий жисмларни, материяни олувчилар — материалистик монизм тарафдорлари. Ғояни, руҳни олувчилар эса – идеалистик монизм тарафдорлари ҳисобланадилар. Шунингдек, оламнинг асосида ҳам моддий жисм ёки материя, ҳам ғоя ёки руҳ ётади деб ҳисобловчи файласуфлар дуалистлар (дуализм лотинча, dualis — иккиланган деган тушунчани англатади) деб ҳисобланади. Арасту, Моний, Р. Декарт ва бошқалар дуалистлардир. Оламнинг асосида кўп

субстанциялар ётади деб ҳисобловчиларни эса плюрализм (лотинча pluralis — кўпчилик сўзидан олинган) тарафдорлари деб аташади.

Оламнинг асосида ётувчи моҳиятни ахтариш тарихи ҳам фаннинг узок ўтмишига бориб тақалади. Масалан, Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда, Миср ва Бобилда, Қадимги Ўрта Осиё ва Юнонистонда баъзи файласуфлар оламнинг асосида қандайдир модда ёки муайян унсур ётади, деб ҳисоблашган. Уларнинг баъзилари бу унсурни олов, бошқалари сув ёки ҳаво, айримлари эса — тупроқдан иборат деб ҳисоблашган. Баъзи бир фалсафий таълимотларда эса, оламнинг асосида — олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади, барча нарсалар ана шу тўртта унсурнинг бирикишидан ҳосил бўлган, дейилган.

Оламнинг асосида ётувчи субстанцияни ахтаришнинг яна бир йўли нарсаларнинг таркибидаги бўлинмас энг кичик унсурни, яъни нарсаларнинг таркибидаги умумий субстрат (лотинча substratum — асос маъносини англатади) ни ахтаришдир. Бундай йўналишга мансуб оқимлардан бири атомистик оқим ҳисобланади. Масалан, Қадимги Юнон файласуфлари Левкипп, Эпикур, Демокрит ва Лукрецийлар нарсаларнинг ва бутун оламнинг асосида энг кичик бўлинмас унсурлар атомлар ётади, улар ўзларининг шакли, ҳаракатланиши ва вазнлари билан бир-бирларидан фарқ қилади, деб ҳисоблашган.

Оламни англаш тўғрисида турлича, ҳатто бир-бирига қарама-қарши қарашлар мавжуд. Бундай қарашлар одамларнинг оламга ўз ўлчовлари билан қарашлари оқибатида пайдо бўлади. Биров учун олам яхши ва ёмон, оппоқ ва қора ранглardan ташкил топган, бошқа рангларнинг бўлишини у тасаввурига ҳам сиғдира олмаслиги мумкин. Бошқалар эса, оламни хилма-хил рангда, қирраларда кўради. Улар оқ билан қора оралиғида оқимтироқ ёки қорароқ ранглар ҳам бўлиши мумкинлигига эътибор қилишади.

Олам тушунчаси кенг қамровли ва кенг йўналишли тушунча бўлиб, маълум маънода воқеликка тизимли, яъни системали ёндошишни талаб қилади. Масалан, элементар заррачалар олами тушунчаси одамга маълум бўлган ва ҳали маълум бўлмаган барча элементар заррачаларни қамраб олади.

Агар биз яшаётган бутун коинотни элементар заррачалардан ташкил топган деб ҳисобласак, бу тушунча бутун коинотни ҳам акс эттириши мумкин. Ёки ўсимликлар олами тушунчасини олайлик. Бу тушунчага фақатгина ўсимликлар қиради, ҳайвонлар ва одамлар бу оламдан четда қолади.

Шу нуқтаи назардан олам тушунчаси нисбий моҳиятга эга. Баъзи кишилар олам деганда барча нарсаларни, жисмларни, ҳодисаларни қамраб олувчи универсал системани тушунади. Бу маънода олам космологик коинот тушунчасига мос келади. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз, бошқалар эса коинот маъносидаги оламни чекланган объект сифатида талқин этади. Чексизлик ва чегарасизлик тушунчалари нисбий маънога эга, бир системада чексиз ҳисобланган объект бошқа системада чекли бўлиши мумкин ва аксинча.

Диний-космологик қарашларда олам илоҳий қудрат кучи билан яратилган деб талқин этилади. Бу оламнинг вақтда бошланиши борлигига, яъни унинг чекли эканлигига ишорадир. Исломи динидаги космологик қарашларда ўн саккиз минг олам ҳақида гапирилади ва мазкур қараш бўйича биз яшаётган моддий оламдан ташқари, ундан мустақил бўлган кўплаб бошқа оламлар ҳам мавжуддир, дейилади.

Ҳозирги замон космологиясида ҳам фанга асосланган бир қанча концепцияларда олам ўткинчи, табиий равишда пайдо бўлган, деган ғоя илгари сурилади. Бу нуқтаи назарларда оламнинг пайдо бўлишидан олдинги ҳолати «ҳеч нима» ва «йўқлик» тушунчалари билан изоҳланади. Англиялик олим Стивен Локинг «Олам вужудга келмасдан илгари нима бўлган?» деган саволнинг мантиқсизлигини, вақтнинг фақатгина келажакка йўналган оқимини ифодаловчи модели воситасида асослашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, бу шимолий қутб нуқтасидан туриб қараганда, ҳамма нуқталар фақат жанубга олиб борадиган ҳолатни эслатади. Бундай ҳолат оламнинг бошланғич ҳолатидир. Вақтнинг келажакка олиб борувчи йўналишигина мавжуд бўлган ҳолати оламнинг бошланишидир. Бу ҳолатда ўтмиш йўқ, фақат келажак мавжуд.

Олам ҳақидаги диний тасаввурлар унинг келажаги, яратилиши ёки ўтмишига оид мураккаб масалаларни, асосан, илоҳий қудратнинг ҳосиласи сифатида талқин этади. Динда оламни «бу дунё» — ўткинчи олам ва «нариги дунё» — абадий оламга ажратиб тушунтиришади. Бу дунёдаги машаққатлари эвазига одам нариги дунёда роҳат-фароғатга муяссар бўлади, деган ғояга асосланилади.

Фан олам тўғрисида ўзига хос фикр юритади. Унда оламга оид мураккаб масалаларни амалий тажрибалардан келиб чиқувчи мантикий далиллар асосида исботлашга уринилади. Мавжуд илмий мантик доирасидан четга чиқувчи ҳодисалар эса изоҳланмайди. Айрим ажойибот ҳодисаларининг фан тадқиқот объектига киритилмаганининг сабаби ана шунда.

Фалсафа оламни изоҳлашда фаннинг, диннинг, санъат ва адабиётнинг, ҳуллас, фан билан биргаликда бошқа хилма-хил билимларга таяниб, умумлашган ҳулосалар чиқаради. Демак, фалсафадаги олам тушунчаси космологиядаги, диндаги ва бошқа билим соҳаларидаги олам тушунчаларига нисбатан бойроқ, сермазмунроқ ва кенгрокдир.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи оламни моддий олам дейишади. Айрим кишилар уни жисмоний, яъни физик олам деб аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи оламни маънавий олам дейишади. Айнан шу пайтда биз билан

биргаликда мавжуд бўлган олам актуал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган олам потенциал олам дейилади. Масалан, сизнинг бугунги кундаги талабалигингиз актуал оламга мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал оламга мансубдир.

Оламнинг мавжудлиги шубҳасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми реал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган олам виртуал олам деб аталади (виртуал сўзи латинча *virtualis* — эҳтимолдаги деган маънони беради). Аниқ маълум бўлган олам конкрет олам дейилади, ҳаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги олам образи абстракт олам дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум бўлган, тан олинган ҳаёти реал оламга мансуб бўлса, унинг ҳаёлий режалари виртуал оламга, унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет оламга, келажакка йўналган орзу-умидлари эса абстракт оламга мансубдир. Одам ўз режаларини реал оламга асосланиб тузса, потенциал оламининг конкрет реалликка айланиш эҳтимоллиги ошади.

Одам оламда бошқалардан ажралиб, яққаю ягона бўлиб эмас, балки ижтимоий ҳаёт кечиради ва жамоа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жамиятни ташкил этади. Одамлар жамиятдаги ўзаро муносабатлари, фаолиятлари, ўй-хаёллари, идеаллари, мақсад ва маслақлари билан биргаликда ижтимоий оламни ташкил этишади. Одамнинг жамиятдаги бошқалар билан биргаликдаги ижтимоий фаолияти, уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал оламларига боғлиқдир. Индивидуал олам, айти пайтда ташқи оламни ҳам, ижтимоий оламни ҳам акс эттиради, ўзида ифодалайди. Булар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Хуллас, олам ҳақидаги хилма-хил тасаввурлар мавжудликнинг энг умумий фалсафий тушунчаси шаклланишига асос бўлиб келди. Бундай тушунча борлиқ ҳақидаги тушунчадир.

Таянч тушунчалар

Олам, одам, монизм, дуализм, плюрализм, субстанция, субстрат, индивидуал олам, ижтимоий олам, реал олам, виртуал олам.

Такрорлаш учун саволлар

1. Олам тушунчасининг моҳияти ва мазмунини айтиб беринг
2. Оламнинг мураккаб тузилиши деганда нима тушунилади?
3. Реал, конкрет ва виртуал оламнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг?
4. Оламда одамнинг ўрни қандай?
5. Одам ва олам муносабатлари деганда нималар назарда тутилади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман: «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берилган жавоблар. — «Фидокор», 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
5. Основы философии. (Под ред. Ахмедовой. М.А и Хана. В.С.) — Т: «Ўзбекистон», 1998.
6. Философский энциклопедический словарь. М. 1999.

2-мавзу. Борлиқ фалсафаси

Режа:

1. Борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари.
2. Борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва реаллик.
3. Ҳаракат, фазо ва вақт, макон ва замон.
4. Борлиқ фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Борлиқ тушунчаси. Файласуфлар қадим замонлардан буён «борлиқ» ва «йўқлик» ҳақида баҳс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, моҳияти, хусусиятлари ва шакллари ҳақида кўплаб асарлар ёзишган. Хўш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан унга шу чокқача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу ҳолат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боғлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ – объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У ҳолда фикр, инсон тафаккури, ўй-хаёлларимиз борлиқ тушунчасидан четда қолар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг ҳосиласидир, деб жавоб беришади.

Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотни изоҳлайдиган қисми — **онтология** деб аталади. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор Х. Вольф қўллаган). Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу соҳаси ўрганади.

Йўқлик ҳеч нима демақдир. Ҳамма нарсани ҳеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, ниҳоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чекинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, қушандаси ҳам йўқликдир. Борлиқ йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир. Йўқликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ.

Борлиқ ҳақидаги концепциялар. Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ ҳақида турлича ғояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроғида вужудга келган зардўштийлик таълимотида борлиқ қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу ғоя бўйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа мавжудлик бахш этади.

Қадимги юнон файласуфи Сукрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсақкина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади, деб ҳисоблайди.

Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирган. Унинг фикрича, борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

Ислом таълимотида эса борлиқ бу илоҳий воқелиқдир. Яъни у Оллоҳ яратган мавжудликдир. Бу борада ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд таълимотлари бўлган.

Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлиқ ҳақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар. Масалан, Форобий фикрича, илк борлиқ азалий Оллоҳнинг ўзидир. Беруний фикрича, борлиқ шундай умумийликки, у ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлиқ ҳамма нарсанинг асосидир. Европада ўтган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борлиқни сезгиларимиз мажмуаси деб талқин этишган.

Ҳегел эса борлиқни мавҳумлик, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Кўпгина натурфалсафий қарашларда борлиқни ҳозирги замон билан, яъни шу ақтуал оламга боғлаб тушунтиридилар.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча бўлиб ўзига бутун мавжудликни, унинг ўтмиши, ҳозир ва келажакни ҳам қамраб олади. Файласуфлар борлиқни тушунтириш учун йўқлик тушунчасини унга антипод қилиб олишган ва шу асосда борлиқнинг зарурий моҳиятини очишга интилганлар. Материалистик адабиётларда борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлиқ ўзига объектив ва субъектив реалликни, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, ўтмиш ва келажакни, ўлимни ва ҳаётни, руҳ ва жисмни қамраб олувчи умумий тушунчадир.

Борлиқ ва мавжудлик. Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, ғоялар, ўй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига қиради.

Материалистик мазмундаги борлиқ тушунчаси таърифига фақат объектив реал олам, ондан ташқаридаги, унга боғлиқ бўлмаган жисмоний моҳиятга эга бўлган нарсаларгина киритилади. Борлиқнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташқарида қолади.

Аслида эса, борлиқ категорияси умумий абстракция бўлиб, мавжудлик белгиси билан барча нарса ва ҳодисаларни ўзига қамраб олувчи ўта кенг тушунчадир. У ўзига нафақат объектив реалликни, балки субъектив реалликни ҳам қамраб олади.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ тушунчадир. Мавжудлик — борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчасига қиради. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг учта соҳаси ажратиб кўрсатилади. Уларга: табиат борлиғи, жамият борлиғи, онг борлиғи қиради. Булар учун энг умумий белги, уларнинг мавжудлигидир.

Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиғи ва жамият борлиғининг қуйидаги шакллари ҳам фарқланади. **Табиат борлиғи** одатда табиатдаги нарсалар (жисмлар), жараёнлар, ҳолатлар борлиғи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиғи (ёки табиий табиат борлиғи, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиғи («иккинчи табиат» борлиғи, яъни маданият). Иккинчи табиат борлиғи эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда учрайди:

- **инсон борлиғи** (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиғи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиғи);

- **маънавий борлиқ** (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);

- **социал борлиқ** (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиғи ва жамият борлиғи), у ижтимоий борлиқ ҳам деб аталади.

Борлиқнинг моддий шакли материя ўзига барча жисмларни, ҳодисаларни, жараёнларни ва уларнинг хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари у тафаккурни ҳам, оламда мавжуд бўлган барча алоқадорликларни ва муносабатларни ҳам қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига хос умумийликни ахтаришнинг бир йўналиши моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш йўли бўлиб, юқорида қайд этганимиздек, субстанцияни аниқлаш йўлидир. Иккинчи йўл эса — моддий оламнинг асосий таркибига қирувчи «қурилиш элементларини»- субстратни ахтариш йўли. Учинчи йўл — ҳамма нарсанинг вужудга келтирувчи бош сабабчисини, ота моддани, яъни праматерияни ахтариш йўли. Мана шу йўл ҳақида махсус тўхтаб ўтайлик.

Оламнинг субстанциясини ахтаришнинг бу усули гўёки мева истеъмол қилаётган киши, унинг келиб чиқишини ахтариб, дастлаб дарахтга, сўнгра унинг гулига, баргига, кўчатига ва уруғига назар солганидек, атрофимиздаги моддий оламнинг ўзагида дастлабки яратувчи модда сифатида нима ётишини, яъни илк материяни, азалий материянинг «бобоклонини», «праматерияни» ахтариш усулидир.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг майдонга келишига ва ривожланишига сабабчи бўлди. Материя тушунчаси моддий унсурга нисбатан ҳам, атомга нисбатан ҳам, праматерияга нисбатан ҳам умумийроқ бўлган тушунчадир. Материя оламдаги барча моддий объектларни, бутун объектив реалликни ифода ётувчи энг умумий тушунчадир. Файласуфлар «Том маънодаги материя фақат фикрнинг махсули ва абстракциясидир» деб ёзишади. Файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча материя деб аталади. Демак, материя моддий объектларга хос энг умумий тушунча, фалсафий категориядир.

Албатта бу таърифларни бир ёқлама мутлақлаштириб тушунмаслик лозим. Бу таърифларда кўпроқ сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши мумкин бўлган реаллик назарда тутилган.

XX асрнинг ўрталарига келиб, квант механикаси, нисбийлик назарияси ва ҳозирги замон космологияси соҳаларидаги илмий ютуқлар кишиларнинг объектив олам ҳақидаги тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, табиатшунос олимлар сезгиларимизга бевосита таъсир этишининг имкони бўлмайдиган реалликлар ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб бора бошлади.

Оламнинг классик механика нуқтаи назаридан келиб чиқиб, нисбатан кичик тезликда ҳаракатланувчи системалар ҳақидаги илмий манзараси ўрнини янгилаш илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя ҳақидаги тасаввурларнинг янада ривожланишига шароит туғдирди. Бу ўзгаришларни ҳисобга олиб, марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки билвосита (яъни турли асбоблар; қурилмалар воситасида) таъсир ётувчи, деган қўшимча киритишди. Шундай қилиб, бу таъриф гўё материянинг моддавий ва номоддавий шакллари, яъни модда ва антимодда кўринишларини қамраб олувчи таърифга айланди.

Материалистлар материяни объектив реаллик, деб таърифлашади. Объектив реаллик инсон сезгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида мавжуд бўлган воқелиқдир. Бу бутун мавжудликнинг субъектив реалликдан ташқаридаги қисми ҳисобланади. Объектив реалликнинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, борлиқнинг ажралмас хусусиятларини ўрганишга тўғри келади. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти лотинча «атрибут» сўзи билан аталади.

Борлиқнинг атрибутлари. Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари бўлади. Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. «лар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг

ва бошқалар. Борлиқ ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари, яъни ажралмас туб хусусиятлари ҳақида тўхтаб ўтайлик.

Ҳаракат. Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предметлар ва ходисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улғайиш, раванқ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракат бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракатнинг манбаи ҳақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

Ҳаракатнинг турлари ҳақидаги мулоҳаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли ҳаракатга фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик ҳаракат нуқтаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Механик, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар ҳаракат шакллариининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг Куёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади.

Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. **Ривожланиш** бу — муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган ҳолда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда бетўхтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташки сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида ҳам бетўхтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан таркалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташки таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг турғунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташки таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган Куёшдаги равожланишни олиб қарайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, ҳозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга бўлган Куёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни Куёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда Куёш шиша бошлайди ва Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, қизил карликка, сўнгра эса «қора карликка», кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари ҳам ўрганилади.

Материалист бўлган файласуфлар ҳаракат шакллари туркумлаганида, қуйидаги мулоҳазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жаҳатдан кетма-кет боғланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шакллари билан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шакллари ҳам мансубдир, ammo ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулоҳазаларга таянган ҳолда, ҳаракатнинг бешта шакли ажратиш олиш мумкин. Улар — механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ҳаракатлардир.

Фалсафада ҳаракат шакллари туркумлашнинг бир қанча бошқа кўринишлари ҳам бор. Айрим олимлар ҳаракат шакллари ҳар бир фаннинг номи билан боғлаш керак, деб ҳисоблашади. Бундай қарашнинг ҳатолиги шундаки, фанларнинг кўпчилиги ҳаракат шакли эмас, балки миқдорий муносабатлар ва ҳолатларни акс эттиради. Масалан геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизикли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганади? Кибернетика эса ҳам табиатда, ҳам жамиятда амал қилувчи бошқариш жараёнларини ўрганади, яъни бу фан битта эмас, балки бир қанча ҳаракат шакллари қамраб олади.

Ҳаракат шакллари турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий концепция ҳам диққатга сазовордир. Мазкур концепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати), химиявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади, 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг таракқиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда ҳаракат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда – ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда – одамнинг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизикли, батартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажagini башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Борлиқнинг асосий яшаш шакллари фаза ва вақт киради. **Фазо** нарсаларнинг кўламини, ҳажмини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, **вақт** ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, ҳажмга эга. Фазо — вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фазо ва вақт тушунчалари, кўп ҳолларда, форсий тил таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон деб ҳам аталади. Бу тушунчалар фазо ва вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, холос. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ҳодисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фазо ва вақтни тушуниш бўйича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Фазо ўзига нарсаларни сиғдирувчи субстанция. Ҳеч нарса ийқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин, дейилади. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий ўлчамга эга, дейишади.

Ҳеч нарса ийқ фазонинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни кўз олдингизга келтиринг. Илгариги, Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

Фазо ва вақтнинг хусусиятлари. Фазо ва вақт борлиқ миқдорий ва сифатий жиҳатларни ифодалашига қараб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вақтнинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий

муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир. Уларга кўлам, бир жинслилик, изотроплик (анизотроплик) каби хусусиятлар киради.

Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса, борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга узуксизлик, боғланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради. Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик каби хусусиятлар қўшилади.

Фазо (вақт) нинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуктасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиғдириш мумкин бўлади. Ўлчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам бўлган системага нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятларини кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боғланган фазо кўп боғланган фазога айланиши мумкин.

Асосий тушунчалар

Борлиқ, йўқлик, мавжудлик, реаллик, материя, ҳаракат, ривожланиш, фазо, вақт.

Такрорлаш учун саволлар

1. Борлиқ ва йўқлик тушунчалари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Мавжудлик ва реаллик нима?
3. Ҳаракат ва унинг асосий шакллари тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Фазо ва вақт, макон ва замон қандай маъноларни англатади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман: «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавоблар. – «Фидокор» 2000 йил 8 июн.
3. Основы философии. — Т: «Ўзбекистон», 1999.
4. Канке В.А. Философия. — М: «Логос», 1999.
5. Философский энциклопедический словарь. М. 1999.

3-мавзу. Табиат фалсафаси

Режа:

2. Табиат, унинг тузилиши ва ривожланиши.
3. Табиат ва жамият, уларнинг ўзаро алоқаси.
4. Ердаги ҳаёт ва биосоциал эволюция.
5. Табиатни фалсафий тушунишнинг аҳамияти ва экологик тарбия.

Табиат ва жамият ҳақидаги конкрет фанлар борлиқнинг ўз предметларига мос келувчи муайян хусусиятларинигина ўрганеди. Борлиқнинг умумий хоссалари ҳақида эса, фалсафа фани тадқиқот олиб боради.

Табиат объектларининг тузилиши ҳақида. Бизнинг теварак-атрофимизни хилма-хил кўринишдаги, шаклдаги турли-туман моддий объектлар ўраб олган. Улар турли хил хоссаларга ва хусусиятларга эгадир. Бир пайтлар ҳамма жисмлар материянинг бўлинмас шакли атомлардан ташкил топгандир, деган тасаввур ҳукмрон эди. Атомларнинг мураккаб тузилганлиги ҳақидаги фаразлар бизнинг асримизга келиб узил-кесил тасдиқланди.

Ҳозирги замон фанларининг хулосаларига кўра, атрофимиздаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан тузилган. Атомлар мураккаб тузилган ядро ва электрон қобиклардан иборат. Атомнинг электрон қаватлари бир-биридан ва атом ядросидан муайян узоқликда жойлашган бўлади. Энг содда атом ҳисобланувчи водород атомининг ядроси битта протондан, мураккаброқ атомларнинг ядроси эса, протон ва нейтронлардан ташкил топади, протон ва нейтронлар кварклар ва уларни туташтириб турувчи глюонлар (глюон-ёпиштирувчи деган маънони беради) дан ташкил топгандир.

Протон ва нейтрон нуклонлар (лот. nucleus — ядро, ўзак) ҳисобланади, нуклонлар ва ҳиперон (юн. hyper-устиди, юқоридан ташқари) лар, барионлар (юн. barys-оғир) дейилади. Булар оғир заррачалар сифатида кучли ўзаро таъсирлар майдонида бўлиб, адронлар (юн. adros-кучли) группасига мансуб.

Органик ва аорганик моддалар молекула тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Жонли организмлар органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонли организмларнинг таркиби асосида хужайралар ва хужайра системалари ётади. Ер шари атрофини қуршаб турувчи биосферани бир бутун жонли система деб олиш мумкин. Микроорганизмлар, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси ва инсоннинг ўзаро алоқадорликлари бу биосферанинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Ер шари ва ўз атрофида ҳаракатланувчи Ой билан бирга йилда бир марта Қуёш атрофини айланиб чиқади. Бу система ҳам биосферага ўз таъсирини ўтказиши. Ер юзиди минтақаларнинг фарқ қилиши, фаслларнинг алмашинуви ана шу система ҳаракати билан боғлангандир. Қуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи сайёралар, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, метеоритлар, кометалар ва кичик планеталар биргаликда Қуёш системасини ташкил этади. Қуёшдан энг узоқда жойлашган планета Плутон унинг атрофини 247 ярим йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади, яъни Ер йили — 365,25 кунга тенг бўлса, — Плутон йили 247та Ер йилига тенгдир.

Қуёш системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига олувчи Галактика (Сомон йўли) таркибига киради. Унинг диаметри 94,6 млн. ёруғлик йилига тенг. Ундан кейинги система галактикалар тўпи бўлиб, унинг диаметри 1 мегапарсекка тенг, у 30 тагача галактикани ўз ичига олади (1 парсек (3,26 ё. й). Кейинги система – галактикаларнинг маҳаллий тўпи, унга 2 та гипергалактика ва 27 та митти галактикалар киради. Мажмуада 500 тагача галактика бўлади, унинг диаметри -5 мегапарсек. Галактикалар мажмуаси галактикаларнинг ўта мажмуасига бирлашади, унинг диаметри 40 мегапарсек бўлиб, ўзида 10 мингдан зиёд галактикани бирлаштиради. Ўта йирик мажмуалар коинотнинг бошқа структуравий бирликларига киради. Коинотнинг радиуси эса 15 — 20 млрд. ё.й. тенгдир.

Бу системаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, борлиқнинг моддий кўринишларини турли хил структура даражаларига ажратиш мумкин.

Сифатий жиҳатдан материя икки хил шаклда, кўринишда учрайди: моддасимон ва номодда кўринишида. Материянинг моддасимон кўринишдаги шакллари иккига, модда ва антимоддага ажралади. Булар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар тўқнашганда кескин сифатий ўзгариш рўй беради, яъни модданинг моддавий кўриниши номоддавий кўринишга айланади. Материянинг номоддавий кўриниши ҳам икки хил шаклда учрайди: майдон ва нурланиш. Муайян майдондаги нурланишлар физик вакуумда (физик вакуум физик жисмлардан холи бўлган жой) моддий заррачаларнинг ҳосил бўлишига имкон беради. Хуллас, булар ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Материянинг биз юқорида қайд этган кўринишларидан бошқача

кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг табиати ҳали фанга маълум эмас. Агар биз борлиқнинг моддий кўринишларини тузилиши жиҳатидан туркумлаштирсак, борлиқнинг структура даржалари ҳақидаги хулоса ҳосил бўлади.

Табиат борлиқининг структура даражалари. Биз теварак атрофимизга назар ташласак, умуман борлиққа эмас, балки, муайян жисмларга, нарса ва ҳодисаларга кўзимиз тушади. Сиз билан биз инсон сифатида Ер шарида истиқомат қиламиз, ўзимизга мос келувчи ўлчовлар билан иш юритамиз. Биз одатланган ўлчовдаги катталикларни макроскопик катталиклар, деб ҳисоблаймиз ва бу **макродунё**ни ташкил қилади.

Шу нуқтаи назардан борлиқнинг структура даражаларини миқёсий-структура ва ташкилий-структура даржаларига ажратамиз. Борлиқдаги объектлар миқёси билан фарқ қилувчи учта миқёсий структура даражаларига ажралади. Улар: микродунё, макродунё ва мегадунё. **Микродунё** атом миқёсидан кичик бўлган дунёдир. Бу дунёга атом структураси ва элементар заррачалар, атом ядроси, кварклар, кернлар киради. Бу дунёнинг яхлитлигини ва турғунлигини сақлаб турувчи иккита фундаментал куч мавжуддир, улар кучли ва кучсиз ядровий ўзаро таъсирлардир.

Кучли ўзаро таъсирлар атом ядросининг структуравий яхлитлигини сақлаб турса, кучсиз ўзаро таъсирлар атом структурасининг яхлитлигини таъминлайди. Молекулалар тузилишидан тортиб, Ер шарининг яхлитлигини сақлашгача хизмат қилувчи куч электромагнит ўзаро таъсирларидир.

Электромагнит ўзаро таъсирлари туфайли молекулалар бирикмалар ва Ердаги барча ҳаётий жараёнлар ўзининг структуравий бирикларини сақлайди. Агар электромагнит ўзаро таъсирлари бўлмаганда эди — Куёш нурлари (яъни электромагнит нурланишлари) Ерга етиб келмаган бўлар эди ва Ерда ҳаётий жараёнлар шаклланмаган бўлар эди.

Ер, унинг табиий йўлдоши Ой ва бошқа сайёралар Куёш атрофида ҳаракатланади. Бу системанинг ва умуман бутун Коинотнинг структуравий яхлитлиги эса гравитацион ўзаро таъсирлари туфайли сақланади. Гравитацион ўзаро таъсирлари бириктириб турган дунё — **мегадунё** деб аталади.

Улар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир, шунингдек, улар бир-бирига алмашилиши ҳам мумкин. Ҳозир мегадунё ҳисобланган коинотимиз бундан 15-20 млрд. йил муқаддам ўта кичик микроскопик объект бўлган, деган тахминлар бор. Шунингдек, биз микрообъект деб ҳисоблаётган элементар заррача нейтрон ўзининг ичида миллиардлаб юлдуз ва галактикаларига эга бўлган бутун бошли Коинот бўлиши ва аксинча, диаметри бир неча миллиард ёруғлик йилига тенг бўлган улкан Коинотимиз ҳам четдан кузатаётган кишига ўта кичик элементар заррача ҳисобланиши ҳам мумкин. Борлиқнинг структуравий тузилишини унинг сифатий ривожланиши нуқтаи назаридан олиб қарасак, моддий олам бу ҳолда ҳам учта даражага ажралади. Унинг ташкилий структура даражаларини: анорганик дунё (нотирик табиат), органик дунё (тирик табиат) ва ижтимоий дунё (жамият) га ажратилади. Улар бир-биридан хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги билан фарқ қилади.

Анорганик дунё ёки нотирик табиатда физикавий ва химиявий алоқадорликлар ҳукмронлик қилади, шу туфайли нотирик табиатдаги қонуниятлар шу табиат фанлари доирасида чекланган бўлиб, тирик дунёга нисбатан пассив ва ташкилий уюшганлиги паст даражада бўлади.

Тирик табиатда яъни органик дунёда эса биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли унинг уюшганлик даражаси юқори, фаолроқ ва мураккаброқ тузилган бўлади.

Ижтимоий дунё даражасида эса, юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятга хос бўлган ижтимоий алоқадорликлар ҳам иштирок этади. Бундай дунёнинг тузилиши ниҳоятда мураккаб бўлиб, борлиқ бу даражада ўзининг ўта уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва юқори даражада фаоллигини намойиш қилади. Бу дунёнинг структуравий элементи бўлган ҳар бир инсон жамиятга хос бўлган барча алоқадорликларни ўзида акс эттиради ва ижтимоий муносабатларда, алоқадорликларда онгли равишда, мақсадга биноан, муайян мўлжалларни олдиндан белгиллаган ҳолда ҳаракат қилади.

Бу борада оддий бир мисол келтирайлик. Масалан, қўлингиздаги китобни ҳам ҳар хил, бир-бирига ўхшамайдиган, аммо бир касбдаги олим ва мутахассислар ёзишган. Агар сиз, масалага ижтимоий дунёнинг тузилиши нуқтаи назаридан баҳо бермоқчи бўлсангиз, унда мазкур китобнинг қайси қисми қандай ёзилгани, кимнинг қандай фикрлаши, мавзунини содда ва халқчил тушуинтира олиши ёки мураккаб тилда баён қилишига эътибор беринг. Шунда масала бироз ойдинлашади. Худди шундай ҳолни сизга турли фанлардан дарс бераётган ўқитувчилар мисолида ҳам кузатишингиз мумкин. Кейин эса, ўзингиз ва ўртоқларингизнинг дарсларга, китобларга, уларни ўзлаштириб, ўқиб ва уқиб олишига, ҳаётга муносабатингизга виждонан баҳо бера олсангиз, бу борадаги мураккаб жараёнларни муайян даражада тўғри англаб олишингиз мумкин. Ҳолбуки бу — бор-йўғи сиз, ўқитувчиларингиз ва мазкур китобни ёзган кишилар ҳаётининг кичик бир қисмидаги жараёнлар, холос. Ҳаёт эса ниҳоятда мураккаб, унда бир вақтнинг ўзида, бирваракайига қанчадан-қанча воқеа ва ҳодисалар кечади. Масалан, сиз ҳозир ана шу сатрларни ўқияпсиз, жисмингиз ва хаёлингизда, атрофингизда,

сиз билан бирга яшаётган, сиз биладиган ва билмайдиган одамлар жисми, онги ва қалбида не-не ўзгаришлар, жараёнлар кечмоқда... Демак, табиат доимий ўзгаришида ва ҳаракатда, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишида, ривожланишида ва тараққиётда. Сиз ва бизнинг умримиз эса, ана шу чексизликнинг бир лаҳзаси, жисмимиз ва жонимиз ҳам азалий ва абадий ўзгаришлар жараёнидаги оламнинг мўъжизасидир. Бу оламда айнан сиз ва бизнинг дунёга келганимиз ҳам ана шундай мўъжизадир. Биз эса мана шу ёруғ оламда ўтганларнинг келажакдаги авлодлар билан боғланишида бир ҳалқамиз, холос ва айнан ана шундай бўлганлиги учун ҳам табиат, жамият, ривожланиш ва тараққиёт қаршисида доимий қарздормиз. Бу қарздорлик дунёга бизгача келганлар ва кетганлар, келадиганлар ва келмайдиганлар, кела олганлар ва кела олмаганлар руҳи қаршисидаги чуқур масъулият ҳиссидир.

Инсон томонидан ном қўйилган дунёлар ҳеч қачон бир-биридан ажралиб, алоҳида ҳолда мавжуд бўлмаган. Улар ҳам бир-бири билан узвий алоқадорликларда бўлади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Одатда, камроқ алоқадорликларга эга бўлган система унга нисбатан кўпроқ алоқадорликларга эга бўлган системага қарганда мураккаброқ ва ташкилий жиҳатдан уюшганроқ бўлади. Бу ерда ҳам ана шу қоида амал қилади.

Анорганик дунёда инъикоснинг энг содда ва қуйи шакли — механик инъикос фаолият кўрсатса, органик дунёда унга нисбатан мураккаброқ кўринишдаги биологик инъикос намоён бўлади. Бундай инъикоснинг ўзига хос бўлган томони танловчанлик, сесканувчанлик ва максадга мувофиқ ҳаракат қилишдир, жамиятда эса, инъикоснинг энг олий шакли социал инъикос фаолият кўрсатади. Бу инъикос ўзида инъикоснинг бошқа шакллари ҳам қамраб олган бўлади. Онгли ва юқори доирада уюшган фаол инъикос, алоқадорлик, хатти-ҳаракатлар ижтимоий дунёга хосдир.

Борлик шаклий структура даржаларининг балки биз ҳали билмайдиган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар ҳали бизнинг тушунчаларимиз доирасига сиғмайди. Хуллас, борлиқнинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жиҳатидан, энергия ва информация алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарқ қилади.

Ҳаёт нима? Борлиқнинг энг мураккаб шакллари билан бири ҳаёт ва унинг моҳияти ҳақида тўхталайлик. Биз ҳаёт эканмиз, оламни биламиз. Ҳаётнинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутаяди. Ҳаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаётидир. Бу инсон руҳияти, онги, тафаккури билан чамбарчас боғланган. Ҳар бир одамга бир маротабагина ҳаёт кечириш имконияти берилган. Инсоннинг кадр-қиммати шу ҳаётни қандай ўтказганлиги билан ўлчанади.

Одамнинг табиати ва ҳаёти у яшаётган жамиятдаги ижтимоий муҳитга ҳам боғлиқ. Фаровон жамиятда инсонлар ҳам фаровон ҳаёт кечиришади. Қашшоқ жамиятда эса қашшоқлик томир отади. Демак, жамиятимизни қанчалик фаровон қилсак, унда яшайдиган инсонларнинг, келгуси авлодларимизнинг ҳаёти ҳам шунчалик бахтли ва фаровон бўлади.

Ҳаётнинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти такрорланмас ва ўзига хосдир. Балки станокнинг бир детали ўрнига бошқа детални қўйиш билан натижа ўзгармас ёки бир ишчининг ўрнига бошқа ишчини қўйиш билан станок тўхтаб қолмас. Аммо бир отанинг ўрнини бошқа ота, бир дўстнинг ўрнини бошқа дўст бола олармикин? Шундай экан, ҳар бир одам такрорланмас ва ўз ўрнида кадрли. Инсонни, унинг ҳаётини кадрлаш муҳим ижтимоий вазифадир.

Инсоннинг яхши ҳаёт кечириши, бир томондан, у яшаётган жамиятга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, табиий муҳитга боғлиқ. Бутун тарихий тараққиёт давомида инсон билан табиат ўртасидаги муносабат такомиллашиб борган. Инсон табиий муҳитсиз, сув, ҳаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай қулай шароит инсон учун фақат Ер шарида мавжуддир.

Ернинг ҳаёт тарқалган қисми биосфера деб аталади. **Биосфера** тирик организмларнинг ҳаёт кечириш муҳитидир. Агар Ер шари Қуёшга яқинроқ жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат кўтарилиб кетган бўлар эди ва оқибатда ердаги намлик, сув йўқолар эди. Агар у Қуёшдан узокда жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат пасайиб, ҳамма жой мангу музлик билан қопланар эди. Хуллас, ҳар иккала ҳолатда ҳам ер юзасида ҳаётнинг пайдо бўлишига имконият йўқолган бўларди. Яна бошқа ҳолни олайлик: Қуёш системаси Галактика марказига янада яқинроқ жойлашганда эди, ер юзасида кучли гравитация таъсирида нарсаларнинг вазни оғирлашиб, инсондек мураккаб жонзоднинг, балки умуман ҳаётнинг пайдо бўлишига шароит бўлмаган бўлар эди. Аксинча, Қуёш системаси Галактикамиз марказидан ҳозиргига нисбатан четда жойлашганда ҳам, гравитация кучининг заифлиги айрим химиявий ва биологик жараёнларнинг рўй беришига халақит берган бўлар эди. Бунинг оқибатида ер юзасида ҳаёт пайдо бўлмас эди. Демак, инсон ўзи учун энг қулай бўлган жойда яшайди ва бунга шукур қилса арзийди.

Инсоннинг табиий муҳитга таъсири қадимги даврларда ўта кучсиз бўлган. Даврлар ўтиши билан инсон қўлида қудратли куч ва қувват манбалари тўплангач, унинг табиатга таъсири сезиларли даражада ўзгара бошлади. Инсон атроф-муҳитни ифлослантириб, биосферадаги табиий мувозанатни издан чиқара бошлади.

Бу масаланинг ечилиши инсоннинг ақл-идрок кучи билан боғлангандир. Инсон ақл-идрокининг оламга таъсир кўрсатиш чегараси **ноосфера** деб аталади. Инсон ўзлигини англамас экан, унинг сайёрамизга ҳалокатли таъсири кучайгандан кучайиб, охир-оқибатда унинг ўзини ҳам ҳалокатга олиб бориши мумкин, деган илмий башоратлар бор. Ҳақиқатан ҳам инсон фаолияти ақл-идрок билан оқилона бошқарилмас экан, у ер юзининг ҳалокатини тезлаштириши муқаррардир.

Ҳозирги замондаги экологик муаммолардан бири ҳам инсон фаолияти томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва бу ҳалокатни тўхтатиб қолишдан иборат. Бу оламни қай даражада яхши билиб олишимиз ва унинг ҳаётига нисбатан масъулиятни англашимизга боғлиқдир. Инсон жамиятда ва табиатда тугган ўз ўрнини тўғри англаса, атроф муҳитни ҳам авайлаб-асрайди, ер юзини гуллайтиб яшнатади.

Таянч тушунчалар

Табиат, табиий муҳит, биосфера, ноосфера, ҳаёт, экология.

Такрорлаш учун саволлар

1. Табиат деганда нимани тушунасиз?
2. Жонли ва жонсиз табиат тушунчаларининг маъносини тушунтириб беринг.
3. Табиат ва жамият алоқалари деганда нималар назарда тутилади?
4. Биосфера ва ноосфера нима?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Ислон Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман: «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. — «Фидокор» 2000 й. 8 июн.
3. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.
4. Основы философии. — Т: «Ўзбекистон», 1998.
5. Канке В.А Философия. — М: «Логос», 1999.
6. Философский энциклопедический словарь.. М. 1999.

4-мавзу. Ривожланиш ва ўзаро алоқадорликнинг умумий қонуниятлари. Фалсафий қонунолар.

Режа:

1. Ўзгариш ва тараккиёт жараёнида такрорланиш тамойили. Қонун тушунчаси, унинг моҳияти ва фалсафий талқини.
2. Воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддият диалектикаси. Унинг табиат ва жамиятдаги хусусиятлари.
3. Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида. Тараккиётда тадрижийлик тамойили.
4. Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили. Ворислик ва янгилиниш.

Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши, ривожланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро таъсир каби масалалар қадимдан мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар ўртасида турли баҳс, мунозара, тортишувларга сабаб бўлган. Чунки улар тўғрисида аниқ билимга эга бўлмасдан туриб, олам ва унинг тараккиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида ҳамда, энг асосийси, келажак ҳақида илмий тасаввурга эга бўлиш қийин.

Атрофимиздаги жамики нарса-ҳодисалар, яъни энг майда заррачалардан тортиб то Ер, Қуёш, Коинотгача барчаси, шу жумладан, кишилик жамияти ҳам, доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир. Улар ўртасида абадий ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир ва алоқадорлик мавжуд. Оламда ўз-ўзидан, тасодифий равишда ҳеч қандай ҳаракат ҳам, ўзгариш ҳам юз бермайди.

Боғланишларнинг турлари. Биз нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишига улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос бўлади, деймиз. Албатта, оламдаги ҳар қандай боғланиш ҳам ривожланишга сабаб бўлавермайди. Чунки бу боғланишларнинг кўлами, моҳияти, таъсир кучи ва доираси турлича. Боғланишларнинг ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган ва ҳоказо боғланишларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, оламда бошқа воқеа ёки ҳодисалардан алоҳида, улар билан боғлиқ, ўзаро алоқадорликда ва таъсирда бўлмаган бирорта ҳам воқеа ёки ҳодиса мавжуд эмас. Демак, ўзаро боғланиш ва таъсир натижасида нарса-ҳодисаларда ўзгариш содир бўлади. Лекин, барча ўзгаришни ҳар доим ҳам бирданига, яққол сезиш мумкин эмас. Чунки оламнинг намоён бўлиши турли даражада бўлганлиги сабабли, ўзгаришлар ҳам турличадир.

Масалан, янги туғилган чақалоқнинг бир ҳафта, бир ой, ярим йил мобайнидаги ўзгаришини, яъни улғайишини ёки бўлмаса, табиатдаги қиш фаслидан баҳор фаслига ўтишидаги ўзгаришларни оддий кўз билан яққол сезиш мумкин. Лекин бирон жонсиз предмет, масалан, Ер қаъридаги ички жараёнларни маълум даврдан кейин сезиш мумкин. Ана шу сабабдан ҳам одамлар zilzilалар, вулқонлар отилиши каби офатлар қаршисида лол, гоҳида эса гафлатда қолиб келмоқдалар. Яъни ташқи факторлар (инсон фаолияти, ёруғлик, иссиқлик, намлик, атмосфера босими) натижасида рўй берган ўзгаришларни кўз кўради, қулоқ эшитади. Хуллас, улар осон англаб олинади, очиқ-ойдин намоён бўлади. улардаги ўзаро боғлиқликни ҳам осон кўриши, илғаш мумкин. Ана шундай осон кўриши ва илғаш мумкин бўлган, очиқ-ойдин рўй берадиган воқеа, ҳодиса, натижага нисбатан «зоҳирийлик» тушунчаси, моҳиятини илғаш қийин бўлган ва мураккаб ички сабаблар натижасида кечадиган жараёнлар ва ўзгаришларга нисбатан «ботинийлик» тушунчаси қўлланилади. Ўрта асрларда, айниқса тасаввуф фалсафасида бу икки тушунчага алоҳида эътибор берилган.

«Ҳаракат» тушунчаси «Борлиқ фалсафаси» мавзуида ёритилганлиги сабабли, бу ерда унинг қуйидаги қисқа таърифи билан чекланамиз: ҳаракат деб оламдаги ҳар қандай ўзгаришга айтилади. Ривожланиш тушунчаси эса қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон илгарилаб борувчи ҳаракатни ифодалайди. Лекин бу жараён гоҳ тўғри чизиқли, гоҳ аста-секин кенгайиб борадиган спиралсимон шаклдаги ҳаракатдан иборат бўлиши мумкин.

Бунда доимий бир томонга, масалан, вақтнинг ўтмишдан келажакка томон ўтиши ҳам, лекин маконда воқеа ва ҳодисаларнинг такрорланиши, замонда орқага қайтишлар ҳам содир бўлиб туради. Баъзида тараккиётнинг маълум бир босқичида олдинги босиб ўтилган давр такрорлангандек бўлади, аммо бу илгаригидан фарқ қиладиган, бошқачароқ тарздаги такрорланишидир.

Ҳеч қачон бир хил тонг отмайди, деб бежиз айтмайдилар. Ҳолбуки, ҳар куни тонгда ўша Қуёш чиқади, ўша тоғу тошларни, боғу биёбонларни, биз яшаётган заминни ёритади. Одамлар ҳам, иш ва табиивилар ҳам ҳамон ўша-ўшадек. Кимдир ишга шошади, кимдир ўқшига, кимдир яна илгариги кундек бекорчиликдан зерикади... Аммо дунё ўзгармадими бу бир куннинг ичида? унда минглаб болалар туғилмадими, сон-саноксиз жараёнлар рўй бериб, Ер сайёрасининг турли бурчакларидан бошқа жойларга қанчадан-қанча ахборотлар тарқатилмадими? Она

замин ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланишини давом эттирмадими? Буларнинг барчаси бир куну-тунда рўй берган ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг намоён бўлишидир.

Қонун тушунчаси. Дунёнинг мавжудлиги ана шундай ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборатдир. Бу такрорланишлар эса ўз моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолганликларидан қонун ва қонуният тусини олган.

Масалан, биз Ньютон томонидан кашф этилган бутун олам тортишиш қонунини ўрганганимизда ана шундай ҳолни идрок этганмиз. Бу қонуннинг асосий моҳияти бутун оламдаги нарсаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги тамойилининг доимий такрорланиши, ҳар сония ва ҳар дақиқада бу ҳолатнинг содир бўлиб туришини исботлайди.

Хўш, қонун ўзи нима? У киши ва умуман, жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Қонунни билмасдан, ўрганмасдан туриб яшаш мумкинми? Қонун тушунчаси кундалик ҳаётимизда нисбатан тез-тез ишлатиб туриладиган тушунчадир. Хусусан, физика ёки кимё қонунлари деймиз, табиат қонуни ёки бўлмаса, иқтисодий қонунлар, юридик қонунлар ва ҳ. к. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг учинчиси ҳам қонун тўғрисида бўлиб, унда барча соҳада қонуннинг устуворлиги таъминланиши таъкидланади. Юқоридагиларни бирлаштириб турадиган, барчаси учун ҳам умумий бўлган хосса, хусусиятлар борми?

Энг аввало, шунини айтиш керакки, оламдаги барча нарса — табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Фанларнинг (ижтимоий, гуманитар, табиий ва ҳ. к.) асосий вазифаси ҳар бир соҳа бўйича тадқиқот ўтказиб, қонунларни кашф қилиш ёки уларнинг амал қилиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришдан иборат.

Қанча кўп қонун кашф қилинса, тараққиёт шунча тез бўлади. Тараққиёт қонунларини билмасдан туриб, ривожланишга эришиш қийин. Яқин ўтмишда иқтисодиётнинг ўзига хос қонунларини писанд қилмай, турли хил съезд, пленум, конференция қарорлари асосида экспериментлар ўтказиб, барча учун фаровон ҳаёт — коммунизм жамиятини барпо қилмоқчи бўлишганини ва бундай сиёсат қандай оқибатларга олиб келгани барчага маълум.

Ҳозир мустақил Ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бормоқда. Бунда умумбашарий қонунлар ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Энди шундай савол: **Нима учун инсон қонунни билиши керак?** Бунда оддий мисолларга мурожаат қиламиз: ёз ойларида барча одамлар иссиқ кийимлар (этик, пальто, қўлқоп ва ҳ. к.) сотиб олишади, ўтин ёки қўмир ғамлаб қўйишади ва ҳ. к. Нима учун? Чунки улар табиатнинг битта қонунини, яъни фаслларнинг ўзгариши, ёздан кейин куз, ундан кейин қиш келишини жуда яхши билишади.

Ёки яна бир, жўнроқ бўлса-да, мисол: сизга биров уйнинг 5-қаватидан ташласанг, фалон пул бераман деса, рози бўлмайсиз. Нима учун? Чунки сиз И. Ньютон кашф қилган «Бутун олам тортишиш қонуни»ни яхши биласиз. Балки билмасиз ҳам, ҳавонинг ўз жисмингиздан зичлиги камлигига эътибор қилмасиз ҳам, дейлик. Аммо сиз бу ҳолда омон қолишингиз қийинлигини, майиб бўлишингизни яққол тасаввур қиласиз.

Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доирасида эркиндир. Эркинлик нима? Эркинлик англаб олинган заруриятдир. Ҳар қандай қонунга хос белгилардан бири зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошиш, ўз-ўзидан намоён бўлишидир. Эркинлик эса ана шу зарурийликни англаб олиш ва унга амал қилишдан иборат фаолиятни англатади.

Юристарларда шундай ибора бор: «Қонунни билмаслик жавобгарликдан холос қилмайди». Ана шу туфайли сиз юридик қонунларни қанча яхши билсангиз, ўзингизнинг фаолиятингизни шунга мослаб олиб борасиз. Демак, шунча эркин бўласиз. Бу ҳолда сиз нима қонуний, нима эса қонуний эмаслигини яхши биласиз, қонунга хилоф қадамлар қўймайсиз.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб, қонунга қўйидагича таъриф бериш мумкин: **Қонун** оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Энди қонуннинг белгиларига тўхталамиз:

- қонун турли-туман алоқадорликлар, боғланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боғланишларни ифодалайдики, булар оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва ундаги нарса ҳамда ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиққан бўлади;

- қонун зарурий боғланишларни ифодалайди, яъни тасодифий боғланишлар, гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб кетадиган боғланишларга асосланмайди.

- қонун нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланишларини ифодалайди.

Конун нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланишларни (муносабатларни) ифодалайди, яъни бир сафар юз бериб, иккинчи сафар юз бермайдиган боғланишларни конун қамраб олмайди. Масалан, 2001 йили қишдан кейин баҳор келиб, 2002 йилда қишдан кейин бирданига ёз келишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу табиат қонуни — фасллар ўзгариши қонуни доирасига кирмайди.

Табиат қонунларининг яна бир энг муҳим хусусияти — у объектив характерга эга, яъни у инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ эмас. Бирор киши, ҳатто миллатнинг иродаси билан ҳам, табиат қонунига туб ўзгартириш киритиш ёки уни бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас. Чунки бу қонунларнинг асосини ташкил қилган боғланишлар, муносабатлар объектив хусусиятга эга.

Оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса бир-бирини тақозо қиладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно қиладиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат. Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши ҳам одатий ҳол. Масалан, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жаҳолат ва ҳ. к. Қарама-қарши томонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Фараз қилайлик, магнитнинг манфий заряди бўлмаса, у ҳолда ушбу нарса магнит бўлолмайди.

Борлиқ нарса, воқеа-ҳодисаларнинг турли-туманлигидан иборат. Лекин нарсалар қанчалик хилма-хил, турли-туман бўлмасин, улар ўртасида яқинлик, айнанлик мавжуддир. Масалан, стол ва стул сифат жиҳатидан турли нарсалардир. Лекин барибир улар ўртасида ўхшаш томонлар, белгилар бор. Айтайлик, уларнинг ё ранги ёки бир хил материалдан ясалганлиги ёки бўлмаса, вазни ўхшаш бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Айният тушунчаси нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ҳодисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто дарахтнинг бир шохида ёнма-ён турган 2 барг ҳам бир-биридан фарқ қилувчи баъзи жиҳатларга эга. Ҳеч бўлмаганда, улар бир-биридан макондаги ўрни билан фарқ қилади.

Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, бир-бирига ташқи томондан тамомила ўхшаш бўлган Ҳасан ва Хусанларда ҳам жуда кўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-атвор, кизикиш тури, дунёқарашлар ҳар хил бўлиши, яъни уларнинг ички дунёлари фарқ қилиши мумкин. Демак, **тафовут** нарса — ҳодисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

Қарама-қаршилик деб эса, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва шу билан бирга бир-бирини инкор этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади.

Қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни **зиддият** деган тушунча ифодалайди. Кўп ҳолларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир махражга келиши, меъерий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгиланиш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳал қилинишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндр.

Собиқ Иттифокнинг мафқураси даражасига кўтарилган марксизмда асосан зиддиятга кўпроқ эътибор берилар эди. У мутлақлаштирилар ва жамиятга кўчирилиб, асосан, антогонистик зиддиятлар тўғрисида гапирилар ва уларнинг ечилиши инсониятни бахтли ҳаётга олиб боради, дея ҳаёл қилинар эди. Ҳолбуки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида айният ва тафовут ҳам, зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Одамзод зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган ғоялари уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни куриш учун бош қотириб келмоқда.

Ану шундай интилишлар фанда «Конфликтология» (конфликт — зиддият, логос- таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиш пайдо бўлишига олиб келган. Бу соҳа билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар конфликтологлар деб аталади. Улар конфликтларни келтириб чиқариш эмас, балки уларнинг олдини олиш ва жамият учун фойдали тарзда ҳал қилиш йўллари ва усуллари устида бош қотиришади.

Ҳар бир зиддиятнинг аниқланиши, ҳал қилиниши ўзгаришга, янгиланишга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишга сабаб бўлади. Олам турли-туман бўлганлиги учун зиддиятлар ҳам хилма-хилдир. Масалан, ички ва ташқи зиддиятлар, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар мавжуд. Улар ўртасида фарқ бўлгани билан бирга, мутлақ чегара ҳам йўқ. Чунки амалда, ҳаётда улар бир-бирига ўтиши, биргаллашиб кетиши ва тараққиётда турли хил ўрин тутишлари мумкин.

Оламнинг мавжудлиги — **миқдор ва сифат воқелиги** тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъерни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-биридан ўз сифати билан ажралиб туради. **Сифат** — нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини

ифодалайди. Сифат нарса қандай бўлса, уни шундайлигича кўрсатиб беради, жисмнинг барча ташки хоссаларини боғлиқликда намоён қилади.

Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг ўзгариши, муқаррар суръатда, хоссанинг ўзгаришига олиб келади. Бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари, бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. **Миқдор** предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ҳодисалари каби ижтимоий ҳодисалар ҳам миқдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма оғирлигига, қайнаш ва музлаш даражасига эга. Бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, меҳнат унумдорлиги, маданияти ва ҳоказолар билан ҳам фарқ қилади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган, яъни сифати бўлиб миқдори, миқдори бўлиб аксинча, сифати бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги **меъёр** тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин бўлмаган ҳолатга олиб келади.

Ҳар қандай нарса ва ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният қуйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ ҳолатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу ҳолатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдорий ўзгаришлар чегарадан чиқиши билан сифатнинг барқарорлиги бузилади. Натижада сифат йўқолиб, янги сифат юзага келади. Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтиши билан бирга сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига ҳам ўтади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Чунончи:

- биринчидан, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳатто ҳодисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдорий ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади;

- иккинчидан, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача нарсаларга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100° гача суюқлик ҳолатини йўқотмайди, кейин эса буғга айланади, сифатини ўзгартиради. Демак, сифат ўзгаришлари ҳодисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ҳодисага айланишини такозо қилади;

- учинчидан, миқдор ўзгаришлари аста-секин амалга ошади ва кўп ҳолларда сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим ҳолатда тўсатдан содир бўлади;

- тўртинчидан, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фалсафий тушунча бўлиб, тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган жараён дир.

Сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ҳодисаларнинг узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тўсатдан бўладиган ҳолатгина эмас, балки янги сифат элементлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

Сакрашнинг турлари ўз ҳарактерига кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг ўзига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йўқ қилиш ва янги ижтимоий тузумни ўрнатадиган ижтимоий жараёнлар, тадрижий ривожланиш орқали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турга бўлиш мумкин: биринчиси — портлаш йўли билан бўладиган сакрашлар, иккинчиси секин-аста, тадрижий йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тезлик билан юз беради ва қутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, ҳатто салбий ҳолатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади.

Шундай қилиб сакраш қуйидаги жиҳатларга эга:

- биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараёндир;
- иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир;
- учинчидан, сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишдир;
- тўртинчидан, сакраш оламнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан иборат. Борлиқнинг ҳамма соҳасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашиниши инкор деб аталади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида **ўз-ўзини инкор этиш тамойили** ниҳоятда муҳим. Бунда **ворислик** – эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши **инкорни инкор қонунининг** моҳиятини билдиради.

Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқелиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият ҳолларда, эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади.

Инкор тушунчаси кундалик онгда «йўқ», сўзи билан қўшилиб кетади, инкор қилмоқ — «йўқ» демакдир, бирор нарсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қилади. Диалектикада инкор қилиш тўғридан-тўғри «йўқ» дегани эмас, яъни нарсани мавжуд эмас, деб эълон қилмоқ ёки уни ҳар қандай усул билан йўқотиб ташламоқ эмас.

Инкорни диалектик тушуниш янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боғлиқ эканлигини ҳам ифодалайди.

Инкорни инкор қонунини тушуниш учун уни нега шундай деб аталишини изоҳламоқ лозим. Фалсафанинг бу таълимотини икки марта такрорланувчи инкорда ифодаланиши оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб бориши ва оқибатда, ривожланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади.

Бу қонунга кўра, ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ҳодиса ўзигача бўлган сифат ва миқдор инкор этилишининг маҳсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ҳодисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг ўзгариши, вақтнинг ўтиши билан инкор этилишга маҳкумдир. Демак, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзгариши ва ривожланиши ҳаммиша икки ва ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади. Инсоният тарихи – авлодлар алмашинуви тарихидир, дейилганида ҳам ана шундай ҳол назарда тутилади.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг муайян ҳалқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилар такрорланади. Масалан, дон ўсимликдан яна донларга айланади, кейинроқ яна ўсимликка ва ҳоказо.

Инкорни инкорнинг амал қилиши туфайли тараққиёт тўғри чизик шаклида эмас, доира шаклида бўлади, унинг охири нуқтаси бошланғич нуқтага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув унинг охири нуқта билан туташини бўлмасдан, балки юқори босқичда содир бўлиши сабабли тараққиёт спирал шаклга эга бўлади. Бу спиралнинг ҳар бир янги ўрама олдинги ўрамага нисбатан юқорироқ босқичда юзага келади.

Диалектик инкор янги билан эски ўртасидаги боғланишни буткул рад қилади, деб тушунмаслик керак. Янги қанчалик илғор бўлмасин, у йўқ жойдан пайдо бўлмайди, балки эскининг қобиғида аста-секин шаклланади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда эскидан янгига ўтиладиганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланиш давом эттирилади. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир. Инкорни инкор қонуни тараққиётда ворислик ва қайтарилувчанликнинг бирлигини тавсифлайди. Диалектик инкорнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини илмий англашда катта аҳамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани

бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу — халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислоҳ Каримовнинг янгисини қурмасдан, эскини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида яққол ўз асосини топган.

Таянч тушунчалар

Боғланиш, алоқадорлик, такрорланиш, қонун, қонуният, айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият, миқдор, сифат, инкор, инкорни инкор, ворислик, янгиланиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қонун нима?
2. Табиат ва жамият қонунларининг қандай хусусиятлари бор?
3. Оламдаги айният ва зиддият ҳолатларига мисоллар келтира оласизми?
4. Миқдор ва сифат нима? Меъёр-чи?
5. Инкор нима? Инкорни инкор-чи?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. «FIDOKOR» газетаси, 2000 йил 8 июн.
5. Основы философии. — Т., Ўзбекистон, 1998.
6. Фалсафа. — Т., Шарқ, 1999.

5-мавзу. Мавжудлик, ўзгариш, боғлиқликнинг асосий шакллари. Фалсафий категориялар

Режа:

1. Мавжудлик, ўзгариш ва ўзаро алоқадорлик намоён бўлишининг асосий тамойиллари.
2. Фалсафий категориялар тизими, уларнинг мазмуни.
3. Фалсафа категориялари ўртасидаги боғланишлар ва уларнинг ҳозирги даврда намоён бўлиши.
4. Ёшлар тарбиясида фалсафий категориялар тўғрисидаги билимларнинг аҳамияти.

Ҳар қандай фаннинг ўзига хос қонунлари ва асосий тушунчалари бўлади. Масалан, физикада физик қонунлар, оғирлик, тезлик, куч каби тушунчаларга жуда кўп дуч келиши мумкин. Уларнинг аксарияти бу фан тарихида чуқур из қолдирган машҳур олимларнинг номи билан боғланган. Масалан, физикада Ньютон, Фарадей, Авагадро ва ҳоказо. Математикани эса Пифагор, ал-Хоразмий, Карл Гауснинг қонунларисиз тасаввур қилиши қийин. Худди шундай фалсафанинг фанлик мақомини белгилайдиган асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими ҳам бор. Уларни ўрганишдан аввал, қонун ва категория тушунчаларининг мазмунини аниқлаб олиш зарур. Анъанавий тавсифларга кўра, «Қонун» фалсафий категория сифатида нарса ва ҳодисалар ривожланиши жараёнидаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, доимий такрорланиб турувчи, ички ўзаро боғланишлар, алоқалар, муносабатларнинг мантиқий ифодаси эканлигини кўриб ўтдик. Энди категорияларнинг моҳияти ва мазмуни билан қисқа танишайлик.

Категория ўзи нима? Бу сўз қадимги юнон тилидан олинган бўлиб: «изоҳлаш», «тушунтириш», «кўрсатиш», деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик қадимги даврларданок илмий тадқиқот йўналишига айланган.

Фалсафа тарихида уларни биринчи бўлиб, Арасту таърифлаб берган. У ўзининг «Категориялар» деган асарида уларни объектив воқеликнинг умумлашган инъикоси сифатида қараб, туркумлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, унингча қуйидаги категориялар мавжуд: «моҳият» (субстанция), «миқдор», «сифат», «муносабат», «ўрин», «вақт», «ҳолат», «мавқе», «ҳаракат», «азоб-уқубат». Бу туркумлаштириш, ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Арасту «Метафизика» асарида «моҳият», «ҳолат» ва «муносабат» категорияларини ҳам изоҳлаган.

Умуман, категорияларни фалсафа тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Арасту бошлаб берганлиги эътироф қилинади. Маълумки, унгача Юнонистонда кўпроқ политика ва риторика (нотиқлик санъати) фанлари системалашган, яъни фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда кўшинни, мамлакатни ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга бўлган. Аммо ўша даврларда фалсафанинг қонунлари, категориялари ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга туширилмаган, изчил баён қилинган билимлар системаси сифатида шакллантирилмаган эди. Ҳатто Юнонистоннинг машҳур олими ва мутафаккири Сукротни ҳам ана шундай, ҳали гўёки шаклланмаган фан билан шугуллангани ва ёшларни бу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўғри тарбиясига сабаб бўлганликда айблаган ҳам эдилар. Бу ҳол Сукротнинг буюк шогирди Арастунинг мазкур фанни аниқ система тарзида ифодалашга киришиши учун тўртки бўлган. Олим фалсафанинг қонун ва категорияларини биринчи марта системалаштирган, таърифлаган ва фалсафани фан даражасига кўтарган. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, категориал тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

XVII-XIX асрларга келиб, фалсафий категориялар таҳлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И. Кант қарашларида категориялар «сифат» (реаллик, инкор, чегаралаш), «миқдор» (бирлик, кўплик, яхлитлик), «муносабат» (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), «модаллик» (имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новокелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изоҳланган. Кантдан фарқли ўлароқ, Ҳегел эса мантиқий категорияларни: «борлик» (сифат, миқдор, меъёр), «моҳият» (асос, ҳодиса, мавжудлик), «тушунча» (объектив, субъектив, абсолют ғоя) тарзида изоҳлаган.

Фалсафа фанининг категориялари ҳақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатидаги қуйидаги тавсифлари бор: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борликнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий — мантиқий билиш даражаларидан бири. Кўпчилик мутахассислар категориялар олам, ундаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодалайдиган кенг мазмундаги тушунчалардир, деган фикрга қўшиладилар. Бу маънода борлик, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг ана шундай категорияларидир.

Фалсафада ўз хусусиятларига кўра, «**жуфт категориялар**» деб аталадиган; умумий боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ҳодисаларнинг муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик. Улар нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон-замон муносабатларини конкрет тарзда намоён қилади. Умумийлик – оламдаги алоҳида, индивидуал тарзда намоён бўлаётган нарса – ҳодисаларнинг турфа, хилма-хил умумлаштирувчи хосса ҳамда хусусиятларнинг муштараклашган ҳолда намоён бўлишидир. Алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабат «хусусийлик» категорияси орқали ифодаланadi. Биринчидан, бу категорияларнинг мазмуни оламнинг бирлиги, уларнинг мантикий ифодаси конкретлик бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ҳодисаларнинг макон-замон конкретлигини ифодалайдиган, нисбатан мустақил мантикий тушунчалар тарзидагина намоён бўлиши мумкин. Зеро, уларнинг нисбатан мустақиллиги, ички бирлигининг намоён бўлиш шаклидир.

Фалсафий адабиётларда, билишнинг умумий тенденциясини алоҳидаликдан хусусийликка ва шу босқич орқали умумийликка ўтиш тарзида ёки аксинча, изоҳлаш кенг тарқалган. Ваҳоланки, фалсафий билишнинг асосий хусусияти ва мақсади ҳар қандай алоҳидаликнинг индивидуал хусусиятларини умумийликдан фарқлашдан иборатдир. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жамият таракқиётининг умумий қонунияти бўлса ҳам, бу жараён турли ижтимоий-тарихий макон ва замонда ҳар бир давлат учун ўзига хос бўлган моделни тақозо қилади. Алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини аниқлаш асосида, махсус усул ва воситаларини қўллаш бозор стратегияси ва тактикасининг миллий хусусиятларини белгилашга ёрдам беради.

Алоҳидалик ёки, баъзи фалсафий адабиётларда кўрсатилганидек, яқкаликни муайян хосса ҳамда хусусиятга эга бўлган нарса ва ҳодисаларнинг макон ва замондаги чегараланган конкрет ҳолати, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ходиса ва нарсанинг ички сифат муайянлиги, индивидуаллиги дейиш мумкин.

Антик фалсафада алоҳидалик категориясининг мазмуни муайян турғунликка эга бўлган бирлик сифатида қаралган (Афлотун, Арасту). Ҳегел, алоҳидаликни воқеаларнинг зарурий шакли, макон ва замондаги тафовутларнинг намоён бўлиш моменти сифатида қарайди.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик масаласида алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини мутлақлаштириш натижасида муайян қарашлар вужудга келиши мумкин (Бу ҳақда «Осиёцентризм» ва «Европацентризм» тўғрисида эслаш кифоя).

Ваҳоланки, умуминсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланишида муайян ички бирлик мавжуд бўлиб, маданият тарихида ҳар бир халқ, миллат ўз ўрни ва аҳамиятини намоён қилади. Шунинг учун умуминсоният цивилизацияси таркибидаги миллий маданиятни мутлақлаштириш, муайян сиёсий манфаатларга асосланган бўлиб, буюк давлатчилик, шовинистик қарашлардан бошқа нарса эмас. Бу XX асрнинг 30-йилларида фашизм мафқурасини шакллантирган асосий сабабалардан бири эди.

Алоҳидаликни, умумий қонуниятлар таркибидаги, элементларнинг индивидуал ривожланиш жараёни сифатида олиб қараш керак. Чунки ҳар қандай умумийлик, дастлаб воқеликнинг алоҳидалиги тарзида вужудга келади. Шунга кўра, ҳар қандай система ўз таркибидаги нисбатан янги, алоҳида ҳодисаларнинг индивидуал ривожланишисиз содир бўла олмайди. Шундай қилиб, алоҳидалик воқелик ривожланишининг хилма-хил шакллари вужудга келтиради.

Нарса ва ҳодисаларда алоҳидаликларнинг конкрет хусусиятлари ўртасидаги боғланишлар, бир томондан, умумийликни намоён қилиш билан бир қаторда, уларнинг муайянлиги ва мазмуни ҳам белгилайди. Иккинчи томондан эса, умумийликнинг конкретлиги алоҳидаликлар системаси тарзида намоён бўлади. Бу системага структуралӣ ёндашиш билишнинг нисбатан тўлақонли бўлишини таъминлайди. Масалан, муайян жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ўзига хос бўлган йўналишларини вужудга келтирган. Яъни, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, диний экологик ва бошқа шу каби ижтимоий муносабатлар умумий маданият таркибида «иқтисодий маданият», «ҳуқуқий маданият», «сиёсий маданият», «экологик маданият» ва бошқа нисбатан мустақил йўналишларга асос бўлган. Бу маданият йўналишлари нисбатан мустақил бўлса ҳам, бир-бирини тақозо қилади. Уларнинг ички бирлиги ва ривожланиш тенденцияси умуминсоният цивилизацияси манфаатларидан келиб чиққан бўлиб, умумий таракқиёт даражасига мос келади.

Фалсафанинг бу категорияси билан «бутун», «қисм» «структура», «система», «элемент», категориялари ўртасида узвий боғлиқлик ва муайян фарқлар мавжуд. Яъни «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнидаги боғланиш, алоқадорлик муносабатларининг яхлитлигини нисбатан мустақил ифодалаш бўлса, «бутун», «қисм», «структура», «система», «элемент», категориялари эса, уларнинг макон ва замондаги боғланиш муносабатларини жараён тарзида ифодалашдир. Шу нуқтаи назардан, бутунни – умумийлик, қисмни ёки элементни – алоҳидалик тарзида олиб қараш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, муайян ўхшашлик бўлишига қарамадан, системани умумийлик тарзида қабул қилиш мумкин эмас. Бунда система

турли даражадаги умумийликларнинг мажмуи ҳам бўлиши мумкин. Умуман, нарса ва ҳодисаларни таркибий жиҳатдан «бутун», «қисм», элементларга ажратиш билишга хос нисбий ҳодиса бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Шунга кўра, юқорида айтилган ҳар иккала категориялар тизими билишнинг босқичи сифатида эмас, балки усули сифатида олиб қаралиши керак.

Система, структура, элемент фалсафанинг муҳим категорияларидан бўлиб ҳисобланади. Система – грекча сўз бўлиб, мантиқий маъноси бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикма, деган маъноларни англатади.

Система категориясининг мазмуни, уни ташкил қилган элементларнинг структуравий муносабатларига мос келади. Шу нуктаи назардан, билиш жараёнидаги системалаштириш, назарий фаолият сифатида, уларнинг ташкил қилинган таркибий элементларини тарихий-мантиқий изчил тартибга келтириш билан изоҳланади. Хусусан, бу элементларнинг функционал фаолиятини, аҳамиятига кўра туркумлаштириш, муҳим методологик аҳамиятга эга, чунки инсоннинг борлиқни билиш фаолияти система структурасидаги элементларнинг мавжудлик ҳолати ва ривожланиши объектив қонуниятларини ўрганиш асосида, уларни мақсадга мувофиқ ташкил қилишга қаратилган. Яъни, инсоннинг объектив реалликни назарий билишга асосланган: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш фаолиятлари самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги турли категориялардан унумли фойдаланиши билан характерланади.

Система — нарса ва ҳодисаларнинг боғланишлари, алоқадорлиги ва муносабатининг тартибли тадрижий ривожланишини ифодалайди. Структура эса, нарса ҳодисалар боғланиши, алоқадорлиги ва муносабатлари тизимининг макон ва замондаги бирлигини таъминлайдиган системанинг мавжудлик ҳолатидир. Умуман, структура (лотин тилида тузилиш, тартиб деган маънони англатиб), системани ташкил қилган элементларнинг нисбатан турғун боғланиш, алоқадорлиги ва муносабатидир. Ҳозирги мавжуд фалсафий қарашларда структурани системанинг аспекти сифатида қараш устувордир. Системани ташкил қилган элементларнинг структуравий тузилиши унинг мавжудлик ҳолатини ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаб туради. Масалан, табиатдаги атомларнинг таркибий тузилишлари хусусиятларига қараб, моддий оламнинг хилма-хил кўринишлари, ДНК ёки РНК ларнинг ўзаро ички муносабатлари, хромосомалар хилма-хиллиги, тирик организмлар турли-туманлиги аниқланган. Улар умумлашган ҳолда, моддий оламнинг объектив реаллиги тарзида мавжуд бўлса ҳам, моддийликнинг конкрет структурасига эга бўлган системалардир. Борлиқни ташкил қилган элементларнинг муносабатларига, макон ва замон хусусиятларига қараб, уларни «ички структура» ва «ташқи структура» га ажратиш мумкин.

Элемент системани ташкил қилган структуранинг ўзаро боғланиш, алоқадорлик, муносабат жиҳатларини таъминлайдиган нисбатан мустақил таркибий қисмидир. Жамиятда элемент ижтимоий муносабатларнинг конкрет кўринишлари тарзида намоён бўлади. Масалан, жамиятни яхлит система деб оладиган бўлсак, ундаги элемент алоҳида индивидлар, ижтимоий қатламлар, табақаларнинг онгли муносабатлари тарзида кўзга ташланади. Яъни, жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатлари структуравий тузилишни ташкил қилган. Ўз навбатида, системани тўлалигича билиш, унинг структуравий тузилишидаги ҳар бир элементнинг функционал фаолиятини алоҳида таҳлил қилишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, инсонларнинг нарса ҳамда ҳодисаларга муайян манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра ёндашишига қараб, ҳар бир элементни нисбатан мустақил система сифатида олиб қараш мумкин. Масалан, маънавият жамият структурасида, уни ташкил қилувчи муҳим элементларнинг бири ҳисобланади, лекин маънавиятни, махсус ижтимоий ҳодиса сифатида алоҳида олиб таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ички элементлардан иборат мустақил системалигини кўрамиз. Шунга кўра, система, структура ва элемент нисбий тушунчалар бўлиб, категориялар сифатида, унга бўлган муносабат доирасида конкретлашади.

Шунинг учун «система», «структура», «элемент» каби фалсафий категориялар нарса ва ҳодисаларни билишга системали ёндашиш, структуравий таҳлил усулларининг умумметодологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Элементларни системани ташкил қилишдаги структуравий аҳамиятига кўра: муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва асосий бўлмаган элементларга ажратиш ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай конкрет элемент, муайян системада макон-замон хусусиятларига кўра, ўз аҳамиятига эга бўлади. Бироқ, уларнинг аҳамиятини, юқорида кўрсатилганидек, туркумлаштириш мутлақо нисбий ҳамда шартли характерга эга бўлиб, муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишдан келиб чиқади. Шунга кўра, конкрет макон ва замонда системани ташкил қилишдаги элементларнинг аҳамияти структуравий функциясида муқобилликлар вужудга келиб туриши билан изоҳланади. Яъни, системадаги унинг характерини белгилаб турган муҳим элемент, маълум вақтга келиб муҳим бўлмаган элементга айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Умуман, фалсафанинг система, структура, элемент категориялари нарса ва ҳодисаларнинг мазмунини, шаклини очиб беришда методологик асос бўлади.

Фалсафа фанидаги анъанавий тарзда ёзилган дарсликлар, ўқув кўланмаларидан фарқли ўлароқ, бу категорияларни қиёсий таҳлил қилишимиздан мақсад, бошқа жуфт категорияларнинг мазмунини очиб бериш имкониятини яратишдир. Чунки, «моҳият ва ҳодиса», «мазмун ва шакл», «сабаб» ва оқибат», «зарурият ва тасодиф», «имконият ва воқелик» категорияларининг мазмуни, юқорида кўрсатилган «алоҳидалик»,

«хусусийлик» «умумийлик», «бутун», «қисм», «структура», «элемент», категориялари мазмуни билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун биз фалсафа категорияларини бир-бирини тақозо қилувчи, нисбатан мустақил билиш усулларининг яхлит системаси тарзида олиб қарашни лозим топдик. Лекин, бунинг учун ҳар бир категориянинг мазмунини алоҳида таҳлил қилиш зарур.

«Моҳият ва ҳодиса» категориясини олиб кўрайлик. Моҳият-ўзида алоҳидалик, махсуслик, умумийликнинг мазмунини, сабабини, заруриятини, имкониятини, бутун, қисм, система, структура, элемент тарзида намоён қилади. Ҳодиса эса, уларнинг боғланиши, алоқадорлик ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Моҳиятни алоҳидалик, махсуслик, умумийлик, бутун, қисмга мос келишига қараб, туркумлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, субъект назарида аҳамиятига ва функциясига кўра, асосий ва асосий бўлмаган, нисбатан барқарор ёки ўзгарувчан моҳиятларга ажратиб, уларнинг ривожланиши жараёнида ўрнини алмаштириб туришларини эътиборга олиш зарур.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш уларнинг инсон эҳтиёжларини қондириш вазифаси ва мақсадларини конкретлаштиришдан иборат. Масалан, жамият устқурмасининг сиёсий элементи бўлган давлатнинг мақсади ва вазифаси, уларни амалга ошириш усул ҳамда воситалари мамлакат ҳудудида яшаётган кишиларнинг муайян ҳаёт шароитларини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг моҳиятини ташкил қилади. Шунга кўра, ҳар қандай моҳиятни одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига, цивилизация келажагига боғлаб таҳлил қилгандагина, у аҳамиятга эга бўлади.

Нарса ва ҳодисаларни билиш ҳамда ўзгартиришга инсон муайян эҳтиёжлар асосида ёндошади. Бу ёндошиш субъектив характерга эга бўлиб, унинг конкрет эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Масалан, чанқаган киши учун сув унинг чанқоғини қондириш, физик учун-агрегат ҳолати, электр тоқини ўтказиши ёки оптик хусусиятлари, химик учун, унинг H_2O кимёвий бирикма сифати, тегирмончи учун-тегирмон паррагини айлантириш хусусиятлари асосий моҳият ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисалар доимий ривожланиб туриши жараёнида, уларнинг моҳияти ҳам, шунга мос тарзда ҳодиса ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам, унинг муқаррар ўзгарган ҳодисасида ифодаланади. Масалан, сувнинг электр тоқини ўтказиш хусусияти, унинг температурасига боғлиқлиги аниқланган. Агар биз сувнинг температурасини маълум даражада кўтарсак, унинг электр тоқини ўтказиш хусусиятини ўлчайдиган асбоблар бу ўзгаришларни қайд қилмаслиги мумкин. Лекин, бундан сувнинг моҳиятини ифодалайдиган электр тоқини ўтказувчанлик хусусияти йўқолган, деган хулоса келиб чиқмайди.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳият ва ҳодиса тарзида боғланишлари макон ва замондаги муайян конкретлиги билан ажралиб туради. Моҳият ва ҳодиса ўз хусусиятларига кўра система, структура ва элементларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ҳодисани ва моҳиятни таҳлил қилишда аниқ тамойилларга асосланиш лозим.

Мазмун ва шакл. Фалсафада мазмун ва шакл категорияси нарса, ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш жараёнини билиш усули сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазмун - нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланиши бўлиб, уни бошқа системалардан фарқини белгилайдиган алоқадорликлар ва муносабатларини ифодалайди.

Шакл эса – системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланишлари, алоқадорликлари, муносабатларининг ифодаланишидир. Ҳозиргача фалсафий адабиётларда мазмун ва шакл ўртасидаги боғланишларни бир-бирдан ажратиб таҳлил қилиш анъанавий характерга эга. Яъни, мазмуннинг ўзгариши шаклнинг ўзгаришига олиб келади, деган хулоса устувор бўлган. Ваҳоланки, системанинг элементлари структуравий боғланишларсиз, алоқадорликларсиз мавжуд бўлиш мумкин бўлмаганлигидек мазмун ва шакл ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Биз фақат нисбатан мустақил бўлган мазмун ва шаклни билиш хусусиятига қараб, шундай мантиқий хулосага келишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шаклдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам бир-биридаги ўзгаришларни тақозо қилади, фақатгина биз уларни билиб олган ёки билмаган бўлишимиз мумкин. Масалан, сувнинг агрегат ҳолати, шакли ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради. Яъни, сув буғ ҳолатида чанқокни қондирмайди, ўсимликларни суғориш учун ярамайди. Бундан ташқари, элементларнинг структуравий боғланишлари системанинг характерини белгилашдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, структуравий боғланишлар шакл сифатида системанинг мазмунини ҳам белгилаб туради. Шунга кўра, шаклни мазмунга нисбатан «иккиламчи» дейиш ноўриндир. Бунга ижтимоий ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, демократия бошқаришнинг шакли сифатида жамиятнинг мазмунини белгилаб туради.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошқа категориялар тизимидан ажратиб олиб, нисбатан мустақил таҳлил қилганда, унга инсонларнинг муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишларини алоҳида эътиборга олиш керак. Бу умуман мазмун ва шаклнинг объектив характерига путур етказа олмас ҳам, уларни баҳолашдаги субъектив, муқобил қарашларда ўз ифодасини топади.

Сабаб ва оқибат. Нарса ва ҳодисаларнинг ички бирлиги, яхлитлиги ва тарихий-тадрижий ривожланиш тамойилига кўра, уларнинг мазмуни ва шакли ўзгариб туради. Ўз навбатида, ҳар қандай системанинг элементлари ўртасидаги структуравий боғланиш конкрет мазмунга эга бўлиб, унга мос мазмунларда ўз ифодасини топади.

Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шакл ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш, муносабатнинг характери муайян сабабга асосланади. Яъни, нарса ва ҳодисаларнинг система шаклида намоён бўлиши, муайян сабаб оқибатидир. Демак, нарса ва ҳодисаларнинг тадрижий ривожланиши сабаб-оқибат муносабатлари тарзида намоён бўлади. Шунга кўра, сабаб – бирор нарса ва ҳодиса ривожланиш жараёнининг оқибатидир.

Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва оқибат муносабатларини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантиқий изчиллиги муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, ҳар қандай сабаб аввалги ҳодисалар ёки уларнинг ривожланиш оқибати тарзида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, бу оқибат кейинги ривожланишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши асос бўлган сабаблар тизими мавжуд. Уларни шартли равишда: асосий ва асосий бўлмаган, муҳим ва муҳим бўлмаган сабабларга ажратиш мумкин.

Сабабнинг моҳияти аввалги ҳодисаларнинг оқибати сифатида вужудга келаётган ҳодисалар учун сабаблигидадир. Шунга кўра, сабабни бир вақтнинг ўзида оқибат тарзида қараш мумкин. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай оқибат сабаб тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга, сабабни нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон ва замондаги даврий такрорланишдан фарқлаш керак. Чунки, сабаб мавжудликнинг генетик боғланишларини, алоқадорликларини ифодалаши билан биргалликда, уларнинг истикболларини ҳам белгилаб беради. Ҳегел тили билан айтганда, сабаб-моҳиятнинг ҳаракатдаги мавжудлик ҳолатидир. Сабаб фалсафий категория сифатида куйидаги хусусиятларга эга:

1) унинг *объектив характери* нарса ва ҳодисаларнинг ички, таркибий элементлари муносабатларига хос бўлиб, моҳиятнинг реал мавжудлик ҳолатини ифодалайди;

2) *сабабнинг конкретлиги* нарса-ҳодисаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, ҳамда унинг индивидуаллигини таъминлайди;

3) *сабаб умумий характерга эга* бўлиб, ҳеч қандай нарса ва ҳодисанинг ривожланиши сабабсиз содир бўлмайди;

4) *сабаб зарурий* бўлиб, муқаррар равишда, муайян оқибатларни келтириб чиқаради;

5) *сабабнинг узлуксизлиги*, бир томондан, турли сабабларнинг изчил боғланишларини, муносабатларини, иккинчи томондан, ҳар бир сабабнинг оқибат тарзида олдинги сабаб билан боғлиқлигини характерлайди.

Зарурият ва тасодиф. Объектив оламни билишда зарурият ва тасодиф категорияси муҳим фалсафий-методологик аҳамиятга эга. Зарурият – нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар, муносабатлар мажмуасидир. Тасодиф эса – заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир.

Зарурият ва тасодиф категорияси оламни фалсафий билишнинг муштараклигини ва самарадорлигини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, заруриятни туркумлаштирганда, унинг макон ва замондаги структуравий тузилишини ташкил қилган элементларини системали-структурали таҳлил қилиш лозим. Шунингдек, заруриятни сабаб-оқибат муносабатлари тарзида тушуниш лозим. Зарурият нарса ва ҳодисаларнинг муқаррар ривожланиш қонуниятдан келиб чиқади ҳамда объектив сабаблар тизимида асосланади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тарихий объектив заруриятдир, унинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилиши заруриятнинг конкрет намоён бўлишидир. Бунда тасодиф «субъективлаштирилган» жараён сифатида кўзга ташланса ҳам, объектив ҳодисадир. Чунки, Ўзбекистоннинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишининг миллий хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтишнинг характерини белгилаб беради.

Заруриятлар табиий-тарихий ривожланишнинг объектив қонуниятларидан келиб чиқиб, доимий ўзгариб туради. Заруриятларнинг тасодифлар тарзида намоён бўлиши, ўз навбатида, бошқа ҳодисалар учун зарурият мақомига эга бўлади. Бундан кўриниб турибдики, зарурият ва тасодиф ўртасидаги боғланишлар сабаб-оқибат муносабатлари характерига мос келади.

Зарурият ва тасодиф, категориясига бошқа категориялар каби, уни аниқлаш ва баҳолашга муайян субъект эҳтиёжлари, манфаатлари нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, муқобил қарашлар вужудга келади. Масалан, собиқ Иттифокнинг парчаланиб, мустақил давлатларнинг вужудга келиши, айрим назариячилар томонидан тасодифий ҳодиса деб баҳоланиб, унинг зарурий, объектив қонуний характери инкор этилмоқда. Ваҳоланки, жамият тараққиётида ҳеч қандай империянинг абадий бўлмаслигини тарихий тажрибалар доимий исботлаб келган. Демак, бунда биз заруриятни кўриб турибмиз.

Зарурият ва тасодифнинг алоқадорлиги, боғланиши шундаки, улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, яъни заруриятнинг муқаррарлиги тасодифга ҳам хосдир. Шунинг учун фалсафий адабиётларда тасодифларнинг муқаррарлиги, тарихийлиги, сабабийлигини, қонунийлигини инкор қилувчи қарашлар гайриилмийдир.

Имконият ва воқелик – фалсафанинг муҳим категорияларидир. Имконият нарса ва ҳодисаларнинг макон ва замонадаги ривожланиш тенденциясини таъминлайдиган, муайян қонуниятларга асосланади. Воқелик эса, шу қонуниятларга асосланган ривожланишнинг намоён бўлишидир. Имконият ва воқелик категориясини ҳам, билишнинг умумий мантикий тамойилларига кўра, бошқа категориялар билан боғлиқликда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Имконият нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнининг ички бирлигини ифодалайди ва уларнинг ривожланиш шарт-шароитларини, сабабларини, зарурий қонуниятларини, моҳиятини ўзида мужассамлаштирган.

Имкониятнинг воқеликка айланиши қонуний ҳодисадир. Унинг реал, формал, мавҳум имконият деб аталадиган шакллари бор. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин демократик ҳуқуқий жамият куриши учун реал имкониятлар вужудга келди. Бундай имкониятлар И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилди.

Имконият категориясини, унинг шарт-шароити билан аралаштирмаслик керак. Шарт-шароитлар оқибат, тасодиф, ҳодиса сифатидагина имкониятга таъсир қиладиган омиллар мажмуасидан иборат. Мавжуд воқелик тарихий генезисига кўра, ўзида бошқа воқеликнинг имкониятларини мужасамлаштирган бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичи реал воқелик сифатида, унинг кейинги ривожланиш имкониятларини намоён қилади.

Таянч тушунчалар

Категориялар, алоҳидалик, умумийлик, сабаб ва оқибат, мазмун ва шакл, система ва элемент, бутун ва бўлак, моҳият ва ҳодиса, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик.

Такрорлаш учун саволлар

- 1) Категориялар тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
- 2) Жуфт категориялар мазмунидаги ички бирликнинг асоси нимада?
- 3) Ҳозирги даврда тараққиёт ва ўзаро боғлиқлик тамойиллари қандай намоён бўлмоқда?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. – «Фидокор» 2000 й. 8 июн.
3. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Основы философии. — Т: «Ўзбекистон», 1998.
5. Философский энциклопедический словарь. М. 1999.
6. Мустақиллик: илмий изоҳли оммабоп луғат. — Т., 1999.

ТҶРТИНЧИ БЎЛИМ. ДУНЁНИ АНГЛАШ: ҒОЯ ВА ҲАҚИҚАТ

1-мавзу. Онг ва руҳият

Режа:

1. Онг ва руҳиятнинг ижтимоий-тарихий моҳияти.
2. Ўз-ўзини англаш, унинг шакллари.
3. Онг ва ахборот. Информацион портлаш.
4. Ҳозирги даврда онг ва дунёқарашда туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурияти.

Онг нима? инсон азал-азалдан ўзигагина хос бўлган онгнинг нима эканлиги тўғрисида ўйлаб, баҳслашиб келади. Бу баҳсларнинг бир жиҳати, онг табиат маҳсулими ёки инсон онги илоҳий яратилганми? деган масаладан иборат. Иккинчи жиҳати эса, инсон дунёни доимо бир хил англаганми? Яъни асрлар давомида инсон онги такомиллашиб келганми ёки ҳамон ўша-ўшами? деган муаммо билан боғлиқ.

«Ўзингни билсанг, оламни биласан», – деган эди Сукрот. Афоризмга айланиб кетган бу фикр ортида олам каби инсон ҳам сиру синоатларга бой, у ўзини билиш орқали олам моҳиятини англашга йўл очиши мумкин, деган ғоя ётибди. Шу маънода, инсон ўзини ташқи оламдан ажратиб, алоҳида бир мўъжиза ва тадқиқот мавзуи сифатида ўрганишга ҳаракат қила бошлаган пайтдан буён уни ўйлантириб келаётган муаммолардан бири онгнинг моҳияти, унинг келиб чиқиши масаласидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, онгнинг табиатини англаш масаласи – энг қадимий фалсафий масалалардан бири, дейиш мумкин. Гарчанд онг ва унинг турли хусусиятлари инсонга хос ҳодиса сифатида психология, адабиёт, социология каби фанларнинг тадқиқот мавзуи доирасига кирган бўлса-да, онгнинг моҳияти, унинг турли кўринишлари ўртасидаги муносабат каби масалаларни ўрганиш билан айнан фалсафа шуғулланади.

Онгнинг моҳияти масаласи энг қадимий муаммолардан бири экан, уни англаш жараёнида турли хил жавоблар бўлганлиги табиий. Бу саволга энг қадимий жавоб диний ва мифологик қарашлар доирасида берилган.

Онгни диний тушуниш уни илоҳий ҳодиса, худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон онги буюк илоҳий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоеън бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Инсон танасидаги руҳ бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон ўлиши билан онг ҳам ўлади. Бундай қарашларнинг илдизи жуда қадимий бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, у олам ва одамнинг яратилганлиги масаласи билан бевосита боғлиқдир. Кимда-ким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, онг ҳам яратганнинг қудрати эканлигини тан олиши табиий.

Онг моддийликнинг мияда акс этиши деб тушунишда, унинг моҳияти инсон танаси фаолияти билан боғлаб талқин этилади. Бундай қарашлар ҳам қадимий илдизларга эга. XVIII асрга келиб онгни бевосита инсон мияси фаолияти билан боғлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. Айни пайтда материалистик йўналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида онгнинг моҳиятини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам пайдо бўлган. Фалсафа тарихида «**Вульгар материализм**» деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чиқаргани каби, мия ҳам онгни ишлаб чиқаради. Бундай ёндашув натижасида онг идеал эмас, балки моддий ҳодиса, деган хулоса чиқади. Ваҳоланки, сафрони кўриш мумкин, аммо онгни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайти.

Хўш, онг тарихан қачон ва қандай омиллар таъсирида шаклланган? У ҳақиқатан ҳам мия билан боғлиқми?

Онг тарихи инсоннинг инсон бўлиб шакллана бошлаши тарихи билан боғлиқдир. Узоқ вақт давомида инсон, унинг онги планетар, яъни Ер шари доирасидаги ҳодиса сифатида қараб келинди. Ҳозирги замон фани масалага кенгроқ доирада ёндашиш заруригини кўрсатмоқда. Чунки фан далиллари инсон пайдо бўлишини фақат Ерда кечган жараёнлар билан чеклаб қўйиш тўғри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий ҳосиласи эканлигини тобора чуқурроқ исботламоқда.

Инсон биологик ва ижтимоий ҳаракатнинг ташувчиси экан, ҳаракат шакллари ўртасидаги узвий алоқадорлиқни, унинг юқори шакллари қуйи шаклларига боғлиқлигини, таянишини, улардан ўсиб чиқишини унутмаслик лозим. Бошқача айтганда, улар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

Онг тарихи Қуёш системаси ва унда миллионлаб йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлардан ҳам айрича олиб қаралиши мумкин эмас. Айнан мана шу жиҳатдан олганда, онгнинг шаклланишини космик ҳодиса сифатида қараш ҳам мумкин.

Инъикос шакллари эволюцияси ва онг. Онг инъикоснинг олий шаклидир. Хўш, инъикос деганда нима тушунилади. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Бунинг учун эса, ҳеч бўлмаганда, иккита объект бўлиши ва улар ўртасида ўзаро таъсир бўлиши лозим. Энг умумий маънода, ҳар қандай предметларнинг у билан таъсирлашувда бўлган бошқа предметларнинг таъсирини муайян тарзда акс эттириши билан боғлиқ хоссасига инъикос дейилади.

Шу маънода инъикос ҳамма жойда мавжуд. Айни пайтда ҳар бир ҳолатда у ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, нотирик табиатдаги инъикос билан тирик табиатдаги инъикос бир-биридан тубдан фарқ қилади. Нотирик табиатда инъикос оддийлиги билан ажралиб турса, тирик табиатда у мураккаб характер касб этади.

Шу билан бирга, нотирик табиатда инъикос пассивлиги, тирик табиатда эса, фаоллиги билан ажралиб туради. Тирик табиатда инъикос ташқи таъсир натижаларидан фаол фойдаланишни келтириб чиқарувчи ахборотли инъикос шаклини олади.

Айни пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Мана шундай мураккабланиш жараяни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратди. Айнан психик инъикос даражасида воқеликка актив муносабат ҳам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига имконият яратди.

Онг ва мия. Инсон мияси нозик, мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. Айнан унинг мураккаблиги онг пайдо бўлиши мумкинлигининг асосий шартидир. Бундай ҳолат ҳам узоқ давом этган эволюциянинг табиий хосиласидир.

Аммо юксак даражада ташкил топган миянинг ўзи ҳам ҳали онг пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини унутмаслик лозим. Бу мия нормал функционал фаолият кўрсатиши зарур. Ва ниҳоят, нормал функционал фаолият кўрсатувчи мия соҳиби ижтимоий муносабатларга тортилган бўлиши шарт.

Шу ўринда вульгар материалистлар қарашларига яна бир марта мурожаат қилиш лозим. Агар улар ҳақ бўлганида эди, ҳайвонот оламига тушиб қолган инсон болаларида ҳам онг шаклланган бўлиши керак эди. Улар ҳайвонлар орасида бўлганида ҳам жигар сафро ишлаб чиқараверади. Аммо, мия онгни ишлаб чиқармайди. Бундан онгнинг ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлиги ва у фақат жамиятдагина шаклланиши мумкинлиги ҳақидаги ҳулоса келиб чиқади.

Онг ва руҳият (психика). Онг психик инъикоснинг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу психика ва онг тушунчаларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Негаки, психика ҳайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон психикаси ҳақида кетганда ҳам, у онг тушунчасига нисбатан кенг қамровлилик касб этишини унутмаслик лозим. З. Фрейд фикрича, психика онгсизлик, онг ости ҳодисаларини ва онгнинг ўздан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида онг билан бир қаторда онгсизлик ва онг ости ҳодисалари ҳам муҳим аҳмиятга эга.

Психологлар фикрича, инсон фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда кўплаб функциялар онг назорати остидан чиқиб автоматик характер касб этиши билан характерланади. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда, биринчи марта сурат олаётганимизда деярли барча ҳаракатларимиз онгнинг қаттиқ назорати остида бўлади. Вақт ўтиши билан эса кўпгина ҳаракатларни онгсиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз. Бундай ҳолат инсон фаолиятининг хилма-хил соҳалари, йўналишларида, уларга онгнинг фаол тарзда аралашини, яъни қайта фаолиятни ўз назоратига олиши мумкинлигини инкор этмайди. Хатти-ҳаракатларнинг онгсизлик соҳасига кўчиши бир томондан онг «юки» нинг енгиллашига хизмат қилса, бошқа томондан, онгнинг асосий кучи, қуввати, «диққати»ни, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга қаратилишига имконият яратади.

Онгсизлик доирасига онг назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ҳодисалар ҳам қиради. Ана шу хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, онгсизлик онг мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шартини дейиш мумкин. Онг ости ҳодисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўғинидир. З. Фрейд фикрича, улар онгсизлик билан онг ўртасидаги чегаравий соҳадир.

«Гап тагида- гап бор, коса тагида- ним коса» нақлида онг остига хос бўлган хусусиятлар ифодаланган, дейиш мумкин. Негаки, ҳар қандай фаолиятимизда айни вақтда биз учун аҳамияти бўлмаган ҳолатлар бўлади. Аммо, бу улар кузатишдан, назоратдан четда қолади, дегани эмас. Биз учун аҳамиятли характер касб этганда, улар онг остидан онг сферасига кўчиши мумкин. Масалан, бирор жойга бораётганда, асосан, мақсадга томон ҳаракат қилинади, аммо йўлда учраган бошқа нарса ва ҳодисалар ҳам кузатилади, эса қолади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, онг ости инсон онгли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси, зарур бўлган ҳолларда цензори сифатида чиқишдек сифатларга эга, дейиш мумкин.

Онгнинг тузилиши. Онг ўзаро алоқада бўлган турли унсур (элемент) лардан ташкил топган мураккаб маънавий тузилишга эга.

Онг инъикоснинг ўзига хос шакли экан, аввало, унда акс эттириладиган объект ҳақидаги муайян билимлар хиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, билим онг тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг

учун ҳам билимларнинг бойиб, чуқурлашиб бориши онг ривожланишини характерлайдиган муҳим белги сифатида юзага чиқади.

Онг тузилишининг яна бир унсури хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган кечинмалардир. Уларда инъикос объектига муносабат гавдаланади. Билимларимизнинг чуқурлиги ва кўламлилиги, хиссиётларимизнинг намоён бўлиши ёки бўлмаслиги интилишимиз — иродамизга боғлиқ. Ирода кучи оламни англаш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга, кўзланган мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилишга йўл очади.

Ирода табиатнинг инъоми эмас экан, уни тарбиялаш, камол топтириш шахс ҳаётида, унинг жамиятдаги ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, иродасизлик энг улуғ ният ва мақсадларни барбод қилибгина қолмай, инсоннинг тўғри йўлдан тойиб кетишига ва турли салбий оқибатларнинг келиб чиқишига олиб келиши ҳам мумкин.

Онг ва тил. Тил онгнинг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Хўш, тил деганда ўзи нима тушунилади? Тил, бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо, тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тўғри эмас. Негаки, муайян белгилар тизими ҳайвонларга ҳам хос, улар ёрдамида жонзодлар ўртасида муайян ахборот алмашинуви содир бўлади.

Айтайлик, кабутарларининг «муҳаббат» ракси, жонзодларнинг хавф-хатар пайдо бўлганда турли товуш — белгилар ёрдамида бир-бирини огоҳлантириши, айрим ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган ҳудудни турли йўллар билан «чегаралаб» чиқиши ана шундай белгилар тизимининг ўзига хос кўринишларидир. Лекин, жиддий эътибор бериладиган бўлса, бу белги — сигналлар тизими узоқ давом этган эволюция давомида ҳосил қилинган рефлекслар эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хатти-ҳаракат ёки бошқа белгилар ёрдамида узатилаётган ахборотнинг мазмуни муайян вазиятдаги ҳолат билан белгиланган бўлади. Бундан фарқли ўлароқ инсон нутқи, тили конкрет вазият, макон ва замондан холи бўлиши, унга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бошқача айтганда, у ўзида ўтмишни, ҳозирги ҳолатни ва истикболни ҳам ифодалаши мумкин. Бу инсон тилининг белгилар тизими сифатида ҳайвонот дунёсида амал қиладиган белгилардан туб фарқини кўрсатувчи муҳим хусусиятидир.

Тил қайд қилинганидек, белгилар тизимидир. Ван юксак тараққий қилган ҳайвонларда ахборот узатишга хизмат қиладиган мураккаб белгилар тизими мавжуд эканлиги ва у ҳайвонот олами эволюцияси билан бир пайтда такомиллашиб борганлигини исботламоқда. Демак, тил йўқ жойдан, бирданига пайдо бўлиб қолмаган. Онг инъикос шаклларнинг узоқ давом этган эволюциясининг табиий ҳосиласи бўлганидек, у билан узвий боғлиқ бўлган инсон нутқи ҳам ахборот узатишга хизмат қиладиган белгиларнинг мураккаблашиб бориши жараёнининг зарурий натижасидир.

Демак, тил белгилар тизими сифатида келиб чиқишидан қатъий назар фақат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боғлиқдир. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Тилда ифодаланаётган маъно — мазмуннинг англаниши инсоннинг умумий билим даражаси, қизиқиши, қобилияти, конкрет шароитдаги қайфияти каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Тил фикрлаш куроли, мулоқот воситаси сифатида доимий такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Айни пайтда инсоният биз кундалик ҳаётда қўллайдиган табиий тил билан бир қаторда мулоқотнинг ранг — баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос имо-ишоралар ракс, мусика «тилига» ҳам эга. Шундай бўлса-да, улар сўзга кўчгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли бўлади.

Шу билан бирга миллий тиллар билан бир қаторда илм-фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль ўйнайдиган интернационал тил-фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари ҳам борлигини унутмаслик керак. XX асрда қўлланиш доираси тобора кенгайиб бораётган электрон ҳисоблаш машиналарининг «бейсик», «фортан» каби тиллари яратилди. Компьютерларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли тез ўсиб бораётган ҳозирги даврда бу «тил»лар ахборотларнинг узатилиши ҳамда қабул қилинишида катта аҳамият касб этмоқда ва вақт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганлигини кўрсатмоқда

Онг ва тил муносабати ҳақида гап кетар экан, тил ўзига хос тарихий хотира ролини ўташини ҳам унутмаслик керак. Бу миллий тиллар мисолида айниқса, яққол кўринади. Зеро, миллат тилида унинг ўзлиги, босиб ўтган тарихий йўли, тафаккур тарзи акс этади, мустаҳкамланади. «Она тили, — деб ёзади Президентимиз, бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»¹⁴.

Шундай экан, мустақиллик шароитида миллий тилимиз ривожига алоҳида эътибор берилётганлиги миллий ўзлгимизни англашимизнинг ўтиш жараёнида миллий истикболимизни белгилашнинг узвий қисми сифатида қаралмоғи лозим.

Ўз-ўзини англаш, унинг шакллари. Инсон объектив воқеликни акс эттириш билан бир қаторда ўзи ҳақида фикр юритиш, руҳида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларини назарий таҳлил қилишдек қобилиятга ҳам эга.

¹⁴ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. - Фидокор, 2000 йил 8 июн.

Ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имкониятларини баҳолаш ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. Ўз-ўзини англашда ўзини билиш, баҳолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини англашнинг соҳибига — субектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир.

Шахснинг ўз-ўзини англаши ҳақида гап кетар экан, у ўзини алоҳида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллат, маданиятга мансублигини ва юқоридаги хусусиятларидан катъи назар алоҳида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек босқичларни босиб ўтишини таъкидлаш зарур.

Инсоннинг камол топиш жараёни, ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ўзига хос характер касб этади. Масалан, дастлабки даврда болада аввало, бошқалар томонидан берилган тасаввур ва баҳолар устунлик қилади. Боланинг тафаккури ўсиши билан, у оламни мустақил англай бошлайди ва ўзининг имкониятларини ўзи баҳолашга ўрганиб боради. Айнан мана шу даврда тўғри йўлга қўйилган тарбия муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, айнан мана шу тарбия таъсирида болада ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ҳам ёки унга ортикча баҳо бериб юбориш ҳолати ҳам шаклланиб қолиши мумкин.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнида у мансуб бўлган маданиятнинг ўрни ниҳоятда катта. Зеро, айнан маданият халқ, миллат тўплаган тажриба, билимларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда шахс дунёқараши шаклланишига фаол таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам шахс маданияти, хулқу одоби, онги, ўз-ўзини англашнинг даражасини белгиловчи индикатор сифатида намоён бўлади.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнига турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омиллар ҳам кучли даражада таъсир кўрсатади. Ана шундай хилма-хил таъсирлар мавжудлиги шахснинг ўз-ўзини англаши, баҳолаши ва фаолиятини тартибга солиши, назорат қилишини таъминлайди. Акс ҳолда озгина иқтисодий қийинчилик, кичкинагина ижтимоий муаммо шахс ҳаётини издан чиқариб юбориши, турли хил таъсирлар домига тортиши мумкин. «Мана шундай бир вазиятда одам, – деб ёзади И.А. Каримов, – ўз мустақил фикрига, собит этикодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри-маҳол»¹⁵. Буни тушуниб олиш бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш тобора кескинлашиб ва интенсивлашиб бораётган бир шароитда айниқса муҳимдир.

Онг ва ахборот. Кейинги йилларда «Информацион портлаш» тушунчаси ҳам тез-тез ишлатилмоқда. XX асрнинг энг муҳим ютуқларидан бири бу компьютерларнинг яратилганлигидир. Уларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч -қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тушадиган юқнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги уринишларнинг натижаси бўлди. Асримизнинг ўртасида пайдо бўлган бу восита шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлган бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қойилмақом қилиб удалайди.

Хўш, буларнинг инсон онги ва тафаккурининг моҳияти билан нима алоқаси бор? Гап шундаки, ЭҲМ лар ҳам инсон тафаккурига хос бўлган хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга, унинг тобора кўпроқ эга бўлиб бориши, ЭҲМ фикрлай оладими, агар инсон ўзига хос хусусиятларини уларга тобора кўпроқ кўчириб бораверса, охир оқибатда, бир вақт келиб, у ўзи яратган ана шу курулнинг қулига айланиб қолмайдими, деган саволларнинг кун тартибига қўйилишига олиб келди. Айтайлик, компьютер албатта олдиндан программалаштирилган операцияларни, миллионлаб марта тез бажариши мумкин. Уларнинг «хотира» қудрати ниҳоятда юксак ва ҳ. к. Аммо булар ЭҲМларнинг фикрлашидан, уларнинг инсон устидан ҳукмронлик қилишидан далолат берадими? Албатта, йўқ. Компьютерлар қанчалик мураккаб операцияларни бажармасинлар, инсон томонидан программалаштирилган жараёнларнигина амалга оширадилар, ундан ташқарига чиқа олмайдилар. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглилик, кечинмалар, ижод каби ходисаларни қамраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, компьютерлар инсоннинг муайян йўналишлардаги ақлий фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилади ва ўзининг яратувчиси устидан ҳукмрон бўла олмайди.

Айрим тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳозирги даврда фан соҳасида эришилган натижалар ҳар ўн йилда, информация олиш эса ҳар 3-4 йилда икки баробарга ошмоқда. Ана шундай шароитда инсон онги, унинг хотира қудрати бу ахборотларни ўзлаштира оладими, деган савол кўндаланг бўлмоқда. Янги билимлар, ахборот оқими унчалик кучли бўлмаган яқин ўтмишда тиришқоқ киши инсоният билими эришган асосий натижаларни ўзлаштира олар эди. Бугунги кунда фақат фаннинг турли йўналишлари бўйича йилига бир неча миллион китоб нашр этилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, инсон энг янги адабиётларни ўрганиб боришга ҳаракат қилганда ҳам, унинг ҳар бир ўқиган бетига ўн минг ўқилмаган саҳифа тўғри келар экан.

Кишиларнинг пайдо бўлган янги китобларнинг аксариятини жисмонан ўқиб улгурмаганлиги «информацион портлаш» келтириб чиқараётган оқибатларнинг бир кўриниши, холос. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу инсон тўплаган билим, ахборотнинг маънавий эскириши, кераксиз бўлиб қолаётганлигидир. Бундай эскириш суръати тобора тезлашиб бормоқда. Масалан, олий — таълим соҳасида бу жараён олти — етти йил, компьютер

¹⁵ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. - Т: Ўзбекистон, 1998. 6-бет.

технологияси соҳасида эса бир йил давомида содир бўлаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Бу агар сиз олий ўқув юртини битирганингизга етти йил бўлган бўлса, ўз вақтида олган билимларингизнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермаслигини билдиради. Ана шундай шароитда кишиларнинг ўз билимларини юқори даражада ушлаб туришлари улардан доимий диққат-эътиборни, ўз устида ишлашни талаб қилади. Акс ҳолда, таълим даргоҳини энг юқори натижалар билан битирган мутахассис ҳам тез орада чаласавод бўлиб қолиши мумкин.

Умумлаштириб айтганимизда, онгнинг моҳиятини, унинг коинот эволюциясининг табиий натижаси эканлигини тушуниш, у билан боғлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради. Айни пайтда, онгнинг моҳиятини англаш инсоннинг ўзлигини, яшашдан мақсади, ҳаётининг маъно-мазмуни каби масалаларни чуқурроқ тушунишга йўл очади. Бу онг ва у билан боғлиқ масалалар амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Таянч тушунчалар

Дунёни англаш, инъикос, психика, онг, тил, онгнинг тузилиши, ўз-ўзини англаш, «Информацион портлаш».

Такрорлаш учун саволлар

1. Психика ва онг коинот эволюциясининг табиий натижаси деганда нимани тушунасиз?
2. Онг нима? Нега у ижтимоий-тарихий характерга эга дейилади?
3. Онг ва тилнинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Ўз — ўзини англаш нима?
5. «Информацион портлаш» нимани англатади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Жамятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. — Фидокор, 2000 йил 8 июн.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. — Т.: Ўқитувчи, 1993.

2-мавзу. Ижтимоий онг

Режа:

1. Ижтимоий онг тушунчаси, унинг мазмуни, таркибий қисмлари.
2. Ижтимоий ва индивидуал онг, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.
3. Ахборот дунёсининг глобаллашуви ва инсон онги имкониятларининг кенгайиши.
4. Ижтимоий онгнинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишнинг аҳамияти.

Ҳар бир кишига хос индивидуал онг бўлиши исбот талаб қилмайдиги ҳол. Шу билан бирга хилма-хил кишилар, турли-туман соҳалар, гуруҳ, партия, миллат каби ижтимоий бирликлардан иборат жамият учун ҳам умумий англаш мезонлари ва меъёрлари борми? Жамият ягона жисм эмас-ку, унда яхлит англаш усули ва умумий онг бўлиши тўғрисида гапириш қандай бўларкин? деган саволлар ҳам учрайди. Бу саволларнинг тарихи узок.

Одамзод бир-бири билан алоқаларини тартибга солиб турадиган маънавий, ахлоқий мезонлар, умумий қараш ва интилишлар, манфаат ва мақсадлар ҳам борлигини англаганидаёқ, ижтимоий онг мавжудлигига ишонган.

Жамият мураккаб ва серқирра ҳодиса. Унинг хилма-хил соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар кишилар онгида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас. Ана шу жараёни ифодалаш учун, одатда, ижтимоий ва индивидуал онг тушунчаларини ишлатамиз. Хўш бу тушунчаларнинг фарқи нимада, улар қандай қонуниятлар асосида ривожланади?

Ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир.

Ижтимоий онг туфайли жамиятнинг ўз-ўзини англаши содир бўлади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади. Ижтимоий ўзгаришлар билан бир қаторда ижтимоий онг ҳам ўзгариб ривожланиб бораверади. Аммо бундан, асло, ижтимоий онгнинг тараққиёти фақат ижтимоий воқеликдаги ўзгаришларгагина боғлиқ экан-да, деган хулоса келиб чиқмайди. Зеро, ижтимоий онг ўз тараққиётида нисбий мустақиллик характериға ва ижтимоий воқеликка фаол акс таъсир эта олиш хусусиятиға ҳам эгадир.

Ижтимоий онгнинг бундай хусусиятлари нималарда кўринади?

Аввало, ижтимоий онгга ворислик хос эканлигини таъкидлаш лозим. Бу ижтимоий онг шакллариининг ўз ривожланиш мантикиға, қонуниятлариға эга эканлигида яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий онг ривожиди унинг турли шакллариининг ўзаро таъсири ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий онг, ундаги ўзгаришлар воқеликка ҳамма вақт акс таъсир этиб келган. Билимлар кўлами, тарихий тажриба ҳар бир даврда айрича бўлганидек, бу таъсирнинг кучи ҳам турлича бўлган. Ижтимоий онгнинг моҳияти уни индивидуал онг билан солиштирганда янада яққол намоён бўлади.

Индивидуал онг муайян, гуруҳ, элат, миллатға мансуб бўлган айрим кишининг онги бўлиб, жамиятдаги воқелик ва реал борлиқнинг алоҳида олинган шахснинг онгида акс этишдир.

Ижтимоий ва индивидуал онгнинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни тушуниб олиш мақсадға мувофиқдир.

Ижтимоий ва индивидуал онг ўртасидаги ўхшашлик бир томондан, ҳар иккаласининг ҳам ижтимоий воқеликни акс эттиришида кўринади. Бошқа томондан, ижтимоий онг воқеликни индивид онги орқали акс эттиради. Чунки, ижтимоий воқеликда юз берадиган ўзгаришлар аввало, алоҳида кишилар онгида ўз аксини топади ва ундан сўнггина ижтимоий онгға гавдаланади.

Ижтимоий онг билан индивидуал онг ўртасида фарқли томонлар ҳам мавжудки, улар куйидагиларда кўринади:

Биринчидан, индивидуал онгнинг соҳиби, субъекти алоҳида олинган индивид бўлса, ижтимоий онгнинг субъекти жамиятдир.

Иккинчидан, уларнинг фарқи шаклланиш шарт-шароитларида кўринади. Зеро, ижтимоий онг ижтимоий воқеликнинг инъикоси бўлса, индивидуал онг тараққиётиға ижтимоий онг билан бир қаторда шу шахсғагина хос бўлган темперамент, характер каби хусусиятлар, унинг моддий аҳволи, оилавий, диний, миллий-маданий мансублиги каби омиллар, ҳамда у бевосита тортилган ижтимоий муносабатларнинг характери ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, ижтимоий онгға қўламлик, кенг қамровлик, индивидуал онгға эса ўзига хослик, бетақрорлик хосдир.

Учинчидан, ижтимоий онг ижтимоий воқеликни акс эттирганлиги учун муайян қонуниятларга бўйсўнади, улар асосида ривожланади. Индивидуал онг эса, айрим индивиднинг туғилиши билан шаклланиб, тараққий қилиб бориб, унинг вафоти билан барҳам топади. Аммо бу индивид онгининг бутунлай барҳам топишини ҳамма вақт ҳам англатавермайди. Чунки индивид онги у яратган асарлар, кашфиётлар шаклини олиб, кейинги авлодлар томонидан мерос сифатида қабул қилиб олинishi мумкин. Масалан, Гиппократ ва ибн Сино таълимотлари, Афлотун ва Берунийнинг ғоялари, Навоий ва Гандининг гуманизми кишилар учун ҳамон катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан, индивидуал онг айрим соҳаларда ижтимоий онгдан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Фан тарихида кескин бурилишлар ясаган олимларнинг, жамият тараққиётининг истиқболларини олдиндан айтиб берган мутафаккирларнинг қарашлари индивидуал онг баъзан ижтимоий онгдан нечоғлик илгарилаб кетиши мумкинлигига ёрқин мисол бўла олади.

Ижтимоий онгнинг структураси ижтимоий муносабатлар ва кишилар фаолиятининг турлари билан белгиланади. Одамлар фаолияти қанчалик хилма-хил, уларнинг ижтимоий муносабатлари қанчалик бой бўлса, ижтимоий онг ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади. Воқеликни акс эттириш даражасига кўра, ижтимоий онг одатий ва назарий онгга бўлинади.

Одатий онг ҳаётий тажриба асосида вужудга келган оддий хулосалар, қарашлар мажмуидан иборат бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеаларни акс эттиради ва ривожланади. Унинг соҳиблари – субъектлари алоҳида олинган шахсларнинг ҳаётий тажрибаси, қизиқишлари, қобилиятлари, билимлари, ҳаётда эгалланган мавқелари ҳеч қачон бир хил бўлмайди.

Одатий онгга назарий билимларга далил ва асос бўлиб хизмат қиладиган элементлар бўлади. Олимлар, санъаткорлар турли назариялар, бадиий образлар яратишда ҳаётий-кундалик онгга асосланадилар, ундан маънавий озик оладилар.

Одатий онгга халқ донишмандлиги, анъана ва урф-одатлар, кундалик турмуш қоида ва талаблари, табиат ҳақидаги билимлар, шунингдек турли уйдирмалар, нотўғри қарашлар ҳам ўз ифодасини топади. Кўп асрлик ҳаётий тажрибани ихчам шаклда ўзида мужассамлаштирган халқ мақоллари бунга мисол бўла олади. Одатий онг соф ҳолда учрамайди. Чунки, инсон фарзанди мурғаклик давриданок ўз атрофидагилар, сўнгра китоблар, таълим тизими ёрдамида инсон заковати эришган илмий билимларни ҳам ўзлаштиришга киришади. Бошқача айтганда, содир бўлаётган воқеаларга нафақат ўз тажрибаси, балки илмий билимлар нуқтаи назаридан ҳам баҳо бера бошлайди, назарий онг таъсирида бўлади.

Хўш, назарий онг деганда нимани тушуниш керак?

Назарий онг деганда назариётчилар, олимлар ишлаб чиққан назарий қарашлар ва илмий билимлар тизими тушунилади. Одатий онгдан фарқли ўлароқ назарий онг ўзгарувчан характерга эга. Бу ўзгарувчанлик илмий билимларнинг шиддатли ривожланиши, воқелик ҳақидаги билимларнинг доимий чуқурлашиб ва кенгайиб бориши билан белгиланади. Шунингдек, одатий онгга воқеаларнинг ташқи томонини ифодалаш хос бўлса, назарий онг воқеаларнинг моҳиятини, ривожланиш қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам у одатий онгга фаол таъсир қила олади ва кундалик тажриба асосида ҳосил қилинган билимларни саралашга ёрдам беради.

Ижтимоий психология социал муҳит, кундалик турмуш шароитлари таъсири остида вужудга келади ва ривожланади. Уни субъектига кўра муайян ижтимоий гуруҳ, элат, миллат психологияси каби турларга бўлиш мумкин.

Миллатларнинг этнососоциал бирлик сифатида шаклланишида ижтимоий-иктисодий муносабатлар устувор аҳамиятга эга. Тарихга назар ташлар эканмиз, айрим ҳудудда яшаган аҳолининг доимий алоқада бўлиши, ўзаро таъсири, муносабати натижасида тилда, маданиятда умумийликнинг шаклланишга таъсир қилганлигини кўрамиз. Бундай шароитда психологияда ҳам ўхшаш томонлар юзага кела борганлиги табиий, албатта.

Алоҳида олинган бир миллатга хос бўлган психологик жиҳатларни ушбу миллат босиб ўтган тарихий йўлдан, халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлардан қидириш зарур. Ижтимоий воқеликнинг ўзгариши билан миллий психологияга хос бўлган хусусиятлар ҳам ўзгариб боради. Аммо бу ўзгаришлар нисбатан секин кечганлиги туфайли, у ҳамма вақт ҳам тезда кўзга ташланавермайди.

Миллий психологияга хос жиҳатларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда инобатга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу амалга оширилаётган сиёсатнинг халқ кўнглидан чуқур жой олишини ҳамда ушбу ўзгаришларнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ижтимоий мафкура (идеология) ижтимоий психологиядан тубдан фарқ қиладди. Ижтимоий психология социал гуруҳлар ҳаётини муайян ҳис-туйғулар, кайфиятларда бевосита акс эттирса, ижтимоий идеология социал гуруҳлар эҳтиёжлари, манфаатларининг ички моҳиятини, сабабини ҳар хил ғоялар, назариялар, таълимотлар шаклида акс эттиради. Шунинг учун ҳам у ижтимоий ҳаётга акс таъсир ўткази олиш хусусиятига эга бўлади. Айни пайтда, идеологиянинг ғоялар тизими сифатида чиқишида, унинг ўзи учун катта хавф ҳам яширинганлигини таъкидлаш зарур. У реал воқеликдан, шу жумладан, кишилар руҳиятида содир бўлаётган

жараёнлардан узоқлашиб ҳаётиликни йўқотган ғоялар-доғмалар системасига ҳам айланиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда мафкура тараққиёт тормозига айланиб, охир-оқибатда ҳалокатга юз тутади.

Ижтимоий онг шаклларини фарқлаш мезонлари. Ижтимоий онг ва унинг даражалари ҳақидаги мулоҳазалар якунида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шакллари ажратилишини таъкидлаш лозим.

Нима учун ижтимоий онгнинг айнан юқоридаги шакллари ажратилади? Бошқача айтганда, улар қандай мезонлар асосида фарқланади? илмий адабиётларда ижтимоий онг шакллари фарқлашнинг тўрт мезони ажратилган.

Авалло, ижтимоий онг шакллари хилма-хиллиги объектив оламнинг турли-туманлигидан, воқеликнинг муайян томонларинигина акс эттиришидан келиб чиқишини кўрсатиш зарур. Содда қилиб айтганда, ижтимоий онг шакллари, биринчи навбатда, ўзларининг акс эттириш объектига кўра фарқланади.

Айни пайтда, ижтимоий онг шакллари бир-бирдан воқеликни акс эттириш усулига кўра ҳам ажралиб туради. Масалан, ҳуқуқий онг нормалар, қонунлар, қоидалар воситасида, эстетик онг эса- бадий образлар ёрдамида воқеликни акс эттиришини бир қарашдаёқ сезиш мумкин.

Ижтимоий онг шакллари ўртасидаги фарқни улар ривожланишининг ўзига хослигида ҳам кузатиш мумкин. Фан тараққиёти объектив олам ҳақидаги янгидан-янги билимларнинг юзага келиши, чуқурлашиб, кенгайиб бориши билан диннинг ривожланиши эса, унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига, кишилар фаолияти ва турмуш тарзига таъсирининг ўсиб бориши билан характерланиши фикримизга далил бўла олади.

Ва ниҳоят, ижтимоий онг шакллари бажарадиган функцияларининг ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туришини таъкидлаш зарур. Бунда, ҳар бир ижтимоий онг шакли бажарадиган функциялар тизимида биттаси асосий, марказий, система яратувчи функция сифатида чиқиши кузатиладики, бошқа функциялар ана шу функция атрофида бирлашади. Фанда – билиш, ахлоқда – тартибга солиш, динда – дунёқараш, санъатда – тарбиявий функциялар ана шундай система яратувчи функциялар сифатида чиқишини кўриш мумкин.

Ижтимоий онгнинг барча шакллари билиш, тарбиялаш, кадрлаш каби функцияларнинг хослиги, айни пайтда, бундай ўхшашликнинг дин ва фалсафа, ахлоқий ва ҳуқуқий онг ўртасида яна ҳам кучлилиги бунга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган мезонлар фақат биргаликда олингандагина, ижтимоий онг шакллари фарқлашга хизмат қилиши, методологик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Кишилиқ жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шакллари хаммаси ҳам бўлмаган. Жамиятда муайян эҳтиёжлар ва маънавий ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари пайдо бўлиши билан ижтимоий онгнинг янги шакллари ажралиб чиқа бошлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида айтилган ижтимоий онг шакллари тугал деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Жумладан, сўнгги пайтда кўпгина илмий адабиётларда экологик онгни ижтимоий онгнинг мустақил шакли сифатида ажратишга уриниш расм бўлаётганлигини таъкидлаш зарур.

Ахборот дунёсининг глобаллашуви ва унинг ижтимоий онгга таъсири катта бўлмоқда. XX аср ахборот узатишга хизмат қиладиган техник воситаларнинг кескин ва шиддатли тараққий этишига йўл очди. Айни пайтда, улар маданият ривожига таъсир қилиш имкониятларини ҳам ўстириб юборди. Шундан келиб чиққан ҳолда, маданият ютуқларини тезлик билан оммалаштириш, тарқата олиш имконияти яратилмоқда. Планетанинг турли бурчакларида дунёга келатган маданият намуналарини миллионларнинг маънавий озиғига айлантираётган оммавий ахборот воситаларининг — газета, журналлар, радио, телевидение, видеотехника, кино каби ҳодисаларнинг роли бу жараёнда катта бўлмоқда, ахборот соҳасида глобаллашув содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Аммо бу жараённинг интенсивлашуви ва глобаллашуви юқоридаги каби ижтимоий жиҳатлар билан бир қаторда айрим салбий натижаларини ҳам намоён этмоқда. Бу тор гуруҳий, ғаразли иқтисодий, сиёсий, геостратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, кишилар дунёқарашини, ижтимоий онгга таъсир қилишнинг янгидан-янги йўллари ва воситаларидан фойдаланишга уринишда кўринмоқда.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда кишилар онгида ҳукмронликка эришиш, уларнинг тафаккур тарзи ва кадриятларини ўзига бўйсундириш турли кўринишлардаги мақсадларга эришишнинг асосий йўли бўлиб қолмоқда. Ана шундай вазиятда кишилар онгида собитлик, Ватанга муҳаббат туйғуси, ўз юртининг эртанги кунига ишонч устувор бўлмоғига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Таянч тушунчалар

Ижтимоий онг, индивидуал онг, одатий ва назарий онг, ижтимоий психология ва ижтимоий мафкура, миллий мафкура, ахборот дунёсининг глобаллашуви.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ижтимоий онг нима?
2. Индивидуал онг деганда нимани тушинасиз?
3. Оддатий ва назарий онг қандай хусусиятлари билан ажралиб туради?
4. Ижтимоий психология нима?
5. Ахборот дунёсининг глобаллашуви деганда нима тушунилади?

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни), Т., Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И.А. Миллий истиклол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., Ўзбекистон, 2000.

3-мавзу. Ғоя ва мафкура

Режа:

1. Ғоя, унинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари.
2. Мафкура, унинг мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни.
3. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси.
4. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва мафкуравий жараёнлар.

Ғоя, унинг намоён бўлиш шакллари. «Ғоя», «Ғоявий тарбия», «Мафкура» каби тушунчалар тез-тез ишлатилмоқда. Уларнинг мазмуни нимадан иборат? Кундалик ҳаётимизда кузатилаётган ва ушбу тушунчаларда ўз ифодасини топаётган жараёнларнинг моҳияти, ўзига хослиги нимада?

Масалага, фалсафий ёндашадиган бўлсак, бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, «Ғоя» ўзи нима эканлигини тушуниб олиш керак бўлади. Агар эътибор берсак, ҳар биримиз ҳаётимизда қуйидаги ҳолатга кўп марта дуч келганмиз. Яъни муайян муаммо, ҳал қилиниши зарур бўлган масала юзага келганда, фикран уни ҳал этиш, ечиш йўлини қидирамиз. Ана шу жараёнда пайдо бўлган хулоса – фикрни «Менда бир ғоя пайдо бўлди», деган шаклда баён этамиз. Ҳаётий тажрибамизда кўп марта кузатилган ана шундай ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, ғоя бу яхлит фикрдир, дейиш мумкин. Аммо, ана шу тажриба, ҳар қандай фикр ҳам ғоя бўлмаслиги ҳақидаги хулосани ҳам чиқариш имконини беради.

Ҳар куни кимлар биландир муайян воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни ўртоқлашамиз. Бунда аксарият ҳолларда ўзимизга маълум нарсалар ҳақида фикрлашамиз, холос. Ана шундай ҳолатлардан фарқли ўларок ғояда янгилик мужассамлашган бўлади. Демак, ғоя ўзида янгиликни ташувчи фикрдир.

Бу ғояга хос бўлган хусусиятларнинг бир қисми, холос. Ғоя илмий факт, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш, илмий билишнинг ўзига хос шаклларида бири эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Ана шу ҳолатга нисбатан оладиган бўлсак, ғоянинг нафақат воқеликни ўрганиш натижасида бўлган муайян билим сифатида ўзлигини номоён қилишига, балки унда шу воқелик бундан кейин қай йўналишда ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма ботиний тарзда мавжудлигига ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ғоя улкан йўналтирувчилик ролини ўтайди. Масалан, қадимги юнонистонлик файласуфларнинг атомлар ҳақидаги ғояси асрлар давомида илмий изланишларни уни топишга, хусусиятларини тадқиқ этишга, дунёнинг тузилишидаги ўрнини аниқлашга йўналтириб келди. Ана шу изланишларнинг натижаси ўларок ўтган асрда атом кашф қилинди. Бу кашфиёт инсониятнинг олам тузилиши тўғрисидаги тасаввурларининг бутунлай ўзгаришига олиб келди. Аммо инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, илмийликка даъвогарлик қилган бўлса-да, ўз моҳиятига кўра ғайрилмий бўлган ва илм-фан тараққиётида ўта салбий из қолдирган ғоялар ҳам кўп бўлганлигини кўриш мумкин. Масалан, ўз даврида собиқ иттифоқда кибернетика ва генетикани «ёлғон фан»лигини асослашга қаратилган ғоялар устувор бўлганлиги бу фанлар ривожини бир неча ўн йилларга орқага суриб юборди.

Табиий-илмий ғоялар ҳақида фикр юритар эканмиз, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш лозим бўлади. Улар тараққиёт омилига айланиши учун маълум бир шарт-шароит бўлиши керак. Яъни, биринчидан, жамиятнинг умумий билим даражаси юзага келган янги билимни қабул қилишга тайёр бўлиши ва иккинчидан, уни текшириб кўриш, тасдиқлаш ёки инкор этиш имкониятига – қуроллар, воситалар, моддий-молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у маълум маданий-маърифий ҳодиса сифатида қолиб кетади. Буюк бобоколониимиз Абу Райҳон Берунийнинг «Ғарбий ярим шарда қуруқлик бор», деган фикрлари тақдири ана шундай бўлди. Жамиятнинг бундай ғояни қабул қилишга тайёр эмаслиги туфайли ўша пайтда бу ғоя ўзининг ҳақли баҳосини топмади. Орадан бир неча аср ўтгандан сўнг Ғарбий ярим шарда қуруқликнинг борлиги ҳақиқатан тасдиқланди. Бу қуруқлик – материк кейинчалик Америка номи билан юритила бошланди. Ажойиб шоиримизнинг «Колумбда бор алашим маним», деган ўтли мисраларида ана шу тарихий фактга ўзига хос муносабат ифодасини топган, дейиш мумкин.

Ғоянинг яна бир ўзига хос кўриниши бу **ижтимоий ғоя**дир. У табиий-илмий ғояга хос бўлган юқоридаги хусусиятлар билан бир қаторда улкан уюштирувчилик ролини ҳам ўтайди. Шу билан бирга табиий-илмий ғояларнинг жамият тараққиётидаги ўрни аксарият ҳолларда бевосита бўлса, ижтимоий ғоялар ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир ўтказа олади ва айтиш мумкинки, ўзига хос катализатор сифатида чиқади. Аммо қуйидагини унутмаслик лозим. Ижтимоий ғоя синфий, миллий ёки бошқа шаклларда намоён бўлмасин, улар ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жамият тараққиётига турлича, хусусан, ўта салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, миллатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган бундай бузгунчи ғоялар кўплаб бўлганлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, немис миллатининг олий ирққа мансублиги ва шу туфайли дунёда ҳукмронлик қилиши зарурлиги ҳақидаги ғоя нафақат бу халқ, балки бутун инсоният тақдирида ҳам фожиали из қолдирганлиги фикримизга далил бўла олади.

Ижтимоий ғоя ҳақида гап кетар экан, унда ифодаланаётган мазмун турлича аҳамият касб этиши мумкинлигини таъкидлаш зарур. Бунда ғоянинг конкрет миллат, жамият ёки умуман инсоният тақдирига дахлдорлигида кўринади.

Инсоният халқлар, миллатлар мажмуидир. Шундай экан, том маънодаги ғоя охир-оқибатда, озми-кўпми инсоният тақдирига таъсир қилади.

Ғоя, унинг шакллари ҳақида гап кетар экан, энг аввало у **диний ва дунёвий ғоя** кўринишида намоён бўлганлигини эътироф этиш керак. Уларнинг қай бири олдин пайдо бўлган, деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Бидамизки, инсон тафаккурида ҳамма вақт бир-бирига зид бўлган қарашлар, ёндашувлар мавжуд бўлади. Ана шу ҳолатни инobatга оладиган бўлсак, олам моҳиятини илоҳий ирода, куч фаолияти билан боғлайдиган диний ва теварак-олам сирларини табиий омиллар асосида тушунтирган ва илмий билимларнинг юзага келишига замин яратган дунёвий ғоялар бир пайтда шакллана бошлаган, деб хулоса чиқариш мантиқан тўғри бўлур эди.

Оламни англашга интилишнинг ўзига хос натижаси бўлган диний ғоялар ҳаётнинг маъноси ва мазмуни ҳақида билим бериб одамларга маънавий-руҳий таянч бўлган. Улкан ютуқлар билан бирга, ҳадсиз йўқотишларга ҳам тўла инсоният тарихи бошқа бир нарсдан ҳам далолат беради. Инсонда эзгуликни камол топтириши керак бўлган диний ғояларни ўзларининг тор гуруҳий манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилган, ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган кучлар ҳамиша мавжуд бўлган. Бундай пайтда диний ғоялар адоват ва нафратнинг кучайишига, қонли урушлар, бегуноҳ қурбонлар ва беҳисоб вайроналикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Афсуски, диний ғоялардан ғайриинсоний мақсадлар йўлида фойдаланишга уриниш бугун ҳам давом этмоқда.

Инсоф, сабр-тоқат, ҳалоллик, поклик, саховат ва мурувват ҳисларини тарбиялаши керак бўлган исломий ғоялардан ўзларининг ғайриинсоний ва ғайримиллий мақсадларида фойдаланишга интилаётган ақидапараст кучларнинг ҳаракатлари фикримизга далил бўла олади.

«Одам табиий омилларга кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни танлай олмайди. Ота-онани танлаб ололмайди. Лекин дунёқарашини, ахлоқи, маънавиятини ўзи, ҳеч кимнинг таъйиқисиз ва, айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хоҳиши хурмат қилиниши шарт, — деб ёзади И.А. Каримов¹⁶. Ақидапараст кучлар кишиларимизнинг ана шу ҳуқуқини тан олмасликка, бир ёқлама ва нотўғри талқин қилинаётган ғояларни зўр бериб ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўлда улар кенг тармоқ отган ташкилий тузулишга, улкан моддий-молиявий ресурсларга эга бўлган ўта радикал диний оқимлар, ташкилотлар кўмагига таянмоқдалар. Ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни орзу қилаётган, ислом динини сиёсийлаштириш, ягона мафкуравий макон барпо қилиш йўли билан ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган кучлар ҳам борлигини унутмаслик лозим. Улар асосан, ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизнинг миясини заҳарлаб, ўз юртининг ғанимига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай экан, ҳеч қачон диний ғоялар сиёсатга ва четдан туриб мамлакатимизнинг ички ишларига аралашушига, давлат суверенитетимизни шубҳа остига олиш учун байроқ бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, миллий хавфсизлигимиз йўлида жиддий хатар пайдо бўлади. Демак, динга, диндорларнинг ҳис-туйғуларига чуқур хурмат, айни пайтда, сохта диндорлар, турли диний-мафкуравий таълимотлар, йўналишларнинг ғаразли мақсадларига қарши мунтазам ва изчил кураш олиб бормоғимиз лозим. Шундагина, эл-юрт тинчлиги таъминланади, диний ғоялар маънавиятимиз юксалишига хизмат қилади.

Мафкура, унинг жамият ҳаётидаги ўрни. Қундалик ҳаётда биз «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларини аксарият ҳолларда синонимлар сифатида ишлатилаётганига дуч келамиз. Агар жиддий эътибор бериладиган бўлса, бу икки тушунча ўртасида ҳақиқатан муайян яқинлик борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бироқ бу уларни айнанлаштириш учун асос бўлолмастлигини таъкидлаш зарур. Нега?

Биринчидан, «**идеология**» тушунчаси идея (ғоя) ҳақидаги таълимот, бошқача айтганда «ғоялар тизими» маъносини англатади. Биз «идеология»нинг синоними сифатида қўллаётган «мафкура» тушунчасида бундай ўзак бирлиги ва ушбу термининг ўзида ғоялар тизими эканлиги аниқ бўлмаса-да, мафкура ҳам ғоявий қарашлар тизимини ифодалаб келишини кўрсатиш лозим. Демак, мафкура у синфий, миллий ёки бошқа бир кўринишда чиқмасин бир бутун қарашлар, ғоялар тизими экан, у ғояга нисбатан ҳам мазмунан, ҳам ҳажман кенгрок тушунчадир.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар, ботиний эмас, балки зоҳирий тарзда мавжуд бўлишини ва мафкуранинг ўзагини ташкил этишини таъкидлаш жоиз.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат ва фақат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён қила олиши мумкин.

¹⁶ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. - Т. Ўзбекистон, 1997, 36-бет.

«Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари ўртасида бошқа тафовутлар ҳам бор, албатта. Аммо, қайд этилган фарқларнинг ўзи ҳам уларни ёнма-ён, бир хил мазмунида ишлатиш ўринли эмаслигини англаш учун етарли. Ана шу фарқларни аниқлаб олиш, мафкурага хос хусусиятларни тўғри белгилаш ва жамият ҳаётидаги ўрнини тушуниш имконини беради.

Ҳар қандай мафкурада, биринчидан, кишиларнинг ўзларини ўраб турган воқелик, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги билимлари гавдаланса, иккинчидан, шу билимлар асосида содир бўлган, бўлаётган, бўлиши мумкин бўлган жараёнларга баҳо берилади. Ва, ниҳоят, учинчидан, юқоридаги икки ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мавжуд ижтимоий муносабатларни сақлаб қолиш, ривожлантириш ёки ўзгартиришга қаратилган мақсадларни ўз ичига олган дастурлар намоён бўлади.

Юқоридаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, мафкурани ҳар хил туркумлаш мумкин. Хусусан, унда илгари сурилаётган ғоялар, мақсадларга, яъни уларнинг тўғри ёки нотўғрилигига қараб, илмий ва ноилмий мафкурани ажратиш лозим.

Айни пайтда мафкуранинг жамият тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир қилишидан келиб чиққан ҳолда, прогрессив ва реакцион мафкура дейиш мумкин. Мафкурадан кўзланган мақсадларнинг рўёбга чиқишининг эҳтимоллик даражасига таяниб эса, реал ва утопик мафкурани фарқлаш мумкин бўлади.

Аммо, мафкура шакллари ажратиш фақат шу билан чекланмайди. Мафкуранинг жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатлар, турмуш тарзини сақлаб қолиш ёки уни ислоҳ қилишга йўналтирилганлигига асосланган консерватив ва либерал шакли ҳам бор.

Мафкурани юқоридагича туркумлаш унга турли томонлар, хилма-хил мезонлар асосида ёндашиш натижасидир. Ва у албатта, шартли, нисбий характерга эга. Масалан, моҳиятан илмий бўлган мафкура инсон билимлари ютуқларига таянган учун кўзланган мақсадларнинг амалга ошишига ёрдам беради, жамият ривожланишига ижобий (прогрессив) таъсир қилади. Ўз-ўзидан бундай мафкура бир томондан, ижтимоий муносабатларда, турмуш тарзида умрини яшаб бўлган, қотиб қолган жиҳатларга қарши қаратилган бўлса, иккинчи томондан, мавжуд ижобий ҳолатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, умумий тарзда жамият, унинг тузилиши, ривожланиш йўллари ҳақидаги ғоявий-назарий қарашлар тизимига **мафкура** дейилади, деб хулоса чиқариш мумкин.

Аммо мафкуравий андоза ва қоидалар мутлақлаштирилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Мутлақлаштириш уни тайёр ва ўзгармас тамойиллар, кўрсатмалар йиғиндиси сифатида тушуниш натижасида юзага келади. Бундай тушуниш, маълум даражада, хавфли эканлигини ҳам таъкидлаш зарур. Хусусан, марксизм асосчилари асарларида баён этилган ғоя, принципларнинг мутлақлаштирилиши, ҳаёт ўзгариб бораётган бир пайтда мафкуравий қарашларда догматизмнинг устуворлиги, ҳаётни қотиб қолган мафкуравий андозаларга қараб ўзгартиришга уриниш ер юзида бир-бирига қарама-қарши турган икки сиёсий системанинг шаклланишига олиб келди. Инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган бу мафкура билан қуролланган ёки зўрлаб қуроллантирилган халқлар машаққатли кунларни, оғир жудоликларни бошидан кечирдилар. Инсоният бошига қўплаб қулфатлар келтирган бундай мафкуралар ҳақида қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ улар умуман мафкуранинг жамият ҳаётидаги ролини инкор этмайди.

Агар муайян билимлар, қадриятлар ва мақсадлар тизими — мафкура бўлмас экан, кишиларда ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини тўла-тўқис англаш имконияти бўлмайди, давлат, жамият ўз тараққиёт йўлини йўқотиб қўяди. Бунинг исботи учун узоққа бориш шарт эмас.

Чунончи, содир бўлаётган жараёнларни тушунишга ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга турлича ёндашув, ягона бирлаштирувчи мафкуранинг йўқлиги, собиқ Иттифок даврида «босмачилик» тамғаси босилган миллий озодлик ҳаракати намоёндаларининг яқдил фаолиятига имкон бермади. Уларнинг ҳар бири эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилган, миллат озодлигини орзу этган бўлсалар-да, аммо ягона миллий ғоя ва раҳнамо атрофида бирлаша олмадилар. Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек, мафкуравий яқдиллик бўлмаган, бўшлиқ юзага келган жойда бегона мафкура ҳукмрон бўлишини исбот қиладиган ана шундай мисолларни хоҳ ўтмишдан, хоҳ замонамиздан қўплаб келтириш мумкин.

Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси. «Кўп синовлар, азобу-уқубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда, — деб ёзади Президентимиз. — Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳ баҳс-мунозара доирасидан чиқиб тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-қулфатлар солмоқда».

Нега бундай кураш давом этмоқда? Нега у тўқнашув, қонли кураш кўринишларини олмоқда? Жаҳон сиёсий харитасида қўплаб давлатлар мавжуд. Турли динлар, диний оқимлар, мазҳаблар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бирининг ўзгалардан фарқ қиладиган маффаатлари бор. Айнан мана шу маффаатлар улкан ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади ва у ўзга давлатлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар онгига, дунёқаршига, турмуш-тарзига таъсир ўтказиш, ўзларига бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради.

Бундан мақсад, муайян иқтисодий, сиёсий ва диний қарашларни сингдириш орқали турли кўринишдаги эҳтиёжларни қондиришга интилишдир. Бундай интилиш турли воситалар ва йўллардан фойдаланишни, уларнинг доимий такомиллашиб боришини келтириб чиқармоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, «баъзан

беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мутфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланганида».

Халқаро майдонда ҳам бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли қўзланган мақсадга олиб келмаганда, мамлакат ички ишларига аралашиб, мавжуд зиддиятларни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам ижтимоий беқарорликни юзага келтиришга бўлган уринишларни исботловчи бундай мисолларни ҳам кўп келтириш мумкин.

Афғонистондаги уруш йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери давом этиб келмоқда? Бунинг сабаби нимада? Аввало, Афғонистон икки системанинг халқаро майдонда ҳукмронлик қилишга интилишининг қурбони бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки, дастлаб Афғонистондаги бир-бирига душман бўлган кучларни икки системанинг етакчи давлатлари ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар, социалистик ва буржуа мафкуралари деб аталган мафкураларнинг кураш полигонига айлантirdилар. Кейинроқ миллий яраш ҳаракати юзага келган ва уни жаҳон афкор оммаси кенг қўллаб-қувватлаган пайтда диний-экстремистик ҳаракатларни қувватлаган кучлар таъсирида мамлакат кураш майдонига айланди ва фуқаролик уруши янги сифатий ҳолат касб этди. Бугунги кундаги воқеалар Афғонистондаги фуқаролар уруши кўпроқ сурункали низо кўринишини олаётганлигини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси ташқи кучларнинг Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга кучли таъсир ўтказётганлиги, мамлакатнинг тараққиёт йўли хусусидаги ўз қарашлари, стандартларини сингдиришга, бир сўз билан айтганда, ўз мафкураларининг ҳукмрон мавқега эга бўлиши учун ҳаракат қилаётганликлари оқибатидир.

Афғонистоннинг бугунги аҳволи жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Шундай бўлса-да инсон онги ва қалби учун кураш, уни эгаллаш орқали ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш, рўёбга чиқаришга интилиш тобора кучайиб, янгидан-янги шакл касб этмоқда.

Хусусан, жаҳон майдонларини диний эътиқод умумийлигини пеш қилган ёки этник бирликка урғу берган ҳолда бўлиб олишга уринишлар мавжудлигини таъкидлаш зарур. Бу йўлда хилма-хил усуллар ва воситалардан фойдаланилмоқда. Ана шуларнинг барчасидан битта хулоса чиқариш мумкин. XX асрда икки жаҳон урушини бошдан кечирган инсоният сўнгги йилларда турли сабабларга кўра, юзага келаётган ва ўз оқибатларига кўра жаҳон урушларидан ҳам фалокатлироқ бўлган янгидан — янги можароларга дуч келмоқда. Бундай можаролар унга тортилган халқлар ҳаётини издан чиқарибгина қолмай, қўшни халқлар руҳияти, турмуши, тараққиётига ҳам жиддий ва сезиларли салбий таъсир ўтказиши табиий, албатта.

Афсуски, мустақилликка эришган Ўзбекистонга чегарадош ҳудудларда ҳам ана шундай можаролар давом этмоқда. «Қўшнинг тинч — сен тинч», — дейди халқимиз. Шу нуктаи назардан қараганда, минг-минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлаётган Афғонистондаги танглик давом этаётган экан, асло хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди. Нега? Чунки ушбу можаро таъсирининг бошқа жиҳатларини инобатга олмаганда ҳам, адоват уруғини сочишга, ўрта аср жаҳолатпарастлигига асосланган ўз ақидаларини зўрлаб қабул қилдиришга ва шу йўл билан минтақани ўз таъсир доираларига тортишга интилаётган кучлар мавжудлигини ва уларнинг ўз мақсадлари йўлида фаол ҳаракат қилаётганликларини асло унутмаслик лозим.

XX асрнинг сўнгги йиллари ҳақида гап кетар экан, у нафақат юқоридаги каби можаролар, балки ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар билан ҳам характерланишини тан олиш зарур. Айни пайтда ана шундай ижобий жараён билан бир қаторда, юқорида таъкидланганидек, экстремизм ва фундаментализмдек ўта хавфли қарашлар тизими ва фаолияти ҳам тарих саҳнасида чиққанлигини таъкидлаш зарур. Бундай кучларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталиги, ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ кўрсатиш имкониятининг улканлиги, восита ва механизмларнинг хилма-хиллигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизнинг тараққиётига, кишиларимиз онги ва руҳиятига ўзларининг тор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъсир кўрсатишга ҳаракат қиладиган кучлар, диний экстремизм ёки агрессив миллатчилик кўринишидаги турли оқим ва ҳаракатлар, уларнинг ғаразли мақсад ва интилишлари мавжуд бўлган вазиятда инсон ўз мустақил фикрига ва эътиқодига эга бўлмаса, турли мафкураларнинг босими ва тазйиқларига бардош бериши қийин.

Бу туйғуларни шакллантириш, буюк мақсадларимизни рўёбга чиқариш, миллатнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш учун эса унга хизмат қиладиган, рағбатлантирадиган, йўналтирадиган ўз миллий мафкурамизни шакллантирмоғимиз лозимлиги шубҳасиздир.

Хўш миллий мафкурамиз нималарга асосланиши ва онгимизга қандай тамойилларни сингдирмоғи лозим? Бу саволга жавобни ҳам Президентимиз асарларидан топиш мумкин. «Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. Шу билан бирга бу мафкура халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимо интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак»¹⁷.

¹⁷ Қаримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., Ўзбекистон, 2000.

Шубҳасиз, айнан шундай мафкурагина фикр қарамлиги, тафаккур қуллигининг олдини олишга хизмат қилади, миллий жипсликни, таракқиётни, мамлакатимизнинг том маънодаги буюк келажagini таъминлайди.

Таянч тушунчалар

Ғоя, илмий ва ижтимоий ғоя, диний ва дунёвий ғоя, мафкура, мафкура шакллари, миллий мафкура.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ғоя деганда нимани тушунаси?
2. Ғоянинг қандай шакллари биласиз?
3. Мафкура деганда нима тушунилади?
4. Мафкуранинг жамият ҳаётидаги ўрни нималарда кўринади?
5. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси деганда нимани тушунаси?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси Халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1998.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999.

5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1999.

6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., Ўзбекистон 2000.

7. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

4-мавзу. Билиш фалсафаси

Режа:

1. Билиш ва билим — фалсафий таҳлил мавзуи.
2. Билишнинг объекти ва субъекти. Инсон билишининг асосий босқичлари.
3. Илмий билишнинг моҳияти ва усуллари. Метод, назария ва методология.
4. Ҳақиқат тушунчаси. Унинг шакллари.
5. Ўзбекистон истиқлоли ва билимли ёшларни тарбиялаш масалалари.

Билиш ва билим. Билишнинг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Инсон ўз билими туфайли борлиқ, табиат, жамиятни ва ниҳоят, ўз-ўзини ўзгартиради. Билишга қаратилган инсон фаолиятини ва уни амалга оширишнинг энг самарали усуллари тадқиқ этиш фалсафа тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳаси — гносеология вужудга келди.

Инсон билиши ниҳоятда кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндр. **Гносеология** асосан, билишнинг фалсафий муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланади. Ҳар бир тарихий давр жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, гносеология олдида янги вазифалар қўяди. Хусусан, XVII аср ўрталарида европалик файласуфлар илмий билишнинг аҳамияти, ҳақиқий илмий билишлар ҳосил қилишнинг усуллари ўрганиш, илмий ҳақиқат мезонини аниқлаш билан шуғулландилар. Тажрибага асосланган билимгина ҳақиқий билимдир, деган ғояни олға сурдилар.

XVIII аср мутафаккирлари илмий билишда инсон ақли имкониятларига, рационал билишнинг ҳиссий билишга нисбатан устунлигига алоҳида урғу бердилар. Буюк немис файласуфи И. Кант билиш натижаларининг ҳақиқийлиги хусусида эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ҳақида баҳс юритди. Гносеология олдида инсон олами била оладими, деган масала кескин қўйилди. Инсоннинг билиш имкониятларига шубҳа билан қарайдиган файласуфлар агностиклар деб аталдилар.

Билиш нима? Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб турган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан муваффақиятли шуғуллана олмайди. Билишнинг маҳсули, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касб-корни эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир.

Инсоният кўп асрлар давомида орттирган билимларини умумлаштириб ва кейинги авлодларга бериб келганлиги туфайли ҳам ўзи учун қатор қулайликларни яратган. Инсон фаолиятининг ҳар қандай тури муайян илмга таянади ва фаолият жараёнида янги билимлар ҳосил қилинади.

Кундалик фаолият жараёнида тажрибалар орқали билимлар ҳосил қилиш бутун инсониятга хос бўлган билиш усулидир. Билимлар бевосита ҳаётий эҳтиёждан, фаровон ҳаёт кечириш заруратидан вужудга келган ва ривожланган. Инсониятнинг анча кейинги тараққиёти давомида илмий фаолият билан бевосита шуғулланадиган ва илмий назариялар яратувчи алоҳида социал гуруҳ вужудга келди. Булар — илм-фан кишилари бўлиб, илмий назариялар яратиш билан шуғулландилар.

Билишнинг икки шакли: **кундалик (эмпирик) билиш ва назарий (илмий) билиш** бир-биридан фарқланади.

Кундалик билиш усуллари ниҳоятда хилма-хил ва ўзига хос бўлиб, бундай билимларни системалаштириш ва умумлашган ҳолда кейинги авлодларга бериш анча мушкулдир. Ҳозирги замон ғарб социологиясида халқларнинг кундалик билим ҳосил қилиш усуллари ўрганувчи махсус соҳа — этнометодология фани вужудга келди. Гносеология асосан назарий билиш ва унинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Назарий билишнинг объекти, субъекти ва предметини бир-биридан фарқлаш муҳим.

Билиш объекти. Тадқиқотчи-олим, файласуф, санъаткор ва бошқаларнинг, умуман инсоннинг билимлар ҳосил қилиш учун илмий фаолияти қаратилган нарса, ҳодиса, жараён, муносабатлар билиш объектлари ҳисобланади. Билиш объектлари моддий, маънавий, конкрет, мавҳум, табиий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Билиш объектлари энг кичик зарралардан тортиб улкан галактикагача бўлган борлиқни қамраб олади. Билиш объектларига асосланиб, билим соҳалари табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга ажратилади.

Билиш субъекти. Билиш билан шуғулланувчи кишилар ва бутун инсоният билиш субъекти ҳисобланади. Айрим олинган тадқиқотчи-олимлар, илмий жамоалар, илмий тадқиқот институтлари ҳам алоҳида билиш субъектларидир. Илмий фаолият табиат ва жамият моҳиятини билишгагина эмас, балки инсоннинг ўзига ҳам қаратилиши мумкин. Инсон ва бутун инсоният айна бир вақтда ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади.

Билишнинг мақсади илмий билимлар ҳосил қилишдангина иборат эмас, балки билиш жараёнида ҳосил қилинган билимлар воситасида инсоннинг баркамоллигига интилиш, табиат ва жамиятни инсонийлаштириш, табиий ва ижтимоий гармонияга эришишдир. Фан — фан учун эмас, балки инсон манфаатлари учун хизмат қилиши лозим. Инсон илмий билимлар воситасида маънавий баркамолликка эриша боргани сари илм-фан кадрият сифатида эъзозлана бошлайди. Фаннинг ҳар томонлама ривожланиши билан турли илм соҳаларининг ҳамкорлиги кучаяди, бутун илмий жамоалар билиш субъекти, янги илмий кашфиётлар ижодкорига айланадилар.

Билиш предмети субъектнинг билиш фаолияти қамраб олган билиш объектининг айрим соҳалари ва томонларидир. Фаннинг ўрганиш соҳаси тобора конкретлашиб боради. Табиатшунослик фанларини билиш предметига қараб ботаника, зоология, география, ихтиология ва бошқа соҳалари вужудга келгандир. Тадқиқот предмети фанларни бир-биридан фарқлашга имкон берадиган муҳим белгидир.

Билиш даражаларини шартли равишда: қуйи, юқори ва олий даражага ажратиш мумкин. Билишнинг қуйи даражаси барча тирик мавжудотларга хос бўлиб, **ҳиссий билиш** дейилади. Ҳиссий билиш сезгилар воситасида билишдир.

Инсоннинг сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгиси) бошқа мавжудотларда бўлгани сингари унинг нарсаларга хос хусусият, белгиларини фарқлаш, табиий муҳитга мослашиш ва химояланиши учун ёрдам беради. Билишнинг қуйи босқичида сезги, идрок, тасаввур, диққат, хаёл ташқи олам тўғрисида муайян билимлар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Билишнинг юқори босқичи фақат инсонларгагина хос бўлиб, **ақлий билиш** (рационал билиш) дейилади. Агар инсон ўз сезгилари ёрдамида нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи хосса ва хусусиятларини билса, тафаккур воситасида нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини билиб олади. Моҳият ҳамшиша яшириндир, у доимо ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ҳодисада моҳиятнинг фақат бир томонигина намоён бўлади. Шу боисдан ҳам ҳодиса алдамчи ва чалғитувчидир. Бинобарин, инсон сезгиларининг бирон бир нарса ёки ҳодиса тўғрисида берган маълумотлари ҳеч қачон унинг бутун моҳиятини очиб бера олмайди.

Тушунча. Ақлий билиш ёки тафаккур воситасида билиш ҳиссий билишни инкор этмайди, балки сезгилар воситасида олинган билимларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, мавҳумлаштириш орқали янги ҳосил қилинган билимлардан тушунчалар яратилади.

Тушунчада инсоннинг ҳиссий билиш жараёнида орттирган барча билимлари мужассамлашади. Тушунча ақлий фаолият маҳсули сифатида вужудга келади. Нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб боришда тушунча муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ақлий билиш ҳиссий билишга нисбатан анча мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Ақлий билишда нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини билиш учун улардан фикран узоқлашиш талаб этилади. Масалан, инсоннинг моҳияти унинг сезги аъзоларимиз қайд этадиган келишган қадди-қомати, чиройли қошу кўзи, ижодкор қўли, оёқлари билан белгиланмайди. Инсоннинг моҳияти аввало, унинг ақл ва тафаккурга, яратиш қудратига, меҳр-шафқат ҳиссига, меҳнат қилиш, сўзлаш қобилиятига эга эканлигида намоён бўлади.

Инсон тушунчаси ўзида инсониятнинг кўп асрлар давомида орттирган билимларининг маҳсули сифатида шаклланди.

Ҳар бир фан ўзига хос тушунчалар аппаратини яратади ва улар воситасида моҳиятни билишга интилади. И. Кантнинг фикрича, нарсаларнинг моҳияти сўз ва тушунчаларда мужассамлашади. Яъни биз сўз ва тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида бирон бир билимга эга бўламиз. Ҳар бир инсон дунёга келар экан, тайёр нарсалар, муносабатлар билан бир қаторда тайёр билимлар оламига ҳам кириб боради.

Ҳукм. Ақлий билиш нарса ва ҳодисаларга хос бўлган белги ва хусусиятларни тасдиқлаш ёки инкор этишни тақозо этади. Тафаккурга хос бўлган ана шу тасдиқлаш ёки инкор этиш қобилиятига ҳукм дейилади. Ҳукмлар тушунчалар воситасида шаклланади. Ҳукмлар янги билимлар ҳосил қилишга имконият яратади, улар воситасида нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб борилади. Шундай қилиб, ҳукм нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини ифодаловчи энг муҳим белги ва хусусиятлар мавжудлигини ё тасдиқлайди ёки инкор этади. Масалан, «инсон ақли мавжудотдир», деган ҳукмда инсонга хос энг асосий белги - ақлнинг мавжудлиги тасдиқланапти. Бироқ инсон шундай мураккаб мавжудотдирки, унинг моҳияти фақат ақли мавжудот эканлиги билан чекланмайди. Чунки қирғинбарот урушлар, экологик инқирозлар ақли мавжудот бўлган инсон томонидан амалга оширилди. «Инсон ахлоқли мавжудотдир». Инсон тўғрисидаги ҳозирги замон фанининг муҳим хулосаси ана шу.

Хулоса — ақлий билишнинг муҳим воситаларидан бири, янги билимлар ҳосил қилиш усулидир. Хулоса чиқариш индуктив ва дедуктив бўлиши, яъни айрим олинган нарсаларни билишдан умумий хулосалар чиқаришга ёки умумийликдан алоҳидаликка бориш орқали бўлиши ҳам мумкин.

Бинобарин, тушунча, ҳукм ва хулосалар чиқариш илмий билишнинг муҳим воситаларидир. Бундай билиш инсондан алоҳида қобилият, кучли иродани тарбиялашни, нарса ва ҳодисалардан фикран узоқлашишни, диққатни бир жойга тўплашни, ижодий хаёлни талаб этади.

Билишнинг олий даражаси **интуитив билиш, қалбан билиш, ғойибона билиш**дир. Ўзининг бутун борлигини фан, дин, сиёсат ва санъат соҳасига бағишлаган буюк кишилар ана шундай билиш қобилиятига эга бўладилар. Интуитив билиш хиссий ва ақлий билишга таянади. Буюк шахсларнинг ғойибона билиши уларнинг доимий равишда фикрини банд этган, ечимини кутаётган умумбашарий муаммолар билан боғлиқдир. Илмий билишнинг энг самарали усулларини аниқлаш гносеологияда муҳим ўрин эгаллаб келди. Ҳар бир фан ўзига хос билиш усулларида фойдаланади.

Илмий билиш факт ва далилларга, уларни қайта ишлаш, умумлаштиришга асосланади. Илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни илмий билиш методлари дейилади.

Илмий билиш методларини ўрганадиган махсус соҳа — **методология** деб аталади. Илмий билиш методлари ўз характерига кўра: 1) энг умумий илмий методлар; 2) умумий илмий методлар; 3) хусусий илмий методларга бўлинади.

Энг умумий илмий билиш методлари барча фанлар учун хос бўлган методлардир. Бунга анализ ва синтез, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштириш кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан, табиатшунослик фанларида кузатиш, эксперимент, такқослаш умумилмий методлар бўлса, ижтимоий фанларда тарихийлик ва мантикийлик умумилмий методлар ҳисобланади.

Хусусий илмий методлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, суҳбатлашиш, анкета сўрови, ҳужжатларни ўрганиш социология фанига хос бўлган хусусий илмий методлардир. Бир фанда яхши самара берадиган илмий билиш методи бошқа фанда шундай самара бермаслиги мумкин. Илмий билишда тўғри методни танлаш билишда муваффақият гарови ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, илмий тадқиқотда нимани ўрганиш керак, деган масала фан предметини аниқлашга имкон берса, қандай ўрганиш керак, деган масала эса илмий билиш методини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Илмий билиш методлари ва илмий назария бир-бири билан узвий боғлиқдир. Илғор илмий назария фаннинг бутун тараккиёти давомида эришилган муҳим ютуқ бўлиб, у илгариги илмий қарашларни ижодий ривожлантириш, ўша ютуқларга танқидий нуқтаи назардан қараш орқали вужудга келади. Фан моҳиятан ўзи эришган ютуқларга шубҳа билан қарашни тақозо қилади.

Фан, фалсафа соҳасида эришилган ютуқларни мутлақлаштириш, уларга кўр-кўрона сиғиниш муқаррар равишда догматизмни келтириб чиқаради. Фан эришган ютуқлар ҳамиша нисбийдир. Лекин бундай нисбийликни мутлақлаштириш релятивизмни, фан ютуқларига ишончсизлик билан қараш эса, скептицизмни вужудга келтиради. Фан тараккиёти учун догматизм, релятивизм ва скептицизм жиддий халақит беради.

Илғор илмий назариялар маълум бир даврда илмий ва фалсафий қарашлар йўналишини ўзгартириши, илмийликнинг ўзига хос мезони бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Чарльз Дарвиннинг эволюцион назарияси, А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси фалсафий ва илмий дунёқарашларда муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди.

Гносеологияда ҳақиқат тушунчаси муҳим ўрин тутаяди. **Ҳақиқат** инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келишидир. Ҳақиқатни очиш ёки илмий ҳақиқатга эришиш ҳар қандай илмий билишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳақиқат ўзининг мазмунига кўра мутлақ ва нисбий бўлиши мумкин. Фан ҳақиқати ҳамиша нисбий характерга эга бўлиб, уларнинг мажмуасидан мутлақ ҳақиқат вужудга келади.

Ҳақиқат ўз мазмунига кўра ҳамиша объективдир. Яъни унинг мавжудлиги айрим кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмасдир. Масалан, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги объектив ҳақиқатдир. Айрим кишиларнинг бу мустақилликни тан олиш ёки олмаслигидан қатъи назар, бу ҳақиқат ўз мазмунини сақлаб қолаверади. Ҳақиқатни атайин бузиш ёки сохталаштириш охир-оқибатда фош бўлади ва ўз қадрини йўқотади. Шунингдек, ҳақиқат ҳеч қачон мавҳум эмасдир. У ҳамиша конкретдир. Ҳегель сўзлари билан айтганда, нимаики воқе бўлса, у ҳақиқатдир, ҳақиқат — воқелиқдир. Ҳақиқат мазмунининг конкрет характери жой, вақт ва шароитни эътиборга олишни талаб этади.

Гносеологияда табиий-илмий ва ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятларини англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Узоқ йиллар давомида табиатшунослик фанларига хос бўлган объективлик, холислик илмийликнинг муҳим мезони деб ҳисоблаб келинди. Бироқ XX аср ўрталарида фан-техника инқилоби инсоният олдида пайдо бўлган муаммолар табиатшунослик фанлари олдига қадриятли ёндашув вазифасини қўя бошлади. Ақли мавжудот бўлган инсон ҳар қачон табиатни ўрганишда ҳамиша ўз манфаатларини кўзлайди. Табиат ресурслари чексиз ва битмас-туганмасдир, деган бир ёқлама қараш охир-оқибатда инсон томонидан табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатни вужудга келтирди. XX аср охирларига келиб табиатга нисбатан инсонларча, қадриятли муносабатда бўлиш зарурияти чуқурроқ англана бошлади.

Ижтимоий фанлар ҳамиша мавжуд сиёсий тузум, даврнинг талаб ва эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ равишда ривожланади. Ижтимоий билишда жамият ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади: инсоният ўз тарихини яратувчи ва ўз-ўзини билувчидир.

Табиатшуносликда нисбатан барқарор системалар билиш объекти ҳисобланади. Табиатдаги нарса ва ходисалар тадқиқотчига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмайдилар. Ижтимоий билишда эса, нисбатан тез ўзгарувчи

системалар билиш объекти ҳисобланади. Ижтимоий билишга хос бўлган муҳим хусусият шундаки, у моддий ишлаб чиқариш соҳаларинигина эмас, балки жамиятнинг анча мураккаб маънавий ҳаётини, ижтимоий-сиёсий муносабатларни, қарашлар ва ғояларни ҳам ўрганади. Ижтимоий фанлар миллий ғоя ва миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Гносеологиянинг мақсад ва вазифалари, билишнинг моҳияти ва мазмуни тўғрисида зарур билимларга эга бўлиш мамлакатимизда билимдон, ҳар жиҳатдан етук баркамол инсон шахсини шакллантиришда алоҳида ўрин тутаяди. Билиш назарияси бўлажак мутахассис-кадрларда муайян илмий лаёқат ва қобилиятларни шакллантиришга қўмаклашади. Миллий мустақиллик йилларида гносеология олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири, илмий билимларнинг жамиятимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилишини таъминлайдиган омил ва механизмларни ўрганиш, улуғ аجدодларимизнинг илмий билимларни ривожлантириш борасида ортирган тажрибаларини кенг оммалаштиришдир.

Таянч тушунчалар

Билиш, гносеология, билим, кундалик (эмпирик) билим, назарий билим, билиш объекти, билиш субъекти, ҳиссий билиш, мантиқий билиш, илмий билиш методлари, назария, ҳақиқат, нисбий ҳақиқат, мутлақ ҳақиқат

Такрорлаш учун саволлар

1. Гносеология нимани ўрганади?
2. Билиш нима?
3. Ҳиссий ва рационал билишнинг ўзига хослиги нимада?
4. Билиш объекти, субъекти, предмети тушунчаларини изоҳланг.
5. Илмий билишнинг асосий усул (метод) ларини кўрсатинг.
6. Билишнинг ёшларни тарбиялаш ва камол топтиришдаги аҳамият нимада?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т, «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т, «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. «FIDOKOR» газетаси, 2000 йил 8 июн.
5. Основы философии. — Т., Ўзбекистон, 1998.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ.

ИНСОН ВА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

1-мавзу. Инсон фалсафаси. Мустақиллик ва ислохотларнинг ижтимоий моҳияти

Режа:

1. Инсон — фалсафанинг бош мавзуси. Инсон, шахс ва индивид тушунчалари.
2. Антропология — инсон тўғрисидаги фан. Унинг фалсафий муаммолари. Инсоннинг жамиятдаги ўрни.
3. Инсон табиати ва моҳияти. Эркинлик ва инсон ҳуқуқларининг ижтимоий қадрият сифатидаги талқини.
4. Ўзбекистон мустақиллиги ва инсоннинг қадр-қиммати. Ислохотлардан мақсад — инсон, унинг фаровонлиги ва бахт-саодати.
5. Инсон муаммосини ўрганишнинг тарбиявий зарурияти ва аҳамияти.

Инсон — фалсафанинг бош мавзуси. Инсоннинг яралиши, моҳияти ва жамиятда тутган ўрни фалсафий муаммолар тизимида муҳим ўрин тутади. Турли фалсафий таълимотларда бу масалалар турлича талқин этиб келинган. Шундай бўлиши табиий ҳам эди, чунки инсон моҳиятан ижтимоий-тарихий ва маданий мавжудот сифатида ҳар бир янги тарихий шароитда ўзлигини чуқурроқ англашга, инсоний моҳиятини рўёбга чиқаришга интилаверади.

Сукротнинг «Ўзлигини бил» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янги аҳамият касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашгандир. Улуғ мутасаввуф Абдулхалиқ Ғиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган. Фалсафада бахс юритиладиган барча масалалар инсон муаммосига бевосита дахлдордир. Умуман олганда, инсонга дахлдор бўлмаса, унга фойда келтирмаса, жамиятнинг оғирини енгил қилмаса, ундай фаннинг кераги бормикан? Шу маънода, инсон, аввалло, ўзи учун зарур бўлган фанларни, илмлар ва билимлар тизимини яратган.

Табиат, маданият, сиёсат, цивилизация, билиш каби масалалар инсон манфаатлари ва инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш шакллари дир. Уларнинг барчаси инсон табиати ва моҳияти билан боғлиқдир.

Фалсафа инсонни оламнинг таркибий қисми сифатида ўрганади. Инсон шундай мураккаб ва кўп қиррали мавжудотки, унинг моҳияти яхлит бир бутунлик сифатида инсон, шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари орқали ифодаланади. Бу тушунчалар бир-бирига яқин ва маънодош бўлса ҳам, бир-биридан фарқланади.

Инсон — ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудот. Инсоннинг биологик хусусиятларига овқатланиш, ҳимояланиш, зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш кабилар хос.

Инсон бошқа мавжудотлардан социал хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунончи, тил, муомала, рамзий белгилар, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўз-ўзини идора этиш, бадий ижод, ахлоқ, нутқ, тафаккур, қадриятлар, табу (руҳсат ва таъқиқлаш) шулар жумласидандир.

Инсоннинг психик хусусиятларига руҳий кечинмалар, ҳайратланиш, ғам-ташвиш, қайғу, изтироб чекиш, завқланиш, кайфият кабилар киради.

Инсон шу хусусиятлари орқали яхлит бир тизимни ташкил этади. У яхлит мавжудот сифатида ўз эҳтиёжларини қондиради ва инсоният давомийлигини таъминлайди. Инсонга хос бўлган биологик хусусиятларни ижтимоий хусусиятлардан устун қўйиш ёки психологик хусусиятларни бўрттириш унинг моҳиятини бузиб талқин этишга, бир ёқламалikka олиб келади.

Фалсафа тарихида инсон тўғрисидаги таълимотларда биологизм, социологизм, психологизм каби йўналишлар вужудга келган. Биологизм инсоннинг табиий-биологик хусусиятларига, социологизм инсоннинг ижтимоий хусусиятларига, психологизм эса, маънавий, руҳий, психологик хусусиятларига бир ёқлама ёндашишга асосланган эди.

Инсон моҳиятини фалсафий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил қилишда шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларининг моҳиятини билиш ва уларни бир — биридан фарқлаш муҳимдир. **Шахс** ўзида социал сифатларни мужассамлаштирган инсонни ифода этади. Кишилар шахс бўлиб туғилмайди, балки жамиятдагина шахс бўлиб шаклланади ва ривожланади. Чунки инсонга хос ижтимоий сифатлар, фазилатлар авлоддан-авлодга

ирсий йўл билан ўтмайди. Инсон дунёга келган вақтида жамият, сиёсий тузум, маданият, ишлаб чиқариш, оила, оммавий ахборот воситалари, мафкура каби ижтимоий тузилмалар мавжуд бўлади.

Инсон таълим-тарбия, меҳнат, мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, билим, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар, сиёсий ғоя, миллий мафкура каби омиллар таъсирида яшайди, уларни ўзлаштиради ва шу жараёнда ижтимоийлашади, яъни шахс бўлиб шаклланади. Натижада инсонда янгича фазилат ва сифатлар пайдо бўлади. У яратувчан мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш, юксак масъулиятни ҳис этиш, ғоя учун курашиш, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллик шахсга хос белгилардир. Шахснинг мақсад, ғоя ва идеаллари жамиятдаги мавжуд ғоя ва мафкура билан узвий боғлиқ равишда шаклланади. Миллий ғоя ва мафкурани амалга ошириш, эзгу идеаллар йўлида ҳатто ҳаётини қурбон қилиш шахс ҳаётининг бош мақсадига айланади.

Шахс мустаҳкам иймон-эътиқод, ғоя ва инсоний фазилатларга эга бўлган, Ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларини ифода этадиган инсондир.

Жамият ўз тараккиёти давомида вужудга келган муаммоларни ҳал этиш учун шахснинг муайян тарихий намуналарини яратади. Ҳар бир ўзгарган тарихий шароитда шахс моҳиятини ва мазмунини янгича тушуниш зарурияти вужудга келади. Бугунги адабиётларда ҳаризматик, шухратпарастлик, тажовузкорлик ва бошқа шаклдаги шахслар тимсоли акс эттирилмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фозил ва баркамол инсон шахсини шакллантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз олдига ана шундай шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди.

Инсон тарихнинг яратувчиси сифатида табиат тараккиётидаги узлуксизликни таъминлайди. У ўз билими, тажрибаси ва ютуқларини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиради; табиат ва жамиятни қайта қуради ва такомиллаштиради. Инсон ўз ақли туфайли бутун коинот, табиат тараккиётида буюк яратувчи куч сифатида намоён бўлади, ўз тарихини яратади, уни авайлаб-асрайди. Инсон фаолияти ва тажрибалари жамиятнинг такомиллашуви ва кишиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Табиат ва жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, яратувчилик моҳияти, олий мавжудот экани, ворисликнинг давомийлигини таъминлаши барча ижобий ва фойдали ютуқларни саклаши ва тарғиб этиши каби хусусияти ва қобиляти туфайли инсон муқаддас ва табаррук қадрият ҳисобланади.

Антропология инсондаги инсонийликнинг намоён бўлиши ва ривожланишини руҳ билан боғлайди. Айрим тадқиқотчилар инсонга хос бўлган бирор-бир хусусиятга алоҳида урғу берган ва шу орқали инсоний моҳиятни очиб беришга ҳаракат қилган. Масалан, И. Кант инсондаги ахлоқий жиҳатларга кўпроқ эътибор берган ва уни эзгуликни ёвузликдан фарқловчи мавжудот сифатида таърифлаган. Владимир Соловьев инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқини уялиш, ачиниш ва олий кучларга сиғиниш каби хусусиятларда, деб билган. Унинг фикрича, инсон ўзининг тубан майллари ва гуноҳларидан уялиш қобилятига эга. Фақат одамларга эмас, балки бутун тирик жонга ачиниш ва муқаддас кучларга сиғиниш инсонгагина хос.

Инсон табиати — ғоят мураккаб. Унда ҳайвоний ва илоҳий сифатлар мужассамлашган. Лекин у — ҳайвон ҳам, фаришта ҳам эмас. Инсоний руҳ ва маънавият уни бошқа мавжудотлардан юқори даражага кўтарди.

Инсонни ўрганадиган фан — антропология деб юритилади.

Антропология инсон моҳиятини, унинг табиат ва жамиятдаги ўрнини, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Антропологияда инсон моҳиятини тўлароқ очиш учун «мен», «онг», «шахс», «руҳ» тушунчалари қўлланади. «Мен» — инсоннинг ўзлигини ташки оламдан, реал борлиқдан фарқлайди. «Мен» онг туфайлигина ўзини бошқа борлиқдан фарқлайди. Бошқа нарсалар инсонга бегона воқелик бўлиб туюлади. Шахс инсоннинг мустақиллигини ифода этади.

Инсон ўз ҳаёти давомида тана ва руҳ эҳтиёжларини қондиришга интилади. Тана эҳтиёжларини қондириш инсон борлигининг бирламчи шартини ҳисобланади. Бироқ ҳаётнинг маъноси фақат моддий неъматлардан баҳраманд бўлиш, танпарастлик, лаззатланиш, бойликка ружу қўйишдан иборат эмас. Инсон руҳи ҳам ўзига хос озиққа эҳтиёж сезади. Шу боис унда маърифатпарварлик, одамийлик, одиллик, раҳм-шафқат, диёнат, виждон, олиҳимматлик, ватанпарварлик каби маънавий фазилатлар шаклланади. Юксак маънавият инсонни руҳан поклайди, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсонни маънавий-руҳий жиҳатдан камол топтиришга қаратилгандир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини унинг табиий-моддий манфаатларидан ажратиш, унга фақат илоҳий мавжудот сифатида қараш ҳам бирёқламалikka олиб келиши, етилган ижтимоий муаммолар моҳиятини тўғри тушунишга ҳалақит бериши мумкин.

Мамлакатимизда шаклланаётган миллий ғоя ва миллий мафкура инсонга бирёклама қарашларга зид равишда, ундаги моддийлик ва маънавийликни уйғунлаштиришни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти кишиларнинг фаровон, бой — бадавлат, мулкдор, барча қулайликларга эга бўлишини инкор этмайди. Аксинча, уларни тадбиркор, уddaбурон ва меҳнатсевар бўлишга рағбатлантиради. Юксак маънавиятгина инсон эҳтиёжларини оқилона қондиришга, ижтимоий адолат ўрнатиб, сахий ва олиҳиммат бўлишга ундайди.

Антропология инсоннинг маънавий оламига чуқурроқ кириб бориш орқали олам моҳиятини билиш мумкин, деган ғояни илгари суради. Ислом Каримов таърифига кўра, маънавият (руҳ) инсонни ахлоқан поклайдиган, иймон-этикодини мустаҳкамлайдиган, эзгуликка ундайдиган ботиний кучдир. Юксак маънавиятда ҳақиқий инсоний моҳият мужассамдир. Инсоннинг олижаноб фазилатлари етук шахслар тимсолида ўз аксини топади. Инсонга хос бўлган барча хусусиятлар шахс фаолиятида, унинг жамиятда тутган ўрнида, унинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришида, муайян мафкурани амалга оширишида яққол кўринади.

Шахснинг шаклланиши ва ривожланишида тарихий шарт-шароит, айниқса, ғоя ва мафкура муҳим ўрин тутди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида вужудга келган муаммо ва вазифалар янги баркамол инсонни вояга етказишни тақозо этди. Унга хос фазилат ва сифатлар Президент Ислом Каримов асарларида асослаб берилган.

Бозор иқтисодиёти инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, унинг қобилияти, ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш учун кенг имкониятлар яратди. Булар қуйидагилардир:

- меҳнатни ташкил этиш усул ва шакллариининг ўзгарганлиги;
- меҳнатга янгича муносабатни рағбатлантиришга ёрдам берувчи омиллар;
- ўз қобилияти, қизиқишларига мос бўлган фаолият турларини танлаш имкониятининг яратилганлиги;
- шахс тадбиркорлиги ва ишбилармонлигининг қўллаб-қувватланиши;
- турли мулк шакллариининг вужудга келганлиги;
- шахс эрки ва ҳуқуқларининг кенгайганлиги;
- давлат ва жамоат ишларида қатнашиш имкониятларининг яратилганлиги;
- демократик кадриятлар ривож;
- маънавий мерос ва маданият ютуқларидан эркин фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги кабилардир.

Улар шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда, унинг комил инсон сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон манфаатлари, унинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқишини таъминлашга, унинг баркамол сифатлар касб этишига қаратилгандир. Шахс ислохот натижаларидан баҳраманд бўлувчигина эмас, балки уларни собитқадамлик билан амалга оширувчи куч сифатида ҳам янгилааниш жараёнида ўзгаради, юксалади, кадр-қиммат топади ва эъзозланади.

Инсоннинг жамиятидаги ўрни, кадр-қиммати борасида миллий истиқлол ўз олдига қуйдагиларни мақсад ва вазифа қилиб қўяди:

- инсоннинг кадр-қимматини жойига қўйиш;
- инсон учун бахтли ҳаёт шароитларини яратиш;
- инсоннинг ўзлигини англаши, ижтимоий бурч ва вазифаларини адо этиши, соғлом авлодлар узлуксизлигини таъминлаши, келгуси авлодларга яхши хотиралар қолдириши ва иймон-этикоди бутун бўлиши учун қулай шароитлар яратиш.

Бундай имкониятларни амалга оширишга халақит берадиган нуқсонлар ҳам инсон табиати билан боғлиқдир. Ҳозирга қадар инсон тўғрисидаги фалсафий таълимот ва қарашларда, асосан, унинг ижобий хусусиятларига, яратувчанлигига кўпроқ эътибор бериб келинди. Кейинги вақтларда инсон борлигининг салбий жиҳатлари ҳам таҳлил қилина бошланди.

Мустақиллик йилларида инсон табиатини чуқурроқ ўрганиш ва ундаги салбий майлларни бартараф этишга ёрдам берадиган фалсафий қарашларга эҳтиёж вужудга келди. Шунини таъкидлаш жоизки, айрим кишилар миллат, Ватан, халқ манфаатларига зид равишда жамиятдаги мавжуд қонун-қоида ва меъёрларни поймол этиб, кўпроқ ғаразли мақсадларини амалга оширишга ва турли ихтилофларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Шундай ниятлар йўлида ҳатто жиноий гуруҳларга бирлашадилар, жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат дастурларини амалга оширишга тўсқинлик қиладилар. Шунингдек, улар миллий тотувлик, тинчлик ва барқарорликка раҳна солади, маънавий-ахлоқий муҳитни бузади, кишиларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини сусайтиради, баркамол инсонни вояга етказишга қаршилик кўрсатади. Улар турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи фирибгарлар, ҳокимиятга интилувчи экстремистлар, коррупция ва

жиноятчилик олами вакиллари, гиёҳванд, порахўр, террорчи ва шухратпарастлар каби жамият учун нохуш одамлардир.

Инсонни фалсафий билиш ва таҳлил этишда ана шундай кишилар мавжудлигини эътиборга олиш муҳимдир. Демократик жамият инсон ҳуқуқларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бундай кишиларни тарбиялашга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга, кишилар онгида миллий манфаат ва ижтимоий кадрятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

Шахс эркинлиги ва тарихий зарурат бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир. Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида пайдо бўлган қийинчилик ва муаммолар моҳиятини англаш шахсни ўз билими ва маҳоратини оширишга, юксак ғояларга содиқ бўлиб яшаш ва уларни жадал амалга оширишга ундайди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон қобилиятлари тўлароқ намоён бўлади. Ижтимоий табақаланиш жараёнида кишиларнинг бой ва қашшоқ гуруҳларга ажралиши табиий қонуний жараёндир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим хусусияти — аҳолининг муайян қисмининг ижтимоий ҳимояланишида, кўп болали оилалар, нафақахўрлар, талабалар ва ногиронларнинг давлат томонидан ҳимояланишида, ижтимоий адолатнинг қарор топишида яққол намоён бўляпти. Кишиларнинг боқимандалик кайфияти, тафаккур турғунлигидан озод бўлишлари, ўзгарган янги иқтисодий шароитга мослашишлари, ўз билими ва маҳоратини оширишлари учун ғамхўрлик қилиш иқтисодий ислохотларнинг инсонпарварлик йўналишга эга эканлигидан далолат беради. Иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойили Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзбек моделининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Инсон моҳиятини фалсафий билиш улкан тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Инсон фалсафаси ҳар бир янги тарихий даврда инсон моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Инсонга хос хусусият ва фазилатларни билиш орқали талаба ўзида шундай сифатларни шакллантиришга интилади.

Бундай фазилатлар фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш ва умуман, таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларни эгаллаш орқали Ўзбекистонда озод ва обод жамият қуриш вазифалари уйғунлигини таъминлашга эришиш бутун таълим-тарбия ишимизнинг бош мезони ва унинг олдига турган муҳим вазифадир.

Таянч тушунчалар

Инсон, шахс, индивид, антропология, инсон — биологик мавжудот, инсон — ижтимоий мавжудот, инсон фаоллиги, инсон кадри, шахс эркинлиги, бурч, инсон эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсади, идеаллари, инсон ҳуқуқи, баркамол инсон.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон нима учун фалсафанинг бош мавзуси деб қаралади?
2. Шахс деганда нимани тушунади?
3. Антропология фанининг маъноси ва вазифалари нималардан иборат?
4. Инсон танаси ва руҳининг ўзаро боғлиқлиги ва улар ўртасидаги фарқлар нималарда намоён бўлади?
5. Истиқлолнинг инсонпарварлик моҳияти нималарда кўринади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.

5. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., Ўзбекистон, 2000.
6. Основы философии.– Т., «Ўзбекистон», 1998.
7. Фалсафа курсининг айрим масалалари. – «Фарғона», 1994.

2-мавзу. Жамият фалсафаси. Истиқлол ва тараққиётнинг ўзбек модели

Режа:

1. Жамият тушунчасининг моҳияти ва мазмуни.
2. Жамият тараққиёти тўғрисидаги турли назариялар.
3. Тараққиётнинг ўзбек модели.
4. Цивилизациялашган жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш вазифалари.

Жамият нима? Инсоният азал-азалдан жамоа бўлиб яшайди. Ер сайёраси унинг абадий макони, умумий Ватанидир. Куёш тизимидаги ана шу митти сайёрада яшаётган одамлар оиласини жамият деб аташ одат тусига кирган. Демак, умумбашарий маънода жамият одамзоднинг умри, ҳаёти ўтган ҳамма даври, жой ва ҳудуди билан боғлиқ барча ўзгариш ва жараёнларни ифода этади.

Шу билан бирга, бирор давлат ҳудудидаги одамлар ҳаёти, цивилизациянинг муайян даврларидаги турмушга нисбатан ҳам ушбу тушунча қўлланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам, у умумий тушунча бўлиб, айрим одам ва алоҳида шахс жамият аъзоси деб аталади.

Жамият — табиатнинг бир қисми, яъни ижтимоий борлиқ бўлиб, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган жуда кўплаб муносабатлар йиғиндиси, деган турлича таърифлар ҳам бор. Жамият муттасил равишда ривожланувчи, такомиллашиб боровчи мураккаб тизимдир. Ҳар бир янги даврда жамият моҳиятини билиш зарурати вужудга келади. Миллий мустақиллик туфайли жамият моҳиятини янгича идрок этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Президент Ислам Каримовнинг қатор асарларида жамият моҳиятини янгича тушунишнинг услубий асослари яратилди.

Жамият моддий ва маънавий омиллар бирлигидан иборат. Ҳозирга қадар адабиётларда моддий ва маънавий ҳаёт бир-биридан кескин фарқланар эди. Моддий ҳаёт тадқиқига кўпроқ эътибор берилар. Ҳолбуки, жамиятнинг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқ. Худди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари, жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатларини ҳам бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш мантиққа зиддир. Президент Ислам Каримов асарларида жамиятнинг моддий ва маънавий манфаатларини уйғунлаштириш ижтимоий тараққиёт асоси экани таъкидланган. Инсон маънавиятини юксалтириш орқалигина иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда аҳоли маънавиятини юксалтиришга, миллий ғоя ва мафкура асосларини шакллантиришга катта эътибор берилаяпти. Зеро, кишилар иқтисодий жиҳатдан қашшоқ бўлгани учун илмсиз бўлмайди, балки, аксинча — илмсиз бўлгани учун қашшоқ бўлади. Шунинг учун юртимизда халқ маънавиятини юксалтириш орқали иқтисодий фаровонликни таъминлашга катта эътибор берилаяпти.

Жамиятнинг вужудга келиши. Кишиларни оила бўлиб, жамоа бўлиб уюшишга нима мажбур қилган, деган масала қадим замонларданок улуғ мутафаккирлар эътиборини жалб этган. Бу масалани диний тушуниш — уни илоҳий куч, худо билан боғлаб изоҳлашдир.

Дунёвий қарашларга кўра, одамлар ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда яшашга, жамоа бўлиб бирлашишга кўниккан. Кишилар ҳаётий тажриба, ақл ва тафаккур туфайли жамият бўлиб яшашнинг қулай, афзал ва зарурлигини тушунган. Бу жараёнда ўзаро муносабатларга киришган кишилар ана шу муносабатларни такомиллаштириш, янада ривожлантириш орқали маънавий камолотга эришган. Бу кишиларни бир-бири билан яқинлаштирган, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини берган.

Ижтимоий муносабатларнинг амал қилиш жараёнида одамларни уюштиришнинг тарихий шакллари — оила, давлат, жамоа (қишлоқ, шаҳар) вужудга келган. Одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, илмий, фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий, мафкуравий каби муносабатларнинг барчаси бир сўз билан ижтимоий муносабатлар дейилади. Ижтимоий уюшмалар кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Улар моҳиятан инсон ва жамият мавжудлигининг зарур шarti ҳисобланади. Масалан, оила, давлат, таълим-тарбия, маҳалла, Ватан каби кадрятларсиз инсон ва жамият ўз моҳиятини йўқотади.

Инсоннинг моддий эҳтиёжлари озиқ-овқатлар, кийим-кечак, уй-жой, транспорт воситалари, ўзини химоялаш, зурриёт қондириш кабилардан иборатдир. Маънавий эҳтиёжларга оламни билиш, ўзликни англаш, дунёқараш, донишмандликка интилиш, билим, санъат, ғоя, мафкура гўзаллик билан, маънавий камолот йўлидаги интилишлар киради. Инсоннинг асл моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондирилишида яққол намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, моддий ва маънавий оламни уйғунлаштиришга, табиат ва жамиятни ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қиладди. Илм-фан ва

техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Инсон юксак маънавият туфайлигина ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қолдириш имконига эга бўлади.

Мамлакатимизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилаётганининг сабаби ҳам ана шунда. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ ҳолда вужудга келди.

Жамиятнинг моддий ҳаётига қуйидагилар киради:

- кишиларнинг яшаши, шахс сифатида камол топиши учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитлар;
- озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёкилги, коммуникация воситалари;
- моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи;
- моддий бойликлар, табиий захиралар.

Жамиятнинг маънавий ҳаётига оламни тушуниш, жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлар, назариялар, таълимотлар, ғоялар, мафкура, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия, ахборот воситалари, маданият, илм-фан муассасалари ва бошқалар киради.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда турли сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар, турли уюшмалар) муҳим ўрин тутди. Жамиятни бошқаришнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳам муҳимдир. Кишилар тамонидан сиёсий ва ҳуқуқий билимларнинг чуқур ўзлаштирилиши жамиятнинг барқарор яшаши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ривож, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишида меҳнат, мулк ва меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши бекиёс аҳамиятга эга. Меҳнатнинг кишиларнинг қобилиятига қараб ижтимоий тақсимланиши натижасида муайян касб-кор билан шуғулланадиган тоифалар, гуруҳ, қатлам ва синфлар вужудга келади ва улар жамият структурасида ўзига хос ўрин эгалайди, жамият тараққиётига муайян ҳисса қўшади.

Жамият тараққиёти тўғрисидаги назариялар. Фалсафий тафаккур тарихида жамиятнинг моҳияти ва ривожланишига оид турли назариялар мавжуд. Хусусан, немис файласуфи Ҳегел жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиш сабабларини мутлақ руҳнинг ривожланиши билан, Л. Фейербах дин билан боғлаган, ижтимоий тараққиёт сабабларини диний онг тараққиётидан излаган. Француз мутафаккири О. Конт жамиятнинг ривожланиш сабабларини инсоният маънавий тараққиётининг уч босқичи (теологик, метафизик, позитив босқичлар) билан изоҳлаган. К. Маркс жамиятнинг ривожланиш сабабларини синфий кураш ва инқилобий ўзгаришлар билан боғлаган, барча ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни синфий нуқтаи назардан тушунтирган. Ижтимоий зиддиятларни сунъий равишда мутлақлаштирган ва зиддиятларни ҳал этишнинг асосий усули сифатида ижтимоий инқилобни амалга оширишни, мулкдорлар синфини тугатишни таклиф этган. Ижтимоий амалиёт бундай назариянинг бир ёқлама ва хато эканини кўрсатди.

Жамият тараққиёти қўп босқичли жараён экани тўғрисидаги қарашлар АҚШ файласуфи О. Тоффлер тамонидан илгари сурилган. Бундай қарашга кўра жамиятлар тараққиётига биноан, аграр жамият, индустриал жамият, постиндустриал жамиятга ажратилган. Адабиётларда жамият тараққиёти борасида цивилизацияли ёндашув ғояси илгари сурилмоқда. Бундай ёндашувга кўра ҳар бир халқ ўзининг бетакрор, ноёб, ўзига хос ва ўзига мос турмуш тарзини сақлаб қолган ҳолда, бошқа халқлар тажрибаларидан ижодий фойдаланиш орқали ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос моделини яратади.

Жамият ҳаётига барқарорлик ва беқарорлик ҳам хос. Ҳар бир инсон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун осойишталик ва тинчликка муҳтож бўлгани каби, жамият ҳам ўз олдига қўйган вазифаларни адо этиши учун ижтимоий-сиёсий барқарорликка эҳтиёж сезади.

Барқарорлик – жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият кўрсатиш имкониятидир. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимнинг таназзули аломатидир.

Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашиб туриши ҳам мумкин. Жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида муайян ютуқларга эришилгач, ижтимоий имкониятлар рўйбага чиқарилиб бўлгач, унинг бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади ва уларни ҳал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, миллий психологияси, табиий равишда мавжуд сиёсий тузум кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга тадбиқ этади. Инсоният ҳаёти тарихида жамият барқарорлигини таъминлашнинг монархияга асосланган, аристократик, тоталитар ва демократик усуллари тажрибадан ўтган.

Беқарорлик ички ва ташқи жараён ва таҳдидлар натижасида вужудга келади. Беқарорлик бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқа бир ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш даврида кескинлашиши мумкин. Жамият барқарорлигининг издан чиқиши кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришларда, қонунларнинг

ишламаслигида, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслигида, ижтимоий идеалларнинг йўқолишида, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайишида, турли жиной гуруҳларнинг пайдо бўлишида, ижтимоий адолат мезонларининг бузилишида, давлат идораларининг аҳолини бошқариш қобилияти кучсизланишида, турли зиддиятларнинг кескинлашувида ўз ифодасини топади.

Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши умумий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканини кўрсатди. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш, ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш имконига эга бўлди.

Тараққиётнинг ўзбек модели – жамиятнинг тадрижий ривожланиш концепцияси сифатида. Ижтимоий ривожланишнинг ўзбек модели инсониятнинг ривожланиш борасидаги илғор тажрибасига, миллий давлатчилик тажрибаларимизга ва халқимиз менталитетига таянади.

Ижтимоий ривожланиш борасида халқлар одатда икки йўлдан — инқилобий ва тадрижий йўлдан борган. Инсоният тажрибаси ижтимоий ривожланишнинг кескин инқилобий ўзгаришлар йўли номақбул ва яроқсиз эканини, жамиятнинг тадрижий (эволюцион) тараққиёти барқарор — табиий ривожланиш йўли эканини кўрсатди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ижтимоий тараққиётнинг тадрижий йўли моҳиятини шундай изоҳлайди: «Сохта инқилобий сакрашларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Бозор иқтисоди сари буюк сакрашлар, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчилик билан — босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқдир»¹⁸.

Ўзбек моделининг асосий тамойиллари қуйдагилардир:

- иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;
- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги;
- қонун устуворлиги;
- кучли ижтимоий ҳимоялаш;
- бозор муносабатларига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтиш.

Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари давлатчилик асосларининг, миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, ўзликни англаш, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий менталитетимизга хос хусусиятларининг тикланиши ва ривожланиши, демократик қадриятларнинг ривожлантирилиши ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши ва бошқаларда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбек моделининг ҳаётийлиги жаҳон жамоатчилиги тамонидан эътироф қилинди. Ўзбекистон тажрибаси қатор мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбекона тараққиёт йўли маънавий ҳаёт ва иқтисодий ривожланиши бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширишда, маънавият, маърифат, маданиятга бўлган эътиборнинг кучайишида яққол кўзга ташланади. Маънавий салоҳиятнинг кучайиши, инсон интеллектуал ва ахлоқий қобилиятларининг ривожланиши иқтисодий ривожланиш учун пухта замин яратади. Кишиларда янги ахлоқий тафаккур, тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантиришда замонавий илм-фан, техника ва технология асосларини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ва оила. Жамият ва оила моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқ. Оилада жамиятнинг туб моҳияти ўз аксини топади. Шу маънода, оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Барқамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданиятга боғлиқ. Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Оилада эр ва хотиннинг мавқеи, оилавий муносабатлар характери турли халқларда турличадир. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, оила қадриятларини, энг илғор анъаналарни тиклашга қаратилгандир. Она ва аёл муқаддаслиги ўзбекона қадриятдир. Ҳадиси шарифда она ва аёлнинг муқаддаслиги тўғрисидаги ғоялар оилавий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Улуғ мутафаккирлар жамиятнинг маданий даражаси аёлнинг жамият ва оиладаги аҳволи, мавқеи билан белгиланишини алоҳида таъкидлаганлар. Соғлом, барқамол авлод тарбияси кўп жиҳатдан аёлнинг маънавий салоҳияти, билими, уддабуронлиги ва эркинлигига боғлиқдир. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган қатор тадбирлар аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи ва ролини кучайтиришга қаратилгандир.

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. 41 - бет.

Оила муаммоларини илмий асосда ўрганилганлиги ва уларни оқилона ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлиги ҳам давлатимизнинг оилавий муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, тилимиз хусусиятларига мос бўлган янги алифбога ўтиш унинг мавқеини ошириш ва янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатди.

Давлатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Давлат – жамиятни бошқариш, тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир муассасадир. Давлат умуминсоний кадрият, инсоният маънавий тараққиётининг муҳим ютуғидир.

Жамият маънавий салоҳиятининг юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакллари ва усуллари ҳам такомиллашиб боради. Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларига янгича ёндашиш зарурати вужудга келади. Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилиқ, бош ислохотчилиқ фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этди.

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели концепциясининг амалга оширилишида давлат ҳал қилувчи ўрин тутди. Мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар сиёсий бошқарувни янада такомиллаштиришга, юртимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишга, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга қаратилгандир.

Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ва нодавлат ташкилотларига ажратиш мумкин. Уларга сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, маҳалла қўмиталари ва бошқалар киради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон салоҳиятини янада юксалтиришга, юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш — Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади. **Фуқаролик жамияти** кишиларнинг юксак ахлоқий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига асосланадиган демократик жамият тараққиётининг юқори босқичидир. Бундай жамият эркин уюшмаларнинг қўпқиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиб бажарувчи жамият таркибига кирувчи элементларнинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва музокаралар орқали ҳал этишга асосланувчи жамиятдир.

Фуқаролик жамияти умуминсоний тамойиллар, миллий давлатчилик хусусиятлари, ўзига хос турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафаси негизда қарор топади. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ юртимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Фуқаролик жамиятида давлатнинг қатор вазифалари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўта бошлайди, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколати кенгайди. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади. Мамлакатимизда маҳалла ҳокимият органларининг ташкил этилиши, улар ваколатининг кучайтирилиши халқимизнинг ўз-ўзини бошқариш, идора этиш маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла кишиларда яхши инсоний фазилатларини камол топтириш, ўз-ўзини бошқариш, демократик кадриятларни рўёбга чиқариш мактабидир.

Юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришни талаб этади. Ўз навбатида, маънавий етуқ авлод жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Шундай етуқ кишиларни тарбиялашда жамият тўғрисидаги фалсафий билим ва қарашларни ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Таянч тушунчалар

Жамият, ижтимоий муносабат, ижтимоий уюшма, давлат, цивилизация, тараққиёт, миллий давлатчилик, тараққиётнинг ўзбек модели, жамият таркиби, фуқаролик жамияти, оила.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жамият деганда нимани тушунаси?
2. Жамиятга хос белгиларни сананг.
3. Жамиятнинг келиб чиқиши тўғрисидаги қандай назарияларни биласиз?
4. Фуқаролик жамияти нима?

5. Жамиятнинг ривожланишида маънавият қандай ўрин тутди?

7. Жамиятнинг тадрижий ривожланиши деганда нимани тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда Т., «Ўзбекистон», 1999.

3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. – «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8 июн.

4. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000

5. Фалсафа курсининг айрим масалалари (Т. Шарипов таҳрири остида). — «Фарғона», 1994.

6. Фалсафа. — Т., «Шарқ», 1999.

3-мавзу. Маънавият фалсафаси. Жамиятнинг маънавий тараққиёти

Режа:

1. Маънавият-ижтимоий ҳодиса.
2. Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик.
3. Маънавиятда ахлоқ ва эътиқод бирлиги.
4. Маънавият ва ижтимоий тараққиёт.

Маънавият тушунчаси. Маънавият ўзбек тилида кўп ишлатиладиган, шу билан бирга, энг кам ўрганилган тушунчалардан биридир. Худди шундай фикрни бошқа олимлар ҳам баён қилади: «Маънавият атамаси расмий ҳужжатларда, илмий адабиётларда, матбуотда кўп қўлланилишига қарамадан, илмий тушунча сифатида алоҳида таҳлил этилмаган ва таърифланмаган»¹⁹. Кундалик турмушда кўп қўлланиладиган бу тушунчанинг илмий жиҳатдан деярли ўрганилмагани ғалати туюлади. Лекин бундай ҳолатнинг илдизлари турли даврларда унга бўлган муносабатда кўринади. Бу муносабат эса, собиқ Иттифок даврида, асосан, уни инкор қилиш ва унга паст назар билан қарашда эди.

Фанда, хусусан, фалсафада бу тушунчанинг кам ўрганилгани, аввало, шунда намоён бўладики, жуда кўп фалсафий тизимларда унга мутлақо эътибор берилмаган, уларнинг асосий тушунчалари — категориялар силсиласида унга ўрин ажратилмаган. Бундай ҳолнинг сабаби эса ижтимоий тараққиётда маънавиятнинг ўрнини илғай билмаслик ёки уни инкор қилишда эди. Марксизм фалсафаси бу тушунчанинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига эътибор бермас эди. Шунинг учун Маркс фалсафасидаги категориялар тизимида унга ўрин ажратилмаган. Шўролар даврида фалсафа бўйича босилиб чиққан рисола ва мақолаларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида, ҳаттоки фалсафий атамалар луғатларида ҳам бу тушунча тилга олинмаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг тараққиёт режалари тузилар экан, ривожланишнинг фақат иқтисодий жиҳатларига эмас, маънавият масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу эътибор фақат назария соҳасида эмас, амалиётда ҳам намоён бўлди. «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, — деб ёзган эди Президент Ислам Каримов, — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир»²⁰. Мамлакатимизда маънавият масалалари бўйича ўқув режалари ва дастурлар тузилди, ўрта ва олий ўқув юртлирида маънавият фани киритилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази тузилиб, барча вилоят, шаҳар ва туманларда унинг бўлимлари очилди. 1999 йилда Республика маънавият ва маърифат кенгаши тузилди.

Бу соҳада республикамизда қатор тадбирлар амалга оширилгани ва оширилаётганини қайд этиш билан бирга, бу тушунчани фалсафий таҳлил қилиш бўйича ҳаракатлар жуда секин амалга ошаётганини таъкидлаш жоиз. Мавзу бўйича эълон қилинган бир неча мақола, рисола ва уч-тўртта китоблар ҳисобга олинмаса, тадқиқотлар олиб бориш энди бошланаяпти. Бундай вазиятнинг сабабларини эса, бизнинг назаримизда, тоталитар тузум қолипларидан, асоратларидан ҳанузгача қутула олмаётганимиздан излаш керак. Биз ҳам ўзимизда шаклланиб қолган муносабатни кескин ўзгартира олмаёпмиз.

Бошқа фанларда бўлгани каби, фалсафада ҳам ҳодисаларни ўрганиш, кўпинча уларни ифодаладиган сўзларнинг келиб чиқишини аниқлашдан бошланади. «Маънавият» сўзининг негизида арабча «маъни» сўзи ётади. «Маънавий» сўзи маънига алоқадорликни билдирса, «маънавият» «маънавий» сўзининг кўпликдаги шаклидир.

«Маънавият» атамасининг негизида маъно сўзи ётар экан, унинг мазмуни, кўлами, таркибини аниқлаб олиш маънавият атамасини тўлароқ англашга ёрдам беради. Маъно моҳиятнинг ифодаланиш шаклидир. Шу билан бирга, маънонинг ҳам ўз ифодаланиш шакли бор. Бу шакл сўз ва ибора, тилдир. Маъно, бир томондан, моҳиятнинг шакли бўлса, иккинчи томондан, унинг ўзи сўз ва жумла учун мазмундир. «Чун ғараз сўздин эрур маъни анга», деб ёзганида Навоий худди шуни назарда тутган эди.

Айни бир моҳиятга турлича маъно берилиши фақат фан эмас, адабиёт ва санъат учун ҳам ҳосдир. Кўпгина адабиёт ва санъат асарлари одамлар, танқидчилар, мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Агар фанда мутахассислар моҳиятнинг кўп маънолилигидан бир маъноликка қараб ҳаракат қилсалар, санъатда бир шакл ёрдамида кўпгина маъноларни бериш санъаткорнинг маҳоратидан далолат беради.

¹⁹ Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. - Т.: Маънавият, 1999. 12-бет.

²⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. «Ўзбекистон», 1-том, 1996. 80-бет.

«Маънавият» атамасининг келиб чиқишига, унинг моҳияти билан муносабатларига бироз аниқлик киритиб олдик, деб ҳисобласак, навбатдаги вазифа унга яқин бўлган яна бир қатор тушунча ва ҳодисалар билан умумий хусусиятлари ва тафовутларини аниқлашдир.

«Маънавият» сўзи қанчалик пурмаъно экани, унинг қўп қирралиги тўғрисида Ислоҳ Каримов шундай ёзади: «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, виждон, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, эркинлик – маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг»²¹.

Фалсафий тизимлар ва адабиётларда кенг қўлланиладиган тушунчалар ичида «маънавият»га энг яқин турадигани «онг» тушунчасидир. Улар ўртасидаги муносабатлар шундай яқинки, маънавиятсиз онг ёки онгсиз маънавият бўлиши тўғрисида гап ҳам юритиб бўлмайди. Лекин, бундан «маънавият» ва «онг» айнан бир тушунча, деган хулоса чиқмайди.

Маънавият ва онг ўртасидаги муносабатларни ўрганиш онг таркибига кирувчи бир қатор ҳодисалар билан маънавият муносабатини алоҳида-алоҳида таҳлил қилишга зарурат қолдирмайди. Шунинг учун онг тушунчасининг қўламини ва мазмунини аниқлаб олиш зарур.

Ижтимоий онгнинг турли шакллари, номидан ҳам кўришиб турганидек, шакл вазифасини бажарса, уларнинг мазмуни маънавиятни ташкил қилади. Бизнингча, баъзи изоҳлар билан, онг шакл ва маънавиятнинг мазмуни, деб қабул қилиш мумкин. Шу билан бирга, маънавият ҳам ўз таркибдаги ҳодисаларга нисбатан шакл вазифасини бажариши мумкин.

Онг билан маънавият ўртасидаги муносабатларни шакл ва мазмунга қиёсан аниқлаш маънавият моҳиятини ўрганишдаги дастлабки қадам, холос. Навбатдаги вазифа эса, мазмунга қиёсланаётган маънавиятнинг таркибини аниқлашдир. Бу масаланинг муҳимлиги шундаки, маънавиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти қўп жиҳатдан унинг таркибига боғлиқ. Шуниси ҳам борки, маънавият таркиби, шу таркибдаги ҳодисалар салмоғи турли халқлар, турли миллатлар маънавиятида турлича бўлиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам турли халқ ва миллатлар ўз миллий маънавиятига эга экани, айтилади. Миллий хусусиятларни ўрганишни миллий маънавиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан бошлашнинг сабаблари ҳам, бизнингча, худди шундадир. Келтирилган жумлада маънавиятнинг функцияларидан ташқари унинг таркибига кирувчи унсурлардан асосийлари ҳам санаб ўтилган. Улар иймон-ирода ва виждон қабилардир. Иймон тўғрисида шуни айтиш лозимки, у мусулмон Шарқи фалсафасига хос тушунча бўлиб, унинг бошқа тиллардаги эквивалентини топиш анча мушкул. Бу сўз кенг маъноли бўлиб, у ўз ичига эътиқод, ишонч, поклик сингари ахлоқий жиҳатлардан ташқари, ирода ва садоқат сингари рухий сифатларни ҳам камраб олади.

Маънавият таркиби ранг-баранг ва жуда бой. Бу таркибий қисмларнинг барчасини таҳлил қилиш учун жуда қўп вақт ва куч талаб қилинади. Бундан ташқари, маънавият таркибига кирувчи онг, тафаккур, санъат, ахлоқ, адабиёт, дин, эътиқод каби қўплаб тушунчалар фалсафа, рухшунослик, этика, санъатшунослик, эстетика, адабиётшунослик каби фанларда таҳлил қилинган.

Шу билан бирга маънавиятнинг таркибий қисмларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш бу мураккаб ҳодиса тўғрисида тўла тасаввур бера олмайди. Чунки ҳар қандай бутунлик алоҳида-алоҳида қисмларнинг механик жамланмаси эмас, балки у уларнинг ўзаро таъсирга кириши натижасида вужудга келади. Маънавият ҳам ўз таркибига кирувчи қўплаб унсурларнинг ўзаро таъсирга кириши оқибатида шаклланади.

Маънавият таркибдаги муҳим бир қатлам билимлардир. Маънавият билимлар негизида шаклланади. Маъно сўзнинг маъзи бўлгани каби илмнинг маъзи билимдир. Инсонда ёки жамиятда билим қанча қўп бўлса, маънавий юксалиш учун шунчалик мустаҳкам пойдевор яратилган бўлади. Аммо пойдевор ўрнатиш уйнинг битганини билдирмагандай, билимлар миқдори ҳам ўз-ўзидан юксак маънавиятни билдирмайди. Билим — маънавиятнинг асоси, холос.

Билимларнинг маънавиятга таъсири шундаки, улар маънавиятни юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, маънавиятга қарши қаратилиши, маънавиятга путур етказиши ҳам мумкин. Масалан, инсониятга жуда катта офат келтирган фашистлар орасида ҳам жуда билимли, фанларни яхши эгаллаганлари талайгина эди. Лекин улар ўз билимларидан инсонлар ва уларнинг маънавиятини, ҳаётини юксакликка кўтариш учун эмас, уларни ерга уриб чилпарчин қилиш йўлида фойдаландилар. Уларни билимдон одам, дейиш мумкин, лекин маънавиятли инсонлар дейиш мумкин эмас. Айтиш мумкинки, илм ва билим инсоний кадриятлар ва инсоний ахлоқ билан уйғунлашгандагина, юксак маънавиятга асос бўлади.

Ёшларга билим берганда, таълим жараёнини тарбия билан уйғун олиб бориш юксак маънавиятни шакллантиришдаги бош йўналишдир. Маънавият таркибдаги муҳим таркибий қисмлардан бири ахлоқдир. У том маънода инсон билимларини, ақл-заковатини, куч-қувватини, бутун фаолиятини йўналтирувчи кучдир. Аслида ахлоқ фақат хулқни эмас, тафаккурни, ақлни ва фаолиятни тартибга солибгина қолмай, муайян томонга,

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. «Ўзбекистон», 1-том, 1996. 72-бет.

мақсадга йўналтириб ҳам туради. Кишининг хулқи, фаолияти маълум ахлоқий меъёрлардан четга чиқса ёки улардан куйироқ бўлса, бундай шахс маънавиятсиз шахс ҳисобланади.

Киши хулқини фақат ахлоқ эмас, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар каби ҳодисалар ҳам бошқаради. Улар эса ахлоқ таркибига кирмайдилар. Бу ҳодисалар ахлоқ таркибига кирмаса ҳам, маънавият таркибида сезиларли ўрин тутаяди.

Урф-одат, расм-русм, анъана ва маросимларнинг маънавият билан ўзаро таъсири шундаки, оқилона жамиятнинг тараққиёт даражасига мос келадиган анъана ва маросимлар маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Масалан, илм-фанга, ҳунар ўрганишга интилиш, катталарга ҳурмат сингари кўплаб анъаналар маънавият ривожига хизмат қилади. Айни пайтда, ортиқча исрофгарчиликлар, дабдаба билан ўтказиладиган маросимлар миллат маънавиятига путур етказиш билан бирга иқтисодга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Бир пайтлар халқнинг иқтисодий ва маънавий даражасига мос бўлган маросимларнинг баъзилари вақт ўтиши, иқтисодий ва маънавий тараққиёт туфайли шу халқ ривожига тўсик бўлиб қолиши мумкин.

Маънавият таркибидаги муҳим ҳодисалардан бири эътиқоддир. Эътиқод муайян ғояга, таълимотга бўлган қатъий ишончни англатади. Демак, эътиқод бўлиши учун аввало, ўша ғоя, таълимотнинг ўзи бўлиши лозим. Ғоя ва таълимотларда одамларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари акс этади. Лекин ғоя ва таълимотларнинг вужудга келиши учун манфаатларнинг мавжудлиги кифоя эмас.

Миллий ёки ижтимоий ғоя вужудга келиши учун одамлар ўша мавжуд манфаатларни англашлари ҳам керак. Манфаатларни англаш даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Одамлар ва ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини чуқур англаб етгач, бу манфаатларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида ҳам пухта тасаввур ҳосил қилганларидан кейингина, миллий ёки ижтимоий ғояни яратиш имкони туғилади.

Ижтимоий гуруҳлар мавжуд манфаатларни тўла англамаган ва уларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида етарли билимга эга бўлмаган шароитда ижтимоий ғоя яратилса, у кўпчиликнинг онгига чуқур кириб бормайди. Манфаатларни англаш, уларни рўёбга чиқариш йўллари ва усуллари ҳақида етарли билимлар асосида вужудга келган ижтимоий ғоя шу ижтимоий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси онгига қанчалик чуқур сингиб борса, шунчалик мустаҳкам эътиқод пайдо бўлади. Эътиқодга таянмаган ва эътиқодга айланмаган ғоя куруқ сафсата бўлиб қолади.

Эътиқод алоҳида бир фикр ёки хулосага нисбатан эмас, балки одатда, фикрлар ва хулосалар тизими негизида пайдо бўлган ғоя ёки таълимотга нисбатан шаклланади. Сиёсий, диний, ахлоқий эътиқодлар худди шу йўсинда майдонга келади. Эътиқод маънавият устунларидан биридир. Эътиқодсиз маънавият юксакликка кўтарила олмайди. Уни юксакликка қатъий ишонч, мустаҳкам эътиқодгина элтиши мумкин.

Эътиқод муайян ғоя ва мафкурага оддий, жўн ишониш эмас, балки у қатъий, кучли ишонч натижасида шаклланади. Кучли ишонч кучли ҳис-туйғулар таъсирида вояга етади. Инсондаги энг кучли ва юксак туйғулардан бири эса муҳаббатдир. Элга, диёрга, халққа муҳаббат шунинг учун ҳам эътиқод таркибидаги энг муҳим қисмлардан ҳисобланади.

Маънавият — очик тизим. Бутунлик сифатида маънавиятнинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг очик тизим эканидир. Маънавиятнинг асрлар ва минг йилликлар давомида узлуксиз ривожланиб бориш сабаби ҳам худди мана шу очикликда. Маънавиятни ташкил қилувчи унсурларнинг ҳар бири бойиб ва бошқа унсурлар билан мутаносибликда ривожланиб боргани сари маънавият ҳам бойиб, ривожланиб боради. Бу ривожланиш шунингдек, эскирган унсурларнинг чиқиб кетиши ва янги унсурларнинг кириб келиши эвазига ҳам рўй беради. Агар жаҳондаги бирор халқ ўз маънавиятини бошқа халқлар маънавиятига қарши қўйса, ёки улардан иҳоталаб олса, у таназзулга юз тутаяди. Ҳар бир халқ маънавияти бошқа халқлар маънавиятидан озикланиб ва уларга озик бериб бойийди.

Маънавиятда миллий ва умуминсоний жиҳатлар ўзаро уйғун тарзда мавжуддир. Бу уйғунлик маънавият таркибига кирган унсурларда миллий ва умуминсоний жиҳатларнинг узвий боғлиқлиги билан изоҳланади. Жумладан, ахлоқ, санъат, дин сингари ижтимоий ҳодисаларда ҳам миллий, ҳам умуминсоний жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларнинг мутаносиблиги маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик мутаносиблигини белгилайди. Шунинг учун ҳам маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик нисбати унинг таркибидаги ахлоқ, санъат, мафкура сингари ҳодисаларда шу жиҳатларнинг қандай мутаносибликда эканига боғлиқ.

Ўзбеклар ахлоқидаги орият, диёнат, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик каби сифатларга уларнинг руҳиятидаги самимийлик, инсоф, бағрикенглик, шарм-ҳаёлилик жиҳатлари, миллий адабиёт ва санъати қўшилиб ўзбек маънавиятининг ўзига хос хусусиятларини шакллантиради.

Шўролар даврида ўзбек миллий маънавиятининг ҳаётбахш сарчашмаларини, халқ тарихидан узиб қўйишга, сунъий ва зўраки байналмилаллаштиришга ҳаракат қилинди. Улар тоталитар тузум кутган натижани бермаган

бўлса ҳам, лекин исзис ўтиб кетмади. Марказнинг миллат ва халқларни бўлиб ташлаш ва ҳукмронлик қилиш сиёсати амалга оширилиши натижасида миллатнинг муайян қисми руҳиятида боқимандалик сингари иллатлар томир ота бошлади. Миллий истиқлол қўлга киритилганидан кейин бу салбий сифатлардан қутулиш ва миллий маънавиятнинг ўзаги бўлган миллий ғоя, миллий мафкура атрофида халқни жипслаштириш имкони туғилди.

Маънавият фалсафаси унинг таркиби, мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилишдан ташқари, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таҳлил этишни ҳам тақозо қилади. Жамият тараққиётида маънавиятнинг ўрни нақадар муҳимлигини шундан ҳам билиб олса бўладики, бу тараққиёт ўзаро узвий боғлиқ икки жараён, яъни моддий ишлаб чиқариш ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришнинг бирлигидан иборат.

Иқтисод ва маънавият. Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва маънавий юксалиш ўртасидаги боғланиш турли олимлар ва файласуфлар томонидан турлича изоҳланган. Бу изоҳлар кўпинча бир-бирини мутлақо инкор қилувчи характерда бўлган. Маънавият ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатлар баъзан ялпи миқёсда таҳлил қилинса, баъзан маънавиятнинг муайян таркибий қисмлари, хусусан, ахлоқ, мафкура, дин, руҳият қабиларнинг иқтисодиётга ўтказадиган таъсири ўрганилган.

Масалан, «Маънавият — миллат нишони» китобида А. Эркаев таъкидлагани каби, XX асрдаги йирик файласуфлардан бири Макс Вебернинг энг катта хизматларидан бири унинг христиан динидаги протестантлик мазҳабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унча хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўскинлик қилган. Бойликни худонинг неъматидан, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берган.

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлик даражаси, улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ҳар бир йўналишидаги кучи ва давомийлиги турли даврларда турлича бўлган. Тарихга лоақал умумий тарзда кўз югуртириб чиқилса, уларнинг парвози ҳам, таназзули ҳам кўпинча бир пайтда юз берганини кўриш мумкин.

Қадимги Юнонистон ва Римда маънавият юксак чўққиларга кўтарилганини ҳамма билади, лекин айнан, шу даврда бу худуд иқтисодиёти ўша давр жаҳон тараққиётининг энг юксак чўққилари бўлганини ҳамма ҳам билмайди.

Мовароуннаҳр тарихида ҳам маънавият ва иқтисодий тараққиёт, уларнинг инқирози бақамти юз берганини кўриш мумкин. Жумладан, милодий IX-XII асрларда бу минтақада ҳам маънавий, ҳам иқтисодий соҳада улкан кўтарилиш юз берди. Бу давр тўғрисида сўз юритганда, тарихчилар асосан маънавий юксалиш тўғрисида гапирадилар. Тўғри, Шарқ уйғониш даври дунёвий ва диний илмлар, адабиёт ва санъатнинг мислсиз ривожидан характерли. Шу даврда юзлаб ва минглаб улкан алломалар етишиб чиқдики, улар нафақат шу худудда яшовчи халқлар, балки бутун инсоният фаҳрига айландилар. Шундайлар жумласига Аҳмад Фарғоний, Юсуф хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Замахшарий, имом Бухорий, имом Термизий, ва бошқа кўплаб олиму фузалоларни киритиш мумкин.

Уларнинг кўпчилиги ҳақида илмий рисола ва бадий асарлар эндигина ёзила бошлаган бўлса-да, шу дастлабки намуналарнинг ўзидан ҳам маънавий кўтарилиш кўламини тасаввур қилса бўлади. Лекин бу даврдаги иқтисодий юксалиш тўғрисида жуда кам ёзилган. Ҳолбуки, иқтисодий ўсиш ҳам кишини ҳайратга соладиган даражада эди. Бунга ёзма манбаларга мурожаат этиб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Иқтисодий ривожланиш умуман савдонинг, хусусан ташқи савдонинг қайдаражада ривожланганлигида ўз аксини топади. Уйғониш даврида Ўрта Осиёда ташқи савдо қай даражада ривожланганлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун манбаларга мурожаат этиш мумкин. Мовароуннаҳрнинг ўзида савдо ва иқтисодиёт ривожланишидан ташқари, бу ерлик савдогарлар дунёнинг узоқ мамлакатларида ҳам фаол савдо ишлари олиб борган.

1150 йилда Венгрияга борган араб сайёҳи Абу Ҳамид ал-Ҳарнатий у ердаги бозорлар ва савдогарлар тўғрисида шундай ёзган эди: «Унқурия деб аталувчи бу мамлакат 78 шаҳардан иборат. Бу шаҳарлардан ҳар бири кўплаб қалъа, қишлоқ, тоғ, ўрмон ва боғларга эга. Уларда минглаб мағрибликлар яшайди. Уларнинг сон-саногои йўқ. Уларда минглаб хоразмликлар ҳам яшайди. Уларнинг ҳам сон-саногои йўқ. Хоразмликлар савдо билан шуғулланади ва подшога хизмат қилади»

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро узвийлигини фақат маънавият билан шуғулланувчи мутахассислар эмас, иқтисодчи олимларнинг кўпчилиги ҳам чуқур англаганлар. Масалан, XX асрнинг кўзга кўринган иқтисодчиларидан бири Жон Мейнард Кейнс бу алоқадорликни англабгина қолмай, ўзининг фандаги хизматини асосий руҳият қонуни деб аталган қонунни кашф этишда, деб билганди. Бу қонунга кўра, даромадларнинг ўсиши, бойлик ортиши натижасида истеъмолга бўлган майл пасаяди. Одамларда ҳисоб-китоб билан истеъмол қилиш, эҳтиёткорлик, бахиллик каби хусусият ва мотивлар пайдо бўладики, улар энди талабнинг пасайишига ва у орқали ишлаб чиқариш суръатларининг секинлашишига олиб келади. Кейнс жами саккизта шундай мотивни аниқлаган эди. Кейнс аниқлаган мотивлар ва уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири

алоҳида баҳс талаб қилади. Лекин иқтисодчи сифатида жаҳонга машҳур бўлган олимнинг руҳиятга алоқадор масалалар билан жиддий шуғулланиши эътиборга моликдир.

Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланса ҳам, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликда юқори чўққиларга кўтарилиши мумкин. У иқтисодий тушкунлик даврида ҳам ривожлана олса-да, унинг ҳақиқий юксакликка кўтарилиши иқтисодий ўсиш, ривожланиш даврида юз беради. Бунга Ғарб тарихи ҳам, Шарқ тарихи ҳам гувоҳлик беради.

Юқорида таъкидланганидек, Шарқдаги Уйғониш даврида маънавиятнинг гуллаб-яшнаши иқтисодиётнинг барқ уриб ривожланиши билан бирга кечди. Кейинроқ Ғарб Уйғониш даврида ҳам маънавият ва иқтисодиёт биргаликда ривожланган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маънавиятнинг иқтисодиёт тушкунликка учраган ҳолларда ҳам ривожланавериши нисбатан қисқа даврда ва чекланган ҳудудларда юз берган.

Бундан ташқари, маънавият иқтисодиётдан узоқлашар экан, аста-секин инқирозга юз тутган. Бунинг сабаби шундаки, жамият ҳаёти ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки қисм — иқтисодий ва маънавий ҳаётга бўлинади. Уларни бир-бирига қарши қўйиш, бир-биридан ажратиш воқеликка зид бўлиб, охири муваффақиятсизлик билан тугайди.

XIX-XX аср адабиётининг мумтоз намунаси ҳисобланган Бальзак, Эдгар По, Жек Лондон, Фолкнер сингари ёзувчилар яратган қаҳрамонлар ҳам пул ва бойлик тўплаш тўғрисида туну кун бош котиради. Бойлик тўплаш учун улар қаҳратон шимолга ёки жазирама жанубга борадилар. Улар қилган қабоҳатлар ҳам, қаҳрамонликлар ҳам бойлик билан боғлиқ эди. Бу ёзувчилар ижобий қаҳрамонларнинг олижаноб ишларини таърифлашда бойлик қандай ўрин тутганини эътироф қилиш билан бирга, қабоҳатларнинг келиб чиқишига ҳам бойлик сабаб бўлганини ишонарли бўёқларда тасвирлаган.

Биз Макс Вебер протестантлик мазҳаби жамиятнинг бойишига катта туртки берганини кашф қилгани ҳақида гапирдик. Савдо ходимлари, ҳисобчи-бухгалтерлар, оморчилар, даллоллар сингари иқтисодий ҳаётнинг зарур одамларини фақат қора бўёқларда тасвирлаган собиқ совет адабиёти эса жамиятнинг бойишига, иқтисодий жиҳатдан юксалишига ҳисса қўшиши мумкин эмас эди. Мана шу мисол ҳам адабиёт ва санъат, умуман, маънавият иқтисодга тескари қараб олганда инқирозга учраши ва иқтисодий тараққиётга тўсик бўлиб қолишини кўрсатади.

Таянч тушунчалар

Маънавият, маърифат, ахлоқ, иймон, ишонч, ғоя, мафкура, эътикод.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маънавият нима?
2. Жамиятнинг маънавий тараққиёти деганда нимани тушунасан?
3. Истиқлол даврида жамиятнинг маънавий янгилини зарурлигининг сабаблари нимада?
4. Иқтисод ва маънавиятнинг узвий алоқадорлиги нималарда кўринади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. «Ўзбекистон», 1-том, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон». 1996.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000.
5. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. А. Эркаев. Маънавият-миллат нишони. Т., «Маънавият», 1999.

4-мавзу. Маданият фалсафаси. Ўзбекистоннинг цивилизациялашган тараққиёти

Режа:

1. «Маданият» ва «цивилизация» тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни.
2. Цивилизациянинг тарихий шакллари ва ҳозирги замондаги хусусиятлари.
3. Жаҳон цивилизациясида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва истикболлари.
4. Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш – маънавий камолот манбаи.

Инсониятни ўраб турган муҳитнинг таркибий қисми бўлган одамзоднинг яратувчилик қобилиятини кўз-кўз қиладиган энг буюк неъматлар орасида маданият асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Унда одамзоднинг иқтидори, салоҳияти ва қобилияти ўзлигини намоён қилади. Гоҳида олимлар, мутахассислар ўртасида «Одамзод маданиятни яратишга қанча кўп эътибор қаратган бўлса, маданият ҳам одамзодни шунча кўп тарбиялаган», деган фикрларни ҳам эшитиш мумкин.

Кейинги йилларда маданият тушунчаси билан бирга, «Цивилизация» атамаси ҳам тез-тез эшителидиган бўлиб қолди. Муайян халқ, ҳудуд ёки давлатнинг тараққиёт босқичлари, уларга хос маданий ривожланиш тўғрисида гап кетганида, олим ва мутахассислар ана шу атамдан фойдаланмоқда. Бу эса ўз-ўзидан «**Хўш, маданият нима? Цивилизация-чи?**» каби саволларга жавоб беришни тақозо этади. Маданият кўпқиррали ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, инсоният маънавияти юксалиб боргани сайин мазкур тушунчанинг мазмуни тобора бойиб боради. Маданият инсон томонидан яратилган сунъий оламдир ёки иккинчи табиатдир, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бунда одам зотининг яратувчилик қобилияти, иқтидори ва шу асосдаги фаолияти ҳамда уларнинг натижалари назарда тутилади.

Тарихдан жамият тараққиётининг муайян даврларида маданиятнинг ниҳоятда гуллаб-яшнаган даврлари бўлгани маълум. Масалан, қадимги Юнонистонда милoddан илгариги VII-II асрларда фан ва маданият ниҳоятда ривожланган. Ўша даврда яшаган Сукрот, Афлотун, Арасту каби ўнлаб алломаларнинг номлари инсоният тарихига абадий муҳрланган. Ҳозиргача инсоният тарихини ўрганадиган мутахассислар бу даврдаги Юнонистон маданиятини жаҳон цивилизациясининг бешиқларидан бири сифатида талқин этадилар. Тахминан ана шу даврда «Авесто» китобини яратган юртдошларимиз маданияти ҳам юксак бўлганини бугунги кунда кўпгина мутахассислар эътироф этмоқда. Худди шундай маданий тараққиётни юртимиз тарихининг VII-XII асрларида ёки Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда ҳам кузатиш мумкин.

Маданият инсон билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салоҳиятини ҳамда амалий фаолият жараёнида инсон идеалларининг рўёбга чиқиши ва шахс сифатида камол топиш жараёнини ўзида акс эттиради.

Маданият ва цивилизация тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлса-да, турлича мазмун ва хусусиятга эгадир. Баъзи олимлар маданият, ўзининг келиб чиқишига кўра, цивилизацияга нисбатан қадимийдир, у моҳиятан цивилизациянинг руҳи, жонидир, деб ҳисоблайди. Масалан, А. Тойнби «Тарихнинг идрок қилиниши» асарида шундай фикрларни баён этади. Француз олими Р. Арон ҳам шунга яқин хулосага келади. Унинг фикрича, айнан маданият ва саноат соҳасидаги таназул аста-секин инсониятни кризислар ботқоғига ботириши, бу эса, умумбашариятнинг келажagini хавф остига қўйиши ҳам мумкин.

Ҳар бир халқ ўзига хос маданият яратади ва шу маданият туфайли ўзлигини англайди, жаҳон тараққиётига ҳисса қўшади. Миллий маданият ривожига қуйидагилар катта ўрин тутади:

- **миллатнинг ватани** — миллат тарқалган ва у азал-азалдан яшаб келаётган ҳудуд. Миллий маданиятнинг камол топиши, ривож ва сақланиши учун энг асосий табиий омил бу Ватандир. Унинг саждагоҳ каби муқаддаслигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Ватансиз миллий маданиятнинг такомилли, унинг авлодлардан-авлодларга тўла ҳолда мерос қолиши тўғрисида гапириш қийин. Фақат ўз ватанидагина миллат маданиятини чексиз ривожлантириш, маънавий камолотнинг юксак чўққиларига томон етиш имконига тўла-тўқис эга бўлиши мумкин.

- **миллатнинг тили.** Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, дунёда 2000 дан ортиқроқ тиллар мавжуд. Кичик лаҳжаларни қўшиб ҳисобланса, бу кўрсаткич янада ортади. Тил миллатнинг руҳи, унга мансуб кишиларнинг бир-бирига ва дунёга айтадиган сўзи; миллатнинг ўтмиши ва меросини ифода қилиш, мақсад ва истакларини баён этиш услубидир. Ҳатто миллат ишлатаётган сўзларни таҳлил қилиб ҳам, шу миллатнинг тарихий тақдири ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

- **миллатга мансуб кишиларнинг маънавияти, ахлоқи ва нафосати.** Жаҳон миллатни ана шу жиҳатлар орқали танийди, баҳолайди. Кишилар ўзаро муносабатга киришаётганида ҳам миллатнинг менталитети, ахлоқий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга олади. Бирор киши билан муносабатга киришилаётганида ана шу хусусиятлар ҳисобга олингани каби, халқаро муносабатларнинг ҳам маънавият билан боғлиқ ёзилмаган

қонунлари, айтилмайдиган қоидалари бор. Гоҳида маданият дейилганида, айнан ана шундай айтилмайдиган ва ёзилмайдиган қонуниятлар назарда тутилади.

- **урф-одатлар, анъаналар.** Ўз урф-одат ва анъаналарга эга бўлмаган миллат йўқ. Маънавий ҳаётнинг мана шу жиҳатлари орқали миллатнинг ўзлиги намоён бўлади. Урф-одат ва анъаналарда миллатнинг тарихи, ўтмиши, маданий мероси ўз аксини топади. Ана шу хусусиятларини йўқотган миллат этноижтимоий бирлик сифатида йўқолади.

- **қадриятлар.** Миллатнинг маданият ва цивилизация жиҳатидан яратган барча бойлик ва маънавий меросини ифодалайди. Шу билан бирга улар муайян миллатнинг кадр-қиммати, дунёдаги ўрни ва салоҳиятини ҳам намоён қилади. Ўз қадриятларини кўз қорачиғидек сақлаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш миллатга мансуб ҳар бир киши ва авлод учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик. Жаҳонда 1600 дан ортиқроқ миллат яшайди. Улар учун бизнинг Она сайёрамиз умумий ватан бўлиб ҳисобланади. Ана шу умуминсоният жамоасининг ҳамжиҳат яшаши, биргаликда ва ёнма-ён фаолияти натижасида бутунжаҳон маданияти ва цивилизацияси шаклланган.

Шу билан бирга, муайян ҳудуд, давлат ва минтақаларда ҳам бир қанча халқларнинг азал-азалдан ёнма-ён яшаб келганлигининг гувоҳимиз. Албатта, улар орасида табиий равишда ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар жараёни боради. Бу жараёнлар, ўз навбатида, умуминсоний ва байналмилал маданий тамойиллар асосида амалга ошади. Маданиятларни бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасидаги умумий жиҳатларнинг камол топишига олиб келади. Ана шу умумийлик билан алоҳидалик, яъни бутунжаҳон маданияти ва бирор-бир халққа хос бўлган маданият ўртасидаги мунтазам алоқа ҳам инсоният тарихи ва тараққиёти учун муҳим ҳисобланади.

Бу соҳада умумбашариятга хос бўлган жиҳатларни биз маданиятдаги умуминсонийлик, миллатнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларни эса маданиятнинг миллийлиги деб атаймиз. Аслида эса миллийлик ва умуминсонийлик бир бутун маданиятнинг икки томони, бир-бирини тақозо этувчи жиҳатлардир. Маданият ана шу икки жиҳатнинг узвий алоқаси ва бир бутунлиги орқали намоён бўлади. Миллийлик — маданиятнинг жони, унинг миллат билан боғлиқ яшаш усули, миллатнинг унда намоён бўладиган руҳидир. Умуминсонийлик эса маданиятнинг бутун жаҳонга хослиги, ана шундан келиб чиқадиган умумбашарий хусусиятлари, жамият ривожининг барча давр ва ҳудудларга хос умумий тамойилларидир.

Миллий маданиятлар бир-бирини бойитади. Улар ўртасидаги ўзаро таъсир табиий равишда халқлар ва миллатларнинг бир-бири билан иқтисодий, сиёсий, ахлоқий соҳалардаги ҳамкорлиги узвий боғлиқдир. Бироқ бир миллий маданиятни бошқа халқларга зўрлаб тарғиб этиш, жорий қилиш ижобий натижаларга олиб келмайди.

Миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши халқларнинг цивилизациялашган тараққиёт йўлидан бориши ва ўзига хос цивилизация яратишида муҳим аҳамиятга эга.

Цивилизация тушунчаси алоҳида олинган бир халқ, ҳудуд, жамият, давлат ва ҳатто жаҳонга, уларнинг ижтимоий- иқтисодий ва маданий тараққиётининг муайян босқичига нисбатан ҳам қўлланилди. «Цивилизация» лотинча «цивилюс» сўздан олинган бўлиб, айнан «фуқароликка оид» деган маънони англатади.

Мавжуд илмий адабиётларда цивилизацияга турлича таърифлар берилган: цивилизация-маданий-техник тараққиётнинг юқори босқичи (бунда ёзувнинг кашф этилиши, техник кашфиётлар, саноат инқилоби цивилизациянинг муҳим белгиси сифатида талқин этилади); цивилизация — жамиятнинг муайян намунаси (бунда у формация тушунчаси билан айнанлаштирилади); цивилизация — инсониятнинг ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги тараққиёт даври.

Цивилизация ривожланишининг муайян бир босқичида турган халқ ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифатий ўзига хослигидир. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосини маданият, халқ, ҳудуд билан боғласалар, бошқалари динни асос қилиб оладилар. Аслида эса уларнинг ҳаммаси ҳам цивилизациянинг тараққиётида ўз ўрнига эга.

Аммо тарих тақозоси билан муайян ҳудудда шаклланган цивилизацияга гоҳ табиий муҳит, гоҳида ижтимоий шарт-шароит кўпроқ таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Масалан, бизнинг Ватанимиз цивилизациясида бу омилларнинг барчаси ўзига хос аҳамият касб этганини кўрамиз. Шу билан бирга, юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва цивилизациялашган тараққиётида дунёвий илмлар қаторида турли диний таълимотлар ҳам ўзига хос ўрин тутган.

Ватанимиз тарихининг кейинги уч минг йилига назар ташласак, дунёвий билимлар ва диний қарашлар ёнма-ён яшаб келганининг гувоҳи бўламиз. Халқимиз «Авесто»ни яратган даврлардан тортиб бизнинг кунларгача ана шу умумий тамойил ўз таъсирини ўтказиб келган. Уларнинг бири мутлақлаштирилган даврларда маданий тараққиёт қандай азият чеккан бўлса, иккинчиси таҳқирланган замонларда ҳам ана шундай йўқотишлар содир бўлган. Тарих бу борада ҳам буюк мураббийдир. У биздан цивилизациямиз ўтмишини холисона ўрганиш, ундан тўғри хулосалар чиқариш ва ўзимиз учун сабоқ олишга ундайди.

Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги. Цивилизация маданий ва маънавий ривожланишнинг махсули сифатида вужудга келади. Цивилизациялашган тараққиётгина миллий маданият равнақи учун кенг имкониятлар яратади. Миллий маданият цивилизациянинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган цивилизация охир-оқибатда инкирозга маҳкум бўлади. Масалан, ҳозир йўқолиб кетган Америкадаги майя цивилизацияси бунга мисол бўлади. Улардан бугун юздан ортиқ шаҳарлар вайроналари қолган. Бунга тарихдан янада қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Цивилизациянинг тарихий шакллари. Цивилизациялар ўз шаклига кўра Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, христиан ва мусулмон цивилизациялари, ҳудудий ва жаҳон цивилизацияси кабилардан иборат. Шарқ цивилизациясига хос бўлган қуйидаги муҳим хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- Шарқдаги барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, сабр-тоқатлиликни тарғиб этган;
- Одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик руҳи кучли бўлган;
- Миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган;
- катталар ва ота-онага ҳурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланди. Ватан ва онанинг муқаддаслиги, жамоавийлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, катталарга ҳурмат, камбағалпарварлик кабилар Шарқ цивилизациясига хос белгилардир.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм-фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшди. Миллий мустақиллик йилларида ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон ўз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Ғарб ва Шарқнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, дунёвий цивилизация йўлидан бормоқда.

Ижтимоий-маданий тараққиёт мезони. Ҳозирги замон цивилизацияси ўзига хос хусусиятлар ва муаммоларга эга. Бунда энг муҳими жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришдир. Жаҳон цивилизациясини таназзулга олиб келадиган қатор таҳдидларни бартараф этишда қуйидагилар ниҳоятда катта аҳамиятга молик:

- инсонни олий қадрият сифатида эътироф этиш;
- табиатни асраб-авайлаш;
- экологик хавфсизликни таъминлаш;
- оммавий қирғин қуроллари йўқ қилиш;
- давлатлар, халқлар ўртасидаги низоларни сиёсий йўл билан музокаралар орқали ҳал этиш;
- турли жиноий уюшмаларга барҳам бериш, халқаро террорчилик ва гиёҳвандликка, турли юқумли касалликларга қарши курашиш;
- кишиларда янгича дунёқараш ва сиёсий тафаккурни шакллантириш.

Бундай муаммоларни оқилона ҳал этиш учун турли мамлакат, минтақа ва халқлар ўртасида умумий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка бўлган интилиш тобора ортиб бормоқда. Ислоҳ Каримовнинг қатор асарлари ва нутқларида таъкидланганидек, айрим минтақалардаги можаро ва зиддиятлар ўз вақтида оқилона ҳал этилмаса, жаҳон цивилизацияси ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Турли фалсафий тизимларда дунёнинг ижтимоий-маданий тараққиёт мезони турлича талқин этиб келинди. Хусусан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, техник ва технологик ютуқлар, табиий-географик омилга ижтимоий-маданий ривожланиш мезони сифатида қаралди. Ҳозирги пайтда қатор фалсафий адабиётларда шахс маънавияти ва унинг эркинлик даражаси ижтимоий-маданий тараққиёт мезони сифатида кўрсатиляпти.

Жамият тараққиётига цивилизациявий ёндашув. Фалсафа тарихида жамият ривожига турлича ёндашишлар вужудга келди. Булар — формациявий ёндашув, кўпвариантли ёндашув, цивилизациявий ёндашув кабилардир. Ижтимоий амалиёт, тарих тажрибаси инсоният жамияти тараққиётига формациявий ёндашишнинг бирёқлама, сунъий эканини кўрсатди. Ҳозирги замон Ғарб фалсафасида У. Ростоунинг иқтисодий ривожланиш назарияси кенг ёйилди. О. Тоффлер назариясига кўра, бутун инсоният тарихи уч катта даврга — аграр жамият, саноат жамияти ва постиндустриал жамиятга (ахборот жамиятига) бўлинади.

Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашиш ҳар бир халқ, мамлакат, минтақа тараққиётига ноёб ва такрорланмас жараён сифатида қарашга асосланади. Бундай ёндашиш моҳиятан формациявий ёндашишга зиддир. Цивилизацияли ёндашиш ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хослигини, ноёб ва бетакрорлигини сақлаган ҳолда ижтимоий ривожланишнинг тадрижий йўлдан боришини эътироф этади ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянади. Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашишнинг моҳияти,

хусусиятлари ва мазмуни Президент И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» ва бошқа асарларида ўз ифодасини топди.

Фалсафа ва маданиятшунослик. Маданиятшунослик фалсафанинг мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг тараққий этаётган фалсафий фан соҳаларидан биридир. Собиқ Иттифок даврида бу фан умуминсоний маънода ўқитилмас эди. Аслида эса, жаҳон фалсафасида маданият тўғрисидаги алоҳида бир фаннинг вужудга келгани маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Фалсафа маданиятдаги ранг-барангликни эътироф этади, маданиятнинг универсал характерга эга бўлган тарихий намуналарини бир-биридан фарқлайди.

Ўзбекистоннинг цивилизациявий тараққиёти ниҳоятда кўп қиррали масаладир. Биз аввалроқ ҳам бу тўғрида қисман фикр юритдик. Кейинги бобларда ҳам, ана шу тўғрида, муайян масалаларни таҳлил этиш асносида, баъзи фикрларни баён этишга ҳаракат қиламиз. Бундаги энг асосий тамойил куйидаги ҳақиқатни эътироф этиш билан боғлиқдир: Миллий давлатчилик асосларини яратмай ва унинг қудратига таянмай туриб цивилизация йўлидан бориб бўлмайди. Ҳар бир халқ ўз тарихий тажрибаларидан келиб чиқиб, миллий маданияти ва интеллектуал салоҳиятига мос равишда ўз миллий давлатчилигини яратади. Ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий маданият бундай цивилизациявий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Республикамизнинг жаҳон цивилизациясига хос йўлдан бориши умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий қадриятларга содиқлик, инсонпарварлик ва ватанпарварликнинг уйғунлиги, халқро қонун-қоидалар ва андозаларни ҳурмат қилиш, улардан ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатнинг цивилизацияли тараққиёт тамон бориши И. Каримов томонидан асослаб берилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўлининг бутун жаҳонда эътироф этилаётганлигида яққол кўринмоқда. Бу маънода тараққиётнинг ўзбек модели деб ном олган ривожланиш тамойили мамлакатимиз цивилизацияли тараққиётнинг асосий жиҳатларини ўзида ифода қилади.

Миллий мустақиллик йилларида маданиятимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари учун пухта замин яратилди. Бу, аввало қуйидагиларда намоён бўлади:

- бой маданий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш имкониятларининг яратилганлигида;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганида;
- миллий маданиятларнинг раванқ топиши ва бир-бирини бойитиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганида;
- жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз меросини кенг тарғиб этишда;
- мамлакатимизда илм-фан ва техника салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганида;
- инсон интеллектуал салоҳиятининг ортиб бораётганида, юртимиз ободончилиги йўлида кўплаб тадбирларнинг амалга оширилаётганида.

Истиқлол ва миллий маданият ривожини. Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар маданиятини ривожлантиришга, уларнинг маданий мероси ва қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилди бошланди. Бу жиҳатдан республикамизда озчиликни ташкил этадиган халқлар миллий маданий марказларининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эгадир. 1991 йилда бундай марказларнинг сони ўн тага етмаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 100 ортиб кетди. 1992 йилда мазкур марказлар ишини мувофиқлаштириб турадиган ташкилот - Республика байналмилал маданият маркази тузилди.

Ўзбекистондаги турли халқлар ва миллатларнинг умумий ғоя ва истиқлол мафкураси атрофида бирлашиши ниҳоятда катта аҳамият касб этади ва Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси томон ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллийлик, умуминсонийлик ғояларини уйғунлаштириш ва янада такомиллаштириш муайян халқларга тегишли маданиятнинг ўзига хослигини сақлайди. Ватанимиз маданиятида умуминсоний қадриятлар устувор мавқени эгаллайди. Умуминсоний ғоялар ва қадриятларнинг шаклланиши миллий маданиятларнинг ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқдир.

Умуминсоний қадриятлар инсонни эъзозлаш, ҳаётни севиш, бурч, садоқат, аждодларга ҳурмат, ватанпарварлик, адолат, маърифатпарварлик, тинчлик, тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик сингари фазилатларни ифода этади. Тажриба шуни кўрсатадики, бирон бир миллий маданиятни улуғлаб, уни бошқа маданиятдан устун қўйиш ва бошқа халқларга мажбуран тарғиб этиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўпмиллатли мамлакатда миллий маданиятларни менсимаслик ёки уларни камситиш ижтимоий барқарорлик ва миллий тотувликка путур етказди, турли зиддият ва ихтилофларнинг пайдо бўлиши учун замин яратади. Бу борада миллий ғоя ва истиқлол мафкураси асосларини ишлаб чиқишда этник хусусиятларни ҳисобга олиш уларни республика тараққиётининг истиқболлари билан уйғунлаштириш имконини яратади.

Мавзунинг тарбиявий аҳамияти. Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш — маънавий камолот манбаидир. Бу эса маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур идрок этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришда катта

аҳамият касб этади. Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний кадрятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш миллий тараққиётнинг муҳим талаби, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош вазифасидир.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, демократик жамият талабларига риоя қиладиган баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, маданият ва цивилизация бир-бирини тақозо этадиган, шахс ва жамиятни янада такомиллаштириш учун хизмат қиладиган ва айни вақтда, ижтимоий борликнинг туб асосини ташкил этадиган ҳодисалардир. Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар мамлакатимизнинг цивилизацияли тараққиёти учун пухта замин яратди.

Таянч тушунчалари

Маданият, цивилизация, маънавий маданият, моддий маданият, цивилизациявий ёндашув, миллий маданият, Шарқ цивилизацияси, Ғарб цивилизацияси, ҳозирги замон цивилизацияси, ҳудудий цивилизация.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маданият нима?
2. Цивилизация нима?
3. Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлигини изоҳланг.
4. Цивилизациянинг тарихий шакллари тўғрисида нималарни биласиз?
5. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни қандай?
6. Маданият ва цивилизация моҳиятини билиш баркамол инсон шахсини шакллантириш манбаи эканлигини қандай тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. — Т., «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997
3. Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон». 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000.
6. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., Ўзбекистон, 2000.
7. Тойнби А. Постигение истории. М., Наука, 1991.
8. Бердяев А. Смысль истории. М., Наука 1990.

5-мавзу. Қадриятлар фалсафаси. Ўзбекистонда инсон қадри ва шахс эркинликлари

Режа:

1. Қадриятлар мавзусининг тарихий илдизлари.
2. Ижтимоий тараққиёт жараёнида қадриятларга муносабат.
3. Қадрият категорияси, унинг асосий шакллари.
4. Қадриятларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамияти.
5. Ёшларда кадрлаш тамойилларини тўғри тарбиялаш вазибалари.

Қадриятлар тўғрисидаги фан — Аксиология (аксио — қадрият, логос фан, таълимот маъносини англатади) фалсафанинг шу масалани ўрганадиган ва у билан шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади. Собиқ Иттифок даврида бу тўғрида ниҳоятда кам маълумотлар бор эди. Истиқлол туфайли қадриятлар тўғрисидаги қарашларимиз шитоб билан ўзгарди. Собиқ Иттифокнинг илгари улуғланган партиявий-синфий қадриятлари саробга айланди, замона реалликлари талабларига жавоб бера олмай, ўтган ўн йилликлардан иборат тарих саҳифалари билан бирга ёпилиб кетди. Ўзбекистонда қадриятларга эътибор кучайди, унинг турли қирралари олим ва мутахассислар томонидан таҳлил этилмоқда. Қадриятлар фалсафаси — Аксиологиянинг кўпдан-кўп мавзулари мутахассисларимизнинг илмий изланишларида ўзига хос ўрин тутмоқда.

«Мозийга қайтиб иш қўрмоқ хайрлидир», деб ёзган эди Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида. Худди шундай, «Қадрият ўзи нима?» саволига жавоб беришдан олдин мавзунинг тарихини, қисқа бўлса-да, ўрганмоқ лозим. Бусиз қадриятларнинг бугун ва келажакдаги аҳамиятини тушуниб бўлмайди.

Қадриятлар мавзунинг тарихи, илдизлари ва инсониятга хос кадрлаш тамойиллари шаклланиши узок ўтмишга эга. Ғарб олимлари бу борада, асосан, Европа маданий мероси ва ғояларига таянадилар, кўплаб алломаларнинг номларини тилга оладилар. Ғарбда қадриятлар билан шуғулланадиган фалсафий соҳа — Аксиология (аксио — қадрият, логос — таълимот) фанининг шаклланиши ҳам уларнинг бундай қарашлари учун муайян асос бўлади. Биз Сукрот ва Афлотун, Арасту ва Ҳегеллар катта эътибор берган бу мавзунинг Ғарб фалсафасида ўз тарихига эга эканлигига шубҳа қилмаймиз.

Аммо ушбу мавзу кўҳна ва навкирон Шарқ, хусусан Ўзбекистон учун бегона эмас! Унинг энг теран жиҳатларини фақат Ғарбдан эмас, балки Шарқдан кидириш ҳам фойдадан холи бўлмаса керак. Номлари цивилизациямиз тарихига абадий битилган Хоразмий, Форобий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Яссавий, Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Машраб, Бедил, Бехбудий, Авлоний каби мутафаккирлар ижодида ҳам бу мавзунинг излари бор, теран қирралари очилган. Гап ана шу изларни излаб топишда, уларни унутмасликда, сайқаллаб туришда, замона реалликлари нуқтаи назаридан ҳолисона талқин қилишдадир.

Авлод ва аждодларимиз яратган кадрлаш мезонларининг тарихи энг қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Спитамен, Муқанна ва Жалолоддин Мангуберди тўғрисидаги асарларда, Алпомиш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсона ва дostonларда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик каби кўплаб умуминсоний қадриятлар тасвирланган. Маънавий меросимизнинг ёрқин намунаси — «Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлганлигидан, унда бу диннинг қадриятлар тизими, кадрлаш мезонлари, ўша даврдаги миллий ғоялар ёрқин ифодаланган.

Қадрлаш тўғрисидаги қарашлар ривожда VIII-XII асрлар катта аҳамиятга эга. Бу даврда араб истилоси амалга оширилган, ислом ҳукмрон динга айланган эди. Эътироф этиш керакки, Қуръон ва Ҳадисларда таърифлаб берилган илоҳий қадрият ва қадрлаш масалалари халқимиз тарихи ва маданиятига таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, араб истилоси даврида кўпгина миллий қадриятларимизнинг йўқотиб юборилганлигини ҳам қайд қилмоқ керак. Бу тўғрида Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида афсус билан ёзиб қолдирган.

Цивилизациямиз қадриятлари ва халқимизга хос қадрлаш меъёрлари мусулмон Шарқи ва араблар дунёси маданиятининг ривожига ҳам ниҳоятда катта ақс таъсир кўрсатган. Тарихда номлари сақланган алломаларимиз ўз навбатида бутун жаҳон, Шарқ маданиятига ғоят катта ҳисса қўшганлар. Бундай фикрни Абу Ҳанифа, ал-Бухорий, ат-Термизий, Кубро, Аҳмад Яссавий, Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари тўғрисида ҳам айтиш жоиз. Уларнинг ҳар бири ўз замонасида исломни цивилизациямизнинг юксак маданияти нуқтаи назаридан тарғиб ва ташвиқ этдилар, ислом фалсафасини юксакликка қўтардилар, мазкур диннинг бутун жаҳонда катта

мавқега эга бўлишида муҳим фаолият кўрсатдилар. Бу эса ушбу зотларнинг номларини ислом дини жаҳон саҳнида қанча турса, шунга қадар боқий айлади. уларнинг ислом фалсафаси ва илоҳиётига, уни замона зайллари орасидан ўтиши жараёнига кўрсатган ниҳоятда катта таъсири тўғрисида махсус тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Афсуски, манбалар етарли бўлишига қарамадан, юртимиз цивилизациясининг ислом дини ривожига ва азалий ислом мамлакатларининг маданияти тараққиётига акс таъсири тўғрисида ёзилган асарлар ҳалигача кам, бу тўғрида кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш зарурияти аллақачон етилган.

Масаланинг муҳимлиги атоқли энциклопедик олимлар — Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн-Сино, ал-Фарғоний каби цивилизациямизнинг забардаст намоёндалари ижоди ва мероси кўзгусида янада яққолроқ намоён бўлади. Зеро, улар нафақат Марказий Осиё, араб-мусулмон цивилизацияси, балки жаҳон маданияти тараққиётига ниҳоятда катта ҳисса қўшганлар, юртимиз кадриятлари таъсирини бутун оламга ёйилишида хизмат қилганлар.

Шу билан бирга, умуминсоний маданиятнинг бебаҳо дурдоналарини яратган Улуғбек, Лутфий, Навоий, Бобур каби зотларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хизматларини тилга олмай бўладими?

Афсуски, цивилизациямизга хос энг юксак кадрлаш мезонларини яратган ўрта асрлардаги кўтарилиш даври темурийлар салтанатидан сўнг аста-секин таназзулга юз тутди, марказлашган давлат парчаланиб кетди. Аввал Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги, сўнгра Қўқон хонлиги вужудга келди. Уч юз йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олган бу жараён хонлик, амирлик, турли сулолалар, уруғлар ўртасидаги урушлар, тинимсиз зиддиятлар орқали кечди, яхлит цивилизациямизнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган умумий кадриятлар тизими дарз кетди, кадрлаш мезонлари ҳам бир қадар ўзгара бошлади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, амирлик ва хонликларга бўлинганлигига қарамадан, мустақил яшаган Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинди, юртимиз империянинг мустамлакаси бўлиб қолди. Мустамлакачиларнинг кадриятлари ва кадрлаш мезонлари халқимиз орасига зўрлик билан сингдирила бошланди. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида юртимизда «жадидлар» оқими вужудга келди. М. Бехбудий, Сўфизода, Авлоний, Чўлпон, Фитрат ва бошқа жадидлар меросига диққат қилинса, ўша даврда юртимизда маънавий тушунчаларнинг кўлами қанчалик кенг бўлганлигини, фалсафий тилнинг нақадар бойлигини, унинг адабиёт билан қанчалик уйғунлигини яққол кўриш мумкин. Уларнинг асарларида гоҳида биз аллақачон эсимиздан, тилимиздан ва балки дилимиздан ҳам чиқариб юборган кадриятлар, тушунчаларга дуч келамиз. Жадидларнинг мероси халқимиз маданиятига янада каттароқ таъсир кўрсатиши мумкин эди. Афсуски, болшевиклар бошлаган сиёсий жараёнлар бу авлоднинг бой меросини ўз домига тортди, унинг тақдири аянчли кечди, таъқиқлаб қўйилди. Ўтмиш авлодлар ардоқлаган ва буюк аждодларимиздан мерос қолган шарқона кадрлаш мезонларини юз ўттиз йил саробга айлантириш учун қилинган уринишларнинг оқибатлари ҳалигача сезилиб туради. Фақат мустақиллик йилларига келибгина ушбу соҳада ҳам ижобий силжишлар бошланди.

Собиқ Иттифокда кадриятларга муносабат қандай эди? Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган мамлакатда кадрлашнинг умуминсоний тамойилларини барқарор қилиш у ёқда турсин, ҳақиқий кадриятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқотлар олиб боришга ҳам изн берилмас эди. Фақат асримизнинг 60-йилларига келиб, кадриятлар муаммоси баъзи мутахассислар томонидан таҳлил қилина бошлаган бўлса-да, 90-йилларгача фалсафа дарсликларида алоҳида мавзу сифатида ўз ўрнига эга бўлмади. Хукмрон мафқуранинг таркибий қисмига кирмаганлиги, мавзуларининг жуда кам тадқиқ қилинганлиги ва ниҳоятда оз аҳамият берилганлигидан махсус фалсафий тадқиқотлар соҳасига айлана олмади. Аксиология номи билан собиқ Иттифокда бирорта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланмаси чоп этилмаган, ҳатто университетларнинг файласуф, жамиятшунос, тарихчи ва бошқа ижтимоий мутахассислар тайёрлайдиган гуманитар бўлимларида ҳам бу соҳага оид махсус билимлар берилмас эди.

Кадриятлар тўғрисидаги ғарбда кенг тарқалган **аксиология** фани ривожланган мамлакатларда инсон кадри ва ҳақ-ҳуқуқларига доир кўпгина тамойилларнинг амалиёти учун назарий асослардан бири бўлган илмий соҳалар қаторига қиради.

Мустақиллик ва кадриятлар мавзуси. Истиклол йилларида Ўзбекистонда бу мавзуга умуминсоний тамойиллар асосида ёндашиш шаклланди. Бундай қарашнинг вужудга келиши, кадриятларнинг ижтимоий ва маънавий янгилиниши, жамият аъзоларининг камолоти ҳамда ёшлар тарбиясидаги аҳамияти масалаларига давлат миқёсида юксак эътибор кўрсатилаётганлиги мазкур соҳа ривожининг бош йўналишидир. Кадриятларни мустақилликни мустаҳкамлашнинг маънавий омилларидан бири сифатида қадрланиши борасидаги ижобий жараёнлар тадқиқотларни кўпайтириш, уларга нисбатан масъулиятни янада оширишни тақозо қилмоқда.

Истиклол асрлар давомида шаклланган ўзига хос шарқона ва ўзбекона кадрлаш масалалари ва меъёрларини қайта тиклаш ҳамда замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришни кун тартибига қўйди. **Мустақиллик истиқлол даврининг энг асосий кадриятидир.** Зеро, мустақил бўлмаган мамлакатнинг кадриятлар тизими ҳеч қачон тўқис бўлмайди. Мустамлака мамлакатнинг маънавий ҳаётида мустамлакачиларнинг кадриятлари устувор бўлиши аниқ. Фақат мустақилликки ушбу ҳолатни тубдан ўзгартиради, мамлакатнинг кадриятлар мажмуасини жаҳон тизимининг тенг ҳуқуқли ва ҳақиқий қисмига айлантиради. Шу сабабдан ҳам истиқлол янги кадриятлар тизимини шакллантиришни тақозо қилди. Бу зарурият эса кадриятларни қайта баҳолаш, юртимизда

шарқона, азалий ва умуминсоний кадрлаш мезонлари устувор бўлган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёни билан уйғунлашиб кетди. Қадриятлар соҳасидаги ўзгаришларга эътибор ва бу борадаги янги тамойиллардан таълим-тарбияда фойдаланиш эҳтиёжи ошаётганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Қадрият ўзи нима? Қадрият тушунчаси ниҳоятда хилма-хил маънода, турли соҳаларда қўлланилади.

Қадриятнинг кундалик ҳаётдаги маъноси кишилар ўртасидаги мулоқотларда, оммавий ахборот воситаларининг хабарларида ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Кундалик ҳаётда, кўпчилик назарида нарсалар (масалан, қимматбаҳо буюмлар, тақинчоклар), табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, жамиятдаги талаблар, орзу-умидлар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар ва бошқалар қадрият сифатида тушунилади. Бундан ташқари, одамлар ўзлари ишониб, гоҳида интилиб, қизиқиб ёки орзу қилиб яшайдиган мақсад, орзу ёки идеалларга ҳам «қадрият» тушунчасини қўллайдилар. Хуллас, кундалик ҳаётда кўпчилик томонидан қўлланиладиган «қадрият» ибораси, одамлар учун бирор зарур аҳамият касб этадиган объект, нарса, ҳодиса ва бошқаларга нисбатан ишлатилади.

Табиат ва маданият буюмларининг инсон эҳтиёжини қондириши ва унинг мақсадларига хизмат қилиши таъкидланганида, асосан уларнинг фойдаси, қиммати назарда тутилади. Ҳақиқатан ҳам, буюмларнинг иқтисодий қиммати кишилар учун катта аҳамият касб этади. Аммо буюмнинг кадри ҳисобга олинмаса, масаланинг аксиологик жиҳати очилмайди. Қадрият категорияси буюм ёки нарсаларнинг иқтисодий қимматини ифодаладиган тушунчадан фарқ қилади.

Шу маънода **қадрият** нарса ва буюмларнинг қимматига нисбатан қўлланилмасдан, балки инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартиблар ва бошқаларнинг қадрини ва ижтимоий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатиладиган **фалсафий категориядир**. Бу категория ўзида қадрият объектнинг нафақат қимматини, балки ижтимоий аҳамиятини, фалсафий-аксиологик мазмунини, жамият ва инсон учун қадрини ҳам ифодалайди.

Қадрият, баҳо ва кадр. Қадриятлар муаммосига бағишланган (асосан рус тилидаги) илмий-фалсафий манбаларнинг кўпчилигида қадрият (ценность) тушунчасини баҳо (оценка) тушунчаси билан қиёслаш, уларга бир хил даража ва кўламдаги тушунчалар сифатида қараш ҳоллари учрайди. Бу икки тушунча қиёсланаётганда, кадр тушунчаси эътиборга олинмайди. Балки, бундай ҳолга рус тилидаги «оценка» ва «цена» сўзларининг ўхшаш маъноли (кўпроқ иқтисодий) тушунчалар эканлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин. Рус тилида кадр ибораси ишлатилмайди, унинг русча таржимаси йўқ. Кадр тушунчаси ўзбек тилида серкирра маъно ва мазмунга эга, у тилимиздаги баъзи ибора ва сўзларда ўзига хос шарқона фалсафий мазмун борлигидан далолат беради.

Қадриятнинг мазмуни ва аҳамияти «баҳо» тушунчасида тўла-тўқис акс этмаслиги, турлича ифодаланиши ҳам мумкин. Қадриятнинг ҳақиқий қадрини, мазмуни ва аҳамиятини баҳосига қараб аниқлаш қийин бўладиган ҳоллар ҳам учрайди. Аслида қадриятнинг қадрини билиш, унинг аҳамиятини англаб олиш ва баҳолаш бир-бири билан узвий боғлиқ жиҳатларни ташкил қилади. Қадриятнинг аҳамияти англаб олинмаса, кадри тўғри тушунилмаса, унга тўғри баҳо бериб бўлмайди. Айнан шу маънода қадриятни баҳолаш унга бўлган муносабатни ҳам ифодалайди, бу эса ўз навбатида кишиларнинг талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан боғлиқдир. Қадриятни баҳолашда қанча хилма-хил мақсад ва эҳтиёжга эга бўлган кишилар иштирок этса, унинг ҳақиқий баҳосини аниқлаш ҳам шунча қийинлашиб бораверади.

Қадриятнинг объекти ва субъекти. Қадриятшуносликда қадрият тушунчаси билан бу тушунча боғланган объект ўртасида фарқ бор, деб қаралади. Агар қадрият берилган кадрни ифодаладиган фалсафий тушунча сифатида қаралмаса, унга таърифларнинг сон-саноксиз бўлиши аниқ. Негаки, дунёда кадрланадиган нарсалар, ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар, жойлар ва сифатлар, идеал ва мақсадлар ниҳоятда кўп. Қадрият тушунчаси эса уларнинг бирортаси учун тўғридан-тўғри исм, атама ёки бевосита ном бўла олмайди, балки уларнинг қадрини англатадиган тушунча сифатида намоён бўлади.

Қадриятлар ва ижтимоий жараёнлар. Одамлар битта жамиятда, бир даврда ва ўхшаш шароитларда яшаётганликларига қарамасдан, у ёки бу нарсанинг кадри турлича англаб олинади, тушунилади ва талкин қилинади. Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг қадриятлар тўғрисидаги тасаввури, қарашлари ўзгаради, бу эса тараккиёт жараёнида одамларнинг турмуш шароитлари, ҳаёти ва маънавий қиёфасидаги ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Ана шунга кўра, ҳаммада ҳам кадрлаш туйғуси доимо бир хил бўлавермайди, ижобий ва салбий қарашлар, турли хил жиҳатлар ҳар қандай қадриятнинг қарама-қарши томонларини ташкил қилади. Ижобийлиги ва салбийлиги, баҳоланиши ва аҳамиятига кўра бир-бирига мутлақо зиддек бўлиб кўринадиган яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ҳақсизлик, бахт-саодат ва ғам-кулфат, тараккиёт ва таназзул каби тушунчалар ҳаётнинг бир-бирига зид ва чамбарчас боғланган томонларини ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қадриятлар жамиятнинг ривожини ва кишилар ҳаётининг турли даврларида турлича аҳамият касб этади, тарихий заруриятга мос равишда гоҳ у, гоҳ бу қадрият ижтимоий

тараққийетнинг энг олдинги поғонасига чиқиб олади, бошқаларини хиралаштиргандай бўлиб туюлади. Натижада ижтимоий ривожланиш ва тараққийет қонуниятларига мос равишда, олдинга чиқиб олган кадриятни барқарор қилишга интилиш нисбатан кучаяди. Масалан, юртни ёв босганида – озодлик, империя ҳукмронлиги ниҳоясида — истиқлол, уруш даврида — тинчлик, тутқунликда — эркинлик, касал ва беморлик онларида — саломатликнинг кадрни ошиб кетади, уларга интилиш кучаяди.

Таълим тарбиянинг муҳим омиллари бўлган кадриятларнинг намоён бўлиш шакллари орасида ўз аҳамиятини, ижобийлик хусусиятларини доимий сақлаб қоладиганлари ҳам бор. Булар — инсон вужудининг тириклиги, умри ва ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, меҳнати, билими, муомаласи. улар инсон ва жамият бор экан, ўзининг ижтимоий аҳамиятини сақлаб қолаверади. Афсуски, уларнинг қарама-қаршиси бўлган касаллик, маъносиз ҳаёт кечириш, билимсизлик ва бошқалар ҳам тарихий жараёнларнинг ҳамроҳи. Тириклик бор экан — ўлим, борлик энг буюк маъво экан — йўқлик, инсон тирик жонзод экан — касаллик, ҳаёт кечиришдан мақсад мазмунли умр экан — маъносиз қўйилган баъзи қадамлар, яшашнинг зарурий шартларидан бири билиш ва англаш экан — билимсизлик, тараққийетга интилиш бор экан — таназзул ва бошқалар инсониятни доимо таъкиб қилади. Юқоридаги ижобий кадриятларнинг аҳамияти ҳам уларга тескари бўлган жиҳатларга нисбатан аниқланади. Ёшларда, айниқса, талаба ва ўқувчиларда маънавий етук туйғуларни шакллантиришда ана шундай аксиологик боғлиқликларнинг ботиний ва зоҳирий томонларини ўргатиш катта аҳамият касб этади.

Кадриятлар тизими. Ҳар қандай жамият, ижтимоий-тарихий бирликлар (уруғ, қабила, элат, халқ, миллат), ижтимоий субъектлар ва бошқалар ўзига хос кадриятлар тизимига эга бўлади. Бу кадриятлар тизимида асосий бўлмаган кадриятлар муайян қаторни ташкил қилади, турли ҳолатларда намоён бўлади. Жамият ривожининг муайян даври ёки бирор давлатда ҳам ана шундай кадриятлар тизими мавжуд бўладики, у ўша давр, жамият ва давлат кишилари, уларнинг фаолияти учун умумий мезон вазифасини ўтайди. Ҳар бир ижтимоий тарихий бирлик, синф ва партиялар ҳам ана шундай кадриятлар тизими асосида фаолият кўрсатадилар, улардан фойдаланадилар ёки уларга эришишнинг турли усулларини қўллайдилар.

У ёки бу кадриятнинг аҳамиятини аниқлашда ана шундай тизимлар мавжуд эканлигини унутмаслик, унинг бирор давр, ижтимоий бирлик, соҳа, жараён ва бошқалар учун қандай мавқега эга эканлигини назардан қочирмаслик лозим.

Кадриятларнинг намоён бўлиш шакллари. Бир қарашда кадриятларнинг шакллари сон-саноксиз ва ниҳоятда тартибсизга ўхшаб кўринади. Аслида эса башарият, олам, табиат ва жамиятда ажабтовур уйғунлик мавжуд. Кадрият шакллари ҳам уларга мос равишда ана шундай уйғунликда, қонуний боғланишда, умумий алоқадорликдадир. Бундай ҳолатда уларнинг классификациясида табиат ва жамиятдаги нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар муайян кўламда, кадрият шакллари эса улар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Макон ва замонда ушбу кадрият объектлари борлиқнинг бирор шакли, жиҳати, воқелиқнинг бирор қисми, оламдаги нарсалар ва атроф-муҳитнинг энг муҳим томонлари сифатида намоён бўлади. ушбу маънода кадриятларнинг умумбашарий, умумсайёравий ва минтақавий ҳамда бирор кичик ҳудуд ёки жойга боғлиқ бўлган шакллари. кўрсатиш мумкин. Бунда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалиқнинг диалектикаси замонавий атамалар «глобал», «зонал» ва «локал» кадрият объектларининг ўзаро муносабати тарзида зоҳир бўлади.

Жамиятнинг яшаши, одамларнинг ҳаёт кечириши учун юқоридаги кадриятлар билан бирга жамиятдаги умумижтимоий ва умуминсоний кадриятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг жамият, унинг тузилиши, ижтимоий бирликлар ва ижтимоий онг шакллари алоқадор туркумларини кўрсатиш мумкин. Масалан, жамиятнинг тузилишига хос миллий, синфий, ирқий ва бошқалар ёки ижтимоий онгнинг шаклларига боғлиқ: сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, ҳамда жамиятнинг асосий соҳаларига боғлиқ: иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий. Ижтимоий кадрият шакллари орасидаги фарқлар асло мутлақ эмас, балки нисбийдир. улар орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ.

Бугунги кунга келиб кадриятлар ибораси ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Уни жуда кенг маънода ишлатиш, айниқса, маданий-маънавий ҳодисалар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга нисбатан умумий ном ёки атама сифатида қўллаш ҳоллари кўп учрамоқда. Кундалик мулоқотда кадрлар бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусият ва бошқаларни «кадрият» деб аташга кўпчилик ўрганиб қолди. Аммо ҳар бир сўз, атама ва тушунчанинг моҳияти ва мазмунини ўзига сиғдирадиган сифат чегараси бор. У ёки бу тушунчадан ана шу мазмунга сиғмайдиган кўламни талаб қилишнинг кераги йўқ. Зеро, кадрият тушунчасининг оммалашиб, машҳур бўлиб кетганлиги жуда яхши. Лекин уни янада кенгрок маънода ёки зарур бўлмаган ҳолларда ҳам ишлатиш бу тушунчанинг мазмунини хиралаштириши, унинг моҳиятини ифодаладиган сифат чегарасини саробга айлантириб қўйиши, кадрини тушириши мумкин.

Халқимизнинг «Қадрсиз кадрият йўқ!», «Қадрланмайдиган кадрият саробга ўхшайди», деган ҳикматлари бор. Ана шу сабабдан ҳам, мамлакатимиз тараққийети ҳозирги даврининг юксак ифодалари бўлган истиқлол, буюк келажак, ватанпарварлик, инсонпарварлик, демократия, қонуннинг устуворлиги каби серқирра

кадриятларни ниҳоятда кадрлашимиз лозим. Уларнинг биринчиси — истиқлол эълон қилган Ўзбекистон тараққиётининг янги аср бўсағасидаги асосий ҳақиқати, иккинчиси - истиқболдаги энг олий орзу-идеалимиз, бошқалари эса қурилаётган жамиятимизнинг ижтимоий ва маънавий тамойилларини белгилайдиган пурмаъно кадриятларимиздир.

Инсон кадри. Истиқлол инсон кадри, унинг манфаат ва эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни долзарблаштириб юборди. Инсон кадри унинг ижтимоий хусусиятлари, жамиятда амалга оширган фаолияти, бошқаларга ва атроф-муҳитга муносабати, камолотга етганлиги, ижтимоий хусусиятларни ўзлаштириб олганлиги ва уларни маънавий қиёфасида намоён қила олганлигида ҳам кўринади. Одам боласининг шахсга айланиши, ўз кадрини ва ўзгалар кадрини англаш жараёни узок йиллар давом этади.

Умуман, одамзод наслининг ҳозирги авлоди учинчи минг йилликни кутиб олаётган бугунги кунларда бутун дунёда кадрлаш фалсафасининг умуминсоний мезонларини амалиётда қўллашга эҳтиёж кучайди. Таассуфки, инсон зоти сайёраимизда яшаган илк даврдан бошлаб кадр ва кадриятни устувор билганида, Ер юзининг замонавий манзараси бутунлай бошқача тус олган, кишилиқни экологик бўҳронлар, уруш хавфи ва маънавий таназзул каби умумбашарий муаммолар кутиб турмаган бўлармиди?

Бугунги кунга келиб, инсоният яна табиат ва одамзод наслининг уйғунлигини сақлаб қолиш учун кадр ва кадрият ниҳоятда зарур эканлигини англади. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошланишидаги биринчи беш йилликлар БМТ томонидан «Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги» дея эълон қилинганлиги, кишилиқ жамияти эса янги минг йилликка умуминсоний кадриятларни барқарор қилишга бел боғлаб ўтаётганлиги бежиз эмас. Ҳозирги Ўзбекистонда инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, кадрлашнинг умуминсоний тамойилларини устувор қилиш билан боғлиқ фаолиятлар бутун жаҳонда бу борадаги умумий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳаракатининг таркибий қисмига айланмоқда.

Ёшлар ва кадрлаш тамойиллари. Инсоннинг бутун умри шахсий кадриятларни такомиллаштириш, ўз кадрини камолга етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва ундаги содир бўлаётган ўзгаришлар кадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. Ўз шахси ва бошқалар кадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Ушбу маънода, Сукротнинг «Ўз ўзингни англа!» — шиори ғоят катта аҳамият касб этади.

Шахснинг кадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий, тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс кадрини шакллантириб, сайқаллаб боради, унинг ўзи эса ўз кадрининг шахсий талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлигини чуқурроқ англаб олиш томон боради. Кадриятлар ёшларга ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради. Ҳозирги даврда талаба ва ўқувчиларга кадрлаш ва кадрсизланиш жараёнларининг моҳиятини англаштириш, мустақиллик эълон қилган кадриятларнинг аҳамиятини тўғри тушунтиришга эришиш ниҳоятда долзарб масаладир.

Ёшлар, хусусан талабалар ва ўқувчиларни маънавий баркамол авлод вакиллари сифатида тарбиялаш ва шакллантиришда кадр ва кадрлаш туйғуси, кадриятлар категорияси, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари тўғрисидаги билимларнинг мажмуаси бўлган замонавий аксиология, яъни кадриятшунослиқнинг асосларини ўргатиш ниҳоятда муҳим. Ана шу сабабдан ҳам умуминсониятнинг кадрлаш меъёрлари борасида тўплаган ютуқларини умумлаштирган билим соҳалари имкониятидан фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигининг асосий мезонларидан биридир.

Таянч тушунчалар

Кадрият, кадр, кадриятлар тизими, кадрлаш тамойиллари, кадрлаш мезонлари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Кадрият тушунчасининг мазмун-моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Собиқ Иттифокда кадриятларга муносабат қандай эди?
3. Ўзбекистонда кадриятлар мавзусига ижобий муносабат қандай намоён бўлмоқда?
4. Кадриятлар тизими деганда нима назарда тутилади?
5. Кадриятларнинг қайси шакллари биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. — Т., Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. – Фидокор газетаси, 2000 йил 8 июн.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., Ўзбекистон, 2000.
5. Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. — Т., Маънавият, 1998.
6. Эркаев А. Маънавият — миллат нишони. — Т., «Маънавият», 1999.

6-мавзу. Фан фалсафаси.
Жамиятнинг илмий салоҳиятини юксалтириш

Режа:

1. Фан нима? Унинг турли цивилизация ва даврлардаги тараққиёти. Европацентризм ва Осиёцентризм.
2. Ҳозирги жаҳон фани, унинг тараққиёт омилига айланиши ва фалсафий таҳлили.
3. Фан методологияси ва унинг турлари. Ўтиш даврида фан олдида турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.
4. Фан-техника инқилоби ва жамият ҳаётида фан аҳамиятининг ортиб бориши.

Фан нима? Фан илмий билимлар тизимидир. Фан ўзининг илмий тушунча услублари ва методологиясига эга бўлган, оламни билиш ва ўзлаштиришнинг махсус усули, илмий билимлар тизимидир. Шунингдек, фан ижтимоий онг шаклларида биридир.

Фаннинг моҳиятини инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини билишда унинг қуйдаги хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир:

- инсон фаолиятининг ўзига хос тури;
- алоҳида ижтимоий институт сифатида фан илмий билимлар йиғиндиси;
- инсониятнинг маънавий салоҳияти, олам, табиат, жамият ва инсон тўғрисидаги тасаввур ва қарашларни шакллантиради;
- оламни ўзлаштириш ва ўзгартириш воситаси ҳисобланади.

Фаннинг мақсади. Фан ўз олдида илмий билимлар яратишни мақсад қилиб қўяди. Илмий фаолият моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятдан кескин фарқ қилади. Кишилар меҳнат фаолияти, сиёсат, санъат, дин ва ҳоказо соҳалардаги фаолиятлари жараёнида ҳам билим орттиради. Лекин илмий билимлар изчиллиги, тизимлилиги ва ҳақиқийлиги билан ажралиб туради.

Оламни илмий билиш оламга янгича муносабат, янгича қарашни тақозо этади. У оламни диний, бадиий, ахлоқий, сиёсий билишдан кескин фарқ қилади. Воқеликка илмий муносабат ҳар қандай ақидапарастлик ва фанатизмни (тақдир азалга ишонишни) истисно этади. Илмий билиш аввал бошданок фалсафий дунёқараш билан узвий боғлиқ равишда вужудга келди. Фалсафа илм-фан хулосаларига таяниб, оламнинг янгича манзарасини яратиш имконига эга бўлди.

Илмий билишнинг даражалари эмпирик (тажрибага асосланувчи) ва назарий шаклларга бўлинади. Эмпирик билим асосан тажриба ва экспериментлар жараёнида олинган ва ҳақиқийлиги тажрибалар жараёнида синаб кўрилган билимлардир. Билишнинг назарий даражасида илмий қарашлар, билимлар қатъи тизимга солинади. Илмий тушунчалар қатъий мезон асосида ўрганилаётган фаннинг кўпқиррали томонларини чуқурроқ ва тўлароқ билишга имкон беради.

Илмий билимлар ҳосил қилиш усулларига қараб, фанлар экспериментал ва фундаментал фанларга ажратилади. Шунингдек, улар ўрганиш объектига қараб, табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга бўлинади. Тадқиқот предметини чуқурроқ ўрганиш жараёнида фаннинг янги соҳа ва тармоқлари вужудга келади. Масалан, табиатшунослик фанларининг ботаника, зоология, кимё, математика, физика каби соҳалари; ижтимоий-гуманитар фанларнинг тарих, қадимшунослик (археология), этнография, социология, сиёсатшунослик, фалсафа, этика, педагогика, психология, маданиятшунослик каби соҳалари вужудга келди. Уларнинг ҳар бири яна қатор тармоқлардан иборатдир. Масалан, тарих фанининг қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, янги замон тарихи; фалсафанинг онтология, гносеология, аксиология, фалсафа тарихи каби.

Инсониятнинг кейинги икки юз йиллик тарихи давомида табиатни ўзлаштириш, инсон моҳиятини билиш, жамиятни такомиллаштириш борасида эришган ютуқлари фан тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Инсон табиий ва ижтимоий муҳитга яхшироқ мослашиш, табиатнинг стихияли кучлари олдида ожиз ва чорасиз бўлиб қолмаслик учун фанга мурожаат қилади. Шунингдек, у фан тўғрисида ижтимоий муносабатларни ўз мақсад ва манфаатларига мос равишда такомиллаштиради. Фаннинг илмий билимлар тизими сифатида вужудга келиши инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлди.

Фаннинг вужудга келиши тўғрисида турлича қарашлар. **Европацентризм ва Осиёцентризм.** Фаннинг вужудга келиши ва ривожланишида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари қўшган ҳиссаларни бирёклама тавсифлаш, уларнинг бир-бирига кўрсатган ўзаро таъсирини инкор этиш ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожда европацентризм ва осиецентризм оқимларини вужудга келтирди.

Қадимги Шарқ жаҳон маданияти ва цивилизациясининг бешиги бўлгани, дастлабки илмий билимлар шарқ мамлакатларида вужудга келгани жаҳон олимлари томонидан эътироф қилинган. Қадимги Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Миср, Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Шош, Афросиёб) астрономия, математика, табобат, фалсафага оид илмий билимларнинг вужудга келиши кундалик ҳаётий эҳтиёж, деҳқончилик ривожини, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган. Йил фаслларидаги алмашувини билиш зарурати астрономияга оид илмий билимларни ривожлантиришга олиб келган.

Қадимги Шарқ ва Марказий Осиёда илмий билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан табиат ва борлиққа онгли муносабат, табиат ва инсонни қадрлаш ҳисси шаклланган. Илмий ва фалсафий тафаккур инсоннинг табиат ва жамиятга бирёқлама қарамликдан озод бўлишига, меҳнат туфайли борлиққа фаол муносабатда бўлишига имкон берган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирларнинг олам, одам ва табиатга бўлган фалсафий қарашлари «Авесто»да, ҳикмат, мақол ва ривоятларда ўз ифодасини топди.

Қадимги юнонларнинг шарқ мамлакатлари билан савдо муносабатлари илмий-маданий соҳалардаги алоқалари учун кенг йўл очган. Қадимги Юнонистондаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар илмий билимларнинг ривожланиши учун қулайликлар яратган. Қадимги юнонлар эрампдан аввалги VI-IV асрларда илмий билимларни тизимлаштирди ва тасниф қилди. Эвклид, Архимед, Фалес, Арастунинг илмий билимлар ривожидagi хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қадимги юнон олимлари кўпроқ табиат ва коинот сирларини билишга, кузатиш ва мантикий фикрлаш воситасида оламнинг содда, бироқ диний- мифологик қарашлардан фарқли манзарасини яратишга, борлиққа озод ва эркин инсон кўзи билан қарашга интиланган. Қадимги юнонларга хос изланувчанлик, хурфикрлик турли фалсафий оқим ва мактабларнинг шаклланишига олиб келган.

Антик дунё яратган фан ва фалсафа ўртасидаги ҳамкорлик, бир-бирига кўрсатган баракали таъсир Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий-фалсафий фаолиятида янги босқичга кўтарилди. Уларнинг илмий қарашлари ҳозирги замон фанининг тараккиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги Рим империясининг қулаши нафақат сиёсий балки илмий-маданий соҳада ҳам таназзулни кучайтирган. Бироқ илмий-фалсафий тафаккур бутунлай тўхтаб қолмаган. Қадимги юнонларнинг илғор фалсафий ва илмий анъаналари Марказий Осиёда янада ривожланди ва фан соҳасига янги кашфиётлар берди.

IX-XII асрларда араб халифалари Хорун ар-Рашид, унинг ўғли Маъмун ва Хоразмшоҳ Маъмуннинг ҳомийлигида ўша даврнинг ўзига хос фанлар академиялари вужудга келган. Хусусан, IX аср ўрталарида Бағдодда «Байт ал-ҳикма» (Донишмандлар уйи), Хоразмда Маъмун академияси вужудга келди. Марказий Осиёдан етишиб чиққан Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Беруний, ибн Сино каби алломалар математика, астрономия, медицина, жамиятшунослик ва сиёсатга оид фанларни ривожлантирдилар.

Шарқда илмий билимлар ривожини диний ақидаларни инкор этмагани ҳолда инсонни янада камол топтиришга, борлиқ моҳиятини ақл ва тафаккур воситасида билишга асосланган эди. Шарқлик олимлар қадимги юнон олимларининг илғор анъаналарини давом эттирган, илмий билишнинг янги усулларини таклиф этган. Шарқ илмий тафаккури баркамол инсонни шакллантириш, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, табиат сирларини билиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган эди.

Марказий Осиё мутафаккирларининг илғор илмий қарашлари ва асарлари Европада илм-фан ривожидa катта аҳамиятга эга бўлган. Европаликлар Албарон (Ал-Беруний), Авиценна (Ибн Сино), Ал-Ферганус (Ал-Фарғоний), Улуғбек ва бошқаларнинг илмий меросини чуқур ўрганган, уларнинг анъаналарини давом эттирган. Буюк италян мутафаккири Данте Алегьери «Илоҳий комедия» (XVI аср) асарида Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирларни жаҳоннинг буюк алломалари сифатида улуғлади.

Марказий Осиё олимларининг жаҳон фани ривожига қўшган ҳиссалари математика, алгебра, астрономия, минералогия, геодезия, география, табобат, тарих, тилшунослик, мантик, фалсафа ривожидa яққол кўзга ташланади. Мусо Хоразмий математиканинг янги соҳаси бўлган алгебрага асос солди. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асари билан табобатни илмий асосда ривожлантирди ва унинг асарлари Европада кўп асрлар давомида муҳим қўлланма бўлиб келди. Мирзо Улуғбекнинг астрономияга оид «Зичи жадиди Кўрагоний» асари фанга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. У ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Мавжуд адабиётларда таъкидланишича, Европада фаннинг алоҳида фаолият шакли сифатида ривожланиши XVI-XVII асрларга тўғри келади. Бу даврда Иоганн Кеплер, Галилео Галилей, Жордано Бруно, Исаак Ньютоннинг асарлари вужудга келди. Буюк инглиз мутафаккири Френсис Бэкон, француз олими Рене Декарт илмий билиш услубларини ишлаб чиқди. Улар фаннинг табиатни ўзлаштириш ва жамиятни такомиллаштиришдаги аҳамиятига юксак баҳо бердилар, «Билим — кучдир» шиорини илгари сурдилар.

Бу даврда фан ва фалсафа бир-биридан кескин ажралмаган эди. Олимлар ўз асарларини «позитив экспериментал фалсафа» деб аташ эдилар. Европада илм-фан ривожини кишиларнинг олам тўғрисидаги қарашларини тубдан ўзгартирди. Оламга дунёвий фанлар нуқтаи назаридан қараш имконияти вужудга келди, яъни оламга бирёқлама диний қарашдан кескин фарқ қиладиган илмий қараш шаклланди.

Жаҳон фанининг вужудга келиши ва ривожланишига Шарқ олимлари муносиб ҳисса қўшганлар. Ижтимоий тараққиётнинг маълум бир даврларида Шарқ жаҳон фани ривожига етакчи мавқени эгаллаган бўлса, тараққиётнинг кейинги босқичларида бошқа мамлакатлар етакчи мавқени эгаллаган.

Осиё ва Европа мамлакатлари халқларининг жаҳон фани ривожигаги ўрни ва нуфузини бирёқлама бўрттириш ёки камситиш назарий жиҳатдан хатодир. Фан ўз моҳияти билан умумбашарийдир. Ер юзидаги ҳар бир халқ катта-кичиклигидан қатъи назар, унга ўз хиссасини қўшиб келди.

XIX асрнинг ўрталарида табиатшунослик фанларида қилинган буюк кашфиётлар (эволюцион назария, ҳужайра назарияси, энергиянинг сақланиши ва ўзгариши қонуни) фалсафий дунёқарашнинг ўзгаришига, жамият тўғрисидаги илмий назарияларнинг вужудга келишига туртки берди.

XIX асрнинг охирига келиб, фаннинг муҳим соҳаларида эришилган ютуқлар фан тараққиётида янги давр бошланганидан далолат берди. Физика соҳасида оптика, термодинамика, электр ва магнетизмнинг ўрганилиши, кимё соҳасида кимёвий бирикмалар хоссаларининг ўрганилиши, Менделеев элементлар даврий тизимининг яратилиши, математикада аналитик геометрия ва математик анализ қабиларда яққол кўринди. Бу даврда социологиянинг мустақил фан сифатида ривожланиши ижтимоий зиддиятларни оқилона ҳал этиш ва жамият истиқболларини белгилаш имконини берди.

Европа олимларининг табиатшунослик фанлари соҳасида эришган ютуқлари янги фалсафий таълимотларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Хусусан, И. Ньютон томонидан физика соҳасида қилинган кашфиётлар табиат ва жамиятнинг механистик манзарасини яратишга, Чарльз Дарвиннинг илмий кашфиётлари эса, бутун олам эволюцияси, оламнинг яхлит бирлиги, органик ва ноорганик табиат ҳамда жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги фалсафий қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Ўз вақтида ҳам табиатшунос, ҳам файласуф бўлган Р. Декарт, Ф. Бэкон томонидан илмий билиш методларининг, фаннинг буюк ўзгартувчилик ва яратувчилик қудратининг фалсафий асосланиши кейинги даврларда фан ва фалсафа методологияси учун мустаҳкам замин яратди.

XIX аср охири — XX аср бошларида жадидчилик ҳаракатининг етакчилари Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқалар ўлкада илм-фан ва маърифатни кенг ривожлантириш ғоясини илгари сурдилар. Ўлканинг ўрта асрчилик бидъатларига қарши мавжуд сиёсий тузумни ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етдилар. Жаҳоннинг илғор фан ва техника ютуқларидан ўлка аҳолисини баҳраманд этишга ҳаракат қилдилар. Бирок кейинги ижтимоий силсилалар оқибатида жадидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ривожлана олмади.

Мустақил тузум халқимизнинг илм-фан ва замонавий техника сирларини эгаллаши учун маълум шарт-шароит яратган бўлса ҳам, унинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиши, аждодларнинг илғор илмий-маданий анъаналарини ривожлантиришга имкон бермади.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг кўп асрлик тарихга эга бўлган маънавий-интеллектуал меросини ўрганиш, жаҳон илм-фани ва техникаси ютуқларидан баҳраманд бўлиш, дунёнинг машҳур илм даргоҳларида ўқиш-ўрганиш имконияти вужудга келди. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш, замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, баркамол инсонни шакллантиришда илм-фан ютуқларига таяниш ҳаётий заруратга айланди.

Республикаимиз Президенти И.А. Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» каби асарларида илм-фанни ривожлантириш ислохотлар муваффақиятининг гарови, моддий фаровонлик асоси эканини ҳар томонлама исботлаб берди. Ўзбекистоннинг жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, тараққий этиши, шубҳасиз, унинг илм-фан салоҳиятига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда 1997 йили қабул қилинган ва собитқадамлик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз илмий салоҳиятини юксалтириш, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган мутахассис-кадрлар тайёрлаш вазифасини қўйди.

Ҳозирги замон фанининг муҳим хусусиятлари. XX аср бошларига келиб, унинг ҳар томонлама ривожланиши фаннинг ижтимоий онг тизимидаги ўрни ва аҳамиятини янгича тушунишни тақозо этди. Ҳозирги замон фанига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- фан ўзининг ўрганиш соҳаларини кенгайтириб, микроолам, макроолам муаммоларини ўрганиш билан шуғуллана бошлади. Микро- ва макрооламни ўрганиш учун фан анъанавий усуллардан ташқари, янги усуллардан, махсус асбоблардан, математик моделлаштириш усулидан фойдалана бошлади;

- илмий билишнинг субъектив жиҳатларига алоҳида эътибор берилга бошланди. Бу эса мутахассиснинг ўрганаётган соҳасини чуқурроқ ва кенгроқ билишини тақозо этди;

- фалсафа ва фанда оламдаги нарса-ҳодиса ва жараёнларнинг қонуният ва тартиб асосида рўй бериши тўғрисидаги қарашлардан фарқли равишда ривожланиш тартиб ва тартибсизлик бирлигидан иборат экани эътироф қилина бошланди;

- фан тараққиёти миллий доирадан чиқиб, тобора байналмилал характер касб эта бошлади. Унинг ютуқлари бутун инсониятнинг мулки сифатида англана бошлади;

- фаннинг инсонпарварлик ва тараққийпарварлик моҳияти тўлароқ намоён бўлди;

- фаннинг ривожини олимларнинг кадриятларини эъозлаш ва баҳолашда янгича мезонларни ишлаб чиқишни тақозо этди. Бу олимларнинг бирор-бир фан соҳасини яқка ҳукумронлик билан эгаллаб олмаслиги, илмий янгиликларни бошқалардан яширмаслиги, кўчирмачилик қилмаслиги, ўз кадр-қимматини топтамаслиги кабиларда намоён бўлди;

- жаҳон миқёсида илмий салоҳиятни, илм-фан ютуқларини бошқа мамлакатларга чиқариш моддий неъматлар чиқаришдан кўра фойдалироқ бўлиб қолди. Бу эса жаҳон миқёсида информацион жамиятни, инсониятнинг бир бутун ҳамжамияти шаклланишининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди;

- табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, таъсири кучайди. Табииятшунос олимларнинг ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланиши инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни инсонийлаштиришда, табиатни муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этди;

- фан умумбашарий ва умуминсоний муаммоларни ҳал этиш билан жиддий шуғуллана бошлади;

- фан инсоният ҳаётидаги қатор муаммоларни ҳал этибгина қолмай, унинг ҳаётига жиддий таҳдид соладиган муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Олимнинг ўз илмий фаолияти учун жавобгарлигини ошириш, инсоният ҳаёти, тинчлиги учун таҳдид соладиган илмий изланишларни тақиқлаш, назорат қилиш ҳозирги замон фанининг муҳим муаммоларидан биридир.

Истиқлол ва фан. Ўзбекистонда миллий мустақиллик шароитида мамлакатнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Президент И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ҳамда нутқ ва мақолаларида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Айниқса, жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва уларнинг анъаналарини ривожлантириш мақсадида Хоразмда Маъмур академиясининг қайтадан тикланиши маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа бўлди. Шунингдек, илмий-тадқиқот муассасаларининг таркибий тузилишида муҳим ўзгаришлар қилинди, замон талабларига жавоб берадиган янги олий ўқув юртлиги, илмий-тадқиқот институтлари, Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилди. Талабаларни олий ўқув юртлигига қабул қилишнинг илғор усуллари, янги педагогик технологиялар жорий этилди.

Ўзбекистонда илм-фан кишиларининг малакаси, билимини оширишга кўмаклашадиган жамғармалар ташкил этилди. Фан ривожининг ҳуқуқий асослари яратилди, илм-фан ходимларини ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди.

Фан тараққиётида анъанавийлик ва янгиланиш жараёни диалектикасини билиш, бу жараённи Ўзбекистон шароитида янада ривожлантириш давр талабидир. Фандаги анъанавийлик, бир томондан, уни тарихий илдишларидан узилиб қолишдан сақласа, иккинчи томондан, мамлакат тараққиёти йўлида пайдо бўлган муаммоларни анъанавий усуллар билан ҳал этиш унинг ҳаётдан ажралиб қолишига олиб келади. Фан тараққиётида анъанавийлик ва янгиланиш (новаторлик) узвий боғлаш муҳим муаммолардан биридир. Бошқача қилиб айтганда, анъаналардан бутунлай воз кечиш ҳам, анъаналар билан боғланиб қолиш ҳам фан тараққиётига ҳалақит беради.

Ўзбекистон фанига кириб келган муҳим янгиликлар унинг таркибий тузилишидаги ўзгаришлардан ташқари яна қуйидагиларда намоён бўлади:

- фаннинг компьютерлаштирилишида;

- жаҳоннинг глобал муаммоларини ҳал этишда ўзбек олимларининг фаол иштирок этаётганида;

- илмий тадқиқотларда энг замонавий техника, асбоб-ускуналардан ва илғор методлардан фойдаланилаётганида;

- олимларимизнинг жаҳон тилларини ўрганишга рағбатлантирилишида;

- жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари олий ўқув юртлигида мутахассис-кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганлигида;

- таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ қилинаётганида.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий вазифаларни ҳал этишда фаннинг асосий вазифалари Президент И.А. Каримовнинг асарларида батафсил тавсифлаб берилди. Фаннинг сиёсат, маданият билан боғлиқлиги, демократик жамиятда унинг таянч кадрият эканлиги ҳар томонлама асосланди.

Фаннинг ривожини ўз олдига қўйган муаммоларни ҳал этишда илмий методлардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги даврда амалий ва назарий тадқиқотлар ўтказишда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилмоқда: кузатиш, қиёслаш, тавсифлаш, формаллаштириш, моделлаштириш ва бошқалар.

XX аср фан-техника инқилоби инсониятнинг моддий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришларни вужудга келтирди. Инсоннинг табиат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини янада оширди. Фан инсон ҳаётининг истисносиз барча соҳаларига кириб келди, инсон ва жамият борлигининг муҳим таркибий қисмига, бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Шу боисдан ҳам ҳозирги замон фанини «катта фан» деб аташ расм бўлди.

Кейинги юз йил давомида илмий фаолият билан шуғулланувчи олимлар сони беқиёс даражада ўсди. Агар XX аср бошларида бутун Ер юзидаги олимлар юз минг атрофида бўлган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони беш миллиондан ортиб кетди.

Фан ва техника соҳасидаги инқилобий ўзгаришларни олимлар сонининг ўсиб боришидагина эмас, балки илмий кашфиётлар салмоғи ва сифатининг муттасил ортаётганида ҳам кўриш мумкин. Бутун инсоният тарихида қилинган илмий кашфиётларни юз фоиз деб оладиган бўлсак, унинг тўқсон фоизи XX асрга тўғри келди. Илмий информациялар ҳар ўн-ўн беш йилда икки мартага ортиб борапти.

Ўзбекистонда кейинги йилларда фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган олимлар, илмий ходимлар салмоғи ортди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон фани ривожланиши олдида турган асосий йўналишлар И.А. Каримовнинг қатор асарларида белгилаб берилди. Улуғ аждодларимизнинг илмий анъаналарини давом эттириш, ҳозирги замон фани ва техникаси ютуқларини пухта эгаллаш мамлакатимизнинг янги асрда жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун пухта замин яратади.

Таянч тушунчалар

Фан, илмий билим, фаннинг вужудга келиши, фан ва фалсафа, Марказий Осиё фани, фан ва маданият, фан ва иқтисодиёт, фанда анъана ва янгиланиш, фан кадриятлари, олим кадри, билиш усуллари, эмпирик билим, назарий билим, ижтимоий-гуманитар фанлар, табиий фанлар, техника фанлари, илмий-техника инқилоби, илмий салоҳият, методология.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фан нима?
2. Марказий Осиё олимларининг жаҳон фани ривожига қўшган ҳиссалари тўғрисида нималарни биласиз?
3. Фан ва фалсафанинг ўзаро боғлиқлигини изоҳланг.
4. Ўзбекистон мустақиллигининг фан тараққиётидаги аҳамиятини тушунтиринг.
5. Фан-техника инқилоби нималарда намоён бўлади?
6. Баркамол инсон шахсини шакллантиришда илм-фан қандай аҳамият касб этади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 2000.
5. Основы философии — Т., «Ўзбекистон». 1998.
6. Фалсафа. — Т., «Шарқ», 1999.

8-мавзу. Глобал муаммолар фалсафаси. Ўзбекистонда табиат, жамият ва инсонни асраш

Режа:

1. Инсоният истиқболини белгиловчи омиллар ва илмий башорат қилиш усуллари.
2. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги даври ва умумбашарий муаммолар.
3. Жаҳон XXI асрда: келажак ва инсон тақдири.
4. Ўзбекистонда табиат, жамият ва инсонни асраш йўллари.

Одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида шундай муаммолар домига тортилди-ки, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирида инсоният қаршисида асосан битта умубашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, II жаҳон урушидан кейин аҳвол ўзгарди. Аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан ва техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга рўжу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужутга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли типдаги башоратлар келиб чиқди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл заковатли одам «Бундай йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасаввур қилмаяпмизми?» — деган саволни ўз олдига кўндаланг қўйиши ва унга жавоб топиши зарур бўлиб қолди. Бу саволларни бутун жаҳон халқларининг иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди.

Табиатга кишиларнинг зуғуми кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиги, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай таҳликали ҳолатдан фақатгина, ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар теварагида жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қўллаш орқалигина қутулиши мумкин. «Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир»²².

Ҳозирги пайтда инсониятга ҳафв солиб турган умубашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Бундай муаммолар қуйидагилардир:

- термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартарф этиш;
- жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;
- иқтисодий қолоқликни тугатиш; ер юзида кашшоқлик ва очликка барҳам бериш;
- табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;
- инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш; (энг хавфли касалликларга қарши кураш, космосни ўзлаштириш;
- дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш; озон қатламининг йўқолиш хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.);
- инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш; киши организмнинг тобора тез суръатлари билан ўзгараётган сунъий ва табиий муҳитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ кишилик цивилизацияси ўта мураккаб, ўта қалтис бир жараёни бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умубашарий муаммоларнинг баъзи бир гуруҳлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзидаёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

Биринчидан, ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб,

²² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт қафолотлари. – Т.: «Ўзбекистон» 1997, 4-бет.

булар шартли равишда «интерсоциал» муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

Иккинчидан, «Инсон ва жамият» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши («Демографик портлаш», кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмнинг ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий муҳитга мослашиши) шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

Учинчидан, «инсон — табиат» муносабатларига эса хом-ашё ресурсларини тежаш, аҳолини озик — овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар тасирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган ҳолдагина масаланинг туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соф ижтимоий глобал муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита уланиб кетишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта масъулиятлар юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, халқимизнинг илк тарихий қадриятларидан бўлган муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. «Авесто»да Зардушт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда кудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаб қозонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Ғарб мамлакатларида кенг шуҳрат қозонаётган бир қатор Ғарб футурологияси мазмунига эга. Ғарб футурологиясининг машҳур намояндalarидан фон Карман, Е. Шервин, Г. Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро ҳалокати ёки бошқа бир умумбашарий глобал муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Кишилиқ жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А. Кинг ва бошқалар томонидан тайёрланган ҳисоботларнинг илмий аҳамияти ниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиш оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истиқболини белгилашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлари йўлида ҳамжихатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётганлигини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арбоблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б. Рассел Ф. Къюри таклифини қўллаб-қувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда «янги тафаккур услуби» деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио-Кюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9 июл куни Б. Рассел томонидан ўтказилган пресс-конференцияда «Рассель-Эйнштейн манифести» номи билан шуҳрат қозонган, бутун ер юзи аҳолисига, сиёсий ва давлат арбобларига қаратилган машҳур қақирқ эълон қилинган. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролисизлиш учун курашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган эди. Манифестда «Биз янги фикр қилишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимиздан у ёки бу гуруҳ мамлакатларининг ҳарбий ғалабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг даҳшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огоҳлантириш учун нималар қилдинг деб сўрашимиз керак», — деган сўзлар бор эди.

«Рассель-Эйнштейн манифести» чоп этилганига ҳам мана 45 йил ўтди. Бу вақт мобайнида ядро қуроллари ишлаб чиқиш ва синаб кўриш кўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган ярим аср мобайнида қуролланишга 16-18 трл. доллар маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда ҳарбий соҳалар учун ҳар йилига 1 трл. доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бир кунда қурол-яроққа

ажратиладиган маблағ 3,4-3,5 млрд. долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун куйидаги рақамларга мурожаат қиламиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакка қарши кураш тадбирлари учун бир йилда 28-30 млн. доллар ажратишини, Халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик бюджети 950-980 млн. доллар миқдориди эканлигини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ҳарбий-саноат ўз домига табиатнинг шундай ноёб бойликларини тортаптики, бу сарф-ҳаражатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида хомуш хаёллар оғушида қолмасдан илож йўқ. Бу соҳа фақат табиий ресурслар билан чекланиб қолмасдан, балки, ўта камёб ақл эгалари, талантли кишиларнинг ақлий фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда, илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатига қаратилган йўналишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Энергия ва ёқилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоси. Давримизнинг яна бир муҳим белгиларидан бири жаҳон иқтисодиётининг суръатини белгилайдиган энергияни истеъмол қилиш кўлами муттасил кенгайиб бораётганлигидир. Агар ҳозирги суръатда жаҳон иқтисодиёти давом этадиган бўлса, у вақтда саноат ва халқ хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида йилига 20 млрд. тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35-40 млрд., XXI охирига бориб, 80-85 млрд. тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Вуждга келаётган бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кўмир, газ ва х. к.) дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалар (ГЭСлар, АЭС, шамол электростанциялар, қуёш энергиясидан фойдаланиш, водород, гелий ва х.к.) дан олинадиган энергия миқдорини муттасил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол электростанциялар 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60%ини қондириши мумкин.

Яқин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийиб 34% ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ён атрофидаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг қурилиши ўз навбатида ана шу регионнинг, иқлим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиши мумкин (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши мумкин). Атом электростанцияларининг чиқиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши мураккаб муаммоларига айланди. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭС IV блокнинг ишдан чиқиши натижасида жуда катта миқдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлди.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодини ўстириш учун энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзга чора йўқ. Бироқ, бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий муҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажагини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси. Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45%, темир рудасининг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шундай ҳолатни хом-ашёнинг бошқа турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Таҳлилларга қараганда, 90-йилларда ишлаб чиқарилган хом-ашё миқдори 60-70-йиллардагига қараганда 1,5-2 баробар кўпайган.

Ер юзидида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсониятни хом-ашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек бошқа хом-ашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият, табиий муҳитнинг инсон организмга ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа томондан эса, фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хом-ашё ресурслари, фойдали қазилмалари билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулотнинг 3-5% миқдориди маблағ ажратиши зарур. Демак, ҳар йили ўрта ҳисоб билан 650-850 млрд. доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танқислигидан кийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45% км³ ҳажмида саноатдан чиққан ифлос оқава сувлар сув ҳавзалари, кўл, денгиз, океан сувларини ўзининг захарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувларига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

Дунё океанинг ифлосланиши, жонли табиатнинг йўқотилиши янада хавфли тус олмоқда. Ҳар йили океанларга 12-15 млн. тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўқилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8% тропик ўрмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг км² территориядаги тропик ўрмонлар кесилиб қайта тикланмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар, ёки минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг яна салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламининг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда космосга ҳам таъсир эта бошлади.

Озиқ-овқат муаммоси ва биосфера. Ниҳоятда тез ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё халқларининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги ҳукм сураётган мамлакат халқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 га. ни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5га. ни ташкил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда ҳосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар қилиниб, 80 — йилларнинг охирига келиб дунё миқёсида етиштирилган маҳсулот ўсишининг 90% ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига тўғри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффақиятларга табиатга ҳаддан зиёд қилинган қаттиқ зуғум қилиш натижасида эришилади. Жуда кўп ерлар бундай тазийққа дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бу ерларни табиий ҳолатига қайтариш учун имконият қолмади.

Бундай таҳликали ҳолатнинг сабабларини аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда тез суратлар билан кўпайгани, уларнинг иш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши билан табиий муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш учун етарли маблағни топа олмаётганлигидан излаш керак.

Ривожланган ва кам тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳам давримизнинг энг чигал жаҳоншумул муаммолари қаторидан ўрин олди. Ривожланган мамлакатларда замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий-техника ютуқлари системалаштирилган билимлар захираси тўпланиб, шу билан бирга аҳолининг табиий ўсиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан ўз мамлақати аҳолисининг иқтисодий яшаш тарзининг бекиёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индустриалаштириш жараёни асримизнинг 70-йиллари бошидаёқ тугалланиб, энг аввал АҚШ ва кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юқорироқ босқичига ўта бошлади. Бунда илмий-техника ютуқлари кўпроқ талабга мос ва юқори технологияни ривожлантиришга кўп эътибор берди, табиийки, оқибатда жуда катта фойда олина бошланди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида малакасиз ёки кам малака ва билимга эга бўлган ишчи кучларига эҳтиёж кескин камайиб кетади.

Бунда иқтисодий тараққиёт даражаси табиий ресурслар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эмас, балки илмий-билим, технология, мураккаб машина ва ускуналар билан ўлчанади. Ривожланаётган мамлакатлар бу даражага етишиш учун бир қатор жараёнлардан ўтган.

Биринчидан, бу мамлакатлар табиий бойликлари ҳисобига орттирилган миллий даромад миқдорининг мамлакат аҳолиси жон бошига тушадиган салмоғи кескин даражада кўпайди.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисининг туғилишини чегаралаш, уларга сарфланадиган маблағни юқори технологияни эгаллашда зарур бўлган мутахассислар етказиш учун сарфлаш кўзда тутилди.

Учинчидан, илмий-тадқиқот, олий ўқув юрглари ва маорифга тараққиётни таъминловчи асосий манба сифатида қараб, биринчи даражали аҳамият берилди. Чунки юқори технологияни эгаллаш юқори малакали илм эгаларини талаб қилади. Ижтимоий тараққиёт даражасини белгиловчи энг асосий омил илмий тафаккур эса жамият аъзоларининг маърифатлилиқ даражасини белгилаб беради. Бу соҳада, бутун жаҳон миқёсида фан ва таълимга 3-4% ялпи миллий маҳсулотнинг миқдоридан маблағ ажратилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,3% миқдорда эканлиги келажакка катта умид билан қарашга имкон туғдиради.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида баъзи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кўрсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар XX асрнинг 60-йилларида Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий маҳсулот жон бошига 50-70 долларни ташкил этган бўлса, Афғонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АҚШда 3600-3800 доллар бўлган. 1994 йилги маълумотларга мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот жон бошига: Ҳиндистонда 370 доллар, Афғонистонда 80

доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангладешда 125 доллар, Германияда 22 минг доллар, италияда 14,8 минг доллар, АҚШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг доллар, Японияда 37000 доллар бўлган.

Демак, камбағал давлатларнинг камбағаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги демографик жараён эканлиги таъкидланмоқда. Аҳолининг фақат миқдорий ўсишининг ўзи кўр-кўрона яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг эътиқоди, миллий психологияси, кадрият ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фаол демографик сиёсат олиб бориш зарур.

Демографик муаммолар ва унинг фалсафий таҳлили. XX аср ўзининг бир қатор белгилари билан олдинги барча даврлардан кескин фарқ қилади. Хусусан, XX асрни яна «демографик портлаш» давридир, деган қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бунда қолган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзида аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилади. «Демографик портлаш» тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қисқа бир даврида, муайян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туғилиш ҳисобига аҳоли миқдорининг ниҳоятда тез кўпайишини англатади.

Инсониятнинг олдида ана шундай хавф борлиги тўғрисида дастлаб инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766-1834 йй.) огоҳлантирган эди. У ўзининг «Аҳолишуносликнинг қонунияти тўғрисида тажрибалар» номли китобида аҳолининг геометрик прогрессия бўйича кўпайишини, унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматларнинг кўпайиши арифметик прогрессия бўйича рўй беришини айтган эди. Мальтус бу жараённинг олди олинмаса, яқин келажакда, планетар масштабда, табиий муҳит бериши мумкин бўлган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда кўпаяётган дунё аҳолиси эҳтиёжи ўртасида зиддият вужудга келишини башорат қилган эди.

Дарҳақиқат, бундан 6-8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн. аҳоли одамлар истиқомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу кўрсаткич эрамининг бошларида 230 млн., 1-минг йилликнинг охири 2-минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонидан 305 млн; 1500 йилда 440 млн; 1800 йилда 952 млн; 1900 йилда 1656 миллионни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу кўрсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 1999 йилгача эса бу нисбат сал кам 4 баробар ошганлигини кўрсатади.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи минтақаларида аҳолининг табиий кўпайиш суръатлари турлича бўлиб, бу ўз навбатида, Ер юзида минтақалар, мамлакатлар, халқлар салмоғининг кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Масалан, 1800 йилда (Наполеон замонидан) Франция аҳолиси 27 млн. кишини, Ер юзи аҳолисининг 3 фоизини ташкил этган бўлса, Филиппин оролларида яшаётган аҳоли 1,6 млн. киши миқдорида бўлиб, планета аҳолисининг умумий салмоғига нисбатан 0,16 фоизни ташкил этарди. 1999 йил 13 октябр куни Ер юзи аҳолиси олти миллиардлик доғони босиб ўтди. Франция аҳолиси 56,2 млн. ни, Ер юзи аҳолиси салмоғининг 0,94 фоизни, Филиппин аҳолиси ҳам 65 млн. кишини ташкил этиб, жаҳон аҳолисидаги салмоғи (1,05%) бўйича Франциядан ўзиб кетди. Бу борада миллиарддан кўп аҳоли яшайдиган Хитой ва шу кўрсаткич томон бораётган Ҳиндистон алоҳида ўрин тутди. Хуллас, бу масала бир мамлакат доирасидан чиқиб жаҳон муаммосига айланди. У билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам бутун жаҳонда муштарак фаолият олиб бориш зарур.

Ўзбекистон ва глобал муаммолар. Мамлакатимизнинг келажакдаги илмий-фалсафий башорат Президентимиз И. Каримов томонидан «Ўзбекистон келажакда буюк давлат», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» ва бошқа бир қатор асарларида асосли равишда баён қилиб берилган. Бу асарларда Ўзбекистоннинг минтақамиздаги ўзига хос ўрни, улкан табиий ресурслари, демографик омил ва инсон салоҳиятини инобатга олиб, бой маънавий меросимиз, тарихий тажриба, миллий кадриятларимизга асосланиб, яқин келажакда мамлакатимиз, шубҳасиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши кераклиги башорат қилинган. Ислоҳ Каримов тўғри таъкидлагани каби: «Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақлий имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маданияти ва ахлоқий кадриятларимиз, заманимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саховатлилиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир».

Албатта, мамлакатимизда собиқ Иттифокдан мерос қолган энг глобал муаммо — Орол фожияси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташаббусларни ўртага ташлаб келмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз аҳолиси ҳам муттасил ўсиб бормоқда.

Республикамизда «демографик портлаш» асосан, XX асрнинг иккинчи ярмида рўй бериб, бу жараён (бошқа бирор жиддий омиллар таъсир этмаса) XXI асрнинг дастлабки ўн йилликлари охиригача давом этиши башорат қилинмоқда. Республикамизда ҳозирги вазиятда вужудга келган ўзига хос «демографик вазият ғоят муҳим хусусиятлардан биридир, — деб қайд қилган эди Президент И.А. Каримов, — Жумҳуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ортиб бормоқда». Жумладан, 1980 йилда аҳолининг бир йиллик табиий ўсиши 421161 кишини ташкил этди, бу кўрсаткич 1989 йилда 480621 кишини; 1997 йилда 580673 кишини ташкил этди.

Ўзбекистон ўз аҳолиси ўсиш билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинки, муваффақиятли ҳал қилишга киришди. Президентимизнинг бозор муносабатларига ўтишда аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсати, республикамызда бўлиши мумкин бўлган ижтимоий тенгсизликнинг олдини олишга хизмат қилди.

Кейинги пайтларда республика ҳукумати оналарнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, туғилган ҳар бир чақалоқ олдида ота ва онанинг, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш борасида, шунингдек фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда халқи олдидаги бурчларини чуқур англашлари учун жуда катта маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги ўта муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда «Соғлом авлод» жамғармасининг тузилиши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши фикримизнинг далили бўлади.

Бугунги кунда ўзбек халқининг қадриятлари асосида ёш авлод дунёқараши шакллантирилганда, шубҳасиз аждодларимизнинг ўз Ватани, табиий муҳитга бўлган меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муккадас туйғусининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётганлигини ва бу мерос олдида чуқур масъулият ҳисси бўлиши зарур эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Таянч иборалар

Умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий муаммолар тушунчалари; демография; экология; экологик таназул; экосистема; демографик портлаш; демографик сиёсат; футурология.

Такрорлаш учун саволлар

1. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
2. Илмий-техника тараққиёти ва унинг социал оқибатлари нималарда намоён бўлмоқда?
3. Умумбашарий муаммоларда демографик омилнинг ўрни қандай?
4. «Демографик портлаш» тушунчаси ҳақида нима дея оласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман «Фидокор», 2000 йил 8 июн.
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.
5. Каримова Г. Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы. Т., 1995.
6. Печчеи А. Человеческие качества. М. 1985.
7. Мамашокиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. Т., 1993.

9-мавзу. Жаҳон цивилизацияси ва Ўзбекистон истиқболининг фалсафий масалалари

Режа:

1. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги хусусиятлари.
2. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиш йўлининг фалсафий-методологик муаммолари.
3. Ўзбекистоннинг истиқболи ва ўзига хос тадрижий тараққиёт йўли.
4. Мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишнинг аҳамияти.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш имконини қўлга киритди. Инсоният тараққиётининг бугунги ҳолати замонавий цивилизациянинг асосий тамойиллари билан узвий боғлиқ. Республикаимизнинг умуминсоний цивилизация билан уйғунлашуви ҳам кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ. Ҳозирги пайтда инсоният ўз ривожининг янги босқичига кўтарилди. У ўзида моддий ишлаб чиқариш ютуқларини, инсоният томонидан орттирилган тажрибаларни, жаҳон миқёсида пайдо бўлган муаммоларни оқилона ҳал этиш йўллари ва усулларини мужассамлаштиради.

Жаҳон цивилизацияси деганда Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, минтақавий ва ҳудудий цивилизацияларнинг яхлит, бир бутун ижтимоий тизими бўлган умуминсоният, сайёрамиздаги жамият тушунилади. Бу тушунча, умумий маънода, заминимизда яшаган барча одамларнинг умумий макони бўлган Ер юзидаги ҳаёт, тарихнинг ҳамма даврларида мавжуд бўлган давлат, жамият, халқ ва миллатларнинг умргузаронлик қилиши билан боғлиқ жараёнлар мажмуасини ўзида акс эттиради.

Бугунги таҳликали дунёда инсониятнинг эсон-омон яшаб қолиши ва келажақда бахтиёр бўлиши жаҳон цивилизациясининг асосий мақсади ва йўналишига айланиб қолди. Республикаимизда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар бутун дунё ҳамжамияти фаолияти билан ҳамоҳанг кечмоқда. Зеро, жаҳон цивилизацияси халқлар ва миллатлар, давлатлар ва турли ҳудудий цивилизацияларнинг умумий тизимидир.

Айримлик, ўзига хослик ва умумийлик ўртасидаги муносабатни теран англаш ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини фалсафий идрок этишга имкон беради.

Ер юзидаги ҳар бир мамлакат жаҳон цивилизацияси деб аталадиган яхлит тизимнинг турли таркиблари бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги бу цивилизациянинг такомиллашуви, барқарор яшашига имкон беради.

Тўғри, бу тизим таркибида Америка, Россия, Хитой, Япония каби салмоқли таркиблар ҳам бор. Улар кўп жиҳатдан жаҳон тизими тараққиётига таъсир кўрсатади, муайян жараёнларнинг йўналишларини белгилайди. Аммо бу тизимда ҳар бир давлатнинг, кичкина Ватикан ёки Лихтенштейндан тортиб Германиягача, Андорра ёки Монакодан токи Франциягача ўз ўрни, ўзига хос таъсир кучи ва доираси бор. Шу маънода, уларнинг ҳар бири, ҳудудининг катта-кичиклиги, аҳолисининг сони қанчалигидан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тенг овозга эга. Демак, таркиблар тизимда муайян тарзда амал қилгани сингари ҳар бир мамлакат жаҳон цивилизациясига тенг ҳуқуқли аъзо ва муҳим элемент сифатида кириб боради.

Жаҳон ҳамжамияти ўзида умумийликни, ҳар бир мустақил мамлакат эса айримлик ва ўзига хосликни ифодалайди. Бу ҳолда Осиё ёки Марказий Осиё мамлакатлари хусусийликни акс эттирса, Ўзбекистон алоҳидаликни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганига кўп бўлмаганига қарамай, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга. Унинг Марказий Осиёдаги мавқеи эса бу минтақанинг асосий тараққиёт йўналишларини кўп жиҳатдан белгилайди.

Ҳар бир халқ, миллат ўзининг бетакрор, ноёб хусусиятларини сақлаган ҳолда мустақил ривожланади ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб боради. Бундай қўшилиш кўпқиррали, ранг-баранг бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий, давлатлараро муносабатларни камраб олади.

Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш табиий-қонуниятли жараён бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ҳар томонлама тараққий этиши, ер юзида умумий хавфсизлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга, табиий ресурслар, илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишга, экологик мувозанатни таъминлашга имкон беради. Мустақил тараққиёт йўлига ўтган халқларнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, умуминсоний кадриятларнинг устуворлигини эътироф этиш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, демократия тамойилларига амал қилишда яққол намоён бўлади.

Жаҳон цивилизациясига қўшилиш натажасида нафақат иқтисодий соҳада, балки халқлар маънавияти, сиёсати ва дунёқарашида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар рўй беради. Бундай жараёнга тушган халқлар ўртасида бир-бирига ишонч, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ҳамда содир бўладиган зиддият ва ихтилофларни ўзаро келишув, консенсус асосида ҳал қилишга интилиш вужудга келади. Бир-бирининг маданий ютуқлари, кадриятларидан, тажрибаларидан баҳраманд

бўлиш хоҳиш-истаги шаклланади. Халқларнинг бир-бири билан жипслашиш тенденцияси яхлит, бир бутун цивилизацияни, инсониятни эъозлаш каби сайёравий онгни шакллантиради. Яъни миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлиги жаҳон цивилизациясида яққол намоён бўлади ва дунё ҳамжамиятининг ҳаракат дастурига айланади.

Ўзбекистон ва жаҳон. Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилишининг фалсафий-методологик муаммоларини ўрганиш нихоятда муҳим. Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик миллий давлатчилиги, маданияти, илм-фани, санъати, ўзига хос ва бетакрор ҳаёт фалсафаси билан жаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшди. Ўзбек халқи жаҳонга фан, санъат, фалсафа, тиббиёт, сиёсат, ҳуқуқ, тарих соҳаларида ўлмас асарлар яратган, буюк алломаларни берган. Бироқ мустамлакачилик йилларида рўй берган куйидаги жараёнлар халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшилиши учун имкон бермаган:

- ўз миллий давлатчилигига эга бўлмаганлиги;
- миллий маданиятнинг табиий ривожланиш имконияти чекланганлиги;
- мустабид тузум мафқурасининг тазйиқи остида дунёдан узиб қўйилганлиги;
- тарихи, она тили, маънавий меросидан бегоналашиш аломатлари пайдо бўлганлиги;
- миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларининг йўқолиб борганлиги, уларни асраб-авайлаш имкониятининг камлиги ва бошқалар.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини эркин танлаш, миллий давлатчилик асосларини яратиш ва жаҳон цивилизациясига қўшилиш имконига эга бўлди. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок жаҳон цивилизациясига қўшилиш йўлини танлади.

Жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиш мустақил ривожланиш йўлига кирган давлатнинг дунё ҳамжамиятида ўзига хос ривожланишини таъминлайди. Бинобарин, ҳар бир халқ мустақил бўлганидан кейин ўзининг иқтисодиёти, маданияти, миллий давлатчилик сиёсатини амалга оширади. У ўз имкониятларига таяниб, жаҳон ҳамжамиятига кириб борар экан, бу жараён миллий фалсафада ҳам ўз ифодасини топади.

Мустақиллик миллий фалсафанинг негизи, унинг умумжаҳон фалсафий жараёни билан қўшилиши ва уйғунлашувининг энг асосий шартидир. Мустақилликка эришмаган халқ миллийлигини, ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари, руҳияти ва дунёқрашини ўз фалсафасида тўла-тўқис акс эттира олмайди.

Мустақил бўлмаган халқнинг фалсафасида мустамлакачиларнинг ғоялари доимо устувор бўлади. Фақат мустақилликка ижтимоий онгнинг ҳамма соҳаларида, дунёқарашнинг барча жабҳаларида миллийликнинг тўла-тўқис намоён бўлиши учун замин яратади.

Тарихнинг сабоқ беришича, ҳеч қандай давлат бошқа бир давлатга, бошқа бир халққа ўз манфаатларини кўзламасдан бегараз ёрдам кўрсатмайди. Жаҳон цивилизациясига қўшилиш ҳар бир мустақил ривожланаётган давлатнинг тараққиётида ўз кучи ва имкониятларига, илғор анъаналарига, қадриятларига, миллий давлатчилик тажрибаларига, интеллектуал салоҳиятига, табиий бойликларига таянишини инкор этмайди, балки уларнинг кенг ривожланишини такозо этади.

Эркинлик, мустақиллик ҳамиша заруратни, масъулиятни англашни такозо этади: эркинлик ва мустақиллик жамиятнинг ҳар бир аъзоси олдига «Биз ким эдик? «Ҳозир қандай аҳволдамыз?» ва «Қандай бўлишимиз керак»? деган саволларга виждонан жавоб беришни талаб этади. Мустақиллик йилларида фаровон ва бахтли ҳаётни бизга кимдир яратиб бермаслигини, балки ўз ақлимиз, кучимиз билан яратишимиз лозимлигини англашни такозо этадиган дунёқараш шаклланиши бу саволларга жавоблар изланилаётганлигидан, уларни ҳал қилиш чоралари кўрилаётганидан далолат беради. Бошқа мамлакатлардан, яхлит ва бир бутун жаҳон тизимидан ажралиб қолган ҳолда бу борада ҳам тараққиётга эришиб бўлмайди.

Тараққиётга цивилизацияли ёндашув ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон ва жаҳон тарихини ўрганишга бундай қараш ҳозирги замон фалсафасида муҳим йўналишлардан бири сифатида қарор топмоқда. У тарихий ҳақиқатни холисона баҳолашга, миллий хусусиятларнинг ўзига хослигини англашга, инсониятнинг илғор ривожланиш тажрибаларини билишга ва улардан ижодий фойдаланишга имкон беради. Жаҳон тарихига цивилизацияли ёндашув инсоният тараққиёти зўрликсиз ва инқилобий сакрашларсиз ўзига хос тадрижий йўлдан илгарилаб борганида жамият катта фойда кўриши, одамзод бошига турли ижтимоий офатлар тушмасдан ривожланиши мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг дунё цивилизациясига қўшилишининг асосий йўналишлари, мамлакатимиз истиқлоли ва ўзига хос тадрижий тараққиёт йўлининг назарияси ва амалиёти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий йўналишлари», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда» каби асарлари, нутқ ва мақолаларида кенг ёритилган. Бу концепциянинг моҳияти нимадан иборат?

Ўзбекистоннинг миллий жиҳатдан мустақил бўлиши объектив зарурий жараён, аждодларимизнинг азалий орзуси, ўзбек халқининг буюк тарихий ютуғидир. Бунда қуйидагилар алоҳида эътиборга молик:

- Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши;
- миллий мустақиллик рамзлари бўлган давлат байроғи, давлат мадҳияси, давлат гербининг қабул қилиниши;
- миллий давлатчилик демократик тизимининг шаклланганлиги;
- халқимиз табиат ато этган барча бойликларга эгалик ҳуқуқини ўз қўлига олганлиги;
- миллий армия ва хавфсизлик тизими яратилганлиги;
- миллий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини тубдан ислоҳ этишнинг асосий тамойиллари Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Бу жараённинг умуминсоний жиҳатлари ва жаҳон цивилизациясига хос томонларининг амалга ошириши муайян муддатни талаб қилади. Бу муддатда амалга ошириладиган барча ишлар ўтиш даври заруратидан келиб чиқади.

Мустақил тузум даврида жаҳон цивилизациясидан ажратиб қўйилган Ўзбекистон бу борада иккита узвий йўналишда фаолият юритишга мажбур бўлмоқда. Биринчидан, мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий кадриятларни тиклаш ва асраб-авайлаш асосида ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бориш. Иккинчидан эса, бу жараёнда умуминсоний кадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг фойдаланиш, демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширмоқда.

Бир қарашда икки хил йўлга ўхшаб кўринган бу тараққиёт усули, аслида умумий жараённинг узвий боғлиқ икки жиҳати, бир-бирини тақозо этадиган томонларнинг диалектикасидир. Ўзбекистоннинг И.А. Каримов томонидан асослаб берилган ўзига хос тараққиёт йўли қуйидаги тамойилларни назарда тутди:

- 1) иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;
- 2) давлатнинг бош ислохотчи эканлиги;
- 3) қонун устуворлиги;
- 4) кучли ижтимоий сиёсат;
- 5) бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиёт йўли айрим давлатларнинг бозор муносабатларига «шок терапия»си усули билан ўтиш тажрибасидан кескин фарқланади. Ўзбекистоннинг мустақилликдан қутулган дастлабки даврдаги ўзига хос иқтисодий аҳволи, собиқ Иттифоқ даврида ўлканинг хом-ашё етказиб беришга ихтисослашиши каби оғир мерос билан бирга халқнинг минг йиллик тажрибаси, ундан келиб чиқадиган ҳулосалар бозор муносабатларига тадрижий равишда босқичма-босқич ўтишни тақозо этди.

Иқтисодий ислохотлар ва цивилизациялашган бозор. Узоқ йиллар давомида шаклланган иқтисодий структурада туб ўзгаришларни зудлик билан қисқа вақт ичида амалга оширишнинг салбий оқибатлари олдини олишга ва пухта ўйланган стратегик режаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Ислохотларнинг амалга оширилиши миллий манфаатлар учун хизмат қилиши зарурлиги, одамлар ислохотлар учун эмас, балки ислохотлар одамлар учун хизмат қилиши зарурлиги эътиборга олинди.

Ислохотлар амалга оширилгунга қадар республика аҳолисининг аксарият қисми иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда бўлиб, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши жараёнида аҳолининг икки тоифага ажралоши, ҳаддан ташқари бойиб ва қашшоқлашиб кетиши муқаррар равишда турли норозиликлар ва ижтимоий ларзаларни келтириб чиқариши мумкин эди. Ана шуларни ҳисобга олиб, И.А. Каримов бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли сиёсат ғоясини илгари сурди.

Бозор муносабатларини амалга ошириш бир неча босқичдан иборат қилиб белгиланди. Ҳар бир босқичда маълум иқтисодий тадбирлар амалга оширилди. Булар қуйидагилардир:

- мулкни хусусийлаштириш;
- мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши;
- мулкнинг хилма-хил шакллари ва вужудга келтириш;
- аграр ислохотларни амалга ошириш;
- миллий валютани муомалага киритиш;
- янги иқтисодий инфраструктуранинг яратилиши;

- ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналарнинг барпо этилиши;
- инновация сиёсатини амалга ошириш;
- хорижий инвестиция, техника ва технологияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш ва бошқалар.

Хуллас, бозор муносабатларига ўтишнинг маданий цивилизацияли характерга эга эканлиги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим хусусиятидир. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларини шакллантиришда республикамизнинг бугунги ҳолати, имкониятларидан келиб чиқиб, ислохотларнинг мақсади халқ ва давлат муносабатлари томон йўналтирилди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига киришига имкон берадиган қулай шарт-шароитлари қуйидагилардир:

- мамлакатнинг ниҳоятда кўп бойликларга эга эканлиги;
- саноат учун зарур бўлган хом ашё захираларининг кўплиги;
- ишчи кучларининг мўллиги;
- Ўзбекистоннинг табиий — жўғрофий қулай ўрни;
- мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик;

Ана шу имкониятларнинг рўёбга чиқиши Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасида жаҳон цивилизациясига қўшилиб бориши учун кенг истикболлар яратади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар негизида кишиларнинг меҳнатга, мулкка, меҳнат маҳсулига бўлган муносабатини ўзгартириш ғояси ётади. Узоқ йиллар давомида меҳнатга бўлган қарашларда бирёкламалик ҳукм суриб келди. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ижтимоий мулкчилик — кишилар меҳнат фаоллигининг асоси барча ижтимоий иллатларнинг бош сабабчиси — хусусий мулкчилик деган нотўғри қараш ўзини оқламади. Шахсий манфаатдорликни инкор этиш, жамоа, жамият учунгина фаол меҳнат қилиш, иқтисодиётни мафқуравий мақсадларга бўйсундириш; меҳнат рақобати ўрнига сохта мусобақани жорий этиш инсоннинг меҳнатдан, ўз-ўзидан ва жамиятдан бегоналашуви, боқимандалик кайфиятининг шаклланишига олиб келди. Бу эса жамият инқирозини тезлаштирди.

Ўзбекистон шароитида бозор муносабатларини шакллантиришда меҳнатга, мулкка ва инсоннинг ўз-ўзига бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришнинг назарий-фалсафий асосларини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди ва бу И.А. Каримов асарларида ўз ифодасини топди. Меҳнат ва меҳнатга муносабат соҳасида қатор янгиликлар жорий этилди. Меҳнатга муносабатда хусусий мулкнинг ўрни, мулкдорнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти янгича тушунила бошланди. Давлат ва жамиятнинг куч-қудрати фуқароларнинг тадбиркорлиги, бойлиги, ишбилармонлигига боғлиқ экани англаб олинди.

Цивилизацияли ривожланиш ва мулккий плюрализм. Бозор муносабатлари шароитида маҳсулот сифати ва самарадорлигини яхшилашнинг муҳим қонуниятларидан бири рақобатли муҳитни яратиш, кишиларда ҳўжайинлик ҳиссини шакллантириш, меҳнат маҳсулига эғалик қилиш, шахсий манфаатдорлик ва уни давлат манфаатлари билан боғлаш муҳим тамойил сифатида жорий этила бошланди. Меҳнатни ташкил этиш жараёнида кишиларнинг касбий маҳорати, билими, тажрибаси, кўникма ва малакаси, меҳнат маданияти, меҳнатни ташкил этишга ижодий ёндашиш кишиларнинг меҳнат ва мулкка бўлган муносабатини кўрсатувчи мезонга айланди.

Мулк нима? Ҳар бир инсон ўзининг онгли фаолиятида мулкка эга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу мулк инсоннинг ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятида яратилган ва унинг барқарор яшаши учун қафолат берадиган моддий ва интеллектуал бойлиқдир.

Мулк авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши ҳам мумкин. Мулк мулкдорнинг тасарруфида бўлган барча тирикчилик ва ишлаб чиқариш воситаларидир. Мулкнинг шахсий, хусусий, жамоа, давлат мулки сингари шакллари мавжуд. Мулк эгаси ўз тасарруфидаги мулкни авайлаб-асрайди, тежайди, ундан оқилона фойдаланади ва муттасил равишда кўпайтиришга ҳаракат қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат хусусий мулкни қўллаб-қувватлайди, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантиради, хусусий мулк дахлсизлигини ҳуқуқий қафолатлайди, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар беришни йўлга қўяди. Бу эса уларнинг мулкдор бўлиши, ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши учун кенг имконият яратади.

Мустақиллик шароитида ақлий меҳнат маҳсули бўлган фан, санъат асарлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, таълим-тарбиянинг янги концепцияларини яратиш интеллектуал мулк ҳисобланади. Интеллектуал мулк эгаси ўз меҳнати маҳсулини ўз хоҳишича тасарруф этади. Бундай мулкнинг кадр-киммати, баҳоси, сифати, жамиятда тутган ўрни рақобатли муҳитда яққол намоён бўлади. Интеллектуал мулкнинг талабгори, буюртмачиси давлат ва жамиятдир.

Меҳнат жараёнида яратиладиган ҳар қандай маҳсулот ўз қийматига эга бўлади. Қиймат маҳсулотда ўз ифодасини топадиган ходимнинг ақлий ва жисмоний кучи, қобилияти, билими, сарфлаган вақти, хом ашё, ёқилғи, энергия, йўл харажатлари учун маблағи ва ҳоказолардир. Мулкдор маҳсулот ишлаб чиқаришга камроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга интилади. Фойда бозор муносабатлари шароитида амал қиладиган муҳим қонуниятлардан биридир. Хусусий мулкнинг ривожланишида фойда ҳал қилувчи ўрин тутади. Ҳозирги пайтда меҳнат, мулк, фойда тушунчаларини фалсафий-иқтисодий жиҳатдан теран идрок этиш, ёшлар дунёкарашида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш уларнинг жаҳон цивилизацияси андозаси талаблари даражасида фикр юритиши ва фаолият кўрсатиши учун замин яратади.

Ўзбекистондаги демократик жараёнлар жаҳон цивилизацияси билан уйғунлашишнинг яна бир имкониятидир. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб боришида демократик жараёнларни ва ривожланган давлатларнинг сиёсий тажрибаларини ижодий ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон қонунчилигини халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқлаштириш, нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларига бўлиш, мамлакат Президентини муқобиллик асосида сайлаш, фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш, демократик кадриятларни ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришидаги тажрибаларини фалсафий идрок этиш ва умумлаштириш айниқса муҳимдир. Президент И.А. Каримовнинг қатор асарларида юксак маънавият жамият тараққиётида муҳим омил эканлиги тўғрисидаги ғоя янгича фалсафий тафаккурнинг методологик асоси, жаҳон тараққиёти тажрибаларига таянишнинг ёрқин намунасидаир. Миллий ғоя ва миллий мафкура ўзида мамлакатимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшилиш назарияси, йўлларини яққол акс эттиради.

Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиш тажрибаси, унинг миллий ғояси ва мафкураси ривожланаётган мамлакатлар учун оламшумул аҳамият касб этади. Ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим хусусиятларини ва Ўзбекистоннинг цивилизацияли тараққиёт йўлидан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб боришини, миллий ғоя ва мафкурани фалсафий идрок этиш талабаларда ватан туйғуси, маърифатпарварлик, миллий ғурур, бурч, масулият ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради.

Таянч тушунчалар

Цивилизация, жаҳон цивилизацияси, жаҳон ҳамжамияти, цивилизацияли ривожланиш, иқтисодий ривожланиш, мулк, меҳнат, меҳнатга муносабат.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жаҳон цивилизациясининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
2. Тараққиётнинг ўзбек модели концепциясини қандай тушунаси?
3. Жаҳон цивилизациясига киришда иқтисодий соҳадаги ўзгаришларнинг аҳамияти қандай?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., 1999.
5. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам ирдасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил 8 июн.
6. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

ХУЛОСА

Хурматли талабалар!

Сиз фалсафа бўйича асосий мавзулар билан танишдингиз. Ушбу маъруза матнларини тайёрлаган мутахассислар ўз диққат-эътиборларини сиз ўрганган мавзуларнинг илмий жиҳатига эмас, балки кўпроқ масалаларнинг тушунарли бўлиши, содда ва раvon тилда баён этилишига қаратдилар.

Маъруза матнларида мамлакатимизда амалга ошаётган туб ўзгаришлар, ислохотлар ва маънавий соҳадаги янгиланиш жараёнлари ўз ифодасини топган. Уларда истиқлол йилларида одамлар онги ва тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар, жумладан фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш жараёнларини акс эттиришга ҳаракат қилинди. Ана шу жиҳатдан олганда муаллифлар ўз олдиларига собиқ иттифоқ мафкурасидан қолган фалсафа соҳасидаги асоратлардан қутулиш, анъанавий мавзуларни ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан тавсифлаш, тўпلامга киритилган янги мавзуларни эса истиқлол талаблари асосида ёритишга эътибор бердилар.

Сиз фалсафани ўрганиш жараёнида яна бир ёшга улғайдингиз. Ушбу китобнинг «Сўз боши»сида фалсафани ўрганиш билан боғлиқ бўлган жараён тўғрисида фикр юритган ва уни турлича ўзлаштириш мумкинлигини қуйидагича кўрсатишга ҳаракат қилган эдик: Мутахассис бўлмаган баъзи кишилар фалсафани энг қийин ва энг мавҳум фан деб ҳисоблайдилар... Фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз қисмигина бу фаннинг асл моҳиятини тушуниб олади, холос. Аксарият ёшлар эса, фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гўёки катта шаҳар бошланадиган жойда қолади, шу тариқа фалсафанинг моҳиятини дурустроқ тушунмай, диплом олади ҳамда амалиётга кетади. Бундайлар назарида фалсафа тушунарсиз, мавҳум ва ортиқча фан бўлиб қолади, фақат баҳо олиш учун ёдланган қонун ва қоидалар тез орада унутилади. Уларда фалсафа қонунларини ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди, бу — фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтди, деган аламли қараш шаклланиб қолади.

Хўш сизчи? Сиз фалсафа тўғрисида қандай фикрга келдингиз? Бу фанни ўқитилиши жараёнида нималарни ўргандингиз? Улар келажакда сизга қандай ёрдам бериши, асқотиши мумкин? Биз ана шундай саволлар билан ушбу китобни тугалламоқдамиз. Агар сизнинг бу саволларга жавобларингиз ижобий бўлса муаллифлар гуруҳи ўз вазифасини бажарган бўлиб ҳисобланади. Китоб тўғрисидаги охириги хулосани сиз чиқарасиз, унинг устида ишлаш ва тўпلامни ўқув қўлланмаси даражасига етказиш эса навбатдаги вазифа бўлиб ҳисобланади.